

А. НУРМОНОВ, С. ХОЛТЎРАЕВ,
Д. АБДУЛЛАЕВА

ЎЗБЕК ТИЛИ

8



**КЫРГЫЗ РЕСПУБЛИКАСЫНЫН
МАМЛЕКЕТТИК ГЕРБИ**



**КЫРГЫЗ РЕСПУБЛИКАСЫНЫН
МАМЛЕКЕТТИК ТУУСУ**



КЫРГЫЗ РЕСПУБЛИКАСЫНЫН МАМЛЕКЕТТИК ГИМНИ

Текстин авторлору:
Ж. Саяков менен Ш. Кулуев.

Музыкасынын авторлору:
Н. Давлесов, К. Момолбасанов.

Ак мөңгүлүү аска-тоолор, талаалар,
Элибиздин жаны менен барабар.
Сансыз кылым Ала-Тоосун мекендеп,
Сактап келди биздин ата-бабалар.

Кайырма: Алгалай бер, кыргыз эл,
Азаттыктын жолунда.
Өркүндөй бер, өсө бер,
Өз тагдырың колунда.

Байыртадан бүткөн мүнөз элиме,
Досторуна даяр дилин берүүгө.
Бул ынтымак эл бирдигин ширетип,
Бейкуттукту берет кыргыз жерине.

Кайырма.

Аткарылып элдин үмүт-тилеги,
Желбиреди эркиндиктин желеги.
Бизге жеткен ата салтын, мурасын,
Ныйык сактап урпактарга берели.

Кайырма.



А. Нурмонов, С. Холтўраев, Д. Абдуллаева

ЎЗБЕК ТИЛИ

Умумтаълим мактабларининг
8-синфи учун дарслик

*Қирғизистон Республикасининг
Таълим ва фан вазирлиги тасдиқлаган*

Бишкек - 2012

УДК 373.167.1
ББК 81.2 Уз.я 721
Н 90

Масъул муҳаррир: ф.ф.н., доц. *С. Мирзақулов*

Нурмонов А., ва.бош.

Н-90 Ўзбек тили: Умумтаълим мактабларининг 8-синфи учун дарслик / А. Нурмонов, С. Холтўраев, Д.Абдуллаева. - Б.: 2012 - 228 б.

ISBN 978-9967-439-91-7

Қўлингиздаги ушбу дарслик Қирғизистондаги ўзбек мактаблари учун “Дарсликлар яратиш маркази” томонидан тайёрланди. Дарслик ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни “Марказ” маъмуриятига ёзма равишда билдиришингизни илтимос қиламиз.

Бизнинг манзил: Ўш шаҳри, Г. Айтиев кўчаси, 25-уй.

Н 4306020200-12

УДК 373.167.1
ББК 81.2 Уз.я721

ISBN 978-9967-439-91-7

- © А. Нурмонов, С. Холтўраев, Д. Абдуллаева, 2012.
- © Дарсликлар яратиш маркази, 2012.
- © Қирғизистон Республикасининг Таълим ва фан вазирлиги, 2012.

ЎЗБЕК ТИЛИ ДАРСИНING МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Сиз 5-7-синфларда ўзбек тили фанининг фонетика, лексикология бўлимларини ҳамда грамматика бўлимининг морфология қисмини ўргандингиз. Нутқ товушлари ва сўз туркумларини билиб олдингиз. 8-синфда эса сўз бирикмалари ва гапнинг қурилишини, яъни грамматиканинг иккинчи қисми – синтаксисни ўрганасиз.

Синтаксис юнонча сўз бўлиб, тилдаги гап қурилиши, гапдаги сўзларнинг ўзаро боғланишини ўрганади.

Синтаксисни мукамал ўқисангиз, жумла тузишда, тиниш белгиларини ишлатишда хатога йўл қўймайсиз. Гапда тиниш белгиларининг ишлатилиши, асосан, синтаксисда ўрганилади.

Синтаксисни яхши ўргансангиз, нутқ маданиятингиз юксалади. Ўзбек тилининг бой имкониятларидан тўлароқ фойдаланасиз. Мураккаб фикрларни ҳам мураккаб жумлалар воситасида раво баён қила оласиз.

Ўзбек тили Ўзбекистонда давлат тили ҳисобланади. Қирғизистонда эса давлат тили – қирғиз тили бўлиб, қонун бўйича ўзбек халқига ўз она тилида ўқиш, ижод қилиш, тилни ривожлантириш имкониятлари яратилган.

Қирғизистонда яшовчи барча фуқаролар давлат тилини ўрганишлари зарур. Ўзбеклар учун қирғиз тилини ўрганиш ҳеч бир қийинчилик туғдирмайди. Чунки ўтмишда ўзбек-қирғиз халқлари яқин биродарлар бўлиб, бир тилда – туркий тилда сўзлашганлар. Луғат фонди, яъни сўз бойликлари бир бўлган, гап қурилишларида кескин фарқ бўлмаган. Ҳозир ҳам бир-бирларини бемалол тушунадилар. Ўз она тилини, луғат бойлигини, гап қурилишларини яхши ўзлаштирган ўқувчи қирғиз тилини ҳам қийналмай яхши билиб олади.

1-машқ. Қуйидаги саволларга ёзма жавоб беринг.

1. 7-синфда тилшуносликнинг қайси бўлимларини ўргандингиз? 2. Ҳар бир сўз туркумига оид сўзларга икки-учтадан мисол келтиринг. 3. Мустақил ва ёрдамчи сўзларнинг фарқи нимада? 4. Ундов ва тақлид сўзларга мисоллар келтириб, уларнинг ўзига хос хусусиятларини айтинг. 5. *Хайрият, афсуски, менимча, шундай қилиб, демак* каби сўзларга изоҳ беринг. 6. *Тўғри, албатта, шубҳасиз* каби сўзлар иштирокида иккитадан гап тузинг. Бирида бу сўзлар гап бўлаги бўлиб келсин, бошқасида кириш сўз бўлсин. 7. Давлат тили деганда нимани тушунаси?

2-машқ. Мақолларни ўқинг ва мазмунини изоҳлаи. Тил ва уни асраб-авайлаш хусусидаги мақолларни дафтарингизга кўчиринг.

1. Тўғри сўз қиличдан ўткир. 2. Тилга эҳтиётсиз – элга эътиборсиз. 3. Сўз кўп жойда маъно кам бўлади. 4. Инсонни инсон қиладиган ҳам, яксон қиладиган ҳам унинг сўзи. 5. Севдирган ҳам тил, бездирган ҳам тил.

ЎҚУВ ЙИЛИ БОШИДА ТАКРОРЛАШ

1-§. СЎЗ ТУРКУМЛАРИ

3-машқ. Шоир Усмои Темурнинг куйида берилган “Ватан” шеърини инфодали ўқинг. Ундаги сўзларни отлар, сифатлар... тарзида сўз туркумларига ажратиб ёзинг.

Юртимда бўлмадим бир ойдан кўпроқ,
Беруний кашф этган қитъада кездим.
Белимда турса ҳам бир сиқим тупроқ,
Еримга ҳар кун соғиниш сездим.
Олти кун ўтмасдан ўзгарди тушим,
Ўйчан бўлиб қолди шом-саҳарларим.
Кўз олдимга келди жонажон Ўшим,
Кўз ўнгимдан ўтди ҳамшаҳарларим.
Йўлларда иссиқдан ўртанганда жон,
Кейин бошланганда япроқлар куйи,

Кўз ўнгимдан ўтди Қашқа-ю Сурхон,
 Жаннатга бергусиз Фарғонам рўйи.
 Кейин гул кўтарган қўлларни кўриб,
 Дуч келиб қолганда мўйсафид чолга,
 Неча кунки, отамнинг қабрига бориб,
 Суҳбат қурмаганим тушди хаёлга!..
 Негадир мен камроқ ўйлаб шеъримни,
 Ўзни овутганча тез учай, дедим.
 Юртимга етган он ўпиб еримни,
 Юртдошларим, сизни бир қучай, дедим.
 Турибди олдимда она юртга йўл,
 Шу йўл ҳудудида мен ўсган ватан.
 Билганим шу бўлди: бола-чақа, эл,
 Юрти бор одамлар соғинар экан!

4-машқ. Кўчиринг. От, сифат ва олмош сўз туркумига оид сўзларни аниқланг. Атоқли отларни топиб, тагига чизинг ва ёзилишига диққат қилинг.

1. Чиройли гулларнинг хуш ҳидлари димоқни қитиқлайди.
 2. Шерзоднинг назарида Раис буваннинг ранги хиёл ўчгандек бўлди. (Ў.Ҳ.) 3. Мўмин набирасини кўчма дўкон олдида кўргандаёқ унинг нимадандир хафа эканлигини дарҳол фаҳмлади. (Ч.А.) 4. Аллақандай бир студентнинг гапга қўшилиши унинг ғашини келтирди. (Ў.Ҳ.) 5. Сенинг шу оғир дардингни Худо сендан олиб менга берсин! (П.Қ.) 6. Ҳар йили сомоншувоқ қилинавериб қалин тортиб кетган томлар устида қип-қизил лолақизғалдоқлар, мунис чучмомалар очилар, қишлоқ этаги ёйилиб оқаётган Қонқуснинг олисдан жигарранг илондек тўлғанаётгани кўзга ташланарди. (Ў.Ҳ.)

5-машқ. Нуқталар ўрнига келишик қўшимчаларидан мосини кўйиб мақолларни кўчиринг. Олтинчи, еттинчи ва саккизинчи мақолларнинг маъносини изоҳлаб бериңг.

1. Дўст бош... кулфат тушганда синалади. 2. Ер... айрилсанг ҳам, эл... айрилма. 3. Ақл... ортиқ бойлик йўқ.
 4. Дарё суви... баҳор тоширар, одам қадри... меҳнат оширар.

5. Бир йигит... етмиш ҳунар оз. 6. Бевафо дўст... таёқ яхши, бебаҳра гул... япроқ. 7. Билим – куч..., куч – билим... 8. Айтар сўз... айт, айтмас сўз... қайт.

6-машқ. Қуйидаги шахс оти ва буюм-нарсаси оти ясовчи қўшимчалар ёрдамида сўзлар ясанг. Ясаган сўзларингиздан тўрттаси иштирокида тўртта гап тузинг.

-чи: навбатчи,, ...; -каш: аравакаш,, ...;
-дош: суҳбатдош,, ...; -шунос: тилшунос,, ...;
-кор: пахтакор,, ...; -гич: (-қич, -ғич): қирғич, ...

7-машқ. Матнни ўқинг. Сифатларни ўзи боғланиб келган от билан бирга кўчириб ёзинг.

“Зириллама” гузаридан сал нари ўтиб чап тарафга кўча кетади. Қалин толлар соя ташлаган, четида тинимсиз жилдираб сув оқадиган бу кўча, айниқса, саратон кезлари жуда жимжит бўлади. Гувала деворлар орқасида беркинган чанг босган беҳи ғўралари, теракка чирмашган аймоқи узумлар бу кўчага ҳусн бағишлайди.

Яктагининг барига тўрт-бешта ҳандалак солиб олган эллик ёшлар чамасидаги бир киши шошилмай боради. Қорага бўялган кўн этиги тупроққа зарб билан тушганидан чанг кўтарилади, қўнжиларига қўнади.

Кўча бетларидаги катта-кичик эшиклар олди жуда файзли. Йўлак олдиларида супачалар, Ариқ бўйида райҳонлар. Тол пинжиги суқилган супада бир мўйсафид қийиғи билан чойнакни ўраб ўй ўйлаб ўтирибди. Унинг ҳассаси тиззасига кўндаланг қўйилган. Олдига ёзилган дастурхонда иккита кулча, бир ликонда майдалаб учирилган оқ қанд, кўзачаларда ошрайҳон шоҳлари. (С. А.)

8-машқ. Ўқинг. Сифатларни топиб гапдаги вазифасини айтиб беринг.

ЎЎРИҚХОНА

Оламда кўп нарса камёб бир қадар,
Не-не туйғулар ҳам камёбдир, алҳол.

Мен дердим: соф қалбни учратган сафар
Дарҳол ўраб олинг атрофин, дарҳол...

Виждонни асрангиз ҳар недан ортиқ,
Ягона заминни асрагансимон.
Боболардан қолган ноёб тортиқ бу
Токи авлодларга етолсин омон.

Эзгу, латиф ҳислар бўлмасин таҳқир,
Булбулни бойқушга топширманг зинҳор.
Худбин ва дилозор кимсанинг ахир
Оғзи қон йиртқичдан қандай фарқи бор... (А.О.)

9-машқ. Кузатишларингиз асосида “Кўчамизнинг кечки пайтдаги кўриниши” мавзусида қисқа ҳажмли эссе ёзинг.

10-машқ. Ўқинг. Аввал озайтирма сифатларни, кейин кучайтирма сифатларни ўзи боғланиб келган сўз билан бирга кўчириб ёзинг. Сифатларнинг ёзилишига диққат қилинг.

1. Ҳатто энг баланд тоғ ҳам қуёшни тўсолмас. (Ҳ.)
2. Сап-сарик бугдойларнинг олтин бошоқлари силкинар эди. (М. И.)
3. Кўкимтир қора осмонда беҳисоб юлдузлар чақнаб турарди. (А.Қ.)
4. Энг яхши фазилатлардан бири бировга баланд овоз чиқармасликдир. (Ҳ.)
5. Фуломжоннинг оппоқ юзи иссиқдан қизарган эди. (М. И.)
6. Темирчи – ориққина, юзини ажин босган, соқоллари сийрак, манглайи кенг киши. (О.)
7. Баҳорда шафтоли гуллари кўм-кўк майсалар устига тўкилиб қолади. (М. И.)
8. Қаёққа назар ташлама – қуп-қуруқ, жонсиз биёбон, яйдоқ дала. (Ч.А.)
9. Сарғимтир, кўкиш барглар қопланган сувда эшкаклари ичига солинган эски қайиқ лопиллаб турибди. (Ҳ.Ғ.)
10. Ўрикзор тўнини ўзгартириб бошига олов ранг қип-қизил дурра боғлаган. (С.А.)

11-машқ. Кўчиринг. Ясама сифатларнинг тагига чизинг. Ясама сифатларнинг қайси қўшимчалар билан ясалганлигини айтиб беринг.

1. Маслаҳатсиз иш – ўринсиз ташвиш. (М.)
2. Шишадек тиниқ, беғубор осмонда ипақдек буралиб мезон учади.
3. Усти ялтироқ, ичи қалтироқ. (М.)
4. Фуломжон шарпа эшитган сезгир отдай бош қоқди. (М. И.)
5. Уйнинг устида

Бойсунтоғнинг мусаффо осмони осилиб турар, унинг орқа томонида тўлқинсимон сарғиш адирлар тоғ тарафига эмгаклаб кетган, адирлар ортида эса чағир тошли қирлар ва улар орқасида мол подаларига ўхшаб арчазор қоплаган тоғ кўринар эди. (Ш.Х.) 6. Икромжон жуда кучсиз товушда нимадир деб пичирлади. (С.А.) 7. Ўрозкул ўзини бутунлай бахтсиз ҳис қилди. Бутун борлиқ унга ноҳақ яратилгандай туюлди. (О.)

12-машқ. Матнини ўқинг. Гапларни кўчириб, сифатларни таҳлил қилинг.

ТАҲЛИЛ НАМУНАСИ

Сарғимтир чанг ... ҳар томонга елиб, аста-секин осмонга кўтарилди. (А. Қ.)

Сарғимтир – сифат, қандай? сўроғига жавоб бўлади, *чанг* сўзи билан боғланган (*сарғимтир чанг*), о зайтирма сифат, аниқловчи.

Бу ердан атрофидаги ҳамма нарса, ҳатто осмонўпар юксак қорли чўққилар ҳам кўриниб турарди. Улар ҳамма тоғларнинг ортида, ҳамма тоғлардан баланд, бутун ер узра юксакликка бўй чўзганди. Қорли чўққилар пойидаги ўрмонзор тоғлар, пастроқдаги сербарг бутазорлар, юқорида қалин қарағайзорлар билан бурканган тоғлар ҳам кўриниб турарди... Ям-яшил экинзорларнинг у ер – бу ери сарғиш тус олган, ўрим пайти яқинлашяпти. Даланинг аранг кўз илғаб оладиган узоқ чеккасида, қумлоқдай тасма тортган қирғоқ ортида улкан кўл тўқ самовий рангда товланарди. (Ч.А.)

13-машқ. Матнини ўқинг. Сонлар иштирок этган гапларни кўчириб ёзинг. Сонларнинг турини аниқланг.

ТИПРАТИКОНЛАР

Мазкур оиллага ўндан ортиқ тур киради. Бу турларнинг ҳаммасида ўттиз олтигача тиш бор, кўзлари яхши ривожланган. Бўйи йнгирма - ўттиз сантиметр, думи уч сантиметр, оғирлиги

етти юз-саккиз юз грамм. Танаси игналар билан қопланган, узунлиги уч сантиметр. Типрати-конлар ҳам бошқа сут эмизувчилар каби қишки уйқуга киради. Улар уч-олтита бола туғади. Бу ювош кўринган типратикон йирик заҳарли илонлар ва қорамолларга ҳам қаршилиқ кўрсата олади. Типратикон ҳатто илонларни тутиб ейиши мумкин. (*Энцик.*)

14-машқ. Мақолларни кўчиринг. Отлашган сифат, сифатдош ва отлашган сонларнинг гапдаги вазифасини белгиланг.

1. Яхши яхшига ёндаштирар, ёмон йўлдан адаштирар.
2. Билага зўр бирни йиқар, билими зўр мингни.
3. Яхшининг сўзи – қаймоқ, ёмоннинг сўзи – тўқмоқ.
4. Бирни биров берса, мингни меҳнат беради.
5. Яхшига ёндаш, ёмондан қоч.
6. Бирни кессанг, ўнни эк.
7. Мардни майдонда сина.
8. Қирқига чидаган қирқ бирига ҳам чидайд.

15-машқ. Ўқинг. Сонларни таҳлил қилинг.

ТАҲЛИЛ ҚИЛИБ ОЎҚИШ

Нақ унинг рўпарасида, нариги қирғоқда, учта буғу турарди. (*Ч. А.*)

Учта – сон, нечта? сўроғига жавоб бўлади, буғу сўзи билан боғланган (учта буғу), донга сон, аниқловчи.

1. Бу тун – йигирманчи октябрь, илиқ куз оқшоми эди, бироқ у менга ялдо кечаси каби бениҳоя туюлди. (*Ш.Х.*)
2. Ёши элик бешларда бўлса ҳам, юзига ҳали унча ажин тушмаган. (*П.Қ.*)
3. Учала ўлжа ҳам дабдала бўлган, беш-олтита баҳайбат, бўйни туксиз хачирлар уларни “ҳашар” қилмоқда эди.
4. Боғда ҳамон икки дугона қўлни-қўлга бериб юрибди. (*Ҳ.Ғ.*)
5. Ўқтам ўн икки яшар бола эди. (*О.*)
6. Чинорнинг бўйи 30-40 метрга етади, 2000 йилча яшайди. (*Журн.*)
7. Бешовлон бирдан хахолаб юбордик. (*А.Қ.*)
8. Муз қотган далаларга биринчи қор тушгану, ҳавода қарғалар тўп-тўп бўлиб қағиллаб парвоз қилиб юришибди.

(Ч.А.) 9. Тўртинчи куни қора хуфтонда бурнидан тортса йиқилгудек бир аҳволда сўлжайиб кириб келди... (Ш. Х.)

16-машқ. Қуйидаги мавзулардан ҳар бирига эпитаф топиб, аввал мавзунини, кейин эпитафни ёзинг.

Намуна: Устоз ота каби улуғдир.

*Ҳақ йўлида ким санга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳаққин юз ганж ила. (А.Н.)*

1. Она тилим – жону дилим. 2. Ватанни севмоқ иймондандир. 3. Жаннат оналар оёғи остидадир. 4. Соғлик – туман бойлик. 5. Одобинг – зеб-зийнатинг. 6. Дўст билан обод уйинг. 7. Ёшлар гиеҳвандликка қарши. 8. Табиатни асрайлик! 9. Қирғизистон – кўп миллатли давлат.

17-машқ. Матнни ўқинг. Феълларни топиб, қандай сўроққа жавоб бўлишини айтинг ва бўлишли-бўлишсизлик, нисбат, майл, замон, шахсон кўрсаткичларини аниқланг.

ДЎЛАНА

Таърифини эшитганди, ўқиганди. Эрта баҳорда атайин далага чиқиб, илдизи билан қўпориб уйга олиб келди. Зўр ҳафсала билан уни ҳовлига ўтқазди.

Апрель ойининг ўрталарига бориб унинг шохларида қобоқсимон куртақлар кўринди. Куртақлар салгина қобоқ очгандай бўлди: ҳовли соҳиби яйраб кетди, парваришни кучайтирди. Дўлана салгина қобоқ очди-ю, шу бўйича қолди, гўё ҳовлига назари тушиб, кўзини каттароқ очишни истамагандай...

Ҳовли соҳиби эринмади, парваришнинг турли усулларини қўллади: бировнинг маслаҳати билан сувга сероб қилди, бировнинг маслаҳати билан сувдан қуритди, бировнинг маслаҳати билан илдизи атрофига тош уйди. Турли-туман ўғитларни солиб кўрди...

Кўкариш-кўкармаслиги саратонда билинади, дейишди. Саратонни кутди. Саратон ўтиб, асад кирди. Йўқ бўлмади. Дўлана кўкармади.

Дўлана бошқа жойга кўнмайди. У фақат ўзи истаган жойда униб, ўша жойда яшайди. (Қ. М.)

18-машқ. Гапларни ўқинг, феълларни тоғиб, нисбатларини белгиланг ва уларни қуйидаги жадвалга ёзинг, нисбат ясовчи қўшимчалар тағига чизинг.

Нисбатлар	Мисоллар
Аниқ Ўзлик Мажхуллик Биргалик Орттирма	

1. Меҳмонхона яхши иситилган, катта столга дастурхон ёзилган, атрофига стуллар терилган эди. (Х.Ф.) 2. Учинчи куни кечқурун умумий мажлис чақирилди. (А.Қ.) 3. Турсунбой чопонга яхшилаб ўраниб, қўлларини қовуштириб ўтириб олди-да, гапга тушиб кетди... (С.А.) 4. Кечаси ёққан оппоқ қорнинг шуъласидан қамашган кўзларини ишқалади ва нигоҳи билан бобосини қидирди. (Қ.М.) 5. Кумуш бу гапга ажабланар, тўғриси, шодланар эди. (А.Қ.) 6. Яхши дўст орттисанг, эскисидан юзингни бурма. («Қ.») 7. Йўлчи ... эшик олдида тиз чўкди ва мақсадини тушунтирди. (О.) 8. Кумуш-биби қизаринди. (А. Қод.) 9. Паст-баланд чорпояларда қип-қизил, озода гиламлар устида одамлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб чой ичишади, чақчақлашади, иш юзасидан маслаҳат қилишади. (Х.Ф.) 10. Шунда атрофдагилар Одил аканинг бирдан сесканиб туриб кетганини кўришди. (М.М.) 11. Қор куралди, ерга тахта ётқизилди. (Ойд.) 12. Гўзал водийдаги Гуллар боғи кўклам либоси билан ясанди. (Ш.Р.)

19-машқ. Берилган феъллардан сифатдош, равишдош ва ҳаракат номининг бошқа шаклларини ҳосил қилинг ва улар иштирокида учта гап тузинг.

Намуна: ўқимоқ – ўқиган, ўқиб, ўқув (ўқиш).

Ўқимоқ, ёзмоқ, экмoқ, қўрқмоқ, баҳоламоқ, бормоқ, келмоқ, тайёрламоқ, юрмоқ, кутмоқ, асрамоқ, даволамоқ,

қурмоқ, бажармоқ, куйламоқ, ўйнамоқ, ўйламоқ, ишламоқ, сўймоқ, шошмоқ, кулмоқ.

20-машқ. Гапларни синчиклаб ўқинг. Равишларни топиб, маъноси, сўроғи, грамматик хусусиятларини айтинг ва ўзи боғланган сўз билан бирикма тарзида кўчиринг.

1. Отлиқлар отда, отсизлар пиёда сойма-сой изланглар! (“Манас”) 2. Музаффар ака, булар атайин сизни излаб келибди. (П.Қ.) 3. Бир оздан кейин сесканиб-сесканиб ўзига келди. (Ойд.) 4. Машраб вужуди қалт - қалт титраб чангал орасидан оҳиста мўралаб қаради. (О. Ё.) 5. Низомжоң у ёқдан – бу ёққа юради, сал товуш келса дарров аланглайди. (С. А.) 6. Кўп билган оз сўзлар, оз сўзласа ҳам соз сўзлар. (М.) 7. Гулзордаги анвойи гулларнинг япроқларини биров эринмасдан битталаб артиб чиққандай. (Ҳ.Ғ.) 8. Мен дарвозанинг олдида анча туриб қолдим. (О.Ё.) 9. Кейин аста-секин унутилади, гўё ҳеч қачон Нодира бўлмагандай. (М.М.) 10. Ҳамиша қаҳрамон бўлиш мумкин эмасдир, лекин ҳамиша инсон бўлиб қолиш мумкин. (Г.) 11. Жўрахон Назокат ҳақида кўп эшитган, унинг ҳаракат ва гапларига зимдан разм солиб турди. (Ас. М.) 12. Ойқиз қалбига жо бўлган фикрнинг ҳаммасини бирма-бир айтди. (Ш.Р.)

21-машқ. Берилган равишларни гуруҳларга ажратиб ёзинг.

1. Ҳолат равиши: *секин*, ...
2. Пайт равиши: *аввал*, ...
3. Ўрин равиши: *яқиндан*, ...
4. Миқдор равиши: *кўпгина*, ...
5. Сабаб равиши: *чорасизликдан*, ...
6. Мақсад равиши: *атайлаб*, ...

Пиёда, яёв, ҳозир, қадим, жўрттага, ноилож, мажбуран, ёнма-ён, тескари, ҳамон, тасодифан, пастда, кейин, юқоридан, тўсатдан, зўрға, қасддан, қисқача, ҳамиша, тик, кеча, дўстона, чиндан, озгина, қаҳрамонларча, ҳануз, эрта-индин, кўпинча, эрталаб, аста, кўплаб, бутунлай, тахминан, мўл.

22-машқ. Кундалик кузатишларингиз асосида “Ўлкамизда куз” мавзусида иншо ёзинг. Мустақил сўз туркумларининг тагига чизинг.

23-машқ. Ўқинг. Равишларни таҳлил қилинг.

ТАҲЛИЛ НАМУНАСИ

Узоқдан мусиқа овози эшитиларди.

Узоқдан – равиш, қаердан? сўроғига жавоб бўлади, эшитиларди феълига боғланган (узоқдан эшитиларди), ўрин равиши, ҳол.

1. Ойбек жисмонан сўнди, лекин унинг даҳоси таратган шуъла дилларимизни ҳамон ёритиб турибди. (С.А.) 2. Ариқ ёқалаб бир оз юрган эдим, тўсатдан отим ҳуркиб кетди. (Н.Ф.) 3. Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тошу тарозу. (М.) 4. Элмурод ўз номлари билан оталарининг номларини айтиб, бирин-кетин олдига келиб кўришаётган болаларни бири-биридан ажрата олмай қолди. (П.Т.) 5. Дўстларингга доимо ҳамдard бўл, аммо сир-асрорларингни ошкор қилаверма. (Х.) 6. Қизи бор уй доим саришта. (М.) 7. Олисдан осмонга интилган нур борган сари мавжланарди. (С.З.)

8. Чўққиларда йилтирайди қор,

Пастда эса гўёки баҳор. (М. Бобоев)

24-машқ. Кўчиринг. Ёрдамчи сўзларни топиб, боғловчилар тагига бир чизиқ, кўмакчилар тагига икки чизиқ, юкламалар тагига уч чизиқ чизинг.

1. У кетди-ю, хаёлимда ҳам ширин, ҳам аччиқ, ҳам қувноқ, ҳам аламли узуқ-юлуқ хотиралар қолди. (Ў.Х.) 2. Алишер Лутфий орқасидан меҳмонхонага кирди. (М.О.) 3. Ҳатто ота-онасидан ҳам сир сақлаган бир йигитнинг ўз ўғлим бўлиб чиққани менга қизиқ кўринарди. (А. Қод.) 4. Ер бағирлаб ётган туман эндигина тарқалиб, кўчада сумка кўтарган ўқувчи қизлар мактаб томон ўтиб борардилар. (М.М.) 5. Саҳари мардонда уйғонди-ю, ўчоқдаги ўт ўчганини кўрди. (Қ.М.) 6. Катта-кичик водийларни қоплаб ётган туман худди кўлга ўхшаб кўринарди. (А. Қ.) 7. Дам салобатли, дам жозибадор

янгровчи танбур садоси тингловчисини гўё сеҳрли қайиғи билан аллақандай мафтункор соҳил сари бошлар, гоҳ тебратиб, гоҳ тўлқинлатиб борарди. 8. Юнус Ражабий халқ бойлигини тўплаб, беш томлик китоб қилиб, нашр этди ва бу билан беш бебаҳо ҳайкал яратди. (С.К.) 9. Опа-ука туни билан мижжа қоқмади. 10. Ўзагига етибди-ку, қимир этмайди.

25-машқ. Нуқталар ўрнига қавс ичидаги боғловчилар (ва, лекин, ҳам, ҳамда, бироқ, аммо, ё, ёки, шунинг учун, чунки, -ки, -ким, дам, гоҳ, на, баъзан) дан мосини қўйиб кўчиринг. Зарур ўринларга тиниш белгилари қўйинг.

1. Куз келди ... дарахтларнинг барглари аста сарғая бошлади. 2. Мактаб боғида мевалар пишди ... биз уни теришга ёрдамлашдик. 3. Малика ... юриб чарчайди ... совуқдан шикоят қилади. (Ҳ.Ғ.) 4. Одам ҳам ғўзага ўхшаб офтобга интилади ... унинг офтоби – одамдан кўрадиган меҳр-оқибати. (А.Қ.) 5. У дам олиш кунлари дўстлари билан ... кинога, ... театрга борарди. 6. Мажлисга ҳамма келди ... Собир келмади. 7. Азиз дарсни шундай тайёрлади ... натижада “5” баҳо олди. 8. Кун исиб борар эди ... у малла чопонини ечиб елкасига ташлади. (Қ. М.) 9. Халқ шундай бир ўт ... унинг учқуни туташса ... ҳашакни қўяр ... фалакни. (О.) 10. Тиниқ осмонда юлдузлар чарақлар ... ой кўринмасди.

26-машқ. Ўқинг. Матннинг мазмунини қайта ҳикоя қилинг ва ёдда сақланг. Ёрдамчи сўзларни топинг. Сиз илм ва ҳунар ўрганиш учун нима қиляпсиз, шу ҳақда нишо ёзиб, ота-онангиз ва синфдошларнингизга ўқиб беринг.

ҲУНАРНИНГ АФЗАЛДИГИ ВА ҚАДРИ ҲАҚИДА

Эй фарзанд, огоҳ бўлким, ҳунарсиз киши ҳамма вақт фойдасиз бўлур ва ҳеч кимга фойдаси тегмайди. Худди танаси бору, сояси йўқ муғилонга ўхшайди, ўзига ҳам, ўзгага ҳам фойдаси тегмайди... Агар киши олий насаб бўлса-ю, ҳунари бўлмаса, халойиқнинг иззат ва ҳурматидан маҳрум бўлади. Агар ҳам ким насаб гавҳари ҳам ҳунар безағи бўлмаса, ундан баттарроқ бўлади. Агар табиатнинг ҳар қанча асл бўлса ҳам,

унга мағрур бўлмагил, чунки тан гўзаллиги ҳунар беағи билан зийнатланмаса, ҳеч нарсага арзимаиди. Масалан, дебдурларким, улуғлик ақл ва билим биландир, насл-насаб билан эмас. Ота-онанг қўйган отларига мағрур бўлмагил, бу от фақат ташқи кўринишдан бошқа нарса эмас...

Агар киши насл-насабли бўлса-ю, ҳунар зийнати бўлмаса, у киши ҳеч кимнинг суҳбатига муносиб бўлмайди. Бу икки гавҳарга эга бўлган кишини топсанг, этагидан ушла, қўлдан чиқарма, бундай киши ҳамманинг ҳожатини чиқаради. («Қ.»)

27-машқ. Ўзбек халқ мақолларидан илм, касб-ҳунарга оид 8 та мақол ёзинг. Ёрдамчи сўзларни аниқлаб, тагига чизинг.

28-машқ. Ўқинг. Тил ҳақида айтилган гапларнинг мазмунини таҳлил қилинг.

АЖДОДУ АВЛОДНИ АЛЛАДАГАН ТИЛ

Тил пайдо бўлган ўша энг қадим даврлардан бошлаб, уни ўрганиш, бу сиру синоатга тўла дунёнинг мавзу моҳиятига етиш йўлида одамзод тинимсиз саъй-ҳаракат қилади, изланади. Бу изланишлар, ҳаракатлар неча-неча минг йиллардан кейин – бугун ҳам давом этмоқда. Шубҳасизки, инсон бор экан, унинг тили тирик экан, одам боласининг ақли тилдай муҳташам ва мураккаб оламнинг туганмас тилсимларини изламоқдан, очмоқдан асло чарчамайди.

Туркий сўзнинг рангин ва ойдин оламини омон асраб, авлодларга етказиш мақсадида ундаги маъно гавҳарларининг чангини қоқиб, ҳар сўзга мукамал изоҳдан туморлар тақиб “Девону луғотит турк”дай ўлмас обидани яратган улуғ бобомиз Маҳмуд Қошғарий тадқиқ этган тилни асрлар оша не-не алломаларимиз ўрганган, шу қутлуғ ишга бутун умрини бахшида этган.

Бежиз эмаски, халқимиз тилга, хусусан, ўзининг она тилига мунтазам муҳаббат билан қараган, уни эъозлаб ардоқлаган, ўзбек тилининг мукамаллиги ва бетакрор оҳангларидан фахру ифтихор қилган. Ўзбек тилидаги теранг мантиқ ва гўзалликни ҳар сония кашф этишга иштиёқ сезган.

Шарқда, хусусан, ўзбекларда тил тарбияланганликнинг, маърифатлиликнинг, зиёлиликнинг белгиларидан бири бўлган. Улуғ бобомиз Юсуф Хос Ҳожиб “Одобнинг боши тилдир” деб бежиз ўғит бермаганлар. Зоан, нутқнинг гўзаллиги, тилнинг бурролиги, лисоний ифоданинг аниқлиги инсон учун ўзига хос ҳусндир, бу ҳусндир хир-оқибатда жамиятнинг, миллатнинг ҳуснини кўрсатади

(И. Маҳмудов)

29-машқ. Шеърдан келтирилган парчани ўқиг. Мазмунини ўз сўзларингиз билан сўзланг. Шеърни ёд олинг.

ОНА ТИЛИМ ЎЛМАЙДИ

“Эй воиз, пастга тушгин,
Бу гап чиқди қаердан!”
Навоий билан Пушкин
Туриб келди қабрдан.
Ким дарғазаб, ким ҳайрон
Чиқиб келади қатор:
Данте, Шиллер ва Байрон
Фирдавсий, Бальзак, Тагор.

“Ваъзингни қўй, биродар
Сен айтганинг бўлмайди,
Барча деди баробар:
“Она тилим ўлмайди”. (Э.В.)

30-машқ. Шарқ мутафаккирларининг, буюк алломаларнинг тил ва унги асраб-авайлаш хусусидаги фикрларидан 8 та ёзинг ҳамда уларнинг маъносини изоҳланг.

31-машқ. Ўқинг, гапларни чегараланг ва матнга мос сарлавҳа танланг.

Болалик нафақат қувноқ давр, болалик инсон шахси шаклланишининг илк даври ҳамдир бувим менинг болалигимни турли эртақ, қўшиқ, достонлар билан беагаган у мени турли давраларга, тўй-хашамларга ўзи билан бирга олиб борарди менга тез-тез ўзининг тушлари ҳақида гапириб

берарди бу тушлар шунчалик қизиқ эдики, у мудраб ухлаб қолган вақтида ҳам мен уни уйғотиб, тушнинг давомини айтиб беришини сўрардим қисқа тушлар мени қониқтирмасди шунда бувим қўшниларникига чиқиб, «қарзга» туш сўрар ва менга сўзлаб берарди кейинчалик тушундимки, бувим бу тушларни мен учун тўқиб бераркан.

(ЧА.)

32-машқ. Ўқинг. Матн мазмунига мос келадиган сарлавҳа топинг. Қандай матн эканлигини изоҳланг.

Бир ари сув устида учиб борар эди. Бирдан сувга йиқилиб кетди. Қанотлари хўл бўлиб, учарга кучи етмади. Ўлар ҳолатга етди. Буни бир кабутар кўриб, арига раҳми келиб дарҳол бир чўпни тишлаб, сувга ташлади. Бечора ари бу чўпни кема қилиб, сув балосидан қутулди. Орадан кўп ўтмади. Бир бола тузоқ қўйиб, кабутарни тутмоқчи бўлди. Ари буни кўрган замон келиб, боланинг қулоғини чақди. Бола қулоғининг алаmidан тузоқни ташлаб, қулоғини ушлади. Кабутар вақтни фанимат билиб, учиб кетиб ўлимдан қутулди.

Яхшилик қилсанг, бўлур жонинг омон,

Яхшиликдан ҳеч киши қилмас зиён.

Яхши сўз бирлан илон индан чиқар,

Сўз ёмон бўлса, пичоқ қиндан чиқар. (Х.)

33-машқ. «Ҳалоллик» мавзусида оғзаки ҳикоя тузинг. Бу қандай матн эканлигини ва қайси услубга хослигини айтинг.

34-машқ. Ўқинг. Қандай матн эканлигини айтинг. Матн тушунчасига таъриф беринг. Қўштирноқнинг ишлатилиш сабабларини изоҳланг.

Худойберди Тўхтабоев – машҳур болалар ёзувчиси. «Беш болали йигитча», «Ширин қовунлар мамлакатида», «Мунгли кўзлар», «Қасоскорнинг олтин боши», «Сариқ девни миниб» каби ажойиб роман ва қиссалар муаллифи. У бир неча йиллар «Гулхан» журналида бош муҳаррир бўлиб ишлади. Кейинчалик «Ёш куч» журналига бош муҳаррирлик қилди.

1991 йилда Х.Тўхтабоев «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» деган юксак унвонга сазовор бўлган. (*«Гулхан» дан*)

35-машқ. Ўқинг. Матн мазмунини билиб олинг ва қайси услубга ҳосилгини аниқланг.

ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БАЙРОҒИ

“Қирғизистон Республикасининг Давлат Байроғи қизил матодан қилинган бўлиб, унинг марказида олтин ранг доира шаклидаги қирқта нурлари бўлган қуёш ва шу қуёш марказида қирғиз ўтовининг туйнуги тасвирланган” – деб ёзилган. Ҳар бир ранг ва унинг бошқа ранг билан қоринмаси ўз маъносига эга. Масалан, қизил ранг – бу ҳаёт, раҳмдиллик ва инсоний муҳаббат тимсоли. Муҳаббат моҳияти иссиқлик олиб келувчи оловга қараб интилишдир. Қуёш қадимдан иссиқлик, бахт, Ердаги ҳаёт манбаи ҳисобланган. (*Газ.*)

36-машқ. “Қирғизистонда мустақиллик байрами” мавзусида қисқа ҳажмли ишро ёзини тайёрланг. Ишро мазмунига мос эпиграф танланг.

37-машқ. Ўқинг. Қандай матн эканлигини белгиланг. Матндан 4 та гапни танлаб олинг, уларни гап бўлаклари юзасидан таҳлил қилинг.

Найман чўлларига, тўқайларига чинакам баҳор кирди. Қамишзорлардан, ботқоқликлардан қурбақаларнинг тинимсиз вақиллаши эшитиларди. Тиниқ фируза осмондан икки марта арғимчоқ солиб турна ўтди. Қиш ичи бўронларни кўкрак билан тўсган икки туп толнинг нозик новдалари оч писта мағзидек баргчаларга ўралади.

Қумли тарафдан баданга хуш ёқадиган илимлик шабадалар эсиб қолди.

Зебихон ҳам шу баҳор билан бирга яшнаб борарди. Унинг чеҳрасидаги сўлғинлик ўрнини аллақандай қизлик таровати эгаллаган эди. У ҳар куни эл уйғонмасдан чодирдан чиқарди-да, худди қуёшни қаршилайётгандек чўл тарафга, қизариб-бўзариб ёришаётган уфқ тарафга қараб кетарди.

Ҳаммаёқ жимжит. Чўл қушлари беозоргина чуғурлашади. Шабада янгигина қиёқ чўзган майсалар бетидан шудрингни

силкиб тўқади. Қиз шу файзсиз чўлда очилган танҳо лоладек ўзини кўз-кўз қилиб борарди. (С.А.)

38-машқ. Матиларни ўқинг ва ўзаро қиёсланг. Қайси услубда ёзилганлигини аниқлаб, бу услубларнинг ўзига хос белгиларини айтинг.

I. ИШОНЧНОМА

Мен – Носиров Олим, Ўш шаҳридаги 26-ўрта мактабнинг 8-синфида ўқийман. Менинг номимга 6-почта бўлимига келган хатни ўз синглим Носирова Шоиранинг олишига ишонч билдираман.

20. 09. 2011

(имзо)

О.Носиров

26-ўрта мактабнинг 8-синф ўқувчиси
О.Носировнинг имзосини тасдиқлайман.

26-ўрта мактабнинг директори (имзо) Ҳ. Исомиддинов

21.09.2011,

II. ЧЕКИШНИНГ ЗАРАРИ

Тамаки чекиш саломатликка жуда зарарлидир. Олиб борилган тадқиқотлар чекишнинг соғлиққа зарари, унинг оқибатлари ҳақида кишиларда аниқ тушунча йўқлигини кўрсатади. Бу эса дунё миқёсида чекувчилар сонининг тобора ортишига олиб келмоқда. Айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар орасида кашандаликнинг тарқалиб бориши аянчли ҳолдир.

Тамаки таркибида йиғирмадан ортиқ заҳарли моддалар бўлиб, улар ичида энг заҳарлиси никотиндир. Чекилганда никотин тутун орқали ўпкага, кейин эса қонга сўрилиб, юрак-қон томир тизимининг фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Бунда қон томирлари торашиб, босими ошади, натижада юрак уриши тезлашади. Бу эса юрак мускулларининг тезда ишдан чиқишига олиб келади. Шунинг учун кашандалар орасида юрак-қон томир хасталиклари – юрак инфаркти,

стенокардия; ўпка хасталиклари – бронхит, сил, рак касалликларига чалиниш кўп учрайди.

Кашандаликка одатланиб қолган кишилар чекишни ташлагани маъқул. Тўғри, дастлабки кунларда одам анча қийналади, тамакининг хумори тутади, ҳоли қурийди, уйқу босади, лекин бу аломатлар кўпга бормай ўз-ўзидан йўқ бўлади. Албатта, иродали кишигина чекишни ташлай олади.

Чекишга қарши кураш фақат шифокорлар вазифаси бўлмай, балки кенг жамоатчиликка ҳам боғлиқдир. (Газ.)

39-машқ. Қуйидаги сўз ва атамаларни ўқинг, уларнинг қайси фанга оидлигини айтинг. Атамаларни гуруҳлаб, намунадагидек ёзинг.

Намуна: Физикага оид атамалар: киловатт, қаршилик, ток ўтказгич, ...

Келишик, термометр, тенглама, қонун, синтаксис, учбурчак, хлорид кислота, теорема, олмош, ҳукм, энергия, мускул, нуқта, қон-томир, сифим, ҳужайра, феъл, синус, кесим, ошқозон, натрий, жиноят, вергул, конус, парабола, кучланиш, юрак, эритма, реакция, тергов, умуртқа поғонаси, гап, қўштирноқ, конституция, парламент.

40-машқ. Ўқинг. Матндан сўзлашув услубига ҳос сўз ва бирикмаларни топинг. Уларнинг маъносини тушунтириб беринг.

Отим гирой эмас, Музаффар. Чойхонадаги кишилар гирой-гирой дейвериб, дадамниям ўргатиб қўйишган. Отимни айтиб чақирмайди.

Ана, олисдан Алвасти кўприкнинг овози келяпти. Дадам бўлса парво қилмайди. Беш-олти қадам олдинда оқсоқланиб кетяпти. Жонҳолатда дадамнинг кетидан югурдим.

– Дада, чарчадим.

Дадам тўхтади. Орқага бурилиб, қовоғини солди.

– Сўлоқмондай бола... – деди тўнғиллаб. – Ёшинг бешга чиқди-ю, уялмайсанми? Шундай бўлсаям, бари бир опичлаб олди. (Ў.Ҳ.)

41-машқ. Дўстингизга ўз ўқишларингиз ва келгусидаги режаларингиз ҳақида мактуб ёзинг. Мактуб ёзишда қайси услубдан фойдаланганингизни айтинг.

СИНТАКСИС ВА ПУНКТУАЦИЯ

Грамматика тил ҳақидаги фаннинг бир қисми бўлиб, морфология ва синтаксисдан иборатдир. Морфологияда сўз туркумлари, сўзларнинг грамматик маъно ва шакллари ўрганилса, синтаксисда сўз бирикмалари, гап, гапнинг қурилиши, бўлаклари ва ифода мақсадига кўра турлари ўрганилади. Морфология ва синтаксис бир-бири билан узвий боғлиқдир. Морфологияда ўрганилган от, сифат, феъл каби ҳар бир мустақил сўз гапда бошқа сўзлар билан боғланиб, гапнинг бирор бўлаги бўлиб келади. **Грамматика** атамаси грекча сўздан олинган бўлиб, ўқиш ва ёзиш ҳақидаги билим деган маънони билдиради. **Морфология** атамаси грекча «морфо» (шакл) ва «логос» (сўз, фан) сўзлари асосида пайдо бўлган. **Синтаксис** ҳам грекча бўлиб, тузиш деган маънони билдиради.

Пунктуация тиниш белгиларининг тўғри қўйилиши ҳақидаги қоидаларни ўргатади. Пунктуация атамаси лотинча сўздан олинган бўлиб, нуқта, тўхтам, жой каби маъноларни билдиради. Ҳозирги ўзбек ёзувида ўнта тиниш белгиси ишлатилади. Улар қуйидагилар: нуқта (.), вергул (,), нуқтали вергул (;), икки нуқта (:), тире (-), кўп нуқта (...), қўштирноқ (" "), ундов белгиси (!), сўроқ белгиси (?), қавс ().

Тиниш белгилари ўқиладиган матндаги гапларнинг мазмунини тўғри ва аниқ тушуниб олишга ёрдам беради. Ёзма нутқда тиниш белгиларининг аҳамияти катта. Тиниш белгилари ўз ўрнида ишлатилмаса, гапнинг мазмуни ҳам, синтактик қурилиши ҳам ўзгариб кетади. **Қ и ё с л а н г:** *Боғимизда анжир шафтоли бор. Боғимизда анжир, шафтоли бор. Тўғри йўлдан учта машина кетар эди. Тўғри, йўлдан учта машина кетар эди.*

42-машқ. Қуйидаги саволларга оғзаки жавоб беринг.

1. Грамматика деганда нимани тушунасиз? Ўзбек тили грамматикаси бўйича қуйи синфларда қандай билимларга эга бўлгансиз?

2. Синтаксис нимани ўргатади? Морфология билан синтаксиснинг ўзаро боғлиқлиги ҳақида сўзлаб беринг.

3. Пунктуация ва унинг назарий-амалий аҳамияти ҳақида нималарни биласиз?

4. Тиниш белгиларининг қўлланилиш ўринларини эсланг ва тиниш белгиларини ўз ўрнида ишлатмаслик натижасида мазмунан ўзгаришга учраган гапларга мисоллар келтиринг.

43-машқ. Ўқинг. Гаплар жуфтлигидаги қўлланилган тиниш белгиларининг аҳамиятини тушунтиринг.

1. Сен катта бола эмассан. – Сен катта, бола эмассан.

2. Сардор акам қаерга кетдилар? – Сардор, акам қаерга кетдилар?

3. Бу автобус тўғри боради. – Бу автобус, тўғри, боради.

4. Жаллод! Ўлим! Йўқ шафқат! – Жаллод, ўлим йўқ, шафқат!

5. Равшан қалин муқовали китоб сотиб олди. – Равшан қалин, муқовали китоб сотиб олди.

6. У тўғри бола. – У, тўғри, бола.

7. Меҳрибон мураббийлар, Зоҳида ва Шарифа опа ўтиришар эди. – Меҳрибон мураббийлар – Зоҳида ва Шарифа опа ўтиришар эди.

2-§ СЎЗ БИРИКМАСИ ВА ГАП

Мустақил сўзлар маъно ва грамматик жиҳатдан бири-бири билан боғланиб, сўз қўшилмаси ҳосил қилади. Масалан, *Тик кўтарилган қуёш ўзининг ҳаётбахш ва заррин нурларини сочмоқда* гапида саккизта сўз қўшилмаси бор:

- | | |
|-------------------------------|-------------------------------|
| 1) <i>тик кўтарилган;</i> | 5) <i>заррин нурларини;</i> |
| 2) <i>тик кўтарилган қуёш</i> | 6) <i>ҳаётбахш ва заррин;</i> |
| 3) <i>ўзининг нурларини;</i> | 7) <i>нурларини сочмоқда;</i> |
| 4) <i>ҳаётбахш нурларини;</i> | 8) <i>қуёш сочмоқда.</i> |

Сўз қўшилмасидаги сўзлар бир-бири билан икки хил боғланади: а) тенг боғланиш; б) тобе боғланиш.

Тенг боғланишда сўз қўшилмасидаги бир сўз бошқасига тобе бўлмайди, бир-бири билан санаш оҳанги ёки тенг боғловчилар ёрдами билан боғланади. Масалан: *ҳаётбахш, заррин – ҳаётбахш ва заррин*. Тобе боғланишда бир сўз бошқасига тобе бўлади. Бир-бирига тобе боғланган сўзлар **сўз бирикмасини** ҳосил қилади. *Қуёш сочмоқда* – эга билан кесим, яъни гапнинг асосини ташкил қилади. Эга ва кесимнинг бир-бири билан боғланиши сўз бирикмаси ҳисобланмайди.

44-машқ. Матнини ўқинг. Аввал тенг алоқадаги, сўнг тобе алоқага кирган сўз бирикмаларини топиб ёзинг.

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ

Абдулла Қодирийнинг ҳикоялари чиққан журналлар, газеталар қўлма-қўл бўлиб кетарди. Фельетонлари босилиб чиққан «Муштум» журнали ҳаминша талаш бўларди. Романларини ўқиш учун навбат кутиб турганларнинг саноғига етиб бўлмасди, «Ўткан кунлар» романини ёд билладиган китобхонлар бор эди. Чунки адиб инсон руҳиятининг сирли ва нозик жиҳатларини чуқур, таъсирли ва ҳаққоний акс эттирди. Унинг асарлари ёлғиз ҳаққонийликдан ташқари, гўзал ифода услуби билан ҳам ажралиб турарди. Ўзбек адабий тилининг ҳозирги шаклини бунёд этишда ҳам Абдулла Қодирий муҳим ўрин тутган.

(Дарсликдан)

45-машқ. Берилган сўз бирикмалари ва гапларни қиёслаб, улар ўртасидаги фарқларини аниқланг.

1. Китобни ўқимоқ – Китоб ўқилди. 2. Ойдин кеча – Кеча ойдин. 3. Гавжум шаҳар – Шаҳар гавжум. 4. Ўқиш орзуси – Орзуси ўқиш. 5. Оқар сув – Сув оқар. 6. Совуқ кун – Кун совуқ. 7. Экилган дарахт – Дарахт экилган. 8. Берилган вазифа – Вазифа берилган. 9. Қизиқарли сабоқ – Сабоқ қизиқарли.

Икки ёки ундан ортиқ мустақил сўзнинг маъно ва грамматик жиҳатдан бирининг бошқасига тобе бўлиб боғланиши сўз бирикмаси дейилади.

Сўз бирикмасида бош сўз ва эргаш сўз бўлади. Сўз бирикмасида маъноси равшанлаштирилган сўз бош сўз, бош сўзнинг маъносини равшанлаштириб, изоҳлаб, тўлдириб келган сўз эса эргаш сўз ҳисобланади. Сўроқ ҳамма вақт бош сўздан эргаш сўзга берилади, эргаш сўз бош сўздан берилган сўроққа жавоб бўлади: *қалин муқовали китоб (қандай китоб?) вазифани бажармоқ (нимани бажармоқ?)*

46-машқ. Ўқинг. Бош ва эргаш сўзларни аниқлаб, бош сўздан эргаш сўзга сўроқ бериш.

БАРПИ АЛИҚУЛОВ

Тарихда шундай сиймолар ўтганки, уларнинг фаолияти бир халқ доирасида қолиб кетмаган, ижодий мерослари бутун инсониятнинг мулкига айланган. Қирғиз халқининг мумтоз шоири Барпи Алиқулов ҳам ана шундай сиймолардан эди. У Фарғона водийсида қирғиз ва ўзбек тингловчилари учун бирдай ардоқли эди. Қирғизлар уни “Барпи ирчи” десалар, ўзбеклар “Парпи қори” дея ҳурматлаганлар. Сузоқ туманидаги узоқ-яқиндаги тўй-ҳашамлар, турли издахомлар унинг иштирокисиз ўтмаган. Булбулдай овози-ю ҳофиз қувватига, ҳозиржавоб фикрига тан берган тингловчилар кўзи ожиз бўлиб қолган оқинни “қори” дейишган. *(Газ.)*

47-машқ. Кўчириш. Бош ва эргаш сўзларни аниқлаб, бош сўздан эргаш сўзга сўроқ бериш. Бош сўзнинг қайси сўз туркумига оидлигини қавс ичига ёзиб қўйинг.

Намуна: китобдан кўчирмоқ (фезъл) ...

Бизнинг ойламыз, ипакдай майин, ўқувчиларнинг давомати, ҳикояни ўқимоқ, атлас кўйлак, мовий осмон, йигитнинг бурчи, деразадан қарамоқ, ариқдан сакрамоқ, яхши ният, болаларнинг барчаси, кичик корхона, қаҳрамонларнинг тўрттаси, тез гапирмоқ, катта куч, қизларнинг ҳар бири.

48-машқ. Мақтуб, яхши, истак, олтин, сахий, гапирмоқ, кўрсатмоқ сўзларининг ҳар бири иштирокида бештадан сўз бирикмаси ёзинг.

49-машқ. Шу сўз бирикмаларини қатнаштириб, тўртта гап тузинг.

Ватан соғинчи, диққат билан ўқимоқ, қўл учуда бажариш, таълимий баён, мавсумий пойабзал, дафтар муқоваси, тўннини тескари кийиб олиш, яхши дўст.

50-машқ. «Она меҳри» мавзусида қисқа ҳажмли эссе ёзинг. Матндан сўз бирикмаларини ажратиб, бош ва эргаш сўзларни изоҳланг.

3-5 СЎЗ БИРИКМАСИНИНГ СЎЗ ВА ТАТЦИДАН ФАРҚИ

<i>Ўқувчи</i>	<i>Аълочи ўқувчи</i>
<i>Ширин</i>	<i>Асалдай ширин</i>
<i>Келмоқ</i>	<i>Эрталаб келмоқ</i>
<i>Яхши</i>	<i>Ҳаммадан яхши</i>

Чап томонда сўзлар берилган. Ўнг томонда-чи?

Сўз нарса-буюм, белги, иш-ҳаракатни умуман ифодалаш учун хизмат қилади. Масалан, *ўқувчи* деганда маълум бир ўқувчини эмас, балки умуман *ўқувчи* ни англаймиз, *борди* деганда иш-ҳаракатнинг белгиси аниқ бўлмай, умуман *борилганлик* ни тушунамиз.

Сўз бирикмаси ҳам нарса-буюм, шахс, белги, иш-ҳаракатни ифодалаш учун хизмат қилади. Бу жиҳатдан сўз бирикмаси сўзга ўхшайди, аммо сўз бирикмаси нарса-буюм, шахс, белги, иш-ҳаракатни шу хилдаги бошқа нарса-буюм, шахс, белги, иш-ҳаракатлардан ажратиб, аниқроқ ифодалайди: *ўқувчи – аълочи ўқувчи, келмоқ – эрталаб келмоқ*.

Гап фикр билдириб, тугалланган оҳанг билан айтилади: *Сув тиниқ. Ҳаво салқин. Бу – кичик корхона. Иш қизгин. Суҳбат мароқли.*

Сўз бирикмаси нарса-буюм, шахс, белги, иш-ҳаракатни аниқ ифодалаб, сўз каби гап тузиш, уни кенгайтириш учун хизмат қилади. Сўз бирикмаси аташ оҳанги билан айтилади: *тиниқ сув, салқин ҳаво, атлас кўйлакли қиз* ва бошқалар.

51-машқ. Гапларни ўқинг. Ажратилган сўз бирикмаларини уларнинг маъносига тенг келадиган сўзлар билан алмаштириб кўчириг. Сўз бирикмаси ва сўзлар орасидаги мазмуний хусусиятларни изоҳланг.

Намуна: *Кўргазмада таниқли мўйқалам усталари яратган расмларни томоша қилдик. Кўргазмада таниқли rassomлар яратган расмларни томоша қилдик.*

1. Кеча **қанотли дўстларимиз** ҳақида фильм намойиш қилинди. 2. Бу йил **баҳор элчилари** эрта учиб келдилар. 3. Мактабимизда ўшлик **сўз санъаткорлари** билан учрашув бўлди. 5. Видеоятимизнинг Аравон, Қорасув туманларида **оқ олтин** етиштирилади. 6. **Кумуш толадан** жуда кўплаб қимматбаҳо матолар ишлаб чиқарилади. 7. Қирғизистонда **зангори олов, қора олтин** заҳиралари бор. 8. Фан-техника тараққиёти натижасида **ҳаво кемалари** янада такомиллашиб бормоқда. 9. **Отамнинг акаси** – ҳайдовчи.

52-машқ. Қуйидаги сўзлардан сўз бирикмалари тузинг ва шу сўз бирикмаларини қатнаштириб “Куз кунлари” мавзусида ишро ёзинг.

Қуёш, нурлар, ҳаётбахш, заррин, ҳаво, салқин, бир оз, шабада, дарахтлар, барг, сарғаймоқ, аста-секин, тўкилмоқ, орасталик, хосиятли, қизғин, мўл ҳосил, ариқлар, хазон, уюмлар, иш, йиғим-терим, она табиат, оқмоқ.

53-машқ. Ўқинг. Матидаги асосий фикрни аниқлаб, сарлавҳа топинг. Ажратиб кўрсатилган сўз бирикмаларидаги бош ва эргаш сўзларнинг қайси сўз туркумига киришини айтиб бериш.

Меҳнат, ҳалоллик ҳақида **ибратли ривоят** бор: бир бола улғайгач, отаси унга ишлаб **пул топишни буюради**. Лекин **кўнгилчан она** “ўғлим қийналмасин” дея, эридан ўғринча унга пул беради. **Сезгир ота** ўғли келтирган пулни ўтга ташлайди. Бола **бепарво тураверади**. Бу ҳол яна такрорланади. Учинчи марта олиб келган пулни ўтга отмоқчи бўлганида, бола отасининг қўлига ёпишиб, пулни ёндирмаслигини сўрайди. Ота шундагина бу сафар ўғлининг пешона тер билан пул топганига ишонади.

Дарҳақиқат, **меҳнат билан топилган пул** қадри машаққат билан қўлга киритилган **барча нарсалар** сингари азиз бўлади. (Журн.)

54-машқ. Ўқинг. Таркибида ибора қатнашган сўз бирикмаларини аниқлаб, гаплар тузинг. Тузган гапларингиз мазмунидан англашилаётган маъноларни тушунтириб беринг.

Демократик давлат тузуми, қош қорайганда келмоқ, ватан ҳимоячиларининг қасамёди, бир сиқим тупроқ, юрагида ўти борларнинг иши, ўқувчиларнинг таклифи, енг ичида битказмоқ, адолатли қарор, ҳақ гап, кўнгли бўш одам, оғизларига қатиқ ивитгандай турмоқ, оқ кўнгил киши.

ЭРГАШ СЎЗ БИЛАН БОШ СЎЗНИНГ БОҒЛАНИШ УСУЛЛАРИ

Тобе боғланишда бир сўз иккинчи сўзга тобеланиш йўли билан боғланади. Эргаш сўз маъдум шаклда бўдиб, бош сўзни аниқлашга, тўлдиришга хизмат қилади: *кундаликка ёзиш, телефон орқали гаплашмоқ, сайр ҳақида суҳбат, китобнинг муқоваси, сизнинг фикрингиз, иссиқ ёз, тиниқ сув.*

Бош сўз билан эргаш сўзнинг қандай бирикишига қараб, сўзларнинг ўзаро алоқаси уч хил бўлади: 1) **мослашув**; 2) **бошқарув**; 3) **битишув**.

4-§. МОСЛАШУВ

Менинг ўртоғим

Бизнинг ўртоғимиз

Сенинг ўртоғинг

Сизнинг ўртоғингиз

Унинг ўртоғи

Уларнинг ўртоқлари

Бу сўз бирикмаларидаги эргаш сўз бош сўз билан қайси келишик қўшимчаси ёрдамида бириккан?

Эргаш сўзнинг бош сўз билан шахс-сонда ўзаро мос шаклда келиши мослашув дейилади.

Эга ва кесим, қаратқич келишигидаги сўз ва қаралмиш ўзаро мослашади: *Олимжон (эга) кулиб юборди*

(кесим) – мослашув. Кариманинг (қаратқич – эргаш сўз) китоби (қаралмиш – бош сўз) – мослашув.

Мослашувда тобе сўз аввал, бош сўз кейин келади: *Шерзоднинг онаси.*

Баъзан шеърий асарларда бош сўз аввал, эргаш сўз кейин келиши ҳоллари ҳам учрайди. Масалан:

Бир арслони ўтди Ўзбекнинг, (Ўзбекнинг арслони)

Оҳи кўкка етди Ўзбекнинг. (Ўзбекнинг оҳи)

Қуёш, йиғла, осмон, аза тут,

Муҳаммади кетди Ўзбекнинг.

(Ўзбекнинг Муҳаммади) (X. X.)

Мослашувда эргаш сўз айрим ҳолларда қаратқич келишиги қўшимчасисиз қўлланилади: *мактаб боғи, ота-оналар мажлиси, дарахт барги, ўз боласи.*

Эслатма: Нутқимизда қадимдан форс-тожик тилидан ўтган ёки шу тилнинг меъёрлари асосида ҳосил бўлган *курраи замин, таржиман ҳол, базми жамшид* каби форс-тожикча изофали сўз бирикмалари ҳам бор. Нутқда бундай сўз бирикмалари бир бутун ҳолда қўлланаверади.

55-машқ. Қавс ичидаги эргаш сўзларни бош сўз билан мослаб кўчириб ёзинг.

(Оила) қувончи, (улар) мулоҳазалари, (Нодира) дафтари, (она) қалби, (қуёш) нурлари, (Сардор) хурсандлиги, (шамол) гувиллаши, (Лутфий) ғазали, (булбул) сайраши, (дарахт) куртаги, (сен) уканг, (ўқувчилар) илтимоси.

56-машқ. Ўқинг. Сўз бирикмаларининг маъносидаги фарқни айтиб бериш

Дўстим китоби – дўстимнинг китоби, гул ҳиди – гулнинг ҳиди, хўроз қичқириши – хўрознинг қичқириши, директор хонаси – директорнинг хонаси, шоир ҳаёти – шоирнинг ҳаёти, мотор қизиши – моторнинг қизиши, болалар боғчаси – болаларнинг боғчаси, ўз уканг – ўзингнинг уканг, чой қути – чойнинг қутиси, от изи – отнинг изи, ҳаёт завқи – ҳаётнинг завқи, тахти Сулаймон – Сулаймоннинг тахти, ойнаи жаҳон – жаҳоннинг ойнаси, ёмғир томчиси – ёмғирнинг томчиси, шаҳар ҳокими – шаҳарнинг ҳокими.

57-машқ. Гапларни ўқинг. Мослашув йўли билан бириккан сўз бирикмаларини аниқлаб, кўчириб ёзинг.

1. Меҳнатнинг таги – роҳат. (М.) 2. Кийимнинг янгиси яхши, дўстнинг эскиси яхши. (Қ.) 3. Дастхат ўтган йилнинг 10 октябрида ёзилган эди. (С.А.) 4. Эр йигитнинг уялгани – ўлгани. (М.) 5. Сен Байроннинг ўтли юраги, сен Гейнени ёндирган юлдуз. (А.О.) 6. Бемаза қовуннинг уруғи кўп бўлади. (Х.) 7. Бойчечакларнинг хушбўй, сезилар-сезилмас ҳидини найнинг ёқимли саси учуриб келди. (И.Р.) 8. Ёзнинг иссиқ кунлари дарёнинг четида чўмиламиз. 9. Муаллимим Дуйшэннинг қиссасини ёшларга етказишни ўз бурчим деб билардим. (Ч.А.) 10. Дафн маросимига келганларнинг барчаси тарқалди. (Т.М.)

58-машқ. Ифодали ўқинг. Мослашув йўли билан бириккан сўз бирикмаларини аниқлаб кўчинг.

Умр ўтиб борар мисоли эртак,
Эртанинг кетидан келиб қолар шом.
Фақат ғафлат ичра ётмагин, юрак,
Қайтиб келмас сира бу ёшлик айём.
Пайт келар, ваъданинг қиммати қолмас
Муҳлат бермас у дам тўлган паймона.
Ўтган бир онингни қайтара олмас
На кўз ёши, на афсус ва на баҳона... (А.О.)

59-машқ. Таркибида мослашув йўли билан бириккан сўз бирикмаси мавжуд бўлган 4 та мақол ёки нбора ёзинг ва уларнинг маъносини тушунтиринг.

60-машқ. Жуфт-жуфт қилиб берилган гапларни ўқиб, уларнинг фарқини айтинг. Ўзингиз ҳам ана шундай гапларга иккита мисол келтиринг.

1. Устоз, сизда “Одобнома” китоби борми? – Устоз, сизнинг “Одобнома” китобингиз борми?

2. Дилноза, сенда дарс жадвали борми? – Дилноза, сенинг дарс жадвалинг борми?

3. Мактабимизда аълочи ўқувчилар жуда кўп. –
Мактабимизнинг аълочи ўқувчилари жуда кўп.

5-6. БОШҚАРУВ

<i>Қармоқда тутиш</i>	<i>Қармоқ билан тутиш</i>
<i>Қишлоққа кетиш</i>	<i>Қишлоқ томон кетиш</i>
<i>Телефонда гаплашмоқ</i>	<i>Телефон орқали гаплашмоқ</i>
<i>Ўқишдан гап бошлаш</i>	<i>Ўқиш тўғрисида гап бошлаш</i>

Чап томонда берилган сўз бирикмаларидаги эргаш сўзлар бош сўзлар билан нима ёрдамида бириккан? Ўнг томонда берилган сўз бирикмаларидаги эргаш сўзлар-чи? Шу сўз бирикмаларидаги грамматик воситаларни топинг.

Бош сўз талабига кўра эргаш сўзнинг маълум грамматик воситани олиши бошқарув дейилади. Масалан: *Ёмондан қоч, яхшига қулоч оч. (М.) Бу дафтарни синглим учун олдим.*

Бошқарувда эргаш сўз билан бош сўзнинг бирикиши икки хил бўлади:

1. Эргаш сўз бош сўз билан тушум, жўналиш, ўрин-пайт ёки чиқиш келишиги қўшимчаси ёрдамида бирикади: *ғолибларни табриклаш, дафтарга ёзиш, шаҳарда туриш, тарбиявий ишлар ташкилотчисидан сўраш.*

2. Эргаш сўз бош сўз билан кўмакчилар ёрдамида бирикади: *Шоира билан бориш, жавоб бериш учун туриш, келгуси режалар ҳақида суҳбатлашиш.*

Бошқарувда айрим ҳолларда грамматик восита тушиб қолиши ҳам мумкин. Масалан, *кўчат ўтказиш, олма териш, вазифа бажариш.*

61-машқ. Мақолларни ўқинг. Бошқарув йўли билан бириккан сўз бирикмаларини кўчириб, грамматик воситанинг тағига чизинг.

1. Кўкка боқма, кўпга боқ. 2. Илиқ сўз дилни эритар. 3. Гапни кам сўзла, ишни кўп кўзла. 4. Дарахт япроғи билан кўркама, одам меҳнати билан. 5. Эл оғзига элак тутиб бўлмайди. 6. Қўрқоқ олдин мушт кўтарар. 7. Дарё сувини

баҳор тоширар, одам қадрини меҳнат оширар. 8. Обрў осмондан тушмас, меҳнатдан келар. 9. Қарс икки қўлдан чиқади. 10. Ақлли ўзини айблар, ақлсиз дўстини. 11. Ўз айбини билган – мард. 12. Нима эксанг, шуни ўрасан.

62-машқ. Ўқинг. Сўз бирикмаларининг маъносидаги фарқни айтиб беринг.

I. Шафтоли териш – шафтолини териш – шафтолидан териш, шоли ўриш – шolini ўриш – шolidан ўриш, қовун кесмоқ – қовунни кесмоқ – қовундан кесмоқ, узум узиш – узумни узиш – узумдан узиш, туг қоқиш – тутни қоқиш – тутдан қоқиш.

II. Ўқишдан гап бошлаш – ўқиш тўғрисида гап бошлаш, дўконга бурилиш – дўкон томон бурилиш, боғдан ўтиш – боғ орқали ўтиш, қармоқда тутиш – қармоқ билан тутиш.

63-машқ. Қавс ичидаги эргаш сўзга зарур келишиқ қўшимчасини қўшиб, сўз бирикмаси тарзида ёзинг. Эргаш сўзда солир бўлган ўзгаришга эътибор беринг.

(Кутубхона) қатнаш, (ваъда) бажариш, (адабиётлар) фойдаланиш, (ҳар иш) мойил, (Ирода) олиш, (тоғ) чиқиш, (таҳсин) сазовор бўлиш, (булоқ суви) ичиш, (боғ) сайр қилиш, (бахт) куйлаш, (қишлоқ) қайтиш.

64-машқ. Ўқинг. Кўмакчилар ёрдамида бириккан бошқарувли бирикмаларни кўчириб ёзинг.

1. Пазандачилик тўғарагига дугонам Шарифа билан бордим. 2. Нонушта пайтида бугун қилинадиган ишлар хусусида гаплашиб олдик. 3. Укам музқаймоқ олиб келиш учун дўкон томон чопиб кетди.

65-машқ. Бадий асардан 5-6 гапдан иборат парча танланг ва бошқарувли бирикмаларни кўчириб, бош ва эргаш сўзни аниқланг.

<i>Қизиқарли асар</i>	<i>Олтин соат</i>
<i>Катта танаффус</i>	<i>Ҳар бир тингловчи</i>
<i>Оҳиста сўзлаш</i>	<i>Сўнгги кўриниш</i>
<i>Бешта ўқувчи</i>	<i>Севган машғулот</i>

Ҳар бир сўз бирикмасидаги эргаш ва бош сўзнинг қайси сўз туркумига киришини айтинг. Бу сўз бирикмаларида эргаш сўзни бош сўз билан бириктирувчи грамматик воситалар борми?

Эргаш сўзнинг бош сўзга грамматик воситасиз, фақат сўз тартиби ҳамда оҳанг ёрдамида боғланиши битишув дейилади. Масалан: *катта кўча, гўзал Ватан, олтинчи хона, жуда тез, барча одам, сон-саноксиз бойлик, ўқиган бола, гапирган одам, шивирлаб гаширмоқ.*

Битишувда тобе сўзларнинг маъноси тартибдан маълум бўлади. Бунда кўпинча эргаш сўз олдин, бош сўз кейин келади. Агар *кўм-кўк майсалар, янги мавзу* каби битишув алоқасидаги сўзларнинг ўрни алмаштирилса, грамматик тузилиш ҳам ўзгаради, гап ҳосил бўлади: *Майсалар кўм-кўк. Мавзу янги* каби.

66-машқ. Ўқинг. Битишув йўли билан бириккан сўз бирикмаларини кўчиринг.

1. Майини ва ёқимли куй кўзга кўринмас афсонавий қуш каби кенг залда парвоз қилади. 2. Тупроқ кўчаларни, қумлоқ соҳил бўйларини кездим. (А.Қ.) 3. Камтарона ва оҳиста юриш мусулмонларга хосдир. (Ҳ.) 4. Катта арава қаердан юрса, кичик арава ҳам шу ердан юради. (М.) 5. Шу онда чироқ ўчди ва бирданига иккита ўқ узилди. (А.Қ.) 6. Кўкатоининг кўк туғи кўтарилди ярқиллаб. (“Манас”)

67-машқ. Нуқталар ўрнига мос сўзлар қўйиб, битишув йўли билан бириккан сўз бирикмаларини ҳосил қилинг ва уларни кўчиринг.

Бепоен ... , ёқимли ... , самимий ... , ажойиб ... , қимматбаҳо ... ; кўнғироқ ... , кумуш ... , зар ... , олтинчи ... ,

ўнтача ... , қизиқиб ... , эшитилар-эшитилмас ... , уялибгина ... , куйлаган ... , кукулашаётган

68-машқ. Ўқинг. Аввал мослашув, кейин бошқарув, сўнгра битишув йўли билан бириккан сўз бирикмаларини кўчиринг.

Сулаймон тоғи, тинчлик истамоқ, атлас кўйлак кийган қиз, кўшиқ куйламоқ, осмондай бепоён, товуқ шўрва, тезда қайтмоқ, боғни томоша қилмоқ, тонгги сукунат, ишнинг сўнгги, бувимнинг ҳикояси, кулимсираб турмоқ, мукофот бермоқ, марварид тиш, завқ билан куйламоқ, ташаббускор аёл, қадам ташламоқ, қушлар сайраши, шитирлаган овоз.

7-§. СЎЗ БИРИКМАСИНИНГ ТУРЛАРИ

Бош сўз қайси сўз туркумига мансублигига қараб, сўз бирикмаси икки хил бўлади: 1. Отли бирикма. 2. Феълли бирикма.

Бош сўз от, сифат, сон, олмаш, тақлидий сўзлар билан ифодаланса, отли бирикма ҳисобланади: *баланд бино, асалдай ширин, интизомда биринчи, болаларнинг ҳаммаси, усталарнинг тақир-туқир.*

Бош сўз феъл ва унинг ҳаракат номи, равишдош, сифатдош шакллари билан ифодаланса, феълли бирикма ҳисобланади: *китоб ўқимоқ, вазифани бажариб, тез келган.*

69-машқ. Кўчиринг. Бош сўзнинг қайси сўз туркуми билан ифодаланганини қавс ичига ёзиб қўйинг:

Намуна: *марғилон атлас (от) ...*

Сувдай тиниқ, тилло билагузук, сутдай оқ, ҳаммага бирдай, иш қизгин, йиғилганларнинг ўнтакаси, онасига садоқатли, асфальт йўл, чарчагунча ишламоқ, барчага равшан, қоровул йиғит, йиллик режа, аҳолининг ҳаммаси, бугун кечкурун, сайр қилмоқ, ота-оналарнинг ҳеч бири, ўқувчиларнинг кўпчилиги, дилни тўлқинлантириб, ҳар кунгидан эрта, шаҳар кўчаси, асарни ўқиган, куз офтоби, диққат билан

эшитмоқ, қизларнинг ҳар бири, кумуш сирға, маъюс жилмайиб, болаликни эслаб, қўлидан етаклаганча, меҳмонларнинг ғала-ғовури, мусобақада биринчи.

70-машқ. Берилган гапларни сўз бирикмаларига ажратиб, кўчиринг. Бош сўзнинг тагига чизиб, қандай бирикма эканлигини қавс ичига ёзиб кўйинг.

Намуна: севиниб гапирмоқ (феелли бирикма) ...

1. Тепаликда чинор, икки туп садақайрағоч тўрт-беш кишилик супаларга соя солиб турарди. (А. Қ.) 2. Эй фарзанд, ҳеч вақт яхшилик қилишни тарк этма ва ҳамма вақт халойиққа яхшилик қил, яхшиликка тескари иш қилма, бошқа тил билан сўзлама, бошқа кўнгил билан ўйлама, буғдойни кўрсатиб, арпа сотма. («Қ») 3. Ҳунарли эр хор бўлмас, дўст-душманга зор бўлмас. (М.) 4. Зийракнинг ақли тош ёрар, номарднинг мушти бош ёрар. (М.)

71-машқ. Мақол ва ҳикматли сўзларни ўқинг. Мослашув, бошқарув ва битишув алоқали бирикмаларни аниқлаб, туруҳларга ажратиб кўчиринг.

Намуна:

Мослашувли бирикмалар	Бошқарувли бирикмалар	Битишувли бирикмалар
<i>бошқаларнинг хатоси</i>	<i>хатосидан ибрат олмоқ</i>	<i>ақлли одам</i>
—

1. Ақлли одам бошқаларнинг хатосидан ибрат олади. 2. Сабр тоғни йиқитар. 3. Бирлашган тоғдан ошар. 4. Битта гулдан илон заҳар, болари асал тўплайди. 5. Меҳнаткаш қўл эҳсон сўрамас. 6. Ёмон сўздан яхши дўстлар ҳам безиб кетади. 7. Она – қуёш, унинг сеҳр тафти ҳеч қачон совимайди. 8. Одобли одам табибга ўхшайди, у билан суҳбатлашиш кўнгилдаги ғамни қувади. 9. Сабабсиз қулги – беодоблик белгиси. 10. Элдан уялмаган кишининг эл олдида қадри

бўлмайдн. 11. Севги бозорда сотилмас. 12. Тиф жароҳати битар, тил жароҳати битмас. 13. Қайтган сўзнинг қадри йўқ.

72-машқ. Ифодали ўқинг. Аввал мослашув, кейин бошқарув, сўнгра битишув йўли билан бириккан сўз бирикмаларини кўчириб ёзинг. Бош сўзнинг тагига чизиб, қайси сўз туркуми билан ифодаланганини қавс ичига ёзиб қўйинг. Бу шеърнинг мазмунини қандай тушунасиз?

Намуна: *Найман онанинг муножоти (от); камонни тортмоқ (феъл).*

НАЙМАН ОНАНИНГ МУНОЖОТИ

Жўломон, ҳай, камонингни тортмагин,
Болам, омон бўл-у, отма, отмагин!
Манқурт бўлиб гуноҳларга ботмагин!..
Манқуртларга қайтар эсини, эгам,
Юрагига бергин ҳисини, эгам.
Йиқиляпман ўғлим ўқидан,
Жон таслим қиляпман ўғлим ўқидан.
Билсанг, бу иймоннинг йўғидан...
Манқуртларга қайтар эсини,
Юрагига бергин ҳисини..
Фарзандларим бунча лоқайд бўлмаса,
Наҳот ўйламоққа бир пайт бўлмаса?!
Лавҳул-маҳфузингда бир қайд бўлмаса?!
Эгам, манқуртларга қайтар эсини,
Юрагига бергин ҳисини.
На ибтидоси, на интиҳоси бор оламнинг,
Наҳот қурбони бўлсам ўз боламнинг?!
Ким кўтара олур бу зил аламни?!
Манқуртларга қайтар эсини,
Юрагига бергин ҳисини.
Дўзахнинг ёнида жаннат яратган,
Фазилатга қўшиб иллат яратган,
Одам отлиқ хилқат яратган –
Эгам, манқуртларга қайтар эсини,
Юрагига қайтар ҳисини. (Қ.М.)

73-машқ. *Сифат+от, от+от, от+олмош, от+ҳаракат номи, сифатдош +от, от+фeyл, равишдош+фeyл, ҳаракат номи + от* қолипида тузилган сўз бирикмаларининг ҳар бирига учтадан мисол ёзинг. Бош ва эргаш сўзларнинг тагига чизинг.

Намуна: *сифат+от: рост гап, ..., ..., ...; от+от: олтин узук, ..., ..., ...; от+олмош: қизларнинг ҳаммаси, ..., ..., ...; равиш+ фeyл: секин кулмоқ, ..., ..., ...; от+ҳаракат номи: асарни ўқиш, ..., ..., ...; сифатдош +от: ўқиган қиз, ..., ..., ...; от+фeyл: расмни чизмоқ, ..., ..., ...; равишдош+фeyл: югуриб келмоқ ..., ..., ...; ҳаракат номи+от: ўқиш орзуси ..., ..., ...*

74-машқ. «Қирғизистон кўп миллатли давлат» мавзусида қисқа ҳажмли эссе ёзинг. Ёзган ижодий ишингиздаги жумлаларни сўз бирикмаларга ажратинг. Бош сўзнинг қайси сўз туркуми билан ифодаланганини изоҳланг.

СЎЗ БИРИКМАСИНИ СИНТАКТИК ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

1. Сўз бирикмасини кўрсатиш.
2. Сўз бирикмасининг тузилишини тушунтириш:
 - а) бош сўз ва эргаш сўзни аниқлаш;
 - б) бош сўз ва эргаш сўз қайси сўз туркумлари билан ифодаланганлигини белгилаш;
 - в) бош сўз билан эргаш сўзнинг бирикиш турини аниқлаш;
3. Сўз бирикмасининг грамматик маъноси.

ТАҲЛИЛ НАМУНАСИ

Олтин баркашдек ярқироқ қуёш кўкда нур сочиб турибди.

Бу гапта бешта сўз бирикмаси бор: *Олтин баркашдек, баркашдек қуёш, ярқироқ қуёш, кўкда нур сочмоқ, нур сочиб турмоқ.*

Ярқироқ қуёш – сўз бирикмаси, бош сўз – *қуёш*, эргаш сўз – *ярқироқ*, бош сўз – *от* билан, эргаш сўз – *сифат* билан

ифодаланган, бош сўз билан эргаш сўз ҳеч қандай грамматик воситасиз битишув йўли орқали бириккан.

75-машқ. Ҳақнинг. Гапларни сўз бирикмаларига ажратинг ва ёзма равишда синтактик таҳлил қилинг.

I

1. Илм ҳам юққанга юқади. 2. Она қалби битмас-туганмас мўъжизалар манбаидир. 3. Бекорчиликдан ақлий ва жисмоний заифлик келиб чиқади. 4. Ифвонинг оёғи калта, аммо тез ўрмалайди. (Ҳ.) 5. Тўғри сўз қиличдан ўткир. (М.)

II

Мана шу сокин, сеҳрли ойдин кечада жимжитлик қўйнида яккаоёқ йўлдан ўзим билан ўзим сўзлашиб уйга томон борардим. Куз япроқларининг сеҳрли шитирлашларига қулоқ солиб, осудаликка чўккан хомуш уйлар ёнидан ўтяпман. Шу вақт қулоғимга қаердандир ёқимли куй эшитилгандек бўлди. Юрагим жиз этиб тўхтаб қолдим. Қимир этмай, нафасимни ичимга ютиб тек қотдим.

(М. Қорнев)

76-машқ. Қуйидаги ҳазил шеърни ўқинг. Сўз бирикмаларини аниқлаб, аввал мослашув, сўнг бошқарув ва битишув алоқали бирикмаларини кўчириб ёзинг. Бош сўзининг қайси сўз туркуми билан ифодаланганлигини аниқланг.

МАТМУСАНИНГ ЛАГАНИ

Матмусавой шаҳардан
Лаган олиб қайтарди,
Йўл-йўлакай ўй суриб,
Ўз-ўзига айтарди:
Бу лагани кўтариб
Олиб борсам қишлоққа,
Хотин уни, албатта,
Идиш қилар пишлоққа.
Тийиб бўлмас ҳеч қачон
Бола-чақа дегани,

Улар пишлоқ талашиб
Синдиришар лаганини,
Шунда излаб чегачи
Мен нотавон бечора,
Қайта келиб шаҳарга
Бўладирман овора.
Машойихлар гапи бор
Иш кўзини бил, деган.
Ҳар юмушда эрганинг
Ҳисобини қил, деган.

Нима қилсам экан деб,
Бир дам ўйга толди у.
Сўнг лаганини синдириб,
Чегалатиб олди у.

Шундай қилиб, уйига
Қайтди оғзи қулоқда.
Ҳамма унинг ақлига
Қойил қолди қишлоқда.
(Э.В.)

77-машқ. Қуйидаги тест саволларининг тўғри жавобини белгиланг.

1. Қайси жавобда тобе боғланишли бирикма берилган?

- А. Мажлис бошланди. Б. Ўқувчилар термоқдалар.
В. Ота ва бола. Г. Ҳашарчилар келишди.
Д. Бепоев дала.

2. Мисолларнинг қайси бири отли бирикма ҳисобланади?

- А. Яхшидан ўрган. Б. Болаларда бор.
В. Интизомли ўқувчи. Г. Устахонада ишлаб. Д. Ҳаммадан оз.

3. Қайси жавобда эргаш сўз бош сўз билан тушум келишиги қўшимчаси воситасида боғланган?

- А. Меҳнатсевар ва интизомли йигит-қизлар.
Б. Одамзотнинг энг яхши фазилатлари.
В. Муножотни тинглаб.
Г. Атоқли шоир ва ёзувчилар.
Д. Халқимизнинг қадимий ёдгорликлари.

4. Қайси жавобда эргаш сўз бош сўз билан ўрин-пайт келишиги қўшимчаси ёрдамида боғланган?

- А. Мириқиб дам олмоқдамиз.
Б. Олтин ўтда билинади, одам меҳнатда.
В. Жамоа хўжалиги фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди.
Г. Мустаҳкам ва узок давом этадиган тинчлик бўлсин.
Д. Мактаб ўқувчиларининг кузги таътили бошланди.

5. Эргаш сўз бош сўз билан қайси жавобда кўмакчи ёрдамида боғланган?

- А. Қуролсизланиш ҳақидаги битим имзоланди.
Б. Қад кўтараётган янги бинолар кўзга ташланиб турарди.
В. Бепоев далаларда қўй ва қўзиларнинг марши эшитилиб турарди.
Г. Жазирама иссиқ қир-адирларни қовжиратган эди.
Д. Голиблар мукофотлар билан тақдирландилар.

6. Қайси бир бошқарувли бирикмада бош ва эргаш сўз тартиби ўзгарган?

- А. Тинглаб қалб сўзларини, белбоғини боғлаб белига...

- Б. Мақсадга эришиш йўлидаги машаққатлардан чекинмаслик керак.
- В. Ватан озодлиги йўлида жон берганлар руҳи абадийдир.
- Г. Ҳар бир инсон ўз орзусини амалга ошириш йўлида тинмай меҳнат қилади.

Д. Тонгда эсаётган майини шабада дилларга ором беради.

7. Қайси жавобда мослашув қаратқич келишиги қўшимчасисиз келган?

- А. Ҳосил учун кураш бошланди.
- Б. Ота-оналар мажлиси кечгача давом этди.
- В. Сайлида шаҳар томон кетишга ошиқайётганларга дуч келдик.
- Г. Баланд бинолар қад кўтариб турарди.
- Д. Кенг далада иш қизиқ кетди.

8. Битишувнинг таърифи қайси жавобда тўғри берилган?

А. Тобе сўзнинг бош сўзга қаратқич келишиги қўшимчаси ёрдами билан бирикиши битишув дейилади.

Б. Бош сўзнинг талаби билан тобе сўзнинг маълум грамматик воситани олиши битишув дейилади.

В. Тобе сўзнинг бош сўз билан кўмакчилар ёрдамида боғланиши битишув дейилади.

Г. Тобе сўзнинг бош сўз талаби билан грамматик воситасиз фақат маъно жиҳатдан бирикиши битишув дейилади.

Д. Тобе сўзнинг бош сўз билан келишик қўшимчалари ёрдамида боғланиши битишув дейилади.

9. Мисолларнинг қайси бири феълли бирикма ҳисобланади?

- А. Боғчадаги ўрик, ўн беш яшар бола, субҳидам сабоси;
- Б. Барг чиқармоқ, рақсга тушмоқ, ям-яшил кўринмоқ;
- В. Ёзувчи ва шоир, рассом билан ҳайкалтарош;
- Г. Тоғу тошлар, тўй ва томоша, қир-у майсалар;
- Д. Б жавоб тўғри.

10. Бошқарув алоқали сўз бирикмалари қайси қаторда жойлашган?

- А. Нашриётда ишламоқ, овқат пинҳирмоқ, уй безатмоқ;
- Б. Синф мажлиси, мактаб боғи, қизларнинг совғаси;
- В. Гул байрами, девор соат, тилла узук, деворий газета;
- Г. Шаҳарга кетмоқ, қалам билан чизмоқ, бекатда турмоқ;
- Д. А ва Г жавоб тўғри.

11. Қайси қаторда сўз бирикмаси берилган?

- А. Фарбий Европа, Ўрта Осиё;
- Б. Навоий кўчаси, тонгги қўшиқ;

- В. Йўлакда тўхтамоқ, хабар келтирмоқ;
- Г. Чойнак билан пиёла, еру осмон;
- Д. Б ва В жавоб тўғри.

12. Битишув алоқали сўз бирикмалари қайси қаторда жойлашган?

- А. Вазифани бажармоқ, гул экмoқ, ;
- Б. Сердарахт боғлар, виқорли тоғлар, гавжум кўчалар;
- В. Сафарга отланмоқ, ўғлига айтмоқ, дафтарга ёзмоқ;
- Г. Хонадан чиқмоқ, томдан сакрамоқ, ўтмишдан сўзламоқ;
- Д. Қизнинг овози, отасининг савлати, она қалби.

13. Мослашув алоқали сўз бирикмалари қайси қаторда жойлашган?

- А. Қўшнинг сайраши, укамнинг туфлиси, унинг шовқини;
- Б. 8-синф ўқувчилари, мактаб ҳовлиси, гул ҳиди;
- В. Изидан бормоқ, интернетдан олмоқ, китобдан ёзмоқ;
- Г. Шом қоронғиси, волейбол майдончаси, темир дарвоза;
- Д. А ва Б жавоб тўғри.

14. Сифат + от, от + от қолипида тузилган сўз бирикмалари қайси қаторда берилган.

- А. Бекатда турмоқ, жилмайиб айтмоқ;
- Б. Кўм-кўк майса, қари чинор, зийрак қиз;
- В. Қўнғироқ овоз, темир дарвоза, олтин занжир;
- Г. Кўйлагини дазмолламоқ, идиш сотиб олмоқ;
- Д. Б ва В жавоб тўғри.

8-§. ГАП. ГАПНИНГ АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИ

Тил кишилар орасида энг муҳим муомала воситаси бўлиб хизмат қилади. Кишиларнинг борлиқ, ҳаёт ҳодисалари ҳақидаги фикр ва туйғулари тил воситасида ифодаланади.

Муомала воситасининг энг кичик бирлиги гапдир. Гап орқали нисбий тугалланган фикр, туйғу ифодаланади: *Жисмоний тарбия кишини соғлом, эпчил, бақувват қилади. Унинг фикрини маъқулловчи овозлар шитилди: Балли! Отангизга раҳмат! (П.Т.)*

Гап ҳосил қилиш учун зарур сўзларни ва сўз бирикмаларини танлаб, уларни грамматика қоидалари асосида бир-бири билан боғлаш керак.

Гапнинг асосий белгиларидан яна бири унинг оҳанг жиҳатдан тугалланган бўлишидир. Агар *тун* сўзини тугалланган оҳанг билан айтсак, сўз эмас, гап ҳосил бўлади: *Тун. Ариқ бўйидаги толлар қоронғида ҳурпайиб турибди. (П.Қ.)*

Шундай қилиб, гапнинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат:

- а) муомаланинг энг кичик бирлиги;
- б) нисбий тугалланган фикрни ифодалайди;
- в) грамматик шаклланган бўлади;
- г) тугалланган оҳанг билан айтилади.

78-машқ. Ўқинг. Қуйидаги сўзларнинг бир ўзи гап бўла оладими? Шу сўзлар иштирокида иккита гап тузинг, бош бўлақларини аниқлаи.

Гўзал, шошқалоқлик, кеча, табиат, мустақиллик, бурч, кўриқлаш, байроқ.

79-машқ. Ўқинг. Қуйидаги сўз бирикмалари иштирокида гаплар тузинг.

Намуна: *Ёшларнинг вазифаси – Ёшларнинг вазифаси ўқишдир.*

Чойнинг хосияти, дўстликнинг қадри, катталарга ҳурмат, китобни эъозламоқ, муҳташам бино, ям-яшил ўтлоқ, хатосиз ёзмоқ, адабий тилда гапириш, чиройли ёзув, ишоравий хато, намунали хулқ, самимий дўст .

80-машқ. Сўз бирикмаларини тугалланмаган оҳанг билан, гапларни эса тугалланган оҳанг билан ўқишни машқ қилинг.

Сўз бирикмалари	Гаплар
мураккаб вазифа ...	Вазифа мураккаб.
бу маҳалла ...	Бу – маҳалла.
кўп қаватли бино...	Бино кўп қаватли.
сифатли маҳсулот	Маҳсулот сифатли.
кеч афсусланмоқ	Афсусланмоқ кеч.
Ҳакимнинг яхши иши	Ҳакимнинг иши яхши.
кўкка қараб бўй чўзган чинорлар	Чинорлар кўкка қараб бўй чўзган.

ГАПНИНГ ИФОДА МАҚСАДИГА КЎРА ТУРЛАРИ

Сўзловчи ўз мақсадига кўра гапнинг турли шаклларидан фойдаланади.

Сўзловчининг сўзлашдан мақсади турлича бўлиши мумкин:

1) ўзига маълум бўлган воқеа-ҳодиса ҳақида хабар бериш;

2) ўзига номаълум бўлган воқеа-ҳодиса ҳақида сўраш;

3) маълум иш-ҳаракатни бажариш ёки бажармасликка даъват этиш.

Сўзловчининг бу уч мақсадига мувофиқ гаплар ҳам уч хил ифода шаклига эга бўлади: 1) **дарак гап**; 2) **сўроқ гап**; 3) **буйруқ гап**.

9-§. ДАРАК ГАП

Бирор иш-ҳаракат, воқеа-ҳодиса ҳақида хабар билдирувчи гап дарак гап дейилади. Масалан: *Кечқурун ўша аввалги йўллар билан анҳор ва кўл туташган жойдаги тепаликка келдилар. (П.Қ.)*

Дарак гап юз берган, юз бериши мумкин бўлган воқеа-ҳодисани тасдиқ ёки инкор қилиш йўли билан ифодалайди. Тасдиқ гапларнинг кесими бўлишли феъллардан ҳамда тасдиқ шаклидаги отлардан, инкор гапларнинг кесими эса бўлишсиз феъллардан ва эмас сўзини олган отлардан ифодаланади: *Ўқувчилар мусобақага пухта ҳозирлик кўрмоқдалар. Мактабимиз спортчилари ғалабани қўлдан бермадилар. Кўп гапириш донолик эмас.*

Дарак гапнинг кесими кўпинча хабар майлидаги феъл билан ифодаланади. Дарак гаплар мазмунидан хабар, орзу-умид, ишонч, маслаҳат, истак, кўрсатиш каби маънолар англашилади. Масалан: *Ёз бу йил жуда иссиқ келди. (хабар) Ёзги таътилда оиламиз билан Иссиқ кўлда дам олмақчимиз. (орзу-умид) Ҳақиқат ҳеч қачон сиймайди. (ишонч) “Хунарли одам хор бўлмас” деб*

бежиз айтишмаган. Илм билан бирга ҳунар ўрганишингизни маслаҳат бераман. (маслаҳат) Ўқувчиларим, мен сизларни келгусида етук мутахассис бўлиб камол топишингизни хоҳлайман. (истак) Бизнинг мактаб – шу, (кўрсатиш)

Дарак гаплар тинч оҳанг билан айтилади ва гапнинг охирига нуқта қўйилади: *Нариги ўқув биносига кириб боришганда, чиқишга қўнғироқ чалинди.*

81-машқ. Ўқинг. Икки гуруҳга бўлиниб, биринчи гуруҳ тасдиқ билдирувчи дарак гапларни, иккинчи гуруҳ инкор билдирувчи дарак гапларни ёзинг. 9 ва 10- гапларнинг мазмунини изоҳланг.

1. Олатоғда қиш ўтиб, кўклам келиб, ҳаёт ўз оқимида аввалгидек давом этаверди. (Ч.А.) 2. Бадантарбия билан шуғулланилса, ҳеч қандай дори-дармонга зарурат қолмайди. (И.Сино) 3. Бир оз ақлга ён бериб иш қилган киши ҳеч бир вақт қоқилмайду. (А.Қод.) 4. Ҳар қандай офатни гўзаллик енгади. (Ҳ.) 5. Узун гап қулоққа ёқмас. (М.) 6. Ёмғирдан кейинги илиқ ҳаво узоқ давом этмади. (П.Қ.) 7. Бемор одам кулгуни ёқтирмайди. (М.) 8. Меҳнат ва ижод кексайишни секинлантиради. (Ҳ.) 9. Қошиқ билан ош бериб, сопи билан кўз чиқарма. 10. Ўзини тергай билган ўзгаларни тергамас. 11. Энг бебаҳо ва ҳамиша беназир тарқатиладиган бир хазина бор. Бу она – меҳри. (Ў.Ҳ.) 12. Ташқи қиёфани безайвермасдан маънавий оламни безаш керак. (Ҳ.)

82-машқ. Қуйида берилган ҳисобот намунасида фойдаланиб, бажарилган ишлар юзасидан ҳисобот ёзинг.

Эслатма: ҳисобот режалаштирилган иш ёки вазифа, топшириқларнинг бажарилиши, хизмат ва илмий сафарлар якуни ҳақида ёзма маълумот берувчи ҳужжатдир. Ҳисоботда қуйидагиларга эътибор берилади:

1) ҳисобот берилаётган муассаса номи, раҳбари, қайси шахс томонидан берилаётганлиги;

2) ҳужжатнинг номи (ҳисобот);

3) ҳисобот матни (қандай топшириқ берилган эди, у

қандай бажарилди, далиллар, қандай етишмовчиликлар бўлди, хулоса ва таклифлар);

4) ҳисобот берувчининг исми ва фамилияси, имзо, сана.

Ўш шаҳридаги Ҳ.Абдуллаев номи
41-мактаб директори М. Худоёровага
шанбаликда бажарилган ишлар бўйича

ҲИСОБОТ

2011 йил 4 апрель куни мактаб ҳудудида ўтказилган шанбаликда 8-“А” синф ўқувчилари тўлиқ қатнашишди. Шанбалик қатнашчилари ўзларига топширилган жойни супуришди, берилган майдондаги дарахтларнинг тагларини юмшатишди, белгиланган жойга 10 туп арча ва 20 туп терак кўчатини экишди. Берилган топшириқларнинг ҳаммаси бажарилди. Шанбалик кўнгилдагидек ўтди.

Синф раҳбари:	(имзо)	И.Отахонова
Котиба:	(имзо)	О.Раҳмонова

2011 йил 4 апрель

83-машқ. Матнини ўқинг. Нечта содда гап борлигини аниқланг. Дарак гапларни кўчириб, бош бўлақлари тагига чизинг.

...Самарқанд боғларида катта дон азорлар етилган, соҳиби узумлар ва нақш олмаларининг энг ширинлари қолган пайт. Шаҳарнинг барча дарвозалари очиқ, кирди-чиқди бемалол.

Бобур ҳар куни меҳмонлари ва мусоҳиблари билан ... хурсандчилик қилар эди. Тўй-томоша устига яна тўрт тарафдан хушxabарлар келиб турарди. Андижон, Марғилон, Ўш ва Ўзган ҳаммаси бирин-кетин шайбонийзодалар ҳукмидан чиқиб, Бобур томонига ўтган эди. Жанубда Қундуз, Қобул, Ғазни барчаси энди Бобурнинг қарамоғидаги ягона мамлакатга айланган эди. Унинг назарида, ҳаётнинг энг бахтли даври бошланган, барча орзулари энди бекаму кўст рўёбга чиқиши керак эди.

Бироқ бу бахтнинг жуда омонат, жуда муваққат эканлиги энг аввал масжид билан бозорда билинди. (П.Қ.)

84-машқ. Ўзингиз севиб мутоала қиладиган бадний асардан дарак гапларга тўртта мисол топиб ёзинг. Ёзилган гаплар мазмунидан қандай маънолар англашилаётганини айтиб беринг.

10-§. СЎРОҚ ГАП

Сўзловчига номаълум бўлган воқеа-ҳодиса ҳақидаги сўроқни билдирувчи гап сўроқ гап дейилади. Масалан:

- *Ўша куни гапимиз тамомланмай қолди-а?*
- *Қайси гап?*

Сўроқ гаплар кўпроқ диалогик нутқда қўлланилади. Сўроқ гапларда сўзловчи ўзи баён қилган фикрга суҳбатдошини фикр билдиришга ундайди, шу фикрни тасдиқлаш ёки инкор этиш талаб қилинади. Масалан:

- *Сиз кеча бу китобни ўқидингизми?*
- *Ҳа.*

Сўроқ гаплар қуйидаги воситалар ёрдамида ҳосил бўлади:

1) *ким?, нима?, қачон?, қайси?, неча?, қаерда?, нима учун?, қандай?* каби сўроқ олмошлари ёрдамида: *Ҳозир қандай китоб ўқиясан?*

- 2) *-ми, -чи, -а, -я* каби сўроқ юкламалари ёрдамида:
- *Сен машғулотга борасанми?*
 - *Ўзинг-чи?*

3) сўроқ оҳанги ёрдамида: *Дарс бошланди? Қирқ беш сўм?*

Баъзан сўроқ гаплар жавоб талаб қилмайди. Бундай гапларда ифодаланган фикр сўроқ шаклида тасдиқланади ёки инкор қилинади. Сўроқ гапнинг бу тури **риторик сўроқ гап** деб юритилади: *Ким ўз боласини яхши кўрмайди? (Ҳамма ўз боласини яхши кўради - тасдиқ); Буни қара-ю, шу ҳам ов бўлдимми? (Ов яхши бўлмади - инкор)*

Сўроқ гапнинг охирига сўроқ белгиси қўйилади.

85-машқ. Нукталар урини тўлдириб, соф сўроқ гаплар ҳосил қилинг.

Намуна: *Дарс ... бошланди – Дарс қачон бошланди?*

1. Одил, ўқишга борасан... . 2. Ота-оналар мажлиси ... бўлади. 3. Дарсдан кейин ... борамиз. 4. Сен эрталаб уйқудан соат ... турасан. 5. Китоб дўконидан ... китобларни сотиб олдинг. 6. Ёзнинг иссиқ кунида ҳам ёмғир ёғади... . 7. Синфимиз билан вилоят кутубхонасига борамиз, сиз... . 8. Ўқийдиган китобингиз бадиий китоб....

86-машқ. Ўқинг. Аввал соф сўроқ гапларни, кейин риторик сўроқ гапларни кўчириб ёзинг.

1. Сен баҳорни соғинмадингми? (А.О.) 2. Фазалдан бу каби завқ олмаган ким?! (У.) 3. Салом, йигитлар, бу ерда нима қилиб ўтирибсизлар? 4. Ким ўз онасини эъзозламайди? 5. Сизда қандай кеки бўлсин? (О.) 6. Жилва айлаб шўхлуқдин жоним олғон сенмусан? (Машраб) 7. “Ўш садоси”нинг янги сонини ўқидингми? 8. Музаффарга бир гап бўлдимми? Бугун нечанчи ўзи? Йигирма тўртинчи апрелми? Музаффар соғмикин, ишқилиб? (Ў.Х.) 9. Эй кўнгул, арз айла, жононинг қани? (Муғанний) 10. Уч-тўрт кунлик меҳмонларин хафа қилар ким, Сен не учун бандаларинг кўзин ёшлайсан?! (Х.Х.)

87-машқ. Ўқинг. Сўроқ гапларининг қандай ҳосил бўлганлигини аниқлаб, ҳар бир турининг алоҳида кўчириг.

1. Сўроқ олмошлари орқали: ;

2. Сўроқ юкламалари орқали: ;

3. Оҳанг орқали: ;

1. О, она деган шунчалар ҳам меҳри дарё бўладими, а?

2. Эй бегим, ушбу юз дегул шаме била қамармудур? (Атоий)

3. Жавоб бериб кўр-чи, ... табиат, бунчалик гўзални нечун яратдинг? (Х.О.)

4. Сенсиз маъносизман, сенсиз кимман, ким? (Н.М.)

5. Тавба, наҳотки Мақсуджон чиндан ҳам Комиланинг отаси бўлиб чиқса? (Р.Карим)

6. Ўн тўрт сўм берасиз? 7. Тақ-

дир менга истеъдод берган, куч берган, ғайрат берган, аммо нечун бахт бермаган?! (П.Қ.)

88-машқ. Қуйида берилган шеърни ўқинг. Сўроқ гапларни аниқлаб, қандай воситалар орқали ҳосил бўлганини айтиб беришг.

ЎНГ ҚЎЛ ВА ЧАП ҚЎЛ

Сўрар Чап қўл Ўнг қўлдан бир кун:

– Хўп моҳиру эпчилсан нечун?

Чап беролмас тешаю ўроқ,

Сен эплигу мен нега нўноқ?

Бўйсунди қўларра, қайчи,

Не сиринг бор, ростини айт-чи?

Ўнг қўл жавоб берар мулойим:

– Эринмасдан машқ қилдим доим,

Сендан олдин югуриб ишга,

Уста бўлдим ҳар бир юмушга.

(Ж.Қурашев)

89-машқ. Гапларни ўқинг. Аввал дарак гапларни, кейин сўроқ гапларни кўчиринг. Дарак гаплар мазмунидан қандай маъно англашилаётганини, сўроқ гаплар қандай ҳосил бўлганлигини қавс ичига ёзиб қўйинг.

1. Ҳаво тоза. Фир-фир шамол эсиб турибди. (С.А.) 2. Бу орада ёзги сессия бошланиб, улар жуда кам кўришадиган бўлдилар. (П.Қ.) 3. Дунёда пул ўғриси бор, мол ўғриси бор, лекин қадр ўғриси йўқми? Бировнинг қадрини ерга уриш йўли билан ўз қадрини оширадиган одам қадр ўғриси эмасми?! 4. Қўзиларни боқиб, катта қилиб чўпонга топшираман, кейин университетга ўқишга кетаман... (Ч.А.) 5. Улар ҳар томонга тарқалиб кетишади. Улардан фақат бирга олдирилган суратгина ёдгор қолади, холос. Шунадаймикин? Дўстлик-чи? Ўн йиллик хотиралар-чи? Отадек меҳрибон ўқитувчилар-чи? Ҳаммаси энг ширин хотира бўлиб қолади. (С.А.)

6. Машраб осилганда қаёқда эдинг?

Лорка отилганда қаёқда эдинг?

Суриштирганмидинг Қодирийни ё?
Қалқон бўлганмидинг, келганда бало?
Қаршингда ҳасратли ўйга толаман,
Қачон халқ бўласан, сен эй – оломон?

(А.О.)

11-§. БУЙРУҚ ГАП

Буюриш, чақириш, илтимос, маслаҳат каби маъноларни ифодалайдиган гаплар буйруқ гап дейилади. Буйруқ гапларнинг кесими буйруқ майлидаги феъллардан ифодаланади. Масалан: *Ўқувчилар, йўл ҳаракати қондаларига риоя қилинг (буйруқ). Дарсларга пухта тайёрланайлик! (чақириқ). Шу китобни менга бера қолинг (илтимос). Ҳасад қилма, ҳавас қил (маслаҳат).*

Буйруқ гапнинг охирига кўпинча ундов белгиси қўйилади: *Сабр қил, ўғлим, сабр қил!* Илтимос, ялиниш, маслаҳат мазмунини билдирган буйруқ гапларнинг охирига, оҳангига қараб, нуқта қўйиш ҳам мумкин. *Етти ўлчаб бир кес. Дилноза, ручкангни бериб тур. Кутубхонага эртага борайлик.*

90-машқ. Берилган сўзлардан буйруқ гаплар ҳосил қилиб, дафтарингизга ёзинг. Қандай маъноларни билдираётганини айтинг.

Намуна: Тезроқ, кечаги, бажариш, вазифа, сиз – Сиз кечаги вазифани тезроқ бажаринг!

1. Озода, кийим, сақламоқ. 2. Уйга бермоқ, топшириқ, тўла, ўз, бажариб келмоқ, вақт. 3. Тезроқ, билан, дарс, тугаш, уйга, бормоқ. 4. Ҳаракат қилмоқ, китоб, эҳтиёт қилмоқ, озода, сақлаш. 5. Насиҳат қилмоқ, одам, худбин, жоҳил. 6. Дераза, эрталаб, барвақт, турмоқ, очиш. 7. Ободончилик, шаҳар ва қишлоқ, эътибор бермоқ. 8. Экмoқ, дарахт, мевали ва манзарали, кўпроқ.

91-машқ. Зарурий тиниш белгиларини кўйиб гапларни кўчиринг. Қандай маъноларни билдираётганини қавс ичига ёзиб кўйинг.

Намуна: *Ўтиринг, (ялиниш) тезроқ борайлик (истак) бўлмаса. (П.Қ.)*

1. Ибрат олгин ён қўшнимиз Шариф бойдан *(F.F.)*
2. Ақлли жавоб олишни истасанг ақлли савол бер *(Г.)*
3. Алишер эски гиналарни унутинг яна ўз жойингизни эгалланг *(У. ва И.Султон.)* 4. Қўйворинг Ўлдириб кўясиз-ку болани кўйворинг *(Ў.Х.)* 5. Тақдир деб ўзингизни ўтга ташламанг амирзодам Бизни ҳам ўйланг Сиз ёв тифига ўзингизни урсангиз биз не қилурмиз Умр йўлдошингиз Ойиша бегим не қилур. *(П.Қ.)* 6. Суҳбат айлайлик келинглар жўралар ўртоғлар. *(Муқимий)* 7. Бошингни эг дарёдан олиб ич сувни Сув кўп сенинг чанқоғингни қондиришга етади бош эг *(Ч.А.)*

92-машқ. Ўқинг. Тиниш белгиларининг қўйилдиш сабабини тушунтиринг.

1. Баракалла!.. Ёдгорбойга шунақа меҳрибонман дегин? Бери кел, ўтир! Ма, бир пиёла чай ич... *(А.Қ.)* 2. О, Алишер! Хуш келибсиз, ичкарига марҳамат! *(У. ва И.Султон)* 3. Кўчларни йиғиштир! Аравани қўш! Қувага жўнаймиз! Тез! Тезроқ! *(П.Қ.)* 4. Ахир, жон қуда, нега ундоқ дейсиз? Нега тушунмас эканман? Тушунаман! *(А.Қ.)* 5. Нечун бундай дейсиз? Ҳаммамиз ҳам бу ўткинчи дунёга меҳмонмиз! Сиз билан мен бир онанинг фарзандларимиз! *(П.Қ.)* 6. Ота-боболаримизнинг ёзги қўноғига хуш келибсизлар! Мою жон саломатми, бола-чақа омон-эсонми? *(Ч.А.)*

93-машқ. Ўқинг. Гапларни ифода мақсадига кўра турларга ажратинг ва ҳар бир турни алоҳида кўчиринг.

1. Дарак гаплар:
2. Сўроқ гаплар:
3. Буйруқ гаплар:

1. Чироққинам-эй, ҳадеб қаердан топанан эртакни? *(О.)*
2. Шунақа экан, нимага у ёққа илгарироқ бормадинг? *(Ч.А.)*
3. Олам улуғ кишиларга бой. Ахир ҳар бир қишлоқ, ҳар бир

шаҳар, ҳар бир ўлка ўзининг буюк кишисига эга эмасми? (Газ.) 4. Туришни хаёлингга ҳам келтирма! Қачон тегди сенга бу касал? Нега айтмай юрдинг? (Ч.А.) 5. Мен ҳам шу шаҳарчанинг тақдирини ҳал қиладиган одамлардан бири бўламанми? Ажойиб! Тезроқ ишга чиққим келади. (П.Қ.) 6. Оқилона иш тутиш учун биргина ақлнинг ўзи камлик қилади. (Достоевский) 7. Бригадир енгиллик қилиб қўйганига ичидан пушаймон бўлиб, қип-қизариб кетди. 8. Ёвни кўрсанг, шер сингари юриш қил. (Ф.Йўлдош ўғли) 9. Арчаларнинг бири-бирига тутшиб кетган шохларини аста қайириб кирди. (Ҳ.Н.) 10. Бошинг тошдан бўлсин, чироғим, ўсгин, унгин, қайда бўлсанг омон бўл! (М.М.) 11. Ўзингиз ўлтирмайсизми, ака? Ўлтиринг. (А.Қод.)

12-§. ҲИС-ҲАЯЖОН ГАП

Гаплар оҳангига, ҳис-туйғунини ифодалашига кўра ҳис-ҳаяжон гап, ҳис-ҳаяжонсиз гап деб юритилади.

Ҳис-ҳаяжонсиз гаплар дарак, сўроқ ёки буйруқ оҳанги билан айтилади, ҳис-ҳаяжон билдирмайди. Масалан: *Бугун ўшлик адиблар билан учрашув бўлади. Иссиққўлда бўлганмисиз? Қани, кетдик, тезроқ юринглар!*

Ҳис-ҳаяжон гаплар кучли ҳис-ҳаяжонни билдиради: *Эҳ! Ҳаво нақадар соф ва мусаффо! Ёзувда ҳис-ҳаяжон гапларнинг охирига ундов белгиси қўйилади.*

Ҳис-ҳаяжон гаплар қуйидагича ҳосил бўлади:

1. *Эҳ, оҳ, э, уҳ, о, уф, эҳа, не, оббо* каби ундовлар иштироки билан: *Эҳ, қани энди косманавт Солижон Шарипов билан учрашиш бизга ҳам насиб бўлса!*

2. *Қандай, қанча, нақадар, шундай* каби сўзлар ёрдами билан: *Фарғона водийси нақадар гўзал! Шундай ҳаво бўлса-ю, оёқ-қўли бутун одам кўчага чиқолмай, деразадан мўралаб ўтирса!.. (А.Қ.)*

3. Фақат ҳис-ҳаяжон оҳанги ёрдами билан ҳосил бўлади. Бунда дарак, сўроқ, буйруқ гаплар оҳанг ёрдамида ҳис-ҳаяжон гапга айланади:

*Ҳис-ҳаяжонсиз гаплар
Ўқини бошланди.
Мактабда қанча ўқувчи бор?
Келдингизми?*

*Ҳис-ҳаяжон гаплар
Ўқини бошланди!
Мактабда қанча ўқувчи бор?!
Келдингизми?!*

Ҳис-ҳаяжон гапларда тиниш белгилари қуйидагича қўйилади:

а) баъзан ҳис-ҳаяжон гапнинг охирига ундов белгиси ва ундан кейин кетма-кет икки нуқта қўйилади: *Кўҳна ва навқирон Ўш!..*

б) сўроқ мазмуни кучли бўлса, сўроқ ва ундов белгиси қўйилади: *Гапирсангиз-чи, нима бўлди?! Наҳотки, сиз ... бундан беҳабарсиз?! (П.Қ.)*

в) ҳис-ҳаяжон кучли бўлса, ундов ва сўроқ белгиси қўйилади: *Фарзанд қандай оқлар она ҳаққини?!*

г) айрим ҳолларда ҳис-ҳаяжоннинг ўта кучлилигини ифодалаш учун учта ундов белгиси кетма-кет қўйилади: *О, Анорхой, о бепоён дашт!!! (Ч.А.)*

94-машқ. Кўчиринг. Ҳис-ҳаяжон гаплар қандай ҳосил бўлганига диққат қилинг.

1. Ҳа, кўрқдингми?! Ие, бу салют-ку! Ана, осмонга қара! Мушакларни биров ҳовучлаб сочаётганга ўхшайди. (П.Қ.)
2. Ў... Жонажон бепоён далам! (Ч.А.) 3. Манас! Элга тегишган душманларнинг жазосини бер! (“Манас”) 4. Чексиз уфқлар сирли милтираган юлдузлар кимда ҳам ҳис-туйғу уйғотмайди дейсиз! (А.О.) 5. Нақадар яхши, нақадар лаззатли экан ишонч билан яшаш! («Ч.») 6. Раҳмат бобожон! Сиз буюкларнинг буюгисиз! (М.М.) 7. О, соф виждон қанчадан-қанча ҳуқуқлар беришини ҳамма билса эди! 8. Кўршапалакнинг кўзи кундузи кўрмаса, бунда Қуёшнинг нима гуноҳи бор!? (Журн.)

95-машқ. Ч.Айтматовнинг “Бўтакўз” қиссасидан келтирилган парчани ўқинг. Тиниш белгиларининг қўлланилиш сабабини тушунтириб бering. Ҳис-ҳаяжон гапларни топиб кўчиринг.

– Кетяпман-ку, ахир, кетяпман! Овозингни ўчирсанг-чи! Одам деган бегона қизнинг олдида шунчалик ҳам бақирадимми? – дедим ғазаб билан.

Бочкадаги сув чайқалиб, сачраб, бошимдан оёғимгача шалаббо қилди. Тўкилса, тўкилаверсин, менга деса бир томчиси ҳам қолмасин! Мен бундай хўрликка ортиқ чидаёлмайман!

Абубакир кабинадан сакраб тушди-да, яна ўтган сафаргидай менга ташланди. Мен жиловни тортиб, отни таққа тўхтатдим-да:

– Агар сен шунақа бақирадиган бўлсанг, ишни ташлайман-у кетаман, – дедим жаҳл билан.

У кутулмаганда бу гапдан довираб қолди, лекин етти пуштим қолмай сўка бошлади.

– Сен лапашанг академиксиз ҳам Анорхой бор эди, бундан кейин ҳам ўт тушкур бу чўл қуриб кетмайди! Йўқол, бу ердан тезроқ!..

Мен аравадан сакраб туриб, қамчини улоқтириб юбордим-да, ... кетдим.

– Тўхта, Камол! Ундай қилма! Қаёққа борасан, тўхта! – деб орқамдан қичқирди Қалипа.

– Тўхтатма уни, қўявер, қуриб кетсин! – Абубакирнинг овози эшитилди орқамдан. – Усиз ҳам эвини қилармиз!

– Сен одам эмассан, нима қилиб қўйдинг! – дашном берарди унга Қалипа.

96-машқ. Газета ёки журналдан дарак, сўроқ ва буйруқ гапларга учтадан мисол ёзинг. Бу гапларни ҳис-ҳаяжон гапларга айлантириб, дафтарингизга кўчиринг. Қандай тиниш белгиси қўйганингиз сабабини изоҳланг.

97-машқ. Қуйидаги тест саволларининг тўғри жавобини белгиланг.

1. *“Кеча ойнаи жаҳонда ҳинд фильми намойиш қилинди”* гапи мақсадга кўра қандай гап?

- А. Сўроқ гап. Б) Буйруқ гап. В) Дарак гап. Г) Истак гап.
Д. Жавоблар нотўғри.

2. **Жавобларнинг қайси бирини соф сўроқ гап деб биласиз?**

- А. Чопар кутиб қолди, амирзодам.
Б. “Буюк ипак йўли” музейида бўлганмисиз?
В. Ёлғиз онагзор бошини қайси тошларга урсин!

- Г. Бизнинг қишлоқдан ҳам маълумот бор экан.
- Д. Буни қара-ю, шу ҳам ўқувчи бўлдими?

3. Қайси қаторда сўроқ олмоши ёрдамида ҳосил бўлган сўроқ гап берилган?

- А. Недур аҳволинг, зори ғарибим?
- Б. Бизнинг ака тракторчи, сенинг акангчи, Тўйчи?
- В. Сафардан қайтдиларми?
- Г. Келасан-а, дўстим ?
- Д. Сени қара-ю, тошшириқни шундай бажарадимми?

4. Жавобларнинг қайси бири ҳис-ҳаяжон гапларга мисол бўла олади?

- А. Адолат ўзининг довдираб қолганлигидан уялиб кетди.
- Б. Навоийнинг келиши астрободликларнинг юрагида чексиз қувонч уйғотди.
- В. О, она деган шунчалар ҳам меҳри дарё бўладими, а?
- Г. Бу ерлар ҳали етилмаган экан-да, опа?
- Д. Мирзо Улуғбек ер остидан шаҳзодага кўз ташлади.

5. Қайси қаторда кесими буйруқ майлидаги феълдан инфодаланган буйруқ гап берилган?

- А. Футбол мусобақасига мен ҳам қатнашиб кўрай!
- Б. Эҳ! Ҳаво нақадар соф ва мусаффо!
- В. Донолар ҳикматига амал қил!
- Г. Қани энди, у эртага кела қолса энди!
- Д. Одамзод бундан ортиғига қодир эмаскан, ҳайҳот!!!

6. Қайси қаторда севинч маъносини англатган дарак гап жойлашган?

- А. Душман отган тошдан жигар отган увада қаттиқ ботади.
- Б. Умид қиламанки, бизни ҳаминша йўқлаб турурсиз.
- В. Навоий ёлғиз бошига яна юрт қайғусини ортди.
- Г. Ҳусайн Бойқаро тўхтамай пойтахтга отланди.
- Д. Илтифотингиздан жуда мамнунман.

7. Жавобларнинг қайси бири дарак мазмунини англатган ҳис-ҳаяжон гапга мисол бўла олади?

- А. Ҳозиргина ярқираб турган мунаввар олам қани?!
- Б. Эй, ишонмаяпсанми? Юр, топиб бераман.
- В. Офарин, ажойиб ўғлон экан!
- Г. Чарчагансан, ухла, тойчоғим!
- Д. Баҳодир бўл, ўғлим, зора бобонг Амир Темурдек улуғ бўлсанг!

13-§. ИККИ БОШ БЎЛАКЛИ ГАП

1. *Кеча мактаб директори аълочи ўқувчилар билан суҳбатлашди.*

2. *Кеча аълочи ўқувчилар билан суҳбатлашилди.*

Бу икки гапда ифодаланган фикрда деярли фарқ йўқ. Лекин бу гаплар грамматик асоси жиҳатидан бир-биридан фарқланади. 1- гапнинг грамматик асоси икки хил бош бўлақдан, яъни эга ва кесимдан (*мактаб директори суҳбатлашди*), 2- гапнинг грамматик асоси эса бир бош бўлақдан, яъни кесимдан (*суҳбатлашилди*) иборат.

Содда гаплар грамматик асосига кўра икки хил бўлади: 1. Икки бош бўлакли гап.

2. Бир бош бўлакли гап.

Гапнинг грамматик асосида икки хил бош бўлақ, яъни эга ва кесим бўлса, бундай содда гап **икки бош бўлакли гап** дейилади. Масалан: *Чуқур ўйлаб айтилган сўз тўғри урилган кескир қиличдан ҳам ўткир. (Х.)*

Гапнинг грамматик асосида **бир бош бўлақ** бўлса, бундай содда гап **бир бош бўлакли гап** дейилади. Масалан: *Синган кўзани тузатиб бўлмайди.*

Содда гаплар тузилишига кўра икки хил бўлади:

1. Йиғиқ содда гап. 2. Ёйиқ содда гап.

Фақат эга ва кесимдан ташкил топган гаплар йиғиқ содда гап дейилади. Масалан: *Акбар ака кулди. (О.) Мен ўқийман.*

Бош ва иккинчи даражали бўлақлардан ташкил топган гаплар ёйиқ содда гап дейилади. Масалан: *Ўйин-кулги ярим кечагача давом этди. У ҳар кимнинг фикрини сабр ва диққат билан тинглайди. (О.)*

98-машқ. Файласуфларнинг фикрларини диққат билан ўқинг, мазмунини илоҳланг. Ҳар бир гапнинг грамматик асосини топинг.

1. Тил маданият билан бирга юксалади. *(Л. Т.)* 2. Хулқ ҳар кимнинг қиёфасини кўрсатадиган кўзгудир. *(Г.)* 3. Ўз

вақтида, меъёри билан бадантарбия қилган одамга дард яқин йўламайди. (И.Сино) 4. Буюк одамлар ҳеч нарсани чала қолдиришмайди. 5. Чет тилларини ўрганиш ҳар қандай шароитда ҳам ақлни пешлайди. 6. Китоблар қаршисида жамики нарсалар нурсиз бўлиб қолади. (А.Чехов) 7. Тарбия икки негизга – ахлоқ ва оқилликка таянади. 8. Таълим ҳақиқий, тўла, равшан ва мустаҳкам бўлмоғи зарур. (Журн.)

99-машқ. Гапларни ўқинг ва грамматик асосини топинг. Йиғиқ содда гапларни ёйиқ содда гапларга, ёйиқ содда гапларни эса йиғиқ содда гапларга айлантириб ёзинг.

1. Эрта тонгда мени Қалина уйғотди. У сув ташувчи аравада келганди. Абубакир ҳам келди. Сўнг яна ишга киришдик. (Ч.А.) 2. Тонг отди. Кечаси Бобурнинг режаларини ўзгартирмоқчи бўлган сеҳрли туйғулар эрталаб офтобдан қочган юлдуздай қаёққадир яширинди. (П.Қ.). 3. Ҳовли этагидаги пастак эшик ғийқиллади. Шоикром шу томонга келаётган онасини кўрди. (Ў.Ҳ.)

100-машқ. Қуйидаги шеърни ифодали ўқинг. Шеърда нечта йиғиқ ва нечта ёйиқ содда гап борлигини аниқланг. Эга ва кесимини айтинг.

СПЕКТАКЛИ

Дездемона бўғилди, ўлди:

Оқлик ўлди,

Ҳақлик ўлди.

Тухмат ғолиб – зулмат ғолиб.

Бундан андоза олиб

Яшайверди тун,

Тобора дуркун.

Куннинг бағри хун,

У сўлғин.

Яшайверар тун,

Юлдузларни ютиб қаърига...

Эгам, ўзинг режиссёрми барига?!

Ҳайронман, дили вайронман...

Вақт йўқ ўйлашга,
Саҳнага чиқиш керак
Роль ўйнашга. (Қ.М.)

101-машқ. Ўқинг. Матнда нечта содда гап бор? Улардан қанчаси йиғиқ содда гап. Ёйиқ содда гапларни йиғиқ содда гапга айлантириб кўчиринг.

Кун совуқ. Қуёш дам очилиб, кўнгилларни ёритиб юборади, дам ёпилади-да, тумтайиб олади. Дарахтлардан тўкилиб улгурмаган япроқлар ора-сира ширт-ширт узилади, салқин ҳавода бир-икки айланиб, тун изғиринида қатқалоқланган, энди эса сумалаклана бошлаган кўча лойига ғарибона ясланади. Кун совуқ, лекин бозор қайнайди. Бу ерга туташган кўчаларнинг ҳаммасидан одам дарёдай оқади. Баъзи бировлар совуқдан қотган қўлларининг кафтларини оғизларига тутадилар-да, “куҳ-куҳ” деб иситиб оладилар... (О.)

102-машқ. Қуйидаги тест саволларининг тўғри жавобини белгиланг.

1. Йиғиқ содда гап қаторини белгиланг.

- А. Эрталаб ўқувчилар мактабга барвақт келдилар.
- Б. Энди астойдил ўқишга тўғри келади.
- В. Дарсга кириш учун кўнгириқ чалинди.
- Г. Математика ўқитувчиси кириб келди.
- Д. Дарс бошланди.

2. Ушбу “Гуллаб ётган ўрикзор хира пардага бурканди” содда гапнинг грамматик асоси қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

- А. Гуллаб ётган ўрикзор.
- Б. Ўрикзор бурканди.
- В. Хира парда.
- Г. Пардага бурканди.
- Д. Жавоблар тўғри.

3. Икки бош бўлакли содда гап қаторини белгиланг.

- А. Катта танаффусда залга тўнландик.
- Б. Ҳурмат қилсанг, ҳурмат кўрасан.
- В. Кеч куз. Изғирин шабада.
- Г. Азамат экансан-ку, болам, баракалла!
- Д. Эргаш дарров ладиллик билан дўкон томон юрди.

4. Гапнинг грамматик асоси бу... дир.

А. Эга. В. Тўлдирувчи ва ҳол. Д. Эга ва кесим.

Б. Кесим. Г. Аниқловчи.

14-§. ГАП БЎЛАКЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАСНИФИ

Гап таркибида тобе боғланиб, маълум сўроққа жавоб бўлувчи сўз ва сўзлар бирикмаси гап бўлаги дейилади.

Деразамнинг олдида бир туп

Ўрик оппоқ бўлиб гуллади. (Х. О.)

Бу гапда куйидаги гап бўлаклари бор: *ўрик (нима?)* – эга; *гуллади (нима қилди?)* – кесим; *оппоқ бўлиб (қандай?)* – вазият ҳоли; *деразамнинг олдида (қаерда?)* – ўрин ҳоли, *бир туп (қанча?)* – аниқловчи.

Гап бўлаклари вазифаларига қараб дастлаб икки гуруҳга бўлинади: 1. Бош бўлақлар: эга ва кесим. 2. Иккинчи даражали бўлақлар: тўлдирувчи, ҳол ва аниқловчи.

Эга ва кесим ўзаро тобе боғланиб, гапнинг асосини ташкил қилади. Иккинчи даражали бўлақлар, одатда, бош бўлақлардан ёки иккинчи даражали бўлақлардан бирига эргшиб, уларни аниқлаб, тўлдириб, изоҳлаб келади: *Комила Ўктамни (тўлдирувчи) дастлаб (ҳол) катта (аниқловчи) боққа (ҳол) олиб кирди. (О.)*

Икки бош бўлакли гапда эга ўзига тобе бўлақлар билан биргаликда *эга гуруҳини*, кесим ўзига тобе бўлақлар билан биргаликда *кесим гуруҳини* ҳосил қилади: *Мактабимизнинг аълочи ўқувчилари олимпиадага қатнашиш учун тайёрланмоқдалар* гапидаги *мактабимизнинг аълочи ўқувчилари* – эга гуруҳи, *олимпиадага қатнашиш учун тайёрланмоқдалар* – кесим гуруҳидир.

103-машқ. Ўқинг. Ҳар бир гапнинг кесими ва эгасини топиб, кесим гуруҳи ва эга гуруҳига ажратинг.

1. Бошимиз устида ярим-ёрти гулини тўккан наъматак шохлари эгилиб турибди. (*Ў.Х.*) 2. Сулаймон тоғининг

ёйбағирларида мевали ва манзарали дарахтлар, ям-яшил майса-ўтлар ўсади. 3. Туйғусиз, илҳомсиз ёзилган асарлар чангламаган гулга ўхшайди... (А.Қ.) 4. Илм-фан соҳасида дунёда биринчи муаллим қадимги юнон файласуфи Арасту ҳисобланади. (Газ.) 5. Тиниқ куз осмонида оқ ипакдан ҳам нафис мезонлар учади. (П.Қ.) 6. Тоғларнинг тепасида ғуж-ғуж юлдузлар чақнамоқда. 7. Бахмал қирлар, пахтазор ерлар кўм-кўк. (Х.О.) 8. Ариқдан майин оҳанг билан сув оқар ва ғира-шира шамол эсар эди. (О.) 9. Саёҳатга бориш ўқувчиларнинг ҳаммасига ёқади.

104-машқ. Қуйидаги бош бўлақлардан тузилган гапларга иккинчи даражали бўлақлар қўшиб, гапларни кўчиринг.

Намуна: *Кўрсатув бошланди. – Болалар учун бериладиган кўрсатув ҳозиргина бошланди.*

1. Дадам совға қилди. 2. Компьютер ишлади. 3. Чироқ ёнди. 4. Хўроз қичқирди. 5. Гуллар очилди. 6. Синф раҳбари чақирди. 7. Анжуман ўтказилди. 8. Шамол кўзғалди. 9. Бадий асар ўқилди. 10. Сув келди. 11. Тайёргарлик кўрилди. 12. Учрашув белгиланди. 13. Мусиқа товуши янгради. 14. Қор ёға бошлади. 15. Умида сўзлади.

13-§. КЕСИМ – ГАПНИНГ ГРАММАТИК АСОСИ

Эга орқали ифодаланган шахс, предмет, ҳодиса ва ҳаракатни тасдиқ ёки инкор йўли билан аниқланган бош бўлақ кесим дейилади: Ўқиш бошланди. Дўкон очилди. Мусиқа ёқилди.

Кесим нима қилди?, нима қилмоқда?, нима қилипти?, қандай(дир)?, қанақа(дир)?, кимдир?, нимадир? сўроқларидан бирига жавоб бўлади.

Кесим феъл ва бошқа барча мустақил сўзлардан ифодаланиши мумкин: Она табиатни асрайлик! Онам олийгоҳда – ўқитувчи. Ўқиш яхши, уқиш ундан яхши. Яхши ниятли кишиларнинг аҳди – шу. Икки карра беш – ўн. Бу йил ҳосил мўл. Энди ғалабамиз яқин, дўстим. Бизнинг мақсадимиз – ўқиш.

105-машқ. Қуйидаги сўзларни кесим ўрнида келтириб, гаплар тузинг.

Югурмоқ, айтиш, оқар, келган, беш, гавжум, кўркам, мен, кутубхона, севинг, эшитилди, улгайиш, сўзлар, китоб, қайт, келтирмоқ, одоб, тил, бор, дўст, илм, сиз.

106-машқ. Қуйидаги расм асосида “Жисмоний тарбия дарсида” мавзусида иншо ёзинг. Иншо мазмунига мос эпитаф таъланг. Кесимларни топиб, тагига чизинг.



107-машқ. Шеърни ифодали ўқинг. Кесимларни топиб, қандай сўроққа жавоб бўлишини айтинг.

Мен қуёшнинг чиқишини кузатганман,
Тепаликка чиқиб олиб тонг маҳали.
Ол шафаққа интилиб, қўл узатганман,
Унинг чиндан мафтуниман ҳали-ҳали.

Меҳр қўйдим сенга ҳам шу шафақ мисол
Ва талпиндим унга талпингансимон.
Ҳамон қўлим узатилган, турибман лол,
Талпинаман, аммо етолмайман ҳамон. (Ҳ.Ҳ.)

108-машқ. *-ман, -сан, -дир, -миз, -сиз* каби қўшимчалар ёрдамида кесимни шакллантириб гаплар ҳосил қилинг ва ёзинг. Кесимни шакллантирувчи қўшимчанинг тагига чизинг.

Намуна: *Чингиз Айтматов «Асрга татиғулик кун» романининг муаллифидир.*

16-§. КЕСИМНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Кесим, одатда, қуйидагича ифодаланади:

1. Феъл билан: *Ҳалол меҳнат инсонни удуғлайди.*

2. Сифат билан: *Бола ота-она учун жон қадар қадрли.*

3. От, сон, олмош, равиш, модал сўз билан: *Қирғизистоннинг пойтахти – Бишкек. Икки ўн беш – бир ўттиз. Дангасанинг важи кўп. (М.) Синфимизда йигирма беш ўқувчи бор. Меникидир келажак, чаман. Меникидир мактаб, ижод, фан. (Х.Пўлат)*

4. Ибора билан: *Сардор сўзининг устидан чиқди. Маккор одам қилни қирқ ёради.*

109-машқ. Мақол ва ҳикматларни ўқинг. Ҳар бир гапнинг кесимини аниқлаб, қайси сўз туркуми билан ифодаланганини ва қайси сўроққа жавоб бўлишини айтинг.

1. Нодон дўстдан доно душман яхши. 2. Худбинга насиҳат қиладиган одамнинг ўзи насиҳатга муҳтождир. 3. Сурати гўзал бўлган одамнинг ахлоқи ҳам доим гўзал бўлавермайди. 4. Иш суратда эмас, кўнгилдадир. 5. Бўйнида иллати бор одамнинг оёғи қалтирар. 6. Ҳисобли дўст айрилмас. 7. Ёмон билан юрган яхшилик кўрмайди. 8. Арқоннинг узун, гапнинг қисқаси яхши. 9. Мард майдонда билинар. 10. Ахмоққа ақл ўргатмоқ тошга дон сепган билан баробар.

110-машқ. Гуруҳларга бўлиниб, гапларни кўчиринг. Кесимларни аниқлаб, тагига икки чизик чизинг. Уларнинг қайси сўз туркуми билан ифодаланганини устига ёзиб қўйинг.

1. Китоблар – жонсиз, аммо содиқ дўстлардир. (Гюго)
2. Номус – асл гўзаллик шу. 3. Дунёда ҳалол одамдан ҳам

- буюкроқ зот йўқ. (*Роллан*) 4. Оз нарсага қаноат қилган одам давлатманддир. (*Сукрот*) 5. Ота-онага нисбатан ҳурмат ва муҳаббат, ҳеч шубҳасиз, муқаддас туйғудир. (*Белинский*) 6. Оила табиатнинг шоҳ асарларидан биридир. (*Сантаяна*) 7. Миллатнинг келажаги оналар қўлидадир. (*Бальзак*) 8. Биз ҳамиша қарздор бўлган улуғ зот онадир. (*Островский*) 9. Вақт ҳамма жароҳатларни даволайди. (*Менандр*)

111-машқ. Ўқинг. Кесимни тошиб, қайси сўз туркуми билан ифодаланганини айтинг.

1. Оқ эркам, дастлаб сен ич. Бу сув табаррук. (*Т.Қ.*)
2. Ёз тунлари қисқа, уйқуга тўймай саҳарликка туриш хийла нохуш. Шундай бўлса ҳам, Қоракўз бегим ўрнидан оҳиста туриб ювинди, кийинди. (*П.Қ.*)
3. Кеча ҳаво совуқ эди.
4. Седана – барча дардларга шифо. Унинг табиати иссиқ ва қуруқдир. Седана кўчирувчи, тозаловчи ҳамдир. (*И. Сино*)
5. Шеър азиз олам аро
Менга тириклик, жон қадар. (*Э.В.*)

17-§. КЕСИМНИНГ ТУРЛАРИ

I. Кесимлар қандай сўз туркуми билан ифодаланишига кўра икки хил бўлади: **фeyл-кесим ва от-кесим.**

Фeyл ва унинг равишдош, сифатдош, ҳаракат номи шаклларида ифодаланган кесим фeyл-кесим дейлади. Масалан: *Ирода мактабда ўқийди. Булбул сайрайди. Кўп эртақ эшитганман. Ўқиш – улғайиш.*

Фeyл кесим тузилишига кўра икки хил бўлади: содда фeyл-кесим, мураккаб фeyл-кесим.

Содда фeyл-кесим бир сўз билан ифодаланади: *Қир ва адирларда етилиб пишган олтин бошоқлар кўзини қамаштиради. Қуёш уфққа ошиқарди. (О.)*

Мураккаб фeyл-кесим қуйидагича тузилади:

I. Кўмакчи фeyл ва фeyл қўшилмасидан иборат бўлади. Бунда мураккаб кесим икки қисмдан (етакчи фeyл ва кўмакчи фeyлдан) тузилади; кесимнинг луғавий

маъносини етакчи феъл, грамматик маъносини эса кўмакчи феъл ифодалайди. Масалан: Одамлар тарқала бошлади. (А.Қ.) Биз томонларга ҳам бориб туринг. (О.)

Қуйидаги феъллар мустақил ҳолда гапнинг содда кесими бўлиб келишидан ташқари, мураккаб кесим таркибида кўмакчи феъл тарзида ҳам қўлланади: бормоқ, бошламоқ, боқмоқ, бўлмоқ, битмоқ, етмоқ, ёзмақ, ётмоқ, келмоқ, кетмоқ, кўрмоқ, олмоқ, солмоқ, ташламоқ, турмоқ, тушмоқ, чиқмоқ, юбормоқ, юрмоқ, ўтирмоқ, ўтмоқ, қолмоқ, қарамоқ.

Мураккаб феъл-кесим сифатдош ёки мақсад майлидаги феъл ҳамда бўлмоқ феъли ёки тўлиқсиз феълдан иборат бўлади: Тўгарак машғулоти ҳафтада бир марта ўтадиган бўлди. У ўрнидан турмоқчи бўлган эди. (А. Қод.) Беҳзод устозининг сўзларига қулоқ солиб турди. Ёлғончининг рост сўзи ҳам ёлғон бўлур. (М.)

112-машқ. Гапларни ўқинг. Аввал содда феъл-кесимли гапларни, сўнгра мураккаб феъл-кесимли гапларни кўчиринг. Кесимларининг тагига икки чизиқ чизинг.

Ойзода қўлида икки челақ билан сув олгани булоққа келди. Бир тўп йилқи чанқоғини қондиргач, қаерга боришини билмай турарди. Булоқдан чиқаётган муздек тиниқ сув ялпиззор оралаб эски ўзандан обиҳаёт элтарди. Турли-туман капалаклар ва ниначилар намиққан булоқ атрофида гужгон ўйнардди. Ойзода келган заҳоти йилқилар тепаликка қараб йўл олди. Келинчак челақларни ерга қўйиб, чашманинг кўзгудай тиниқ тубига, унинг бир маромда қайнаб чиқишига боқди. Сувда ўз аксини, оппоқ юзларини, бодом қоғоғини, қайрилма қошларини кўрди... У оҳиста, юракни ошуфта қиладиган оҳангда хиргойи қила бошлади. Келинчакнинг дилдаги орзуси майин сабо қанотида ... қушлар овозига қўшилиб ҳавога сингиб борарди. (Т.Қ.)

113-машқ. Ўқинг. Нуқталар ўрнига қуйида берилган феъл- кесимлардан мосини қўйиб кўчиринг.

Бобур қутичани қўлига олиб шошилмай Қора бахмат мато орасидан олмоғга ўхшаш сержилва бир тош юлдуздай

чарақлаб Лекин тошнинг ёнғоқдай катталигига қараб, Бобур унинг олмослигига Жуда кўп хазиналарни ва хилма-хил жавоҳирларни кўрган Бобур бунчалик катта олмосни ҳали ... , олмос донасининг бу қадар улкан бўлишини

Берилган феъл-кесимлар: *тасаввур ҳам этмас эди, очди, ишонгиси келмасди, учратмаган, кўринди.*

II. Феълдан бошқа сўз туркумларидан (от, сифат, сон, олмош, равиш, ҳаракат номи) ифодаланган кесим от-кесим дейилади. Масалан: *Куз – саховатли фасл. Нон – азиз. Билганинг – тўққиз, билмаганинг – тўқсон тўққиз. Бизнинг вазифамиз – бу. Ҳали қилинадиган ишларимиз кўп. Хонада ҳеч ким йўқ.*

От-кесим тузилишга кўра икки хил бўлади:

1. Содда от-кесим.
2. Мураккаб от-кесим.

Содда от-кесим бир сўз билан ифодаланади: *Ҳаёт гўзал, ҳаёт мароқли. (У.)*

Мураккаб от-кесим қуйидагича тузилади:

1. От, сифат, сон, олмош, равиш ҳамда бўлмоқ феъли ёки тўлиқсиз феълдан ташкил топади: *Меҳнат қанча қийин бўлса, нони шунча ширин бўлади. Бизда одат мана шу эди ва саодат мана шу эди. (Ҳ.О.) Қиммат беҳикмат эмас, арзон беиллат эмас. (М.)*

2. *Йўқ, бор, оз, кўп, зарур, лозим, керак каби сўзлар ҳамда бўлмоқ феъли ёки тўлиқсиз феълдан иборат бўлади: Узоқдан кўринган шарпа бир зумда йўқ бўлди. Идорала ҳеч ким йўқ эди. Бировда ишим бор эди...*

Эслатма. *Йўқ, бор, оз, кўп, зарур, бўлмоқ сўзларининг ўзи ҳам кесим бўла олади: Бундай китоб менда йўқ. Синфимизда аълочилар кўп. Бўлди қизиқ ҳангомалар. (Муқимий)*

3. Ҳаракат номи ҳамда керак, зарур каби сўзлардан иборат бўлади: *Ҳар бир ўқувчи мустақил фикрлашга ўрганиши зарур.*

От-кесимлар таркибида **боғлама**, яъни **-дир** кесимлик қўшимчаси ёки бўлмоқ феъли бўлиши мумкин. *Бизнинг мақсадимиз ўқишдир. – Бизнинг мақсадимиз – ўқиш. Доннёрнинг акаси талаба бўлди. – Доннёрнинг акаси – талаба.*

От-кесимларда шахс-сон қўшимчалари кесимлик қўшимчаси вазифасини ҳам бажаради: Мен ўқувчиман.

114-машқ. Кўчиринг. Кесимларнинг ифодаланишига ва тузилишига кўра турини қавс ичида кўрсатинг.

1. Бир ой деганда Фарғона водийсига етишди. Тоғ тарафга отни буришиб, хилват ерга – бир тўп кўм-кўк арча тагига Абдуллабекнинг юрагини дафн этишди. (Т.Қ.) 2. Бобуржон, сизнинг дилингиз беғубор, сиз нодир истеъдодли йигитсиз! ... Кўнглингизга ҳам бир қулоқ солинг. Энг маҳрам дўстингиз – сизнинг мусаффо қалбингиздир. Сиз бу дўстингизга ишонинг! (П.Қ.)

115-машқ. Матнни ўқинг. Кесимларнинг ифодаланишига ва тузилишига кўра турини айтинг.

Бугун – жума, мактаб ёпиқ. Бир неча кундан бери тинмай ёғаётган ёмғир тўхтади. Ташқарида куз ўзининг сўнги айрилиқ базмини ўтказаяпти. Узоқдаги қатор-қатор тоғлар, қамишзорлардаги сувлар қуёшга кулиб боқишаётгандай кўринади. Сарви дарахтлари, мазор тошлари ҳам ваҳимали манзараларни йўқотгандай эди. Ўзимнинг қалбимга қарайман. Мен энди ҳамма нарсага кўникиб қолган, ҳатто бу жоҳил, дилхуш қишлоққа бир оз ўрганиб қолган, уни сева бошлаган эдим. (“Ч.”)

116-машқ. Ўзингиз ёқтирган адиб асаридан 4 та феъл-кесимли ва 4 та от-кесимли гап топиб ёзинг. Кесимларнинг ифодаланишига ва тузилишига кўра турини қавс ичида кўрсатинг.

117-машқ. Қуйидаги тест саволларининг тўғри жавобини белгиланг.

1. От-кесим қайси сўз туркумлари билан ифодаланади?

- А. Феълдан бошқа барча сўз туркумлари билан.
Б. От, сифат, сон, олмош, равиш, феъл каби мустақил сўзлар билан.
В. Барча мустақил сўзлар ва ундов, тақлид сўзлар, модал сўзлар.
Г. От, сифат, сон, олмош, феъл, ундов, тақлид ва модал сўзлар.
Д. От, сифат, олмош, сон, ҳаракат номи, ундов, тақлид сўзлар.

2. “Аэродромда турган самолёт тўрт моторли эди” гапининг кесими нима билан ифодаланган?

- А. Ибора билан.
- Б. Феъл билан.
- В. Сон билан.
- Г. От билан.
- Д. Ажралмас бирикма билан.

3. Кесими сон билан ифодаланган гапни белгиланг.

- А. Дангасанинг важи кўп.
- Б. Икки ўн беш – бир ўттиз.
- В. Улар тўрт кишидан иборат.
- Г. Даллада бу йил ҳосил мўл.
- Д. Иш кўп, кун қисқа..

4. “Уят ўлимдан оғир” гапининг кесими нима билан ифодаланган?

- А. Содда феъл-кесим.
- В. Содда от-кесим.
- Б. Мураккаб от-кесим.
- Г. Мураккаб феъл-кесим.
- Д. Жавоблар нотўғри.

5. Кесимнинг ифодаланишига кўра турлари қайси жавобда берилган?

- А. Содда кесим.
- В. Мураккаб кесим.
- Б. Содда феъл-кесим.
- Г. Феъл-кесим, от-кесим.
- Д. Жавоблар нотўғри.

6. “Мард майдонда билинар” гапининг кесими қандай ифодаланган?

- А. От билан.
- В. Равиш билан.
- Б. Феъл билан.
- Г. Сифат билан.
- Д. Сон билан.

7. “Еримиз унумли, сувимиз сероб” гапида кесимлар нималар билан ифодаланган?

- А. От билан.
- В. Сифатлар билан.
- Б. Ибора билан.
- Г. Сон билан.
- Д. Равиш билан.

8. Қайси гапда мураккаб феъл-кесим қатнашган?

- А. Марварид томчилар жимирлаб буғланарди.
- Б. Дунёдаги энг гофил одам – дангасадир.
- В. Мақсадимиз мўл ҳосил олишдир.
- Г. Одамлар бирин-кетин тарқала бошлади.
- Д. Йиғилишга мен билан бирга борасан.

9. Жавобларнинг қайси бирида кесим ибора билан ифодаланган?

- А. Хожи ака зипиллаб кириб, уйдан арқон олиб чиқди.
- Б. Хонтахта атрофида бир-биримиз билан кўз уриштирдик.
- В. Анорхой саратонда қақраб кетади.
- Г. Изгирин шамолда шип-шидам дарахтлар чайқалиб ётибди.
- Д. Ким ўтмишга тўппончадан ўқ узса, келажак уни замбаракдан ўққа тутади.

10. Қайси мисолда от-кесим қатнашган?

- А. Хонтахта қўйиб, дастурхон безади.
- Б. Анзират хола анчадан кейин жавоб берди.
- В. Комил бош ирғади.
- Г. Фарзанд гулдир, она – бир бўстон.
- Д. Муқаддас ҳикояни ўқиб чиқди.

11. Қайси мисолда мураккаб феъл-кесим берилган?

- А. Муҳитни ўраган қалин зулматни кураш машғали ёндиради.
- Б. Ёнгит чодир ёнида қўлларини қовуштириб хаёлга чўмиб турарди.
- В. Аллақаерда булбул тўлиб-тошиб куйлайди.
- Г. Биз мактаб боғига кўчат ўтқаздик.
- Д. Тоғ орқасидан аста шамол кўтарилди.

12. Кесимнинг тузилишига кўра турлари қайси жавобда тўлиқ берилган?

- А. Содда феъл-кесим.
- В. Мураккаб феъл-кесим.
- Б. Содда от-кесим.
- Г. Мураккаб от-кесим.
- Д. Жавоблар тўғри.

13. Қайси қаторда от-кесим таркибида боғлама иштирок этган гап берилган?

- А. Домланинг суҳбати – жонли, дилкаш.
- Б. Бу ерлар жуда баҳаво.
- В. Бек ёнгит, мен сотувчиман.
- Г. У ўз ишига моҳир.
- Д. Халқ сиздек зотларга ғоят муҳтождир.

14. Жавобларнинг қайси бирида кесим ҳаракат номи билан ифодаланган?

- А. Акам талаба бўлди.
- Б. Бу қиз меннинг дугонам – Дилноза.
- В. Бизнинг мақсадимиз – ўқиш.
- Г. Меҳнатнинг номи ширин бўлади.
- Д. Макка – дунё мусулмонлари қибласи.

15. Жавобларнинг қайси бирида кесим сифат билан ифодаланган?

- А) Ака, буларнинг парвариши яхши.
- Б) Жонли суҳбат бошланиб кетди.
- В) Шоир жавоб беришга ошиқмади.
- Г) Мажлис ҳали бошлангани йўқ.
- Д) Майин шамол эсади ғир-ғир.

18-§. ЭГА ВА УНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Гапнинг ким ёки нима ҳақида эканлигини билдирувчи бош бўлак эга дейилади. Эга ким?, кимлар?, нима?, нималар?, қаер? сўроқларидан бирига жавоб бўлади? Ой чиқди. У ўқувчи. Кўчалар ёруғ.

Эга доим бош келишик шаклида бўлиб, одатда, куйидагича ифодаланади:

1. От билан: Ёқимли шамол гул ҳидларини атрофга таратди. Алишер шод ва мағрур борар эди. (О.)

2. Олмош билан: Улар тўғарак машғулотларига мунтазам қатнашадилар. Бу Худоёрхоннинг тўнғич ўғли Насриддинбек. (Т.Қ.)

3. Отлашган сўзлар билан: Яхшилар кўпайсин, ёмон қолмасин. (Кўшиқдан.) Эрталаб икковимиз дала айландик. Билган билганин ишлар, билмаган бармоғин тишлар. (М.)

4. Ибора билан: Онахоннинг юзига оёқ кўйиш бизнинг ахлоқимизда йўқ. (Ас. М.)

118-машқ. Берилган ҳикматли гапларни ўқинг. Эгасини топиб қандай сўз туркумидан ифодаланганини айтинг.

1. Муруватли дўст – буюк хазина.
2. Тил сўзловчининг истагини тингловчига етказувчи воситадир.
3. Дўст жамоли дардни аритади.
4. Замон ёмон эмас, замонга боқмаган ёмон.
5. Айтилган сўз – отилган ўқ.
6. Онанинг кучоғи – бола учун бешик.
7. Очлик азобини чекмаган нон қадрини билмайди.
8. Инсон гўзаллигининг асоси унинг чиройли хулқидир.
9. Нодонлик давоси йўқ бир касалликдир.

119-машқ. Гуруҳларга бўлиниб, гапларни кўчиринг. Гапнинг бош бўлақларини аниқлаб, эганинг тагига бир, кесимнинг тагига икки чизик чизинг. Эганинг қайси сўз туркуми билан ифодаланганини айтинг.

I. Бугун она-бола ҳар қачонгидан кўра хурсанд, бир-бирларига меҳрибон эди. Саодат онасининг беҳуда чақирмаганини, унга қандайдир бир муҳим нарса айтмоқчи эканини сезиб турарди. Ҳақиқатан ҳам, Зайнаб опа бу гапни айтиш учун кўпдан бери тайёрланиб юрарди. (Ч.А.)

II. Гулбадан ота-онасини ҳеч қачон бундай мушкул ва ноқулай аҳволда кўрмаган эди. У кўзлари жавдираб, нима гап бўлаётганини тушунолмай лол бўлиб турарди. Ахир онаси подшоҳ отасига ниҳоятда меҳрибон эди-ку!.. Ҳозир буларга нима бўлди? (П.Қ.)

III. Ўрда ҳамиша тоғликлар билан ҳисоблашиб иш тутарди. Сабаби, тоғликлар билан шаҳарликлар, қишлоқликлар бирлашиб кетгудай бўлса, қонли жанжал кўтарилар, хонларнинг дўппидай алмашмоғи тайин эди. Ҳозир эса давр бошқа эди. Худоёрхоннинг ортида ярим подшолик турибди. (Т.Қ.)

IV. Қабристон жимжит, Фақат йўлакнинг икки четида саф тортилган мирзатераклар қабр устига бош эгган фарзандлардек онага ором тилаб алла айтади. Уларнинг мунгли шивирлаши тиловат садоларига қўшилиб, юракни эзувчи оҳангга айланади... (Ў.Ҳ.)

V. Аввал қишнинг совуқ нафаси сезилди. Сўнг тоғларнинг, унинг этагидаги қишлоқларнинг айбини беркитмоқчи бўлгандай қор ёға бошлади. Биринчи қор! Бир кунда эриб кетди, иккинчиси эринмай ёғди, тўпикқача ботадиган бўлди. (Т.М.)

10-§. КЕСИМ БИЛАН ЭГАНИНГ ШАҲС ВА СОНДА УЗАРО МОСЛИГИ

Эга ва кесим бир-бири билан шахсда ҳамма вақт мос бўлади: 1. Биз шайбаликка фаол қатнашдик. 2. Улар шайбаликка фаол қатнашдилар. Берилган I-гапта кесим

ва эга I шахсда, 2-гапда кесим ва эга III шахсда бири бири билан қатъий мослашган.

Кесим билан эганинг сонда ўзаро мослиги куйидагича:

1. Феъл-кесим I ва II шахсда эга билан доимо сонда мос бўлади: Мен математикадан кўшимча дарсга боряпман. Сизлар машғулотга эртароқ келинглар.

2. Феъл-кесим III шахсда эга билан ҳамма вақт сонда мослашавермайди:

а) шахсни билдирган III шахсдаги эга билан феъл-кесим сонда мос бўлади: Уйга келгунимча Омон овуниб қолди. (Ў.Х.) Йигитлар бозор томонга қараб кетдилар.

б) кўпликдаги эга нарса-буюмларни билдирса феъл-кесим эга билан сонда мослашмайди, бирликда қўлланади: Анорхой даштларида саксовуллар ўсади.

в) кесим биргалик нисбатдаги феъл билан ифодаланганда кўплик маъноси англашилади: Талабалар шаҳар кенгаши депутатлари билан учрашишди.

г) от-кесим кўпликдаги эга билан мослашмайди, бирликда қўлланади: Дастурхон атрофида отаси, онаси ва укалари бор эди.

д) эганинг аниқловчиси миқдор сон билан ифодаланса, эга ва кесим бирлик шаклида қўлланади: Маҳалламиздаги ўн беш йигит ҳарбий хизматни соғ-омон ўтаб келди.

120-машқ. Ўқинг. Нуқталар ўрнига кесим билан эгага мос шахс кўшимчасини кўшиб кўчиринг. Кесим билан эганинг шахс ва сонда мослашишига диққат қилинг.

1. Биз шаҳар ва қишлоқларимизда ободончилик ишлари кенгайтишини хоҳлай... . 2. Сен “Сариқ девни миниб” қиссасини ўқиб тугат... ? 3. Мен инглиз тили машғулотида Нодира билан бирга қатнай... . 4. Улар “Буюк ипак йўли” музейига бор... . 5. Биологиядан ўтказилган олимпиадада ғолиб бўлганимдан хурсанд... . 6. Ота-бола ўша ёққа кет... . 7. Ўқувчилар синф фаоллари фикрини бир овоздан маъқулла... . 8. Бозордан уй-рўзғор буюмлари сотиб ол... .

121-машқ. Ҳар бир ёйиқ гапни йиғиқ гапга айлантириб ёзинг. Феъл-кесимларнинг шахс-сонига ва қўлланишига эътибор беринг.

1. Улар қоронғида бир-бирини етаклаб, кўп йўл юришди. Исҳоқ чарчади, қария унга далда берди... Эшикдан икки ўспирин кириб келди-да, салом бериб пойгакда туриб қолди. Улар бир оз тортиниб, қарияга қўл чўзишди... Ўша куни тонгга қадар хонадонда чироқ ўчмади. Яқин орадаги ёшу қарилар, қизу жувонлар тўпланди. Қария чарчоқни ҳам унутиб, ажойиб-ғаройиб саргузаштларни гапирди, “Юсуф ва Зулайҳо”, “Лайли ва Мажнун” дostonларидан айтди, ўхшаш ийўқ эр Манас ҳақида ҳикоя қилди. Қўни-қўшнилари эрталаб тарқалди. Меҳмонлар пича мизғиб олишгач, йўл тадоригини кўришди. Улар уй эгаси билан хайрлашиб, ташқарига чиқишди. (Т.Қ.)

122-машқ. Ўқинг. Кесим ва эганинг сонда мослашган ёки мослашмаганлигига диққат қилинг.

1. Самарқанддан Хонзодабегим келибдилар. (О.) 2. Уфқ ортидан кумуш ранг ой кўтарилганда, юлдузлар ҳам биринкетин кўз очди. (Ч.А.) 3. Шарт шу эдики, маданият уйи бирон тadbир ўтказса, улар ҳаваскор ишчилар сифатида иштирок этиб беришарди. (Т.М.) 4. Ҳаммамиз саросима бўлиб, чўлга қараб қочдик. (П.Қ.) 5. Кафедрадаги домлалар ишнинг камчиликларини айтиб, аниқ йўл-йўриқлар кўрсатишди. (Ў.Ҳ.) 6. Хоннинг жавобини кутишдими, ҳар қалай ўтирганлар индамади. 7. Қўқонликлар шаҳарни қаттиқ мудофаа қилишди. (Т.Қ.)

123-машқ. Ўқинг. Матннинг турини (ривоя, тасвир ёки муҳокама) аниқлаб, Феъл-кесимларнинг шахс-сонига ва қўлланишига эътибор беринг. От-кесимли содда гапларни кўчириб ёзинг.

У машинасини профессорлар шаҳарчаси томон бурди. Бу ерда яшайдиганларнинг ҳаммаси профессору олим бўлмаса ҳам, участкалари бир-бириникидан қолишмас, деярли ҳар бир уйнинг ёнбошида дарвозахонаси баланд, кунгирадори шийпонлари бор эди. Сирожиддин машинасини тор кўчанинг

энг ичкарасида – қадди баланд иморат олдида тўхтатди. Бу домланинг участкаси эди. Уйнинг баланд-баланд деразаларига гулчин темир панжаралар тутилган, уй рўпарасидаги икки қатор олмалар аллақачон япроқ чиқарган, аммо ҳали гулламаган эди. Сирожиддин икки чети пишиқ гиштдан ишланган нақшинкор дарвоза бурчагидаги қўнғироқ тугмасини босди...

Эшик ҳадеганда очилавермаганидан кейин, Сирожиддин яқин келиб, тагин тугмачани босди, дарвоза ёнбошига ўрнатилган эшикни думалоқ шиша тутқичидан итарди. Эшик очик эди. У бетон ётқизилган йўлакдан ҳовлига ўтди. Ҳовли сатҳи кенг, ўртасидаги гулзорда қизғиш япроқ чиқарган атиргуллар барқ уриб ётар, адл қоматли гилослар гуллашга шай турарди. Гилослардан бирининг соясига пастак хонтахта қўйилган, гулдор дастурхонда чойнак билан пиёлалар турар, хонтахтанинг бир томонидаги тўқима кресло устида аллақандай журнал варақалари очилиб ётар эди. Гулзор четидаги водопровод жўмрагидан сув томчилар, жўмрак остидаги ялтироқ сопол билан ишлов берилган ҳовузга пахта гулли лаган, уч-тўртта коса солиб қўйилган эди. (Ў.Х.)

124-машқ. Нуқталар ўрнига эгага мос кесим қўйиб кўчиринг. Шахс ва сон қўшимчаларининг тагига чизинг.

1. Баҳор келиши билан Сулаймон тоғи янада ...
2. Мактабимизнинг спорт майдонида баскетбол бўйича мусобақа ...
3. Синфимизнинг барча йигитлари Каримларникига ҳашарга ...
4. Шаҳримиз кўчалари, хиёбонлари...
5. Мактаб жамоаси хориждан келган меҳмонларни илиқ ...
6. Мен ва Нодира пазандачилик сирларини ўрганишга ...
7. Сен қишлоққа – бобонгникига қачон ... ?
8. Биз йўл ҳаракати қоидаларига ...

20-§. КЕСИМ ВА ЭГА ОРАСИДА ТИРЕНИНГ ИШЛАТИЛИШИ

1. Гапнинг кесими бош келишидаги от, олмош, сон, ҳаракат номлари билан ифодаланиб, боғлама ёки кесимлик қўшимчаси олмаса, ёзувда эгадан кейин тире қўйилади: Қирғизистон – мустақил давлат. Менинг энг яқин дўстим – сен. Икки карра икки – тўрт. Ўқиш – ҳаётни тушуниш.

2. Кесим таркибида -ман, -сан, -дир кесимлик қўшимчалари, эди, экан, эмиш тўлиқсиз феъллари, бўлмоқ, санамоқ, ҳисобланмоқ кўмакчи феъллари қўлланганда, эга олмош билан ифодаланганда, шунингдек, эга билан кесим орасига эса боғламаси қўшилганда эга билан кесим орасига тире қўйилмайди. Масалан: Қирғизистон мустақил давлатдир. Икки карра икки тўрт бўлади. Менинг энг яқин дўстим сен ҳисобланасан. Мен ўқувчман. Ёшлик бебошлик эмас.

Эслатма: Айрим ҳолларда кесимлик қўшимчаси бўлса ҳам, эгадан кейин тире қўйиб ёзилади. Бунда таъкидлаш маъноси кучайтирилади. Масалан: Тил – миллатнинг бойлиги ва бебаҳо мулкидир. Ватанни севмоқ – иймондандир.

Баъзан кишилик олмоши билан ифодаланган эгани алоҳида таъкидлаб кўрсатиш учун эгадан кейин тире қўйилади: Биз – бахтлар водийсининг фарзандларимиз.

125-машқ. Ўқинг. Гапларнинг эга ва кесимини аниқланг. Эга ва кесим орасига тиренинг қўйилиш-қўйилмаслик сабабини тушунтиринг. Шунга кўра гапларни икки гуруҳга ажратиб кўчиринг. Боғламанинг тағига чинг.

I

1. Ҳаётнинг буюк қуроли сўздир. (А.Куприн) 2. Аниқлик ва равшанлик тилнинг асосий фазилатидир. (Арасту) 3. Ўзгалар сирини ошкор этиш – хоинлик, ўз сирини ошкор этиш эса нодонликдир. (В.) 4. Қўрқувнинг энг заҳарли меваларидан бири – ёлғон ва қаллоблик. (П.Қ.) 5. Ёшлик – довиюраклик фасли. (Стендаль) 6. Билим – хазина, меҳнат унинг калитидир. (Ҳ.) 7. Абу Наср Форобий қомусий билим соҳибидир. (Газ.)

II

1. Одобнинг боши – тилдир. («Қ.Б.») 2. Нодон дўст – энг хавфли душман. (*Ж. Лафонтен*) 3. Кексалик – ахмоқ учун оғир юк, жоҳил учун – қиш, илм аҳли учун айни ҳосил давридир. (*В.*) 4. Билим – барча кулфатларга қалқон. (*Р.*) 5. Одамларга доноликдан сўнг берилган энг қимматбаҳо тортиқ дўстликдир. (*Ларошфуко*) 6. Дўстлар бир-бирига кўзгудир. (*М.*) 7. Ватан – бир парча тупроқ эмас, у эътиқод туфайли равнақ топадиган, инсонга бир марта бериладиган илоҳий инъомдир. (*Н.Қобул*)

126-машқ. Мақолларни ўқинг. Зарур ўринларга тиниш белгиларини қўйиб кўчиринг.

1. Ер деҳқоннинг хазинаси. 2. Ер она сув ота меҳнат бойлик. 3. Ерга меҳр элга меҳр. 4. Жоҳилга жавоб сукут. 5. Баҳорги ҳаракат кузги баракаат. 6. Сукут розилик аломати. 7. Такрорлаш билимнинг онаси. 8. Нон ризқ-рўзимиз. 9. Дили тўғрининг тили тўғри. 10. Адашгани йўлга солган мард.

127-машқ. Шеърини парчаларни ўқинг. Зарур ўринларга тиниш белгиларини қўйиб кўчиринг. Эга ва кесимларнинг остига чизинг.

1. Ўйлаганим яхшилик
Куйлаганим яхшилик
Ҳам билганим яхшилик
Интилганим яхшилик. (*Й.Сулаймон*)
2. Шеър бу ширин дард азоб
Шоир шу дард бемори. (*М.Ю.*)
3. Ақллилар айтур ақл подшодур
Ақл барчага бир у фармонраводур. (*Р.*)
4. Дўстлик сўзи сўзларнинг нақши
Ҳеч сўз борми бундан ҳам яхши! (*Мирт.*)

128-машқ. Матни кўчириб ёзинг. Эга ва кесимларнинг остига чизинг. Уларнинг қандай сўз туркумларидан ифодаланганини изоҳланг. Тиниш белгиларининг қўйилиш сабабларини тушунтиринг.

Ч.Айтматов қаҳрамонлари – қалби кенг, ички дунёси ғоятда бой, оддий меҳнаткаш кишилар. **Ч. Айтматов**нинг асарлари эндиликда жаҳон бўйлаб зафарли одимламоқда. Унинг ҳаётбахш овози ҳамма минтақаларда жаранглаб турибди. Ёзувчининг асарлари дунёнинг саксон уч тилида, миллионлаб нусхада босилганлиги бунга гувоҳлик беради.

Ч.Айтматовнинг қатор асарлари, чунончи, «Жамила», «Алвидо, Гулсари!», «Оқ кема» каби қиссалари Асил Рашидов таржимасида чоп этилди ва ўқувчилар томонидан илиқ қарши олинди. *(К.Яшин)*

129-машқ. Қуйидаги тест саволларининг тўғри жавобини белгиланг.

1. Қайси жавобда отлашган сифат билан ифодаланган эгага мисол келтирилган?

- А. Мард майдонда билинар.
- Б. Китобни келтирганга раҳмат.
- В. Бетга айтганининг заҳри йўқ.
- Г. Кўпдан қуён қочиб кутулмас.
- Д. Ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилар.

2. Қайси жавобда эга отлашган сўз билан ифодаланган?

- А. Гарчи шунча мағрур турса ҳам, пиёлага эгилар чойнак.
- Б. Эрталабдан бери булбулларнинг сайраши тингани йўқ.
- В. Йиғитлар Шерални бирин-кетин қучоқлаб қутлашди.
- Г. Чингизхон элчилари ўлдирилгандан кейин урушга ҳозирланди.
- Д. Ўтирганлар раисни кутиншар эди.

3. Эга билан кесим орасига қачон тире қўйилади?

А. Кесим от, олмош ва сон билан ифодаланиб, кесимлик қўшимчасини олмаганда.

- Б. Гапнинг эгаси ва кесими ҳаракат номи билан ифодаланганда.
- В. От-кесим таркибидаги боғлама тушиб қолдирилганда.
- Г. А жавоб тўғри.
- Д. Ҳамма жавоб тўғри.

4. Қайси қаторда ҳаракат номи билан ифодаланган эгага мисол келтирилган?

- А. Яхши қанд едирар, ёмон панд едирар.
- Б. Ўт билан ўйнашган ёнар.
- В. Хато қилмоқ бордир, тузатмаслик ордир.
- Г. Душманнинг бири ҳам ҳанжар.
- Д. Илмсиз бир яшар, илмли минг яшар.

5. Қайси қаторда эга ибора билан ифодаланган?

- А. Куз кунлари офтобда юриш фойдали.
- Б. Калтабиллик бизнинг ахлоқимизга тўғри келмайди.
- В. Шу вақт ўтирганлар тура бошладилар.
- Г. У жуда ҳам кам ҳақ олар эди.
- Д. Бундай ишни юрагида ўти борлар қилади.

6. Қайси жавобда “Навой яна Камолиддин Бехзод расмларини шам нурида қарай бошлади” гапининг эгаси тўғри кўрсатилган?

- А. Навоий.
- Б. Камолиддин Бехзод.
- В. Расмларини.
- Г. Шам нурида.
- Д. Қарай бошлади.

7. Жавобларнинг қайси бирида ушбу гапнинг кесимига мос эга берилган? ... намозшомдан кейин Мирак Наққошни ва унинг шогирдини зиёфат қилди.

- А. Мен.
- Б. Шоир.
- В. Сен.
- Г. Навоий.
- Д. Б ва Г жавоб тўғри

8. Жавобларнинг қайси бирида эга олмош билан ифодаланган?

- А. Дилдор билан кампир қарама-қарши ўтиришди.
- Б. Муроднинг ҳосил бўлди, йигит!
- В. Эртаси икки дўст кўчага чиқишди.
- Г. Шу гапни ким айтди?
- Д. Султонмурод келганига афсусланди.

9. Жавобларнинг қайси бирида тире тўғри қўлланган?

- А. Армонларим кўнгил бериб тўлмаганим.
- Б. Яхшилик билан ном қолдирмоқнинг – ўзи улуғ мукофотдир.
- В. Билим ва ҳунар – эизакдир.
- Г. Мақсадим иқтисодчи – бўлишдир.
- Д. Қирғизистон – мустақил давлат.

21-§. ГАПНИНГ ИККИНЧИ ДАРАЖАЛИ БЎЛАКЛАРИ

Иккинчи даражали бўлақлар бош бўлақлар орқали ифода қилинган гапнинг асосий мазмунини кенгайтириб келади: *Бу майин сўз қулоғига калимадай ёқимли эшитилди. У секин атрофга қаради. (Т.Қ.)*

Юқоридаги мисолларда сўз эшитилди, у қаради бўлақлари гапнинг бош бўлақлари бўлиб, гапнинг асосий мазмунини ифодалайди. Қолган бўлақлар уларга боғланиб, гап мазмунини кенгайтиради.

Иккинчи даражали бўлақлар, одатда, ё эгага, ёки кесимга тобе бўлади. Айрим ҳолларда эса иккинчи даражали бўлақлар ўзаро бир-бирига эргшиб, гапнинг бош бўлақларига тобе бўлади: *Кучли (қандай?) шамол (нима?) энг катта (қандай?) дарахтларни (нималарни?) тебратмоқда эди (нима қилмоқда эди?) гапида шамол тебратмоқда эди бош бўлағига кучли, энг катта, дарахтларни сўзлари эргшиб, тобе бўлиб келмоқда.*

Гапнинг иккинчи даражали бўлақлари учга бўлинади: **тўлдирувчи, ҳол, аниқловчи.**

130-машқ. Мақолларни кўчиринг. Бош ва иккинчи даражали бўлақларни аниқлаб, устига турини ёзинг, остига намунада кўрсатилганидек чизинг.

аниқ. тўлд. эга ҳол кесим

Намуна: Яхши гап билан илон инидан чиқади.

1. Ҳар ким ўз кўмачига кул тортади. 2. Бир умрга керак бўладиган дўстни бир лаҳзада хафа қилиш ярамайди. 3. Яхши отга бир қамчи, ёмон отга минг қамчи. 4. Беморнинг кўнгли кулгини ёқтирмайди. 5. Тек турганга шайтон таёқ тутқзади. 6. Душман отган ўқдан жигар отган увада қаттиқ тегади. 7. Очлик азобини чекмаган нон қадрини билмас. 8. Меҳнат умрни узайтиради. 9. Жанжалли уйда барака бўлмас. 10. Яхши гап ҳам, ёмон гап ҳам бир оғиздан чиқади.

131-машқ. Берилган сўзларнинг ҳар бири иштирокида алоҳида гаплар тузиб, дафтарингизга ёзинг. Бу сўзларнинг қайси гап бўлаги вазифасида келганини аниқлаб, остига чизинг.

Табиат, иқтисодий, севинч, бозор, завқланиб, камтарин, самимий, тўғри, покиза, оилавий, само.

132-машқ. Шеърни ўқинг. Остига чизилган сўзлар қайси гап бўлаги вазифасида эканлигини айтиб беринг.

КУЙ АВЖИДА УЗИЛМАСИН ТОР

Куй авжида узилмасин тор,
Шеър ярмида синмасин қалам.
Яшаб бўлмай умрини зинҳор
Бу дунёдан кетмасин одам.

Кўлдан тушиб синмасин қадаҳ
Лаб текканда тўкилмасин май.
Тўхтамасин уриб турган қалб
Бошлаб қўйган қўшиғи битмай. (Э.В.)

133-машқ. Дафтарингизга ўзингиз ёқтирган бадий асардан парча (7-8 та гап) кўчиринг. Бош ва иккинчи даражали бўлақларни аниқлаб, устига туриш ёзинг.

22-§. ТЎЛДИРУВЧИ

<i>Директор табриклади.</i>	<i>Директор ғолибларни табриклади.</i>
<i>Азиз қарали.</i>	<i>Азиз даразадан қарали.</i>
<i>Кўп ўқиш керак.</i>	<i>Китобни кўп ўқиш керак.</i>
<i>Карим гапирди.</i>	<i>Карим шанбалик тўғрисида гапирди.</i>

Чап ва ўнг томондаги гапларни қиёслаб ўқинг. Уларнинг қайси бирида фикр тўлароқ ифодаланган? Фикрни тўлароқ ифодалаш учун ёрдам бераётган сўзларни кўрсатинг.

Гапнинг бирор бўлагига бошқарув йўли билан боғланиб, уни тўлдириб келган иккинчи даражали бўлақ тўлдирувчи дейилади. Масалан: *У олим ва фозил одамлар билан суҳбатлашишдан завқланар эди.* (М. О.)

Тўлдирувчи кўпинча кесимга боғланади: *Меҳнатга ҳам зафарга ўзингиз ўргатдингиз. (Зулфия)* Бу гапдаги меҳнатга, зафарга тўлдирувчилари ўргатдингиз феъл-кесимга боғланган.

Тўлдирувчи *кимни?, нимани?, қаерни?, кимга?, нимага?, кимдан?, нимадан?, кимда?, нимада?, ким билан?, нима билан?, ким учун?, нима учун?* каби сўроқлардан бирига жавоб бўлади.

Тўлдирувчи от, олмош ва от ўрнида қўлланган сўзлар билан ифодаланади: *Очиқ гапир, сўзингни англа, Омон менга ўзингни англа, (Ҳ.О.) Опа, менга Омонимни қўй, менга ўша ёмонимни қўй. (Ҳ.О.) Унинг ўқишга ҳаваси зўр. Айрилгани айиқ ер, бўлингани бўри ер. (М.)*

Тўлдирувчи икки хил бўлади: **воситасиз тўлдирувчи** ва **воситали тўлдирувчи**.

134-машқ. Ўқинг. Савол бериш орқали тўлдирувчиларни аниқланг.

1. Инсон қалби ҳақиқатдан, адолат ва муруватдан ўз хоҳиши билан эмас, ўзи билган ва билмаган куч орқали зўрлик билан узоқлашади. *(Т.М.)* 2. Ҳалоллик ҳар қандай мартабани безайди. *(Шиллер)* 3. Сабр билан кутганларга ҳамма нарса ўз вақтида келади. *(Бальзак)* 4. Ёлғончи инсон деб аталишга лойиқ эмас. *(Фенелон)* 5. Ҳамма нарсага қизиқишини йўқотган одам хотирасини ҳам йўқотади. *(Г.)* 6. Орзу-истагим, қувончларимни ифода этадиган ноёб сўзлар қидириб бошим қотди. *(Ч.А.)* 8. Азоб чекшни истамасанг, ҳасадгўй бўлма. *(«Қ.»)* 9. Ўзгага қилган муруватингни дўстга ҳам, душманга ҳам мақтанма. *(Ҳ.)*

135-машқ. Қуйидаги сўзлар иштирокида гаплар тузинг. Берилган сўзлар гапда тўлдирувчи бўлиб келсин.

Намуна: мақтанчоқ. Мақтанчоқни эл суймас (М.)

Мақтанчоқ, ақл, олим, балиқчи, ҳамма, ёшлик, беш, яхши, дўст, савоб, расм, тиришқоқ, ўнтаси, келтирган, аллаким, қўрққан, дам олиш пайти.

136-машқ. Ўқинг. Тўлдирувчиларни топинг ва улар қайси сўз туркуми билан ифодаланганини айтинг.

1. Севги пулга сотилмас, кўнгил пулга топилмас. (М.)
2. Кутилмаган меҳмонлар билан нима ҳақдадир суҳбатлашди.
3. Билим манбаи – китобни севинг.
4. Бу гапдан тепа сочи тикка бўлишини кутмаган эди.
5. У юзларига сачраган ариқ сувидан сесканиб кетди ва қўлидаги пақирни тушириб юборди. (Ч.А.)
6. Яхшидан боғ қолар, ёмондан доғ қолар. (М.)
7. Ҳунарманду савдогарлар шунисидан – солиқдан халос бўлганлигидан жуда мамнун. (П.Қ.)
8. Юзимга совуқ учқунлар урилаётганини энди пайқадим. (Ў.Х.)

137-машқ. Ўқинг. Тўлдирувчиларни ўзи боғланган гап бўлаги билан бирга кўчиринг.

Бола эса ухлай олмасди. Мактаб ҳақида ўйлаб ташвишланарди. У ҳали бирон кун ҳам ўқишни қолдирмаган эди... Ўй-хаёллардан боланинг боши баттар зирқираб оғриди. У яна кечга яқин дарё соҳилида кўрган буғуларни эслади. Тунда уларнинг ҳоли не кечдийкин?.. Бўрилар ҳужум қилиб қолса нима бўлади? Бекей холага сеҳрли бешикни шоҳида ким олиб келади?

У ташвиш аралаш уйқуга кетди ва ухлаётиб Шохдор она буғудан Ўразқул амаки ва Бекей холага қайиндан ясалган бешик олиб келишини ёлвориб сўради... Бола узоқдан бешик кўнғироқчасининг овозини эшитди. Шохдор она буғу шоҳида сеҳрли бешикни кўтариб олганча шошиб келарди. (Ч.А.)

138-машқ. Ўқинг. Ҳикматлар маъносини ўз сўзларингиз билан тушунтиринг. Тўлдирувчиларни белгилаб, турини айтинг.

1. Нодонлардек юзлаб сўзни қилма қатор,
Донолардек бир сўз дегил, лек маънодор. (Х.)
2. Қўлингдаги қилич бўлса ҳам олмос,
Одамларни ноҳақ ўлдирмоққамас. (Р.)
3. Қулоқдан дилингга гар кирмаса нур,
Сичқон қавагидан не фарқи қолур. (Х.)
4. Тилдаги кетма-кет хатога, ҳайҳот,
Чиройли кийимлар беролмас нажот.

Сўзинг кийимингдек бекаму кўст қил,
Ёки кийимингни сўзингга рост қил. (А. Ж.)

5. Боғбондан парвариш кўрмаса ниҳол,
Улғайиб ўсолмас, тополмас камол! (Х.)

23-§. ВОСИТАСИЗ ТЎЛДИРУВЧИ

Воситасиз тўлдирувчи, одатда, кесимдан англашилган иш-ҳаракатни тўғридан-тўғри ўз устига олган нарса-буюм, шахсни билдиради. Масалан: *Эргаш кечаги китобни ўқияпти.*

Воситасиз тўлдирувчи *кимни?*, *нимани?*, *қаерни?* сўроқларидан бирига жавоб бўлиб, қуйидагича ифодаланади:

1. От ва олмош билан: *Анжуман иштирокчилари шеър ва газалларни ифодали ўқиб бердилар. Мактаб директори бизни чақирди.*

2. Отлашган сўзлар билан: *Яхшини мақташ ярашур, ёмонни мақтаган адашур. (М.)*

3. Ибора билан: *У ўз гурури, обрўсига бировнинг оз-моз тил тегизишини кўтармас эди. (О.)*

Воситасиз тўлдирувчи тушум келишиги қўшимчаси (-ни) сиз ҳам қўлланади: *Ўқувчилар мактаб боғига кўчат ўтқаздилар.*

139-машқ. Кўчиринг. Воситасиз тўлдирувчиларнинг тагига чизинг.

1. Жоҳил билан тортишган олим ҳурмат кутмасин. (Х.)
2. У ёқдаги чангалзорлардан катта қўшин ўтолмаслигини аниқлаб келдилар. (П.Қ.) 3. Мен шеърятда Э. Воҳидовни ўзига хос сеҳр соҳиби деб биламан. (А.О.) 4. Жалилнинг гапларини эшитдинг-а? (Т.М.) 5. Бобом бозорга Оқсоқол билан борганини, икки ўртоқ энг олди молни харид қилишганини тушундим. (Ў.Х.) 6. Раъно юзини четга ўгириб, кулиб турар эди. (А.Қ.) 7. Кўнглимдан ўтганини сездирмай китобни эҳтиёт қилиб, папкага солиб қўйдим. (С.А.) 8. Саодат ўша кунни ҳеч қачон унутмайди. (Ч.А.)

140-машқ. Воситасиз тўлдирувчиларни топинг. Қайси воситасиз тўлдирувчида тушум келишиги қўшимчаси тушиб қолганини аниқланг.

1. Кўп тил билиш – битта қулфга тушадиган бир нечта қалитга эга бўлиш деган гап. (В.) 2. Ҳаммаси фотиҳа ўқишди, оқсоқол кўк гулли чинни косани Эшимга узатди. (Т.Қ.) 3. Ойим ёнимга ўтириб, илиқ кафти билан бошимни силар, мен бўлсам ҳамма нарсани – оғриқни ҳам, аламни ҳам унутиб, ухлаб қолардим. (Ў.Х.) 4. Асадбек осмоннинг кўз ёшлари остида пича турди, юзларини, кўз ёшларини қор аралаш ёмғир ювди. (Т.М.) 5. Биров турли кукунларни қориштириб бўёқ тайёрламоқчи бўлган. 6. Кимдир аллақачон қўлига мўйқалам тутган. (Қ.М.) 7. Қўрқув хушомадгўйликни вужудга келтиради. (Демокрит) 8. Алишер Навоий ҳамиша эл-улус орасидан нодир истеъодлар излаб ўтдилар. (П.Қ.)

141-машқ. Кўчиринг. Воситасиз тўлдирувчиларнинг тагига чизиб, тўлдирувчининг инфодаланишини қавс ичига ёзиб кўйинг.

Намуна: Мен тирноқ остидан кир қидирувчиларни (ибора) ёмон кўраман.

1. Сен ўзингнинг бировларга қилган яхшилигингни, бировларнинг эса сенга қилган ёмонлигини унут, аммо бировларнинг сенга қилган яхшилигини унутма. (А.Н.) 2. Подадан олдин чанг чиқарадиганларни эл суймайди. (Х.) 3. У ҳар қанча уринса ҳам кўзини очолмади, мажоли қуриб, ўзини аллақандай зулмат ичига қулаб тушгандай ҳис этди. 4. Бунақасини мен ҳеч учратмаганман. (Т.М.) 5. Саида унинг кеча тўқимининг тескари бўлиб юргани ва ҳозир қилдан қийиқ топаётганининг сабабини дарров фаҳмлади. (А.Қ.) 6. Онаси ўқишни, ёзишни яхши билган. 7. Бу сўзларни ким сўзлади, у кимга тегишли, буни Нурбек англамасди. (Ч.А.) 8. Бора-бора унинг юраги тозаллигини, оқ кўнгилли эканлигини тушунди.

9. Болалик.

Мен сени бир умр қалбда

Она сути каби сақлай муқаддас.

(Э. В.)

10. Алпомишга алла айтган момоларим

Рухини шод этай десанг – халқ бўл элим! (М.Ю.)

142-машқ. Зарур ўринларга тушум келишиги қўшимчасини қўйиб, зарур бўлмаган ўринларда эса кўп нуқтани тушириб қолдириб гапларни кўчиринг. Мақолларнинг маъносини изоҳланг.

1. Ватан қадри... билмаган, ўз қадри... билмас. 2. Яхши билсанг ишинг..., яхшилар силар бошинг... . 3. Бўри... тўқ дема, душман... йўқ дема. 4. Касал... яширсанг, иситмаси ошкор қилар. 5. Ишчан ер... яшнатур, дангаса ер... қақшатур. 6. Тўғри сўз тош... ёради, эгри сўз бош... . 7. От тепмайди, ит қопмайди дема. 8. Ақлли ўзи... айблар, ақлсиз дўсти... . 9. Онаг... кафтингда тутсанг, синглинг... кифтингда тут. 10. Айрилган... айиқ ер, бўлинган... бўри ер.

11. ВОСИТАЛИ ТЎЛДИРУВЧИ

Воситали тўлдирувчи *кимга?*, *нимага?*, *кимдан?*, *нимадан?*, *кимла?*, *нимада?*, *ким билан?*, *нима билан?*, *ким ҳақида?*, *нима ҳақида?* каби сўроқларга жавоб бўлади. Тушум келишигидан бошқа келишикларда келган тўлдирувчилар воситали тўлдирувчи бўлади. Воситали тўлдирувчи кўпинча келишик қўшимчали ёки кўмакчили бўлиб, қуйидагича ифодаланади:

1. От ва олмош билан: *Дўст билан сирдош бўл, ишига йўлдош бўл. (М.) Карим сенга айтиб кетган эдим?*

2. Отлашган сўзлар билан: *Яхши билан юрдим, етдим муродга, ёмон билан юрдим, қолдим уятга. Қўрққанга қўш кўрринар. (М.)*

3. Ибора билан: *Боғдан келса, тоғдан келадиганлар билан иш битмайди.*

143-машқ. Кўчиринг. Воситали тўлдирувчиларнинг остига чизиб, сўроғини қавс ичига ёзинг.

Намуна: *Аълочи ўқувчиларга (кимларга?) фахрий ёрлиқ топширилди.*

1. Ёзувчи ўзи ёзаётган асарга қалбини бағишлайди.
 2. Шаҳзода унинг истиқболига чиқиб, эҳтиром билан салом берди. (О. Ё.) 3. Эр йигит эл учун туғилиб, эл учун ўлади. (М.)
 4. Қорли ёнбағирдаги одамлар орасидан Манзура ўғилларини нигоҳи билан излайди. (Т. М.) 5. Қулоқдан кирган совуқ сўз кўнгилга бориб муз бўлади. (М.) 6. Мен Эркин Воҳидовдек улкан шоир билан замондош бўлганим билан фахрланаман. (А. О.) 7. Ёвдан қўрққан ёвга дўст, элни суйган элга дўст. (М.) 8. Виждон билан, ҳақиқат билан, ростлик билан кучлидир инсон. (М. Жалил)

144-машқ. Ўқинг. Воситали тўлдирувчиларни топиб, нима билан ифодаланганини айтинг.

1. Йўтал тўхтагач, енгил нафас олиб, беморнинг манглайини сочиқ билан арта бошлади. (Ч.А.) 2. Яхшига ёндаш, ёмондан қоч. (М.) 3. Қалбдан чиққан сўз қалбга йўл олади. (Низомий) 4. Юз ёшли Алмамбетнинг гапи кўпчиликка манзур бўлди. (Т.Қ.) 5. Ақллилик қора қилни қирққа бўлар. (Абай) 6. Оғзи бўшга ишониб бўлмайди. (М.) 7. Мен эса Жамшиднинг уйига борганингиздан хабардорман. (Т.М.)

8. Бир қўлда беланчак, бир қўлда Қуръон,
 Бир елкада кетмон, бирида иймон,
 Барчага баробар бир офтобсимон,
 Яшнасин олам деб, яшайди ўзбек. (М.Ю.)

145-машқ. Нуқталар ўрнига қавс ичидаги сўроқларга жавоб бўладиган тўлдирувчиларни қўйиб кўчиринг. Воситали тўлдирувчи гапнинг қайси бўлаги билан боғланганини айтинг.

1. Мажлисида мактаб директори ... (нима ҳақида?) гапирди.
 2. Онаси ... (кимга?) хат ёзди. 3. Қизлар командаси ... (нимадан?) ғолиб бўлди. 4. Бу ҳикоялар... (ким учун?) ёзилган.
 5. Фермерлар ... (кимдан?) мақтов ёрлиғи олишди.
 6. Амакимнинг қизи ... (ким билан?) бир синфда ўқийди.

146-машқ. Шеърни ўқинг. Тўлдирувчиларни белгилаб, турини айтинг. Тўлдирувчиларнинг нима билан ифодаланганига диққат қилинг.

Сен бекорга хафа бўлдинг, дўст,
Бу ҳол ўткинчи бир дақиқадир.
Дардни унут, равшан тортсин кўз,
Равшан кўзинг чин ҳақиқатдир.
Улоқтир бор ғусса тошини,
Сен ҳақсан-ку, шунинг ўзи бас.

Деразани очиб бир нафас,
Ташқарига чиқар бошингни.
Ёмғир ёғар... жимлик... соф ҳаво...
Тирикликнинг лаҳзаси ҳақдир!
Ҳар сония дардингга даво,
Инсон учун ҳар бир зум бахтдир! *(Т. Қаҳҳор)*

147-машқ. Тўртликни кўчириб ёзинг. Тўлдирувчиларни белгиланг. Отлашган тўлдирувчиларнинг остига чизинг.

Кичикка улуғлик улуғдан тегар,
Улуғга етиб иш, кичик қут топар.
Улуғлар сўзин тут, амал қил, югур,
Улуғ сўзин олган тилакка етар. *(К. Хўжандий)*

148-машқ. Кўчиринг. Воситасиз тўлдирувчи остига бир чизиқ, воситали тўлдирувчи остига икки чизиқ чизинг.

1. Азиз онажон, сен гўзаллик тимсолисан, сен ўз ёшлигингни, гўзаллигингни фарзандларингга ҳадя этдинг.
2. Баъзан юраги сиқилганида бор молимни битта дардкаш дўстга алмашардим, деб ўйларди. *(Т.М.)* 3. Юпун кийинган ёш жувон қорни кафти билан сидириб туширди. *(Ў.Ҳ.)*
4. Бўри қонга тўймас, сичқон нонга тўймас. *(М.)* 5. Кекса кишиларни ҳурмат қил, уларни эъозлашни ёшларга уқтир. *(И.Сино)* 6. Табиб унинг чаккаларига, билакларига соч толасидай ингичка тилла игналар қадади. *(Т.М.)* 7. Зайнаб опа бармоқлари билан якшанбагача неча кун қолганини санади. *(Ч.А.)* 8. Янги мактабда эски қилиқларимни ташлашга

мажбур бўлдим. (Ў.Ҳ.) 9. Алманбет эшитмай қолган гапларини набирасидан уқиб ўтирарди. (Т.Қ.) 10. Майдондаги паҳлавонлар салмоқли ҳаракатлари билан бир-бирларини синашга киришган эдилар. (О.)

149-машқ. Матнни ўқинг. Тўлдирувчи қатнашган гапларни кўчириг. Тўлдирувчининг турини ва қайси сўз туркуми билан ифодаланганини қавс ичига ёзинг.

Намуна: *Бобомни (в-сиз, от) ҳамма билади, бобом ҳам ҳаммани (в-сиз, олмош) билади.*

Бобомни ҳамма билади, бобом ҳам ҳаммани билади. Унга яхши. Унинг ўз суҳбат мавзуси бор, у кўчманчиларнинг ҳол-аҳволини сўрайди ва биз қандай яшаётганлигимизни гапириб беради. Мен эса болалар билан нимани гаплашишни билмайман. Кейинчалик биз беркинмачоқ, уруш-уруш ўйнаб кетамиз ва ўйинга шундай берилиб кетамизки, кетгим келмай қолади. Қани энди ҳаминша ёз бўлса, ҳаминша болалар билан ўтлоқда ўйнаб юрсанг. (Ч.А.)

150-машқ. Қуйидаги тест саволларининг тўғри жавобини белгиланг.

1. Тўлдирувчининг таърифи қайси жавобда ўз ифодасини топган?

- А. Гапнинг ким ёки нима ҳақида эканлигини билдиради.
- Б. Эга ҳақидаги хабарни билдириб, унга грамматик тобе бўлади.
- В. Бирор бўлакни тўлдириб, унга бошқарув йўли билан бирикади.
- Г. Гапдаги бирор бўлакнинг белгисини ёки нарсанинг бошқасига қарашлилигини билдиради.
- Д. Кесимга боғланиб, унинг белгисини билдиради.

2. “Яхшига ёндаш, ёмондан қоч” гапида тўлдирувчи нима билан ифодаланган?

- А. Отлашган сўз билан.
- Б. Ибора билан.
- В. Олмош билан.
- Г. Равиш билан.
- Д. Ажралмас бирикма билан.

3. Берилган мисоллардан воситали тўлдирувчи қатнашган гапни аниқланг.

- А. Уйга дўстим билан қайтдим.
- Б. Қиш фаслини кутади кенг далалар, майдонлар.
- В. Байрам шарофати билан чойхона гавжум бўлиб кетган.
- Г. Рост, ҳозирча болалар бардам.
- Д. Қаттиқ аҳд қилганман, изланаман.

4. Қайси қаторда воситасиз тўлдирувчи қатнашган гап берилган?

- А. Ботир чироқ ёруғида китоб ўқиди.
- Б. Ош эгаси билан тотди.
- В. Эгрининг сояси ҳам эгри.
- Г. Ойни этак билан ёпиб бўлмас.
- Д. Йигит ўтинчилик орқали кун кўрарди.

5. “У ўз ғурури, обрўсига бировнинг оз-моз тил тегизишини кўтармас эди” гапидаги воситасиз тўлдирувчи нима билан ифодаланган?

- А. Ажралмас бирикма билан;
- Б. Отлашган сўз билан;
- В. Ибора билан;
- Г. От билан.
- Д. Жавоблар нотўғри.

6. *Яхшилардан кўрасан меҳру вафо,
Сенга етказгай мунофиқ кўп жафо.*

Ушбу байтдаги тўлдирувчилар тўғри белгиланган қаторни топинг.

- А. Яхшилардан.
- Б. Меҳру вафо.
- В. Сенга.
- Г. Жафо.
- Д. Жавоблар тўғри.

151-машқ. «Бахилнинг боғи кўкармас» мавзусида эссе ёзинг. Тўлдирувчиларни топиб, қайси гап бўлагига боғланганлигини изоҳланг.

25-8. ҲОЛ

Иш-ҳаракатнинг қандай бажарилганлигини ёки унинг бажарилиши билан боғлиқ бўлган ўрин, пайт, сабаб, мақсад маъноларини билдирувчи бўлак ҳол дейилади. Масалан: *Икковлари сукут ила*

оҳиста кетдилар. (О.) Бу гулшанда мен ҳам тургани келдим. (Э.Жуманбулбул.) Аҳмад Хусайн эрталаб қариндошлари билан хайрлашди. (О.)

Ҳол, асосан, феъл билан ифодаланган кесимга боғланиб, қандай?, қачон?, қаерда?, қандай қилиб?, нега?, нима учун?, қаерга?, қаердан?, қанча? каби сўроқлардан бирига жавоб бўлади.

1. Ҳол равиш, равишдош, от, сифат, сон, тақлидий сўзлар ва ибора билан ифодаланади: *Исҳоқ секин бош ирғади. (Т.Қ.) Кўклам кўкатлари гуркираб ўсади. Ҳаёт пиқ-пиқ йиғлар, елкалари дир-дир титрар эди. (М.И.) Санобар чиройли ёзади. Бугун қурилишда одам кечагидан икки-уч марта кўп эди. (Ас. М.) Уй томондан садо бўлмагач, тарвузи қўлтиғидан тушган одамдай кўчага чиқдилар. (Т.М.) У лом-мим дея олмай жим тураверди.*

Ҳол маъносига кўра қуйидаги турларга бўлинади: вазият (тарз, равиш) ҳоли, ўрин ҳоли, пайт ҳоли, миқдор ҳоли, сабаб ҳоли, мақсад ҳоли.

152-машқ. Гапларни кўчириб, ҳолларнинг тагига чизинг, сўроқларини қавс ичига ёзинг.

Намуна: *У кўклам пайти (қачон?) Ленинграддан (қаердан?) қайтди. (П.Қ.)*

1. Исҳоқ бургути тўсатдан кўлидан учиб кетган овчидай сўррайиб қолаверди. (Т.Қ.) 2. Атрофни сукунат, чексиз зулмат қоплаб олган. Мен сув ичиб олайин деб булоқ томон қайрилдим. (Ч.А.) 3. У уч қаватли бино ертўласида Асадбекни кутиб олди. (Т.М.) 4. Боғимиздаги хушбўй атиргуллар кишини беҳад қувонтиради. 5. Теваракда гала-гала чумчуқлар тўхтовсиз чирқиллашади. (О.)

153-машқ. Гапларни ўқинг. Ҳолларни топиб, қайси сўз туркуми билан ифодаланганини айтинг.

1. Иккинчиси тўсатдан этакни ерга улоқтирди, турган жойида тепиниб, бир балолар деб чинқирди. (Ў.Ҳ.) 2. Анвар бу сатрларни атайлаб ўқимади. (Т.М.) 3. Ҳамма иш кўз очиб

юмгунча бўлиб ўтди. (Ч.А.) 4. У кечқурун навкарлар билан ҳориб-чарчаб қайтди. (О.) 5. Ҳамма нарсани миридан-сиригача қолдирмай гаплашишди. (Х.Н.) 6. Чақирилмаган меҳмон супирилмаган ерда ўтиради. (М.) 7. Нима учун бунақа муносабат бўлаётганини Саидахон билан икковимиз жуда яхши билардик. (С.А.) 8. Даҳшатли жанг ўн уч кундан кейин бошланди. (А.Қ.) 9. Бу таклифга ноилож рози бўлишди.

26-§ ВАЗИЯТ ҲОЛИ

Вазият ҳоли қандай?, қандай ҳолда?, қандай вазиятда?, қандай қилиб? қай тарзда?, ким бўлиб? каби сўроқларга жавоб бўлади. Вазият ҳоли кўпинча равиш, равишдош, от, сифат, тақлид сўзлар, шунингдек, ибора билан ифодаланади: Саида хайрлашиб, орқасига қарамай жўнаб кетди. (А.Қ.) Илҳом онасининг сўзларини диққат билан тинглади. Анорхой даштида Абубакир тракторчи бўлиб ишлар эди. (Ч.А.) Йигит гурс-гурс юриб кела бошлади. У тўпланганларнинг кўйинини пуч ёнғоққа тўлдирганча кетаверди.

Вазият ҳоли иш-ҳаракатнинг бажарилишини ўхшатиш йўли билан англатиб, -дек, -дай, -ларча қўшимчаларини олган сўзлар билан ифодаланади. Масалан: Абил бий тепаликда қузғундек шумшайиб қолаверди. (Т.Қ.) Шафтолилар эгилган гўё салом бергандай. Раис билан иккиси дўстларча хайрлашди.

154-машқ. Ўқинг. Вазият ҳолларини топиб, нима билан ифодаланганини айтинг.

1. Аҳмаджон таъби тирриқ бўлиб, бошқа ҳеч кимдан гап сўрамади. (А.Қ.) 2. Оқ кема ўз йўлида оҳиста ва улуғвор сузиб борарди. (Ч.А.) 3. Ўша кунни Абил бий оқсоқолларни шошилинч чақиртирди. 4. Юсуф бий ўрнидан туриб, таъзим билан Ҳожибой додхоҳнинг қўлини оҳиста ушлади. (Т.Қ.) 5. Яхши яшамоқ учун яхши ишламоқ зарур, шу заминда дадил турмоқ учун кўп билмоқ даркор. (М.Горький) 6. У уйига бўшашиб қайтди: келини ўн беш кун бурун шаҳарга кетган эмиш. (Т.М.)

7. Бундай пайтларда Хонимгул барча қувончини ичига ютиб, индамасдан кулиб қўярди-да, қўлидаги кетмонни яна ҳам илдамроқ силтарди. (Ч.А.) 8. Бобурга эргашиб, уни қўриқлаб юрадиган Тоҳир шох-шаббаларга қараб ўзича ўйланди. (П.Қ.)

155-машқ. Нуқталар ўрнига қавс ичидаги сўроқларга жавоб бўладиган қуйидаги сўзларнинг мосини қўйиб кўчиринг.

1. Ҳовли томонда мушук ... (қандай?) миёвлади. 2. Улар маърузага кечикканларини сезиб ... (қандай ҳолда?) тарқашди. (П.Қ.) 3. Беғубор оқ кигиз устида қон томчилари ... (қандай?) товланарди. 4. Мажлисда уни мукофотладилар, у уйига ... (қандай ҳолда?) кириб келди. 5. Душман ... (қандай вазиятда?) келди. 6. Карнай-сурнай ... (қандай?) тўхтади. 7. Она тилини яхши билмаган инсон она юртнинг юрагини ... (қандай?) билмайди. (З.) 8. Улар алламаҳалгача ... (қандай ҳолда?) ўтиришди. (Т.Қ.) 9. Умар (қандай қилиб?) кўришди. 10. Бирор яхшиликни кутаётгандай кўзлари ... (қай тарзда?) порларди. (Ч.А.) 11. Олим ... (қай ҳолда?) уйғонди. 12. Назира ... (қандай тарзда?) чирқиллаб қолди. (Ў.Ҳ.)

Сўзлар: чурқ этмай, хурсанд бўлиб, қувонч билан, шоша-пиша, қўл бериб дўстларча, бирдан, полалонини қўриқлаган она чумчуқдек, беозор, қизил гулдай, бутун қишлоқнинг кулини кўкка совуриб, яхши, таъби тирриқ бўлиб.

156-машқ. Қуйидаги сўзлар ва иборалар иштирокида гаплар тузинг. Улар гапда вазият ҳоли бўлиб келсин.

Намуна: астойдил

Наима бу китобни астойдил ўқишга киришди.

Аста, зимдан разм солиб, бирдан, тез-тез, янгичасига, мажбуран, уялганнамо, шошилганча, филокорона, йўл-йўлақай, баралла, улгуржи, чиппа-чин, сув қуйгандай, илдамгина, орқама-орқа.

Ўрин маъносини билдириб қаерда?, қаердан?, қаерга?, қаергача? каби сўроқлардан бирига жавоб бўладиган гап бўлаги ўрин ҳоли дейилади.

Ўрин ҳоли ҳаракатнинг қандай ўрнини билдиришига кўра уч хил бўлади:

1. Иш-ҳаракатнинг бўлиш ўрнини билдириб, *қаерда?* деган сўроққа жавоб бўлади ва кўпинча ўрин келишигидаги сўз билан ифодаланади: *Атрофда қишни ва қорни соғинган қарғалар қағиллайди.*

2. Иш-ҳаракатнинг бориш, йўналиш ўрнини билдириб, *қаерга?* деган сўроққа жавоб бўлади. Ўрин ҳолининг бу тури кўпинча жўналиш келишигидаги сўз билан, шунингдек, кўмакчили сўз билан ифодаланади: *Кечқурун жамоа фаоллари Ботир билан Бўстонни Москвага кузатиб қўйдилар. Булбул сентябрь ойида қишлаш учун Жанубий Арабистон томон йўл олади.*

3. Ҳаракатнинг бошланиш ўрнини билдириб, *қаердан?* деган сўроққа жавоб бўлади. Ўрин ҳолининг бу тури чиқиш келишигидаги сўз билан, шунингдек, кўмакчили сўз билан ифодаланади: *Кеманинг сузиб боришига узоқдан термулиб қарарди. (Ч.А.) Қалин буталар орасидан ёт овоз эшитилди. (С. А.)*

Пайт ҳоли иш-ҳаракатнинг бажарилиш пайтини, билдириб, қачон?, қачонгача?, қачондан бери? каби сўроқларнинг бирига жавоб бўлади.

Пайт ҳоли пайт равиши билан, ўрин, чиқиш, жўналиш келишигидаги от билан, *-гача* қўшимчали сўз, шунингдек, кўмакчили сўз, сўз бирикмаси ва ажралмас бирикма билан ифодаланади: *Яхши ниятли кишиларнинг истаклари ҳамма вақт рўёбга чиқади. Хусн тўйда керак, ақл кунда керак. (М.) Қизлар кечаси билан дарс тайёрладилар. Улар орадан икки соат ўтгандан сўнг бригадаларга тақсим қилинди.*

157-машқ. Ўқинг. Ўрин ҳолини топинг, қандай сўз туркуми билан ифодаланганлигини айтинг.

1. Кўз етмаган ерга сўз етади. (М.) 2. Кўкларда парвоз қилаётган қушлар ҳам қаёққадир ғойиб бўлди. 3. Мени

Истамбулга хизматкор аскарисиз Хусайн элтиб қўйди. («Ч.»)
4. Ичкарида бир зум сукут чўкди. (Ў.Ҳ.) 5. Қирғоқда дельфин боласи ётар эди. (Қ.М.) 6. Кўкка аста-аста қорамтир булут тўплана бошлади. 7. Раъно оҳистагина Анварнинг ёнига келиб, супага суянди. (А.Қод.)

8. Икки буюк шоир, икки мусофир –
Навойи Ҳиротда, Қобулда Бобур.
Сизни ўйлатмасми бу жумбоқ, бу сир,
Навойи Ҳиротда, Қобулда Бобур. (М.Юсуф.)

158-машқ. Нуқталар ўрнига қавс ичидаги сўроқларга жавоб бўладиган қуйидаги сўзларнинг мосини қўйиб кўчиринг.

1. Сўфи азон айтмасдан одамларнинг эшигини қамчи билан савалайдиган Умар закунчи бизнинг ... (қаерга?) келмай қўйди. (Ў.Ҳ.) 2. Абил бийга ... (қаердан?) киши келди. 3. Кенгаш ... (қаерда?) бўлди. (Т.Қ.) 4. ... (қаерда?) Бобур кулфат чекиб ғам-ғуссага ботган сари ... (қаерда?) унинг душманлари тантана қилишмоқда эди. (П.Қ.) 5. ... (қаердан?) ҳамма ёқ яққол кўриниб турарди. (Ч.А.) 6. Навоийнинг ... (қаерга?) қайтиши халқнинг ва дўстларнинг кўнглидан ғам-ташвишни ва умидсизликни кўтарди. (О.)

Сўзлар: Қоровултоғ чўққисидан, Ҳиротга, ичкарида, яйловда, ўрда тарафдан, ташқарида, дарвозага.

159-машқ. Ҳақнинг Пайт ҳолини топиб, нима билан ифодаланганини айтинг.

1. Қоронғилик дам сайин қуюқлашиб борарди. («Ч.»)
2. Ўн беш дақиқалардан кейин йўлга чиқамиз. 3. Исмоил эртадан кечгача чарчаш нималигини билмай ишларди. (Ч.А.)
4. Она – қуёш, унинг меҳр тафти ҳеч қачон совимайди. (Ҳ.) 5. Биринчи марта мактабга борганим эсимдан чиқмайди. Биринчи кун дарсга кирдим-у, эртасига бормай қўя қолдим. 6. Кумуш онасининг юмушига бир оз қараб тургандан кейин ташқари томон кетди. (А.Қод.) 7. Кейин Ўшпир Манасни Суткўлга олиб борди. («Манас»)

160-машқ. Нуқталар ўрнига берилган сўزلардан мосини қўйиб кўчиринг. Пайт ҳолининг тагига чизинг.

1. Асилбой ... барвақт туриб, ҳовлини айланиб юрди. (Ч.А.) 2. ... яна мактабга зипиллаб қолдим. (Ў.Ҳ.) 3. Мен ҳам ... жўнаб кетарман. 4. ... ёдингиз билан яшайман. (О.) 5. Бобур ... кўп касал бўлиб, жуда озиб кетган. (П.Қ.) 6. Қизил духоба матолар сақланадиган ... Алмамбетнинг оғзи очилиб қолди. (Т.Қ.) 7. ... бир гала қизлар ... Дуйшэнни кўрдик. (Ч.А.)

Сўзлар: эрта-индин, омборхонага киришганда, сувга кетаётганимизда, сўнгги йилларда, уч кундан кейин, эртасига, кеча-кундуз, эрталаб.

161-машқ. Бадний асардан таркибида ўрин ҳоли ва пайт ҳоли қатнашган тўртта гап тошиб кўчиринг. Улар қандай саволларга жавоб бўлишини қавс ичига ёзиб қўйинг.

28-§. САБАБ ҲОЛИ, МАҚСАД ҲОЛИ

Сабаб ҳоли иш-ҳаракатнинг бажарилиш сабабини англатиб, *нимага?*, *нима учун?*, *нима сабабдан?* деган сўроқларнинг бирига жавоб бўлади.

Сабаб ҳоли вазифасидаги сўз кўпинча *учун*, *сабабли*, *туфайли* каби кўмакчилар билан бирга келади ёки чиқиш келишиги шаклида бўлади: *Вақт эрта бўлгани учун (нимага учун?) мусофирхона ҳовлисида ҳали ҳеч ким йўқ эди. ("Ч.") Расулжон ялқовлиги сабабли (нима сабабдан?) ҳаммага кулги бўлди. Раҳима уялганидан (нимага?) ерга қаради.*

Мақсад ҳоли иш-ҳаракатнинг бажарилишидаги мақсадни англатиб, *нима учун?*, *нимага?*, *нима мақсадда?* каби сўроқларнинг бирига жавоб бўлади.

Мақсад ҳоли жўналиш келишигидаги отдан, жўналиш келишигидаги ҳаракат номидан, мақсад равишидан, шунингдек, *учун*, *мақсадда*, *деб* каби кўмакчи сўзларни олиб келган ҳаракат номлари билан ифодаланади: *Камолхонов ўзини жиддий кўрсатиш учун (нима учун?) қошларини чимирди. (А.Қ.) Меҳмонларнинг сўзларини сизга айтиб қўяй деб (нима мақсадда?) келдим.*

Эслатма: Нутқимизда *Изласанг топасан. Буни тезроқ қайтариш шарт билан беряман* гапларидаги сингари шарт ҳоли; *Феруза дарсга келмаса ҳам вазифани бажариб келди* гапидаги каби тўсиқсиз ҳоллари ҳам қўлланади.

Оғзаки нутқда шарт ҳоли ва тўсиқсиз ҳолидан кейин товуш тўхталиши бўлади, ёзувда бундай ўринларда вергул қўйилмайди. Масалан: *Хурмат қилсанг хурмат кўрасан. Ўйнаб айтсанг ҳам ўйлаб айт. (М.)*

162-машқ. Ўқинг. Савол бериш орқали сабаб ҳолини тошинг. Унинг қайси сўзга боғланганлигини изоҳланг.

1. Назир ота саводсизлиги учун хатни ўқийлмади. 2. Ҳаво очиқ бўлгани учун тушдан кейин айлангани чиқамиз. 3. Аравамиз кечикиб қолгани учун яёв кетаётган эдик. 4. Тун бўйи ухламагани учун унинг кўзи юмилиб кетарди. 5. Муни-сани безовта қилмаслик учун оёқ учида хонага кирдим. («Ч.») 6. Оналар кўз ёшин тўкмасин фарзанд туфайли. 7. Манзура уялганидан қизариб кетди. 8. Тўғри ўсганинг сабабли халқнинг диққатини ўзингга жалб қилиб турибсан. 9. Ном чиқариш учун машаққат чекиб узоқ йўл юриш керак, иснодга қолиш учун эса бир қадам қўйишгина kifоя. (Х.)

163-машқ. Кўчиринг. Сабаб ҳолининг тагига чизиб, сўроғини қавечига ёзинг.

1. У худди кинолардаги сингари чаққонлик қилгани учун қувониб ҳам қўйди. (Ў.Х.) 2. Хурсандлигидан боши осмонга етгандай бўлди. 3. Нурбек завқланганидан ҳўл қирғоқдан чопиб кетди. 4. У кўз ёши қилмаслик учун юзини тескари буриб олди. (Ч.А.) 5. Нурбекнинг кўкраги ачишиб оғриётганидан нафас олиши ҳам оғирлашган эди. (Ч.А.) 6. Қария маслаҳатчи қимиз элитгани учун қўш ёстиққа ёнбошлаганича мудрарди. (Т.Қ.) 7. Хотин кишиларнинг чинқирган овози ва оналарининг пинжига кириб олган болалар йиғисидан овул оёққа турди. (Т.Қ.) 8. Зерикмаслик учун радионинг қулоғини буради. 9. Асар қизиқарли бўлгани туфайли ундан бошини

кўтаролмай қолди. 10. Зарифа зеҳнли бўлгани учун гап нимадалигини дарров тушунди.

164-машқ. Кўчиринг. Мақсад ҳолининг тагига чизиб, қандай сўроққа жавоб бўлишига диққат қилинг.

1. Бегим Шайбонийхонга хат ёзиш учун қоғоз-қалам олди. (П.Қ.) 2. Ўзимни чалғитиш учун таппи қилдим, ҳовлини чалиб чиққан бўлдим, дилим ҳеч ёришмади. (Ў.Ҳ.) 3. Сарибой эшикка етганида келаётганлигини маълум қилиш учун йўталиб кўйди. (Т.Қ.) 4. Охунжон онасини кўриш мақсадида ҳар кун илк саҳарда унинг ёнига борар эди. 5. Юлдузхон салқинроқ деб уйга жой қилди. (С.З.) 6. Ҳар гал станциядан тушиб, тепалиқдан ўтиб, овулимизга қараб йўл олганимда кўштраклар жойида турганмикин, деб сабрсизлик билан беихтиёр шу томонга қарайман. (Ч. А.)

165-машқ. Бадний асардан сабаб ҳоли ва мақсад ҳоли қатнашган гапларга тўрттадан мисол топиб ёзинг. Сабаб ҳоли ва мақсад ҳолини аниқлаб, улар қандай саволларга жавоб бўлишини қавс ичига ёзиб кўйинг.

19-§. МИҚДОР ҲОЛИ

Миқдор ҳоли қанча?, қанчалаб?, нечалаб?, неча марта? каби сўроқларга жавоб бўлади: Ўн марта эшитгандан бир марта кўрган яхши.(М.)

Нутқимизда *энг, жуда, ғоят, ниҳоятда* каби сўзлар кўпинча миқдорнинг даражасини билдиради.

Миқдор ҳоли кўпроқ миқдор-даража равиши, сон ва миқдор-даража маъносини билдирадиган сўз бирик-малари билан ифодаланади: *Чойдан бир қултум хўплади.* (О.) *Ҳаёт одами умр бўйи синайди.* (Ҳ.)

166-машқ. Ўқинг. Саволлар бериш орқали миқдор ҳолини топинг ва нима билан ифодаланганига диққат қилинг.

1. Манас тўққиз йил хон бўлди. («Манас») 2. Сиҳат тиласанг, кўп ема; иззат тиласанг, кўп дема. (Ҳ.) 3. Оз-оз ўрганиб доно бўлур. 4. Гапнинг ози яхши, ишнинг кўпи яхши.

(М.) 5. Менда икки қулоқ бор, шунинг учун оз гапириб, кўп эшитаман. 6. Узоқ яшамоқчи бўлсанг, камроқ овқатлан. 7. Сабрли одам узоқ яшайди. 8. Кўп нарсани билган одам кам сўзлайди. (Х.) 9. Султон Маҳмуд ўлиб кетганига беш йил бўлди. (П.Қ.) 10. Баҳодирнинг мингта, бошлиғининг битта бўлсин.

167-машқ. Кўчиринг. Миқдор ҳолини топиб, тагига чизинг.

1. Йигитнинг бу сўзи онасини жуда кўп қувонтирди.
2. Зайнаб эгачиси Хушрўйдан етти ёш чамаси кичик эди.
(А.Қод.) 3. Саида бу ҳақда Қаландаровга бир неча марта мурожаат қилган эди. (А.Қ.) 4. Кўп кулган – кўп йиғлар. (М.)
5. Касаллик хусусида сўз очишга бир неча марта оғиз жуфтлади. (Т.М.)

6. Сино айтган экан чанг бўлмаса гар
Мингга кирар эди инсон боласи...
Мингта бормасак ҳам кирардик юзга
Дунёда бўлмаса гар дилозорлик. (А.О.)

168-машқ. Таркибида миқдор ҳоли қатнашган ўзбек халқ мақолларидан тўртга ёзинг. Миқдор ҳоли қандай сўроққа жавоб бўлаётганига диққат қилинг.

169-машқ. Ўқинг. Ҳолларни белгилаб, турини ва қайси сўз туркуми билан ифодаланганини айтинг.

1. Китобни тез яроқсиз ҳолатга келтирмаслик учун унга эҳтиётлик билан муносабатда бўлинг. (Газ.) 2. Ҳафтанинг охирида отасидан хабар олгани Хайринисо келди. (Қ.М.) 3. Буғдойни тўкиб юбормаслик учун қопнинг оғзини маҳкам боғлади. 4. Ёш аёл қўшиқдан таъсирланганидан кўзида ёш ҳалқаланиб, уйга кирди. (Т.Қ.) 5. Сиз билан учрашадиган одамлар ўзлингизни билиб олишингиз учун энг яхши кўзгудир. 6. Эшикни очиб кирганингиздан кейин тарақлаб ёпилмаслиги учун ушлаб туриб, оҳиста ёпинг. 7. Ёз оқшоми илиқ бўлганлиги учун кийим алмаштириш эсига келмади. 8. Йўлда қаттиқ толиққанлигидан дурустроқ овқат ҳам емади.

170-машқ. Кўчиринг. Ҳолларни топиб, турини ва сўроғини қавс ичига ёзиб кўрсатинг.

Намуна: *Хон ҳазратлари иттифоқ тузиш учун (мақсад ҳоли, нима мақсадда?) чорлабдилар... (П.Қ.)*

1. Ҳозир шу дўппили кишининг чиндан ҳам Собитхон бўлиб қолишини истаб, қайта-қайта тикилди. (Т.М.) 2. Ҳаётини инсониятга бағишлаган одамларнинг хотираси абадий ўчмайди. 3. Бир умр бахтли яшамоқ учун ҳалол одам бўл. (Ҳ.) 4. Ғам-ташвиш ёлғиз келмайди. (М.) 5. Анҳор кенг, чуқур бўлгани учун анчагина хавfli эди. («Ч.») 6. Мақоллар улкан маънонинг уч-тўрт оғиз сўз билан ифодаланган шаклидир. (Фуллер) 7. Каттакон бир ишни қойил қилиб қўйгандай, юрагим дукиллаб, севинчим ичимга сиғмай кетди. (Ч.А.) 8. Камбағаллар кулбасидан бошланган очлик аста-секин навкарлар, беклар қароргоҳига ҳам, подшоҳ саройига ҳам ўрмалаб кетди. (П.Қ.) 9. Чумчуқлар тўда-тўда бўлиб, баттар ёпишишди, қўрқанимдан овозим борича бақириб юбордим. (Ў.Ҳ.) 10. Дард тоғдай бўлиб киради, қумдай бўлиб чиқади. (М.)

171-машқ. Ўқинг. Ҳол қатнашган гапларни кўчиринг. Ҳолларнинг тагига чизиб, қайси сўз туркуми билан ифодаланганини қавс ичига ёзинг.

Намуна: *Кема сеқин (равиш) борарди. (Ч.А.)*

1. Тоғларнинг тепасида ғуж-ғуж юлдузлар чақнамоқда, улар гўё атрофини кул босган лахча чўғ сингари эди. Пастда эса тинмай Байдамтол ҳайқирарди. Байдамтол дарёси тизма тоғлардан бошланади. У ерлар мангу қор ва музликлар билан қопланган. (Ч.А.)

2. Зулайҳо намунани авайлаб ювиб, тозалар ва осойишта жавоб берар эди. У кулимсираб менга қаради. Мен секин бош чайқадим. Зулайҳо кеч кирганда ишларини битириб, шаҳарчага қайтиб кетди. Назаримда чўл ҳозир жуда ҳувиллаб қолган эди. (П.Қ.)

3. Бўлмади... Ҳолдан тойди. Қараса, оқим орқага суриб кетяпти. Қўрқув ичида қирғоққа талпинди. Қамишларни

чангаллаб, сирпана-сирпана юқори чиқиб олди. Ҳансираб нафас олар, оёқ-қўли титрарди. Соҳилга чиқиши билан болалар бараварига қийқириб кулишди. (Ў.Ҳ.)

172-машқ. Ўқинг. Ҳолларни топинг. Турларини аниқлаб, қайси сўзга боғланганлигини изоҳланг.

1. Ой ярақлаб ёғду соча бошлади. 2. Кечга яқин Меъмор бир мударрис ва яна бир мансабдор ҳамроҳлигида юқорига кўтарилди. (*Мирм.*) 3. Асалхоннинг бир ёнида Феруза, иккинчи ёнида Турсуной қўлтиқлаб олиб чиқишди. (*Ҳ.Ғ.*) 4. Бахтиқбол секинлик билан, бахтсизлик эса тез келади. (*Ҳ.*) 5. Қалмоқ чалпақдай тупроққа қоришиб қолди. («*Манас*») 6. Саҳарлаб туришга ўрганмагани учун кун бўйи боши гувиллаб юрди. 7. Пошша хола айвон ўртасида чўккалаб олганча кўрпа қавиб ўтирибди. (*Ў.Ҳ.*) 8. У қушлар каби латиф, товуш чиқармай гилам устидан юриб келди-да, Отабек ёнига секин ўтирди. (*А.Қод.*) 9. Дўстлик қувончни икки ҳисса ошириб, фамандуҳни бўлишиб олади. (*Ф. Бекон*) 10. Унинг сўнгги умиди ҳам чил-парчин бўлди, дарё қирғоғидаги чодирга келиб, етти кун ётди. (*Т.Қ.*)

173-машқ. Қуйидаги тест саволларининг тўғри жавобини белгиланг.

1. Гапнинг иккинчи даражали бўлаклари жойлашган қаторни топинг.

- А. Сифатловчи, изоҳловчи.
- Б. Тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол.
- В. Эга ва кесим.
- Г. Вазият ҳоли, ўрин ҳоли, пайт ҳоли.
- Д. Воситали тўлдирувчи, воситасиз тўлдирувчи.

2. Ҳолнинг таърифи жавобларнинг қайси бирида тўғри берилган?

- А. Гапнинг ким ёки нима ҳақида эканлигини билдиради.
- Б. Кесимга боғланиб, иш-ҳаракатнинг бажарилиши билан боғлиқ бўлган ўрин, пайт, сабаб, мақсад маъноларини билдиради.
- В. Гапдаги бирор бўлакни тўлдириб келади.
- Г. Эга ҳақидаги хабарни билдиради.
- Д. Гапда бирор бўлакнинг бошқасига қарангликни билдиради.

3. Мақсад ҳоли қатнашган гапни топинг.

- А. Болаларини эмизиб, она эчки ўтлоққа кетибди.
- Б. Ҳакимжон циркка билет олгани югурди.
- В. Дуторимнинг торлари қўш булбулдай сайрайди.
- Г. Эшикни очиб кўчага мўралади.
- Д. Жавоблар нотўғри.

4. Миқдор ҳоли қатнашган гапни топинг.

- А. Самолёт осмонга парвоз қилди.
- Б. Кўп ўйла, оз сўйла.
- В. Совуқ кечки пайт кучайди.
- Г. Болалар жўр бўлиб куйлайдилар.
- Д. Йигирмани тўртта бўламиз.

304. АНИҚЛОВЧИ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

Предмет ёки ҳодисанинг белгисини ифодаловчи иккинчи даражали бўлак аниқловчи дейилади. Аниқловчи шахс, предмет, нарсанинг белгисини, хусусиятини, шаклини, мазасини, ҳажмини, руҳий хусусиятини, ранг-тусини, бирор шахс ёки предметга қарашлилигини, унинг иккинчи номини ифодалайди: *Қирғизистоннинг жўшқин, шўх баҳори қир-адирларга гул ва кўкат сепини ёйди.* Бу мисолда *Қирғизистоннинг, жўшқин, шўх, гул, кўкат* сўзлари аниқловчидир.

Аниқловчи *қандай?, қанақа?, қайси?, нечанчи?, кимнинг?, ниманинг?, қаернинг?* каби сўроқларга жавоб бўлади. Аниқловчи отга боғланиб, аниқловчи-аниқланмиш бирикмасини ташкил қилади.

Аниқловчи 2 хил бўлади: сифатловчи-аниқловчи ва қаратқич-аниқловчи.

Эслатма: Аниқловчининг яна бир кўриниши бу изоҳловчидир.

Аниқловчилар сифат, сон, сифатдош, от, олмош, равиш, тақлидий сўзлар ва ибора билан ифодаланadi. Масалан: *Қиз узун хаёллар оғушида безовталанди. Мусобақада йигирмага шахматчи ўзаро беллашди. Ўқиган китоблари дарс столида қолган эди. Севаман, олтин куз, севаман жондан... (З.) Эсимда ўша дамлар... (Ҳ.О.) Кўп гап эшакка юк. (М.) Нариги хонадан тақир-*

туқир овоз эшитилди. Қўй оғзидан чўп олмаган бола нега уришди экан-а? (Ў.Х.)

174-машқ. Ўқинг. Аниқловчиларни топинг. Аниқловчиларни ўзи боғланган сўз (аниқламиниш) билан бирга кўчиринг.

Намуна: Мунавварнинг оппоқ юзи, ...

1. Мунавварнинг оппоқ юзи қизариб кетди. (Ў.Х.) 2. Чолиқушининг бурунгидай соф, жарангдор овозида мунг бор эди. Биллур ёрилганда шундай овоз беради. ("Ч.") 3. Оқ туғ боғланган серҳашам бўз ўтовнинг ўнг томонига узун ёғоч ўрнатилганди. 4. Қаҳратон қишнинг аччиқ совуғи баданини ачитарди. (Т.Қ.) 5. Қўнғироқ жарангига моторнинг узоқдан гуриллаган овози жўр бўлди. (Ч.А.) 6. Мен хашаки ишчиман, сен эса тажрибали отбоқарсан. 7. Сен бажарган ишнинг сифати бошқача бўлади. (Т.М.) 8. Гимнастика тиббиётнинг шифобахш таркибидир. (А.) 9. Абширсойда бўлганмисиз? Унинг гўзал манзаралари, шифобахш булоқлари, мўъжизавий шаршаралари, дилларни хушнуд этувчи сайилгоҳ ва оромгоҳлари билан танишмисиз? Абшир ота ҳақидаги афсонавий ҳикоятларни эшитганмисиз? 10. Илк кўклам ёғдулари ўқув корпусининг узун коридорларини равшанлаштириб юборган, қишда кундузи ҳам ёқиб қўйиладиган чироқлар энди ўчирилган эди. (П.Қ.)

175-машқ. Берилган аниқловчилик бирикмалар иштирокида гаплар тузинг. Тузган гапнинг таркибида аниқловчилар қандай сўроққа жавоб бўлишини айтинг.

Кучли шамол, Қирғизистон мадҳияси, Арслонбоб шаршараси, укамнинг қуёни, айтилган сўз, ўнта гилос кўчати, ишчан фарзанд, тадбиркор одам, тарихий воқеа, сарғишқизғиш уфқ, ёлғиз оёқ йўл, юзлаб ўспиринлар.

176-машқ. Матнни ўқинг. Аниқловчилик гапларни топиб кўчиринг, аниқловчиларнинг таъига чизиб, устига қайси сўз туркуми билан ифодаланганини ёзинг.

Энди қор кетган пайтлар. Яланғоч ер чўмилтирилган чақалоқдай буғланади, ... асфальт кўчалардан эса енгил чанг

кўтарилади. Кўп қаватли бинолар сояси гоҳ булутлар соясига қўшилиб, йўқ бўлиб кетади, гоҳ яна қуёш чиқиб оламга иссиқ-иссиқ нур сочганда қайтадан пайдо бўлади. Баҳор нафаси ҳаммаёқни юмшатиб, алланечук бўшаштириб қўйган. Ҳаво майин ва тотли туюлади. Ҳали ҳеч нарса гуллаган бўлмаса ҳам, гўё узоқдан гул ҳиди келади. Овозлар ҳам одатдагидан кўра жаранглироқ ва аниқроқ эшитилади, бутун туйғулар эриб кетаётганга, кишининг аъзойи баданига ёқимли ва мадорсизлантирувчи бир ҳовур ўтаётганга ўхшайди. (П.Қ.)

177-машқ. Кузатишларингиз асосида “Ўлкамиз табиати” мавзусида ишро ёзинг. Аниқловчиларни топиб, қандай сўроққа жавоб бўлиши ва қайси сўз туркуми билан ифодаланганини айтинг.

178-машқ. Нуқталар ўрнига мос келадиган аниқловчиларни қўйиб гапларни ўқинг. Аниқланмишнинг гапдаги вазифасини айтинг.

1. Маҳалламизнинг бошидаги ... дўконда сут маҳсулотлари, ширинликлар сотилади. 2. Ариқчалар бўйида ... райҳонлар, ... жамбиллар, ... гуллар ўсган. 3. Умрзоқ ота ... воқеаларнинг гувоҳидир. 4. ... осмонда юлдузлар чарақлайди. 5. ..., ..., ... ҳовлида ҳеч ким йўқ. 6. ... мактабга яқинда ... стол-стуллар, спорт анжомлари келтирилди. 7. Нодира ... китобларни, ... журналларни севиб ўқийди.

31-§. СИФАТЛОВЧИ-АНИҚЛОВЧИ

Предметнинг белгисини, вақтга ва ўринга муносабатини, миқдор тартибини билдирадиган аниқловчилар сифатловчи-аниқловчи дейилади.

Сифатловчи-аниқловчи боғланиб келган сўз сифатланмиш дейилади. Сифатловчи ўз сифатланмишига битишув йўли билан бирикиб, сифат, сон, олмош, равиш, от, сифатдош, ундов, тақлид сўзлар билан, шунингдек, сўз бирикмаси билан ифодаланади: *Серҳашам либослар хуссини бузади. Соининг тагидан кўм-кўк сув оқиб ўтарди.* (П.Қ.)

Сифатловчи аниқловчи қандай?, қанақа?, қанча?, нечанчи?, неча?, қаердаги?, қайси? сўроқларидан бирига жавоб бўлади.

179-машқ. Гапларни ўқинг. Сифатловчи - аниқловчиларни топинг, сифатлашни билан бирга бирикма тарзида ёзинг.

1. Минг бир хил даво бор тотли қимизда. (*Мирт.*)
2. Шунда соҳилдаги болалар ҳам жимиб қолганини ҳис қилди. Қулоғига Ҳусанхўжанинг чинқироқ овози кирди. (*Ў.Ҳ.*)
3. У Гавҳарни ҳали ўзига номаълум бир қиёфада кўрди. Гавҳар Москвадан олган таассуротлари ҳақида, классик ва ўзбек архитектураси хусусида гапирди. (*П.Қ.*)
4. Сарибой сариқ соқоли сийрак, кўзининг усти бўртиб чиққан қотма киши эди. Эғнида қашқари чопони ҳамда гулли кенг чолвори ўзига ярашган эди. Оёғида тумшуғи қайрилма этик, қўлида кумуш сопли қамчи. (*Т.Қ.*)

180-машқ. Ўқинг. Сифатловчи-аниқловчиларни топиб, қайси гап бўлагини аниқлаб келаётганини ва қайси сўз туркуми билан инфодаланганлигини айтинг.

1. Тўғри одам эгри сўздан ор қилар. (*М.*)
2. Меҳмоннинг буғдойранг юзи докадай оқариб кетди.
3. Эски аравани кекса бир киши ҳайдаб борарди. (*Ч.А.*)
4. Яхши йўлдош ёмон йўлга бошламас.
5. Ақли калта кишининг тили узун бўлади. (*М.*)
6. Барҳандек узала тушиб ётган қумли тепаларда эгри-бугри саксовуллар ва яшил тутунга ўхшаб кетадиган шўралар кўринади. (*П.Қ.*)
7. Юз ёлғондан бир чин яхши. (*М.*)
8. Пастда қамишзор ботқоқлик ва унинг устидан ўтган узун ёғоч кўприк бор эди. (*П.Қ.*)
9. Сайрнинг тўртинчи куни соҳилдаги ресторанга бордилар.
10. Нимқоронғи ресторан гавжум эди.

181-машқ. Кўчинг. Сифатловчи-аниқловчиларнинг тағига чишиб, қандай сўроққа жавоб бўлишни қавс ичига ёзиб қўйинг.

1. Қўшни ҳовлидан эшитилган ғала-ғовур, қий-чув овозлар йиғитни сергаклантирди. (*Журн.*)
2. Бир дарвозанинг остида суяк ғажиб ётган катта бир ит ириллаб, буларга қарши юрди. (*А.Қ.*)
4. Шухрат жўшқин, лирик ижоди билан орамизда юрибди! (*И.Р.*)
5. Атрофдагиларни камситган одам ҳеч қачон буюк бўлолмайди. (*Ҳ.*)
6. Шабада ана шу ажойиб гулларнинг гунчаларини ёзмоқда.

Бирор предмет ёки шахснинг бошқа предмет ёки шахсга қарашли эканини билдирган аниқловчи қаратқич-аниқловчи дейилади.

Масалан: Бу йилги баҳорнинг кеч келиши кўпларнинг тинка-мадорини қуритди. (С.К.) Ёмоннинг яхшиси бўлгунча, яхшининг ёмони бўл. (М.)

Қаратқич томонидан аниқланган от қаралмиш дейилади. Олимнинг (қаратқич) нутқи (қаралмиш).

Қаратқич ва қаралмиш шахс жиҳатидан бир-бири билан мослашган бўлади: Менинг китобим.

182-машқ. Ўқинг. Ҳар бир гап таркибидаги қаратқич-аниқловчини белгилаб, уни ўзи боғланган сўз (қаралмиш) билан бирга кўчиринг.

1. Ўзимизнинг қизлар чиройли эди. (Ў.Ҳ.) 2. Ҳар бир халқнинг тили ўша халқнинг неча асрлик ақлидан яралган қимматли меросидир. (Ч.А.) 3. Бошқаларнинг бахтини ўйлаб, ўз бахтимизни ҳам топамиз. (А.) 4. Тил – миллатнинг қалби. 5. Ҳамма ёмонликнинг илдизи – бекорчиликда. 6. Сизни мақтаб, ўзгаларни ёмонлаганнинг сўзини ҳеч тингламанг. 7. Тил – гоё, туйғу, тафаккурнинг жонли мужассамидир. (Л.Т.)

183-машқ. Кўчиринг. Қаратқич-аниқловчиларнинг остига чизинг ва у қайси сўз туркуми билан ифодаланганлигини қавс ичида кўрсатинг.

1. Бизнинг авлодларимиз бу чўлни фахр билан Анорхой бўстони деб атайдилар. (Ч.А.) 2. Келганларнинг улуғи негадир кўринмасди. 3. Совғанинг ўрнини совға босади. 4. Совға-салом қайтариш – элатнинг азалий удуми. (Т.Қ.) 5. Майли, ўшанда-ку, унинг ўз дарди ўзига етиб ортарди. 6. Зум ўтмай ичкаридан икки боланинг баравар йиғлаши эшитилди. (Ў.Ҳ.) 7. Мадрасанинг орқа томонида подшоҳнинг катта отхонаси бор. (П.Қ.) 8. Оғзи бўшнинг ичида гап ётмас. (М.) 9. Чолғувчининг чап томонида ўтирган йиғит унинг диққатини тортди. (Т.М.) 10. Олмоқнинг бермоғи бор. (М.) 11. Бақувват қўллар унинг икки билагини орқасига қайриб, маҳкам ушлади. (Т.Қ.)

184-машқ. Ажратиб кўрсатилган қаратқич-аниқловчиларни белгисиз тарзда қўлланг ва уларнинг маъносиди қандай ўзгариш юз берганини айтинг.

1. Йўлларда Бобурнинг иродаси ва ақл заковатидан далолат берадиган нимаки учраси, ҳаммаси мавлононинг қалбидаги машъум қоронғиликни қуваётгандай бўлар ва ёруғ бир истиқболга ишонч уйғотарди. (П.Қ.) 2. Анварни кутаётган нохушлик мақоланинг сўнггида эди. (Т.М.) 3. Аниқ - равшанлик – тилнинг фазилатидир. (А.) 4. Шу қисқа бир дақиқанинг ичида у ҳаётнинг нима эканлигини уқиб олди. (Ч.А.) 5. Тўпланган одамлар бахорнинг тошқин сувидай шошиб, хурсанд бўлиб, уй-уйларига тарқала бошладилар. (Т.Қ.) 6. Қуёшнинг нурида чўмилди далаларнинг пастлари. (У.) 7. Фарғона водийсининг иқлими мўътадил ва қуруқдир.

13-§. ИЗОҲЛОВЧИ-АНИҚЛОВЧИ

Предметни бошқа бир ном бериш билан аниқлайдиган бўлак изоҳловчи дейлади. Изоҳловчи аниқловчининг бир кўриниши бўлиб, бунда изоҳловчи от бошқа бир отни изоҳлайди. Масалан: *Биринчи ўзбек космонавти С. Шариповнинг фазога учганлиги ҳақидаги хушxabар оммавий-ахборот воситаларида эълон қилинди. Розия хола қизларга кашта тикишни ўргатди.*

Изоҳловчи боғланган бўлак **изоҳланмиш** дейлади: *Шоир Шавкат Раҳмон шеърларининг мухлислари жуда кўп. Бу гапдаги шоир оти изоҳловчи, Шавкат Раҳмон оти эса изоҳланмишдир.*

Изоҳловчи изоҳланмишнинг қуйидаги белгиларини билдиради:

1. Амал, унвони: *Учрашувга депутат Алишер Собиров ҳам келди. Профессор М.Асқарова ўзбек тил-шунослигининг ривожига катта ҳисса қўшган олималардан биридир.*

2. Машғулот, касби: *Тоғжамат ошпаз бизнинг маҳалламизда яшайди. Талаба Даврон шеърлар машқ қилиб туради.*

3. Ўхшатиш, қариндошлик муносабатини: *Болалар – кўзичоқлар ҳовлида гир айланиб югуришарди. Адҳам амаким ҳам келди.*

4. Лақаб, таҳаллусни: *Аҳмад Танбал саройда иккинчи даражали беклар қаторида юрди. (П.Қ.) Ж.Қурашев – Қурбон Жўра болаларга атаб шеърлар ёзади.*

Изоҳловчи изоҳланмишдан олдин ҳам, кейин ҳам келиш мумкин. Изоҳловчи таҳаллус ёки ўхшатиш маъносини ифодаласа, изоҳловчи билан изоҳланмиш орасига чизиқча қўйилади: *Мусо – Ойбек асарларини ёқтираман. Ватан – она сўзи нақадар лазиз. (У.)*

185-машқ. Гапларни кўчиринг. Изоҳловчининг остига бир чизиқ, изоҳланмишнинг остига икки чизиқ чизинг.

1. Олай маликаси Қурмонжон додхоҳ Ўшга келиб, генерал Скобелев билан учрашди. (Т.Қ.) 2. Ҳажвчи ва драматург Абдугани Абдуғофуровнинг янги асари ҳам саҳнага қўйилди. 3. Жангчи шоир Султон Жўранинг «Қонли кўйлакча» шеърини ҳаяжон билан ўқидим. 4. Биз – ўқувчилар болалар шоири Турсунбой Адашбоев билан мактабда учрашув ўтказдик. 5. Ферма мудирини Қобилжон ака ўз ютуқлари ҳақида гапириб берди. 6. Мажлисни синф раҳбаримиз Х.Сирожиқдинова олиб борди. 7. Адабий кечада дўстим Жаҳонгир ўзининг янги шеърини ўқиб берди. 8. Профессор Обид Расулович янги маҳаллага кўчиб келганига бир ойдан ошди. (Ў.Ҳ.) 9. Иноят оқсоқолнинг иши кўпайиб кетган, бир оёғи Марғилонда, бир оёғи Чортерақда. (С.А.)

10. Ўйроқ юлдуздаги шоирим – жўрам,

Сен ҳам ўз шеърингни ёзавергин, бас... (А.О.)

11. Мавлоно Лутфийлар улфатдир менга,

Шеър лутфи энг тотли суҳбатдир менга. (И.М.)

12. Тузди-ю Мирзо Улуғбек

Кўрагоний жадвалин,

Сирли осмон тоқига илк –

Қўйди нарвон, ўзбегим. (Э.В.)

186-машқ. Ўқинг. Изоҳловчиларни топиб, уларнинг маъно турларини ва қайси сўз туркуми билан ифодаланганини айтинг.

1. Абдулазиз ясовулбошининг ҳафсаласи пир бўлиб, пистирмадаги Султонмуродга чопар юборди. *(Т.Қ.)* 2. Тушдан кейин от-аравада уста Обид ва уста Худойберган деган косонлик усталар ҳам келиб қолди. *(Мирм.)* 3. Хуросон ўлкасида молия ишларида муҳим мансабни эгаллаган, Сабзавор ҳокими ҳам бўлган Фиёсиддин Кичкина юксак мавқели беклардан эди. *(О.)* 4. Бухоро яхудийларидан бўлган хушфёъл сартарош Абрам унинг кеч қуз қировидай оппоқ мўйловини ялтироқ қайчиси билан қиртиллатиб текислади. *(Х.Ғ.)*

187-машқ. Матни ўқинг. Изоҳловчиларни топиб, уларнинг маъно турларини ва қайси сўз туркуми билан ифодаланганини айтинг.

Ўш шаҳрининг марказида – зилол сувли Оқбура дарёси қирғоғида истироҳат боғи бор. Боққа туркий халқларнинг улуғ шоири ва мутафаккири, шунингдек, жаҳон адабиётининг буюк намояндаларидан бири – Алишер Навоийнинг номи берилган. Бу боққа кираверишда ўзбек адабий тилига асос солган ва ўзбек мумтоз адабиётини янги тараққиёт поғонасига кўтарган буюк сўз санъаткори, маданият ва илм-фан ҳомийси – А.Навоий ҳайкали ўрнатилган. Маърифатпарвар бобомиз ҳайкали олдидан одам аримайди. Улар бир неча дақиқа ҳайкалга тикилиб қоладилар, машҳур шоирнинг ажойиб байтларини эслайдилар.



Одамий эрсанг демагил одамий,
Оники йўқ халқ гамидин гами.

Туркийзабон шоир Алишер Навоий қўлларида китоб, хаёлга чўмиб турибди. Шоирнинг чехрасида ҳорғинлик сезилади, аммо унинг кўзларида ишонч акс этиб турибди.

188-машқ. Расмга диққат билан қаранг. Алишер Навоийнинг ҳайкали ҳақида қуйидаги режа асосида гапириб беринг.

Режа

1. Ҳайкал қаерга ўрнатилган?
2. Алишер Навоий ҳайкалда қандай тасвирланган?
3. Бу ҳайкал сизда қандай таассурот қолдирди?
4. Биз нима учун А.Навоийни эъзозлаймиз?
5. А.Навоий номига берилган яна нималарни биласиз?

189-машқ. Қурмонжон додхоҳнинг ҳайкали расмига диққат билан қаранг. Юқоридаги режадан фойдаланиб, Қурмонжон додхоҳнинг ҳайкалини тасвирлаб ёзинг. Бунда қуйидаги маълумотдан ҳам фойдаланинг.



Қурмонжон додхоҳ 1811 йили мунғуш уруғига мансуб Маматбой оиласида туғилган. Халқ орасида унинг обрўси жуда баланд бўлган. Қурмонжон додхоҳ ўткир сиёсатчи, элчилик сирларини яхши ўзлаштирган доно йўлбошчи бўлган. У ҳар доим адолат, ҳақиқат учун курашади, халқнинг осойишталиги ва иттифоқини ўйлайди, қўшни давлатлар билан алоқаларни мустаҳкамлайди.

1863 йили Ўшга келган Бухоро амири Саид Музаффар Қурмонжоннинг ақл-заковати ва тadbirkorлигидан мамнун бўлиб, унга додхоҳ унвонини беради.

Қурмонжон додхоҳ вафот этгунга қадар ўз халқини бошқариб туради. Рус маъмурлари уни Олай маликаси, қирғизларнинг оқила раҳнамоси сифатида ҳурмат қилганлар. Қурмонжон додхоҳ 97 ёшида Модӣ қишлоғида вафот этади.

Эл-юрт ташвиши билан яшаган доно йўлбошчи, додхоҳ онахонни халқ ҳеч қачон унутмайди.

190-машқ. Гапларни ўқинг. Изоҳловчиларни топинг. Изоҳловчининг аниқловчиларнинг бошқа турларидан фарқини тушунтиринг.

1. Бобомнинг айтишича, бир вақтлар бу телефонни Ориф оқсоқолга энг катта оқсоқол – Калинин бува совға қилган экан. (Ў.Ҳ.) 2. Қамбар саркор иложсиз қолди, Нўмон понсаднинг юзи заҳиллашиб, кўзлари ола-кула бўлиб кетганди. (Т.Қ.) 3. Фотима Султон, Қутлуғ Нигор хоним, Қоракўз бегим, фарзандларимиз Хонзода бегим, Жаҳонгир мирзо – ҳар бирингиз оиламизнинг азиз мучасидирсизлар... (П.Қ.) 4. Ўтовдагилар Мўмин бобони баъзан Мўмин чаққон деб ҳам аташади... 5. Мўмин бобо эшик орқасида юм-юм йиғлар, ҳовлида эса бадмаст Ўразқул амаки тўполок кўтарарди, Бекей холам дод-фарёд солиб йиғларди. (Ч.А.) 6. Бу нўписадан Абдурахмон табибнинг газаби қайнади. (Т.М.) 7. Ошпаз Жамила опанинг қўли гул экан-а!? 8. Абил бий билан бир неча киши келаётганди. (Т.Қ.) 9. Улуғ ҳаким Абу Али ибн Синонинг “Тиб қонунилари” китобида шифобахш ўсимликларнинг давоси ва хоссалари ёзилган.

10. Қиз бор уйнинг файзи бўлак , дейдилар

Жаннат йўли – қиз бор йўлак, дейдилар. (М.Ю.)

191-машқ. Ўзингиз мустақил равишда қариndoш-уруғ, касб, лақаб маъносини ифодалайдиган изоҳловчилар иштирокида олтинта гап тузинг.

192-машқ. Аниқловчиларни топиб, турини айтинг. Ўзи боғланиб келган сўз (аниқланмиши) билан бирга кўчиринг.

1. Истиқлол уйғотган водий шоирларига раҳматли Муҳаммад Юсуф сардорлик қиларди. (С.А.) 2. Мулла Фазлидиннинг бутун вужуди олов сели ичида қолгандай бўлди. (П.Қ.) 3. Отанинг юзидан қон қочди, кумуш ранг соқол-мўйлови ҳурпайди, пешонасида тер резалари пайдо бўлди. (М.М.) 4. Ҳар қандай қалб жароҳатини вақт даволайди. 5. Каникулнинг охириги кунда йўл тараддудига тушдим. («Ч.») 6. Одамларнинг ташқи қиёфасига қараб ички сирини билиш бир санъатдир. (Б.Кербобоев) 7. Ҳамма томошабинларнинг

нигоҳи Патилада. (Қ.М.) 8. Эшик олдида яна Холиқ тажанг турибди. (Ў.Х.) 9. Ҳаё қалбнинг ҳақиқий кўзгусидир. (Х.)

10. Ширин сўзли шилгай душман пўстини,
Дағал сўзли душман қилар дўстини. (Р.)

193-машқ. Қуйидаги тест саволларининг тўғри жавобини белгилаң.

1. Аниқловчининг тури қайси жавобда тўлиқ берилган?

- А. Сифатловчи.
- Б. Қаратқич.
- В. Сифатловчи ва қаратқич.
- Г. Сифатловчи, қаратқич ва изоҳловчи.
- Д. Г жавоб тўғри.

2. Қаратқич-аниқловчининг таърифи қайси қаторда тўғри берилган?

- А. Гапнинг ким ёки нима ҳақида эканлигини билдириб, бошқа бўлақларга тобе бўлмайди.
- Б. Эга ҳақида хабарни билдириб, унга грамматик тобе бўлади.
- В. Гапдаги бирор бўлакни тўлдириб келади.
- Г. Гапдаги бирор бўлакнинг белгисини ёки нарсанинг бошқасига қарашлилигини билдиради.
- Д. А жавоб тўғри.

3. “Оғзи бўшнинг ичида гап ётмас” мақолидаги қаратқич-аниқловчи нима билан ифодаланган?

- А. Ибора билан.
- В. Ажралмас бирикма билан.
- Б. От билан.
- Г. Отлашган сўз билан.
- Д. Олмош билан.

4. Мисолларнинг қайси бирида сифатловчи-аниқловчи от билан ифодаланган?

- А. Дўстликни қадрлай билмаслик жоҳилликдир.
- Б. Чиройли гулларнинг ёқимли ҳидлари димоқни қитиқлайди.
- В. Келган меҳмонлар бетон уйларга жойлашдилар.
- Г. Дониёрнинг бизникига биринчи келиши.
- Д. Тўртала жавоб ҳам нотўғри.

5. Нуқталар ўрнига қайси аниқловчини қўйиш мумкин?
“Баҳорнинг ... шабадаси кишига ором бағишлайди”

- А. Муздек.
- Б. Кучли.
- В. Ёқимли.
- Г. Майини.
- Д. Қаттиқ.

6. “Учрашув охирида шоир Даврон Хотам ўз шеърларидан ўқиб берди” гапида изоҳловчи қайси қаторда жойлашган?

- А. Учрашув охирида. В. Ўқиб берди.
Б. Ўз шеърларидан. Г. Шоир. Д. Даврон Хотам.

7. Изоҳловчи асосан қандай маъноларни билдиради?

- А. Унвонни, амални, жинсни, лақабни.
Б. Машғулот, касб, мутахассисликни.
В. Қариндошликни ёки шунга ўхшаш муносабатни.
Г. Таҳаллусни, ўхшашликни.
Д. Жавоблар тўғри.

8. “Ўқувчилар билан врач Каримов суҳбат ўтказди” гапидаги изоҳланмиш қайси жавобда берилган?

- А. Ўқувчилар. В. Врач.
Б. Каримов. Г. Суҳбат. Д. Ўтказди.

9. “Қизининг сўзларига маҳлиё бўлиб ўтирган Райҳон ҳаяжонланиб сўради” гапида сифатловчи аниқловчи нима билан ифодаланган?

- А. Сифатдош билан. В. Сифат билан.
Б. Ибора билан. Г. Равиш билан. Д. Бирикма билан.

34-§. ГАП БЎЛАКЛАРИНИНГ ТАРТИБИ

Ҳар бир тилда гап бўлақларининг гапда жойланиш тартиби бор. Дарак гапларда гап бўлақларининг одатдаги жойланиш тартиби адабий тил меъёрини акс эттиради.

Гап бўлақларининг тартиби икки хил бўлади: **одатдаги тартиб, ўзгарган тартиб.**

Ўзбек тилида одатдаги тартибда гап бўлақларининг тартиби қуйидагича:

1. Эга (ўз аниқловчиси билан) аввал, кесим гапнинг охирида келади: *Ёш илмий тадқиқотчилар тўпландилар.*

2. Пайт ҳоли эгадан аввал келади: *Кеча ёш илмий тадқиқотчилар тўпландилар.*

3. Тўлдирувчилар (ўз аниқловчиси билан) эгадан кейин келади: *Кеча ёш илмий тадқиқотчилар тилшунос олимлар билан учрашдилар.*

4. Вазият ҳоли кесимдан аввал келади: *Ёш илмий тадқиқотчилар анжуманга пухта тайёрландилар.*

Айрим гап бўлақларининг қатъий ўрни бор: сифатловчи аввал, сифатланмиш кейин келади. Бу тартиб

ўзгартирилса, грамматик тузилиш ҳам ўзгаради: *Хушбўй атиргул – Атиргул хушбўй. Қизиқарли маъруза – Маъруза қизиқарли. Қаттиқ совуқ – Совуқ қаттиқ.* Бундай вазиятларда сўз бирикмаси йиғиқ содда гапга айланиб қолади. Ўзгарган тартиб турли услубий талабга кўра бадий асарларда, шиорларда, ҳаяжонли нутқларда учрайди: *Яшасин, мустақил Қирғизистон! Ёмғир ёғар, эрир экан қор, очиларкан тоғнинг лоласи. Қалбимда оқмоқда бир дарё қўшиқ. (Ҳ.О.)*

Ўзгарган тартибда гап бўлақларининг одатдаги тартиби бошқача бўлади. Бунда ўқиётган ёки тинглаётган кишининг диққатини ўрни ўзгартирилган бўлақка жалб қилиш кўзда тутилади. Ўзгарган тартибда гап бўлақлари, одатда, қуйидагича жойлашади:

1. Эга кесимдан кейин келади: *Яшасин, тинчлик! Хурсандлигидан шошиб қолди чол! (О.)*

2. Тўлдирувчи кесимдан кейин келади: *Тўхтат сувин!*

3. Вазият ҳоли феъл-кесимдан кейин келади: *Майин шамол эсади ғир-ғир. (Шукрулло)*

Шеърятда вазн ва қофия талабига кўра сўзларнинг ўрни ўзгаради. Бу ҳодиса **инверсия** деб юритилади. Масалан:

Черик тортиб уйқу келади,

Сулҳ тузишга шошилар хаёл.

Талвасага тушади юрак.

Зиндондаги қул – кўнгил сержак. (А.Р.)

194-машқ. Ўқинг. Гап бўлақларининг тартибига эътибор беринг.

Саҳар турдим, қуёшни кутдим,

Шудрингларда чайдим юзимни.

Булоқларга лабимни тутдим

Ва борликда кўрдим ўзимни...

Кўзларимдан тошди шуурим,

Тўлиб кетди бағримга наво.

Мангуликдай туюлди умрим,

Мангуликдай туюлди дунё...

(Ш.Раҳ.)

195-машқ. Ўқинг. Рубойининг мазмунини таҳлил қилиб, ўрни алмашган сўзларни аниқланг ва фикрни одатдаги тартиб бўйича баён қилинг.

Агарда уйидан чиқариб берса
Бори йўқ яримта нонини гадо,
Ярим хазинасин берган подшодан
Сахийлик бобида шу гадо аъло. (А.Ж.)

196-машқ. Ўқинг. Гап бўлақларининг тартибига диққат қилинг, тартиби ўзгарган бўлақли гапларни кўчириб ёзинг.

1. Дуйшэннинг таълимини қулоғимга қуйиб олишдан ҳам муҳимроқ илинжим йўқ эди бу дунёда. (Ч.А.) 2. Ўртоғига қаради кулиб. (Ҳ.О.) 3. Вoz кечаман бу йўлдан мен! (Мирм.) 4. Кўз очиб кўрдим мен бахт қуёшин. 5. Биз учун ҳамма йўллар беркилди. (С.А.) 6. Ёд билурмен ашъорингизнинг аксарини, аммо буларни эшитмабдурмен. (О.) 7. Бир оз сукутдан сўнг узун сўлиш олди шоҳ. (О.) 8. Дадангнинг кейинги хатини бер менга, ошнамга юборай, шояд, дараги чиқиб қолса... (Ҳ.Ғ.)

197-машқ. Қуйидаги сўزلардан одатдаги тартибга риоя қилган ҳолда гаплар тузинг ва ёзинг.

Намуна: Таклиф этди, ўртоқларини, Дилдора, дарсдан сўнг, ўз, уйига. – Дарсдан сўнг Дилдора ўз ўртоқларини уйига таклиф этди.

1. Қатнашиб кўрай, ҳам, мен, мусобақасига, бу, чоппи, сафар. 2. Кўп, олдида, дўконларнинг, одамлар. 3. Боради, қадар, ўз, билан, илм, соҳиби, охиратга. 4. Адабиётшунос, таниқли, О.Шарафуддинов, олим эди. 5. Ширин, нони, меҳнатнинг, бўлади. 6. Болаларнинг, Каримжон, учун, аралашди, бостириш, гапга, шов-шувини.

198-машқ. Ўқинг. Тўртликнинг мазмунини таҳлил қилиб, ўрни алмашган сўзларни аниқланг.

Тасаввурда кўрдим дунё аксини,
Тафаккур маҳали қилдим баҳсини.

Фақат тазарруга етган чоғимда,
Англадим дунёнинг асл мағзини. (А.Э.)

199-машқ. Қуйидаги тест саволнинг тўғри жавобини белгиланг.

1. Қайси бир жавобда гап бўлақларининг одатдаги тартиби ўзгарган?

- А. Бекорчилик танҳоликдан ҳам оғирроқ иллатдир.
- Б. Шоирнинг иш кабинети энди жимжит.
- В. Тўхтамасин уриб турган қалб, бошлаб қўйган қўшиғи битмай.
- Г. Мирзаев, дарҳақиқат, жуда тажрибали шифокор.
- Д. Ўзбек халқи азалдан ўз миллий анъана ва маросимларга эга бўлган.

200-машқ. “Ўқувчи ва иқтисод” мавзусида ўртоғингиз билан баҳслашинг. Ўртоғингизнинг нутқига эътибор бериб, тартиби ўзгарган бўлақларни аниқланг. Нима учун сўзлашув нутқида гап бўлақларининг тартиби ўзгариб кетишини изоҳлашга ҳаракат қилинг.

35-§. МАЪНО УРҒУСИ

Гапнинг маълум бир бўлагига алоҳида эътибор бериб, унинг бошқа бўлақлардан овоз кучи билан ажратилиши маъно урғуси дейилади.

Маъно урғусини олган бўлак кўпинча кесимнинг олдида бўлади, баъзан кесимнинг ўзига маъно урғуси тушади, масалан: 1. *Кеча ўқувчилар “Жибек жолу” музейига бордилар.* 2. *Ўқувчилар “Жибек жолу” музейига кеча бордилар.* 3. *Кеча “Жибек жолу” музейига ўқувчилар бордилар.* 4. *Кеча “Жибек жолу” музейига ўқувчилар бордилар (бормай қолмади).*

Бу гапларнинг биринчисида ўрин ҳолига, иккинчисида пайт ҳолига, учинчисида эгага, тўртинчисида кесимга алоҳида эътибор берилган.

201-машқ. *Акам эрталаб тижорат ишларини ривожлантириш мақсадида самолётда Москвага учиб кетди* гапидаги бўлақларнинг ўрнини алмаштириб гап тузинг. Ҳар бир гапдаги маъно урғусини олган бўлакнинг таънига чизинг.

202-машқ. Матнини ўқинг. Маъно урғусини олган бўлақларни аниқланг.

Булоқдан эндигина ярим челақ сув олган ҳам эдимки, дашт бўйлаб кучли қийқириқ янгради:

– Ҳе-э-эй! Академик, тумшуғингга туширама-ан!

Мен қулоғимни динг қилиб, тошдай қотиб турардим. Аслида исмим Камол, бу ерда Академик деб лақаб қўйишган эди. Тумшуғимга туширмоқчи бўлган одам ўша – Абубакир. У яна дағдаға солиб роса сўкадиган бўлди-да, ҳатто мушт кўтаришдан ҳам қайтмайдиганлардан у. Сув етказиб беришга улгура олмаяпман, тракторлар иккита, мен бўлсам якка ўзим. Абубакирга ўхшаганлар бўлса, буни тушунишни ҳам истамайди: “Тумшуғингга соламан!” – деб бақиргани-бақирган. (Ч.А.)

203-машқ. Сўз урғуси ҳақидаги билимларингизни эсланг. Сўз урғуси билан маъно урғуси ўртасидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни солиштиринг. Хулосаларингизни Вена диаграммаси орқали тушунтиринг.

204-машқ. Ўқинг. Урғунинг ўзгариши билан маъноси ўзгарадиган сўзларни аниқланг. Гапларни кўчириб, сўзларга урғу белгисини қўйинг. Мустақил равишда урғунинг ўзгариши билан маънога таъсир этадиган икки-учта сўз топинг.

1. Дўстим янги китоблар сотиб олди. // Мен бу синфга янги келдим. 2. Бу корхонада кўплаб атлас, шойилар тўқилади. // География дарсида атласдан фойдаландик. 3. Бу йил боғимиздаги олмалар кўп мева қилди. // Бировнинг нарсасини сўрамасдан олма.

205-машқ. Бадий асардан учта дарак гап кўчиринг. Сўнгра ундаги бўлақларнинг ўрнини алмаштириб, дафтарингизга ёзинг. Гапнинг мазмунида юз берган ўзгаришларни тушунтиринг.

ИККИ БОШ БЎЛАКЛИ ГАПНИ СИНТАКТИК ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

1. Гапнинг мақсадга кўра тури
(дарак гап, сўроқ гап, буйруқ гап)

2. Гапнинг тузилишига кўра тури
(содда гап, қўшма гап)
3. Гапнинг эмоционалликка кўра тури
(ҳис-ҳаяжон гап ёки ҳис-ҳаяжонсиз гап)
4. Бош бўлақлар иштирокига кўра тури
(икки бош бўлақли гап ёки бир бош бўлақли гап)
5. Иккинчи даражали бўлақлар иштирокига кўра тури
(ёйиқ содда гап ёки йиғиқ содда гап)
6. Гапнинг грамматик асосини топиш.

7. Аввал бош бўлақлар, кейин иккинчи даражали бўлақларнинг ҳар бири ҳақида қуйидагилар кўрсатилади:

- а) қайси сўроққа жавоб бўлади?
 - б) гапнинг қайси бўлағи?
 - в) қандай сўз туркуми билан ифодаланади?
 - г) гапнинг қайси бўлағи билан боғланган?
8. Гапни эга гуруҳи ва кесим гуруҳига ажратиш.

Таҳлил намунаси:

Кечқурун момақалди роқнинг гумбурлаган овози ширин уйғуга кетган укамни ҳам уйғотиб юборди.

Дарак гап, содда гап, ҳис-ҳаяжонсиз гап, икки бош бўлақли гап, ёйиқ содда гап, грамматик асоси – **ОВОЗИ УЙҒОТИБ ЮБОРДИ.**

ОВОЗИ – нимаси? сўроғига жавоб бўлади, эга, от билан ифодаланган, кесимга боғланган;

УЙҒОТИБ ЮБОРДИ – нима қилди? сўроғига жавоб бўлади, кесим, феъл билан ифодаланган, мураккаб феъл кесим, эгага боғланган;

КЕЧҚУРУН – қачон? сўроғига жавоб бўлади, пайт ҳоли, пайт равиши билан ифодаланган, кесимга боғланган (*кечқурун уйғотиб юборди*);

УКАМНИ – кимни? сўроғига жавоб бўлади, воситасиз тўлдирувчи, боғловчили от билан ифодаланган, кесимга боғланган (*укамни ҳам уйғотиб юборди*);

ширин уйқуга кетган – қандай? сўроғига жавоб бўлади, сифатловчи аниқловчи, сифатдош билан ифодаланган, сўз бирикмаси тарзида, тўлдирувчига боғланган (*ширин уйқуга кетган укамни ҳам*);

гумбурлаган – қандай? сўроғига жавоб бўлади, сифатловчи аниқловчи, сифатдош билан ифодаланган, эгага боғланган (*гумбурлаган овози*);

момақалдироқнинг – ниманинг? сўроғига жавоб бўлади, қаратқич аниқловчи, от билан ифодаланган, эгага боғланган (*момоқалдироқнинг овози*);

эга гуруҳи – *момақалдироқнинг гумбурлаган овози*;

кесим гуруҳи – *кечқурун ширин уйқуга кетган укамни ҳам уйғотиб юборди*.

Эслатма: тўлдирувчининг аниқловчиси ҳамма вақт кесим гуруҳи таркибида бўлади. Чунки тўлдирувчи фақат кесимга боғланади.

206-машқ. Ўқинг. Гуруҳларга бўлиниб, гапларни гап бўлаклари юзасидан синтактик таҳлил қилинг.

1. Қалби пок одамлар ҳамиша ҳаёт учун, тириклик учун матонат билан курашадилар. (*Х. Ёқубов*) 2. Лаззатли овқатнинг зарари – уни кўп еб қўйишдадир. (*И. Сино*) 3. Яшаб туриб, дунёда ўзининг борлигини билдира олмаслик менга даҳшат бўлиб туюлади. (*Гоголь*) 4. Аждодлар ҳурмати-ни чин қалбдан бажо келтирувчи киши бахтлидир. (*Г.*) 5. Баҳорга ҳам, тонгга ҳам оналар гўзаллик улашадилар. 6. У чаққонликда мен билан бас бойлашгандек баланддаги ингичка шохга тирмашди. (*П. Қ.*) 7. Олимларнинг шоҳидлик беришларича, қайнаган сув қоринни кўп шиширмайди ва тез ўтиб кетади. 8. Ёмон ишлардан ўзини эҳтиёт қилиб юрганларнигина билимдон дейиш мумкин. (*Фаробий*) 9. Замон ишсиз ва ялқов одамларнинг беадад душманидир. 10. Уят ўлимдан юз марта даҳшатлидир. (*М.*)

207-машқ. Шеърни ўқинг. Ҳар бир гапнинг грамматик асосини топинг. Кесим ва эга қайси сўз туркуми билан ифодаланганлигини айтинг.

ҚЎНҒИРОҚ

Бир-бирини қува-қува
Йиллар ҳам ўтар.
Хотирадан кўп нарсалар
Ўтиб ҳам кетар.
Вақти келиб унутилар
Байрам, тўйлар ҳам.
Вақти келиб унутилар
Ширин ўйлар ҳам.

Сен мактабнинг гудогисан,
Зўрдир бурчинг ҳам.
Алла каби қуйилгансан
Қулоққа маҳкам.
Сенинг куйинг қулоқларда
Янграйди ҳар чоқ,
Эй қўнғироқ, эй қўнғироқ!

(Қ.М.)

208-машқ. Гапларни ўқинг. Аввал аниқловчиларни, сўнг тўлдирувчи ва ҳолларни ўзи боғланиб келган сўзлар билан бирга кўчиринг.

1. Баҳорнинг бир куни йилга татийди. 2. Нафс балоси шайтондан кўпроқ хавфлидир. (М.) 3. Зоҳид кўп илмий назариялар, илмий тахминлар, формулаларни биларди. (Т.М.) 4. Маҳдум ўзининг чеккан ташвишларида ҳақли бўлиб чиқди. (А.Қод.) 5. Одамнинг саломатлиги ташқи шароит билан чамбарчас боғлиқдир. (И. Сино) 6. Кўчатни асрасанг, ҳаётингни асрайсан. (М.) 7. Одамлар китоб ўқишдан тўхтасалар, фикрлашдан ҳам тўхтайдилар. (Д. Дидро) 8. Сердарахт қишлоқда бемор бўлмайди. (М.) 9. Қоратой ўтирганларнинг ҳаммаси унга тикилиб қараётганини сезиб турарди. (Ч.А.)

209-машқ. Матини ўқинг. Гапларнинг эга ва кесимларини топинг ва уларнинг қандай сўз туркумидан ифодаланганлигини изоҳланг.

ГУЛ МОНОЛОГИ

Мени ҳамма севади. Менинг ранго-ранглигим, кўркамлигим кимларни мафтун этмаган. Лекин мени хўрлайдиганлар ҳам оз эмас... Ана... Бир қиз мени дам-бадам ҳидлаб, бағрига босмоқда. Бири эса... менинг баргларимни шартта-шартта юлиб, озор бермоқда...

Эй, кишилар, қулоқ тутинг, асло менга озор берманг! Чунки жуда нозикман, мисоли қиз қалбидай... Ахир бежиз айтмайсиз: «Қиз қалби гулдай нозик», деб. Мен сизларга бутун чиройимни, кўркамлигу нафислигимни тақдим этаман, фақат сиз мени эъзозланг, қалбим қўри, яшашим маъноси, азиз одамлар! *(Журн.)*

210-машқ. Ўқинг. Гапларнинг маъносини оғзаки таҳлил қилинг. Тиниш белгиларининг қўйилиш сабабларини тушунтиринг.

1. Илм – саҳрода дўст, ҳаёт йўлларида – таянч, ёлғиз дамларда – йўлдош, бахтиёр дақиқаларда – раҳбар, қайғули онларда – мадаккор. *(Ҳ.)*

2. Кўнглим – қул, ақлимдир унинг подшоҳи,
Гоҳ ақлим қулайди, бўлдим гувоҳи.
Ўтмишда қиёс кўп – исён кўтариб,
Қул ҳам шоҳ тахтига ўтирган гоҳи. *(А.Э.)*

211-машқ. Кўчириг. Иккинчи даражали бўлақларнинг остига чизиб, турларини айтинг..

1. Ақл чексиз фазога ҳоким,
Ақл ҳоким олам юзига.
Борлиқ унга бўйсунар, лекин
Юрак кирмас унинг сўзига. *(Э.В.)*
2. Барокўҳ пойида бобом ётибди,
Шуидадир бобомнинг бобосин пойи. *(М.Ис.)*
3. Одамлар қалбининг чироғи – билим,
Балодан сақланмиш яроғи – билим. *(Р.)*

212-машқ. Ўқинг. Тўлдирувчи, аниқловчи ва ҳолларни аниқлаб, турларини айтинг.

1. Уйқуси қочганга тун узун, чарчаган йўловчига йўл узун, ақли пастга умр узун. (Х.) 2. Янги техника физика байроғи остида ривожланмоқда. (Вавилов) 3. Ё сукут сақла, ёки сукутдан тузукроқ бирон нарса гапир. (Пифагор) 4. Ҳисобли дўст айрилмас. (М.) 5. Хулқ – ҳар кимга ўз қиёфасини кўрсатадиган кўзгудир. (Г.) 6. Ўзгага қилган мурувватингни дўстга ҳам, душманга ҳам мақтанма. (Фирдавсий) 7. Дам олиш кунлари уникида шеърхонлик, меникида аския, латифагўйлик бўлади. (С.А.)

213-машқ. Ўқинг. Гап бўлаклари бўйича таҳлил қилинг.

1. Савдо қилиб Матмуса
Қайтар экан йўлига,
Тушиб қолди шаҳарлик
Ўғриларнинг қўлига.

(Э.В.)

2. Кеккайганга кеккайгин,
Бошинг кўкка етгунча.
Энкайганга энкайгин
Бошинг ерга теккунча.

(М.)

3. Қилган хатоларим ўзимга аён.
Хотира – изимдан тушган дайди ўқ.
Сўнди қанча яхши тилаклар.
Сўнди ҳайрат – юракдаги чўғ.

(М.Ю.)

4. Майсалар лол эгди бошини,
Қизғалдоқлар тўкди ёшини,
Кўк бекитди шон – қуёшини,
Баҳодирсиз келар арғумоқ.

(А.Суюн)

Ўқинг.

<i>Ширин ва эгу сўзлар оқиб турган зилол сувга ўхшайди. ("Қ.Б.")</i>	<i>Ойни этак билан ёпиб бўлмас. (М.)</i>
<i>Отам сизлардек яқин дўстларига салом айтишини менга омонат топширган эдилар. (А.Қод.)</i>	<i>Илмни машаққатсиз эгаллаб бўлмайди. (Х.)</i>

Гапларнинг грамматик асосини топинг. Бу гапларнинг қайси томондагиси икки бош бўлакли, қайси томондагиси бир бош бўлакли гап?

Содда гаплар эга ва кесимнинг мавжудлигига қараб бир бош бўлакли ва икки бош бўлакли гапларга бўлинади. Икки бош бўлакли гапларнинг грамматик асосида икки хил бош бўлак, яъни эга ва кесим бўлишини, бош бўлакларнинг ҳар иккиси қатнашган гаплар икки бош бўлакли гап деб юритилишини юқорида кўриб ўтдик. Масалан: *Ариқ ёқаларидан яшил кўзди бойчечак жимгина мўралайди. (О.)*

Бир бош бўлакли гапларнинг грамматик асосида эса бош бўлак битта бўлади: *Кеч куз. Бу ишларни бажариш мумкин.* Бу гапларнинг 1-сидаги бош бўлак – *куз*, 2-сидаги бош бўлак – *бажариш мумкин*. **Бош бўлаклардан фақат биттаси қатнашган гаплар бир бош бўлакли гаплар дейилади.** Бир бош бўлакли гаплар қуйидаги турларга бўлинади: 1. Шахси маълум гап. 2. Шахси номаълум гап. 3. Шахси умумлашган гап. 4. Шахссиз гап. 5. Атов гаплар.

Изоҳ: Бир бош бўлакли гапларнинг, инфинитив ва вокатив турлари олийгоҳларда ўрганилади.

Эслатма: *Китоб ўқилди. Фаол ўқувчилар рағбатлантирилди* каби кесими мажҳуллик нисбатидаги феъллар билан ифодаланган гапларда иш-ҳаракатни бажарувчи шахс номаълум бўлади. Аммо бундай гаплар бир бош бўлакли эмас, балки икки бош бўлакли гап ҳисобланади, чунки бундай гапларда грамматик эга мавжуд.

214-машқ. Ўқинг. Аввал икки бош бўлакли гапларни, кейин бир бош бўлакли гапларни кўчириб ёзинг ва грамматик асосларнинг тагига чизинг.

1. Мусулмонқул ўрдани қаттиқ ушлади. Ҳарбий ишларга катта эътибор берди. (Т.Қ.)
2. Чўпонота тоғининг этакларида юзлаб ўтовлар ва чодирлар пайдо бўлган. (П.Қ.)
3. Қанча ухлаганини билмайди.
4. Бир маҳал дарвоза кечагидан ҳам қаттиқроқ тақиллай бошлади. (Ў.Ҳ.)
5. Қор билан қопланган бу машиналар даладаги қишки фарамларга ўхшаб кўринарди.
6. Мана, гулхани ҳам ёқишди. Сувни иситишди. (Ч.А.)
7. Эртага жума намозига чиқилади.
8. Офтобсиз рангпар кун.
- Умрини яшаб қўйган япроқларга хазон нуқси урган. (Т.М.)
9. Тозаликка риюя қилинсин!
10. Тинчлик сақлансин!

11. Дунёда ажиб бир ҳикмат мавжуддир:

Агар бўлмади десанг Ватандан жудо,
Муносиб бўла бил унга бир умр,
Ватанга жонингни қилолгин фидо. (Ҳ.)

12. Сўзлаганда оқил,

Дилингда жо қил.
Лекин ўз дардингда
Ўзинг даво қил. (Э.В.)

37-§. ШАХСИ МАЪЛУМ ГАП ВА ШАХСИ НОМАЪЛУМ ГАПЛАР

Бир бош бўлакли гапларнинг бу турида эга бўлмайди, лекин уни гапнинг кесимидан англаб олиш мумкин.

Кесимнинг грамматик шаклидан англашилиб турган бир бош бўлакли содда гаплар **шахси маълум гап** дейилади. Шахси маълум гапнинг кесимлари I ва II шахс шаклидаги феъл ва отлардан ифодаланади: *Ҳозир кўрдинг-ку, бунинг қанақа бўлишини, сўз топиб айтолмай қолдинг-ку!* (П.Қ.) *Серманзара далаларни томоша қилиб юраман. Секин ўринигиздан туринг, ташқарига чиқамиз.* (О.) *Ҳозир талабасан. Мактабда ўқитувчиман.*

Шахси маълум гапларда, асосан, кишилик олмошларидан ифодаланадиган эга тушиб қолади. Бундай эгани қўллашга эҳтиёж ҳам сезилмайди. Фейлнинг шахс билдирувчи кўшимчалари эгани билдириб туради.

Нутқимизда *Яхшини мақтайдилар, ёмонни уялтирадилар* каби шахси номаълум гаплар ҳам ишлатилади. **Шахси номаълум гапларда иш-ҳаракат бажарувчиси умумлашган маънода бўлади ва грамматик жиҳатдан ифодаланмайди.** *Умрни оқар сувга ўхшатишади. Жўжани кузда санайдилар* каби гапларда диққат асосан иш-ҳаракатга қаратилиб, бажарувчи шахс аниқ бўлмайди ва уни кўрсатиш талаб этилмайди. Шахси номаълум гапларнинг кесими III шахс аниқ ёки биргалик нисбатидаги феъллар билан ифодаланади. Кесимдан англашилган мазмунга кўра гапнинг яширинган эгаси гўё «улар» га ўхшайди, лекин ана шу «улар» ноаниқ бўлади: *Имтиҳонда унинг жавобини аъло баҳолашди. Университетга қабул қилишдими?*

215-машқ. Ўқинг. Шахси маълум гапларнинг грамматик асосини топинг.

- Сизга не бўлди? – деди. – Йиғлабсизми?
- Нафасим сиқилди...
- Мактуб ёзмоқчи эдингизми?
- Ҳа, Ҳумоюнга...
- Моҳим, мендан ҳар қанча ранжисангиз ҳаққингиз бор.
- Ҳазратим, мендан озорланманг. Сиз подшоҳсиз.

Арзимни сизга айтмасам, кимга айтамен? (П.Қ.)

216-машқ. Ўқинг. Шахси маълум гапларни кўчиринг, грамматик асосининг тагига чизинг.

1. Бошимга қилич келса ҳам, айтган сўзимдан қайтмайман. 2. Бир умр бахтли бўлишни истасанг, ҳалол одам бўл. (Ҳ.) 3. Виждонинг буюрмаган ҳамма нарсадан ўзингни тий. (Л.Т.) 4. Амирзодам, хон кишилари сизни сўроқлаб юрганларини эшитдим. (П.Қ.) 5. Қани ўша поездга осилиб олсам-у,

Кимсан акамнинг олдига обориб қўйса... (Ў.Х.) 6. Сизнинг бу эзгу ишдан бош тортишингиздан бир оз ранжидим, бўтам! (Ш.)

217-машқ. Берилган диалогдаги шахси маълум гапларнинг эгасини кўшиб ўқинг.

– Деразани нимага очиб қўйдинг? Ёп, қўзим, тиззаларим қақшаб кетди. Бу йил қор эртароқ тушди. Нима бўларкан. Ишқилиб, енгиллигини берсин.

– Ҳе-е, кетиши керак улар энди. Ҳаммаси кетишиб бўпти. Шу битта қалдирғоч қолди, холос.

– Йўғ-е, осмонларни тузукроқ қара, қўзим. Ташлаб кетишмас. Қайси қалдирғоч бу?

– Икки кундан бери қараяпман, буви. Ҳалиги энг кичкина боласидан бошқа қалдирғоч кўринмайди.

– Ҳе-е, тўпидан айрилиб қопти-да. Ким билади, атайин ташлаб кетишганми, Уларниям ўз қондаси бор. Бу қалдирғоч боласи нимжонроқ бўлди-да. (Қ.М.)

218-машқ. Шахси номаълум гапларни кўчиринг, грамматик асосининг тагига чизинг.

1. Бир кам дунё, деб шунга айтадилар. (Т.М.) 2. Бемаҳал қичқирган хўрознинг бошини оладилар. (Х.) 3. Эртасига пешин намозидан сўнг, Шер додхоҳ қўнган ўтовда тўпланишди. (Т.Қ.) 4. Тонгга яқин озгина ухлаб, сўнг яна ўқишни давом эттирди-ю, қўлёманинг охирига етмагунча ундан ажралолмади. (П.Қ.) 5. Олдин уни командир экан дейишди, кейин овулга ўқитувчи қилиб юборишганмиш, мактаб очиб, бола ўқитар экан, дейишди. (Ч.А.)

219-машқ. Ўқинг. Шахси номаълум гапларнинг кесимини топиб, нима билан ифодаланганига диққат қилинг.

1. Шанбаликда берилган топшириқларни намунали бажаришди. 2. Ҳаёт одамни умр бўйи синайди, дейишади. 3. Ойчечакни олиб қочиб кетмасликлари учун шаҳар

дарвозалари ёнида отлиқлар туришини буюришди. (Мирм.)
5. “Бўлди, қуюшқондан чиқма, бўлмаса, домланинг қоши
пирпираб кетади”, деб қайтаришарди. (Ш.) 6. Орадан кўп
ўтмасдан, Бадиуззамон келганидан хабар беришди. (О.)

220-машқ. Ўзингиз мустақил режа тузиб ёки қуйидаги режадан
ижодий фойдаланиб, “Ноннинг қадри” мавзусида ишро ёзинг. Ижодий
ишингиздан бир бош бўлакли гапларни топинг.

1. Нон – энг улуғ неъмат.
2. Ноннинг ушоғи ҳам нон.
3. Фаровонлик нон билан.
4. Нонни увол қилманг!

221-машқ. Шахси номаълум гапларга тўртта мисол ёзинг ва
уларнинг кесимини топиб, тагига чизинг ва қандай ифодаланганини
айтинг.

38-§. ШАХСИ УМУМЛАШГАН ГАП

Кесими феъл билан ифодаланиб, мазмунан
учала шахсга қаратилган бир бош бўлакли содда
гаплар шахси умумлашган гап дейилади. Масалан:
Етти ўлчаб, бир кес. (М.)

Шахси умумлашган гапларнинг кесими феълнинг
иккинчи шахс шакли орқали ифодаланса ҳам, лекин
бутун гап мазмуни умумшахсга қаратилади: Масалан:
Ҳурмат қилсанг, ҳурмат кўрасан. (М.)

Бундай гаплар, одатда, мақол, ҳикматли сўз ва
бадий асарларда кўпроқ учрайди.

222-машқ. Кўчиринг. Шахси умумлашган гапларнинг грамматик
асосини топиб, тагига чизинг.

1. Кўп билсанг ҳам, кўпдан ортиқ билмайсан. (Ҳ.)
2. Тилнинг ақлдан олдин кетишига йўл қўйма. 3. Яхшилик
қилиш қўлингдан келмаса, ёмонлик ҳам қилма. (А.Н.)
4. Аччиқ савол бериб, ширин жавоб кутма. (Ҳ.) 5. Азоб
чекишни истамасанг, ҳасадгўй бўлма. («Қ.») 6. Умидсизлик
уйин бузсанг, умидингга етарсан. (Ҳ.)

7. Сихат тиласанг, кўп ема,
Иzzат тиласанг, кўп дема. (А.Н.)

223-машқ. Мақолларни ўқинг, кесимларини топиб, нима билан ифодаланганига диққат қилинг.

1. Бориға рози бўл, йўғига сабр қил. 2. Бир кун аввал эксанг, ҳафта олдин ўрасан. 3. Бировнинг молиға кўз олайтирма. 4. Бугунги ишни эртаға қўйма. 5. Аввал ўйла, кейин сўйла. 6. Аввал ўрган, кейин ўргат. 7. Душман чақирса борма, дўст чақирса қолма. 8. Элдан ошма, элдан қолишма. 9. Бирни берсанг отангга, мингни оласан болангдан.
10. Элға қўшилсанг, эр бўласан,
Элдан ажралсанг, ер бўласан.

224-машқ. Мақол ва ҳикматларни ўқинг. Маъносини изоҳланг. Бир бош бўлакли гапларнинг қайси туриға киришини айтинг.

1. Онангга бошингни ҳам қил,
Отангга сўзингни кам қил.
2. Билмагани билдим дема,
Қилмагани қилдим дема.
3. Бефойда сўзни айтма,
Фойдали сўздан қайтма.
4. Қариндошдан қарз олма,
Қариндошға қиз берма.
5. Кун қизиғи демагин,
Суягингни қиздирмас.
Салқинни кўп кўзлама,
Салқин жонни тиндирмас.

225-машқ. Нуқталар ўрниға қуйида берилган сўзлардан мосини қўйиб ўқинг. Матнда нечта бир бош бўлакли гап ва нечта икки бош бўлакли гап мавжудлигини аниқланг.

МУОМАЛА ОДОБИ

Одоб ва эҳтиётлик билан муомала этишдан ҳамма мақсадлар ... Мулойимлик билан айтилган сўзлар кўнгилға роҳат ...

Бир нарсадан хафаланиб, аччиғингиз келиб турган вақтда ҳеч ким билан ..., аччиғингиз босилгунча

Қўпол муомалали кишиларнинг муомалаларига ҳам яхши муомала билан

Ҳар ишда ҳур фикрли тўғри сўзли бўлинг, тилингиз ва дилингиз

Бирор ишни бажаришга аҳд қилдингизми сўзингизни устидан чиқинг, ваъдангизга ...

Сўзлар: вафо қилинг, бирдек бўлсин, рўёбга чиқади, жавоб қайтаринг, сўзлашманг, бахш этади, сабр этиб туринг.

39-§. ШАХССИЗ ГАП

Айрим гапларда ҳаракат-ҳолат шахс билан боғланмайди. Шахсни ифодаловчи *ким?*, *нима?* сўроқларини бериб бўлмайди. Бундай гаплар ҳеч вақт эга билан қўлланмайди: *Мажлисда директорни мукофотлашга қарор қилинди. (Газ.) Эрталабки салқинда етиб бориш керак. (О.Ё.)*

Кесими мавжуд бўлиб, эгасини топиш мумкин бўлмаган бир бош бўлакли содда гаплар шахсиз гап дейилади: *Меҳнатсиз роҳатга эришиб бўлмайди. (М.) Маҳкамни таниб бўлмас эди. (П.Қ.)*

Шахсиз гаплар қуйидаги шакллар билан ифодаланади: 1) Фельнинг нисбат шакли орқали: *Йўл ҳаракати қондаларига риюя қилинсин.* 2) бўл кўмакчи фельнини олган равишдош шакли орқали: *Унга ҳамма гапни айтиб бўлмайди.* 3) тўғри келади, керак, лозим, мумкин, даркор сўзларини олган ҳаракат номлари орқали: *Буюрилган ишни ўз вақтида бажариш керак. (лозим, даркор, зарур)*

226-машқ. Ўқинг. Шахсиз гапларнинг грамматик асосини аниқланг ва нима билан ифодаланганига диққат қилинг.

1. Сўздан ҳалол фойдаланиш керак. (*Гоголь*) 2. Узил-кесил хулоса чиқариш учун касалхонада ётишлари керак. Нур бериб кўриш керак. (*Т.М.*) 3. Одамларга очиқ чехра билан кулиб боқиш керак. 4. Ҳаммининг ҳам кўнглини топиб бўлмайди.

5. Туяни чўмич билан суғориб бўлмайди. 6. Ўзбошимчаликни ёнғиндан ҳам тезроқ ўчирмоқ керак. (М.)

227-машқ. Кўчиринг. Шахсиз гапларнинг грамматик асоси тагига чизинг.

1. Томошага таклифнома билан киритилади. 2. Инсонни жамиятдан ташқарида тасаввур этиб бўлмайди. (Л.Т.) 3. Бу ҳақда бошқа фикр бўлмагани учун муаллим сўрашга қарор қилинди. (А.Қ.) 4. Минг хил масала билан бош қотиришга тўғри келади. (О.) 5. Қурилишни тезроқ бошлаб юбориш керак. 6. III чоракни аъло баҳолар билан якунлашга эришилсин. 7. Дам олиш куни репетицияга борилади. 8. Наврўз тантаналарида иштирок этиладими? 9. Унгача маърузанинг матнини тасдиқлатиш керак.

228-машқ. Берилган кесим шакллариини қўллаб, шахсиз гаплар ҳосил қилинг.

Бориш шарт, бажариш керак, сўраш жоиз, айтиш лозим, асрамоқ даркор, эришмоқ мумкин.

229-машқ. Шахсиз гапларга тўртта мисол ёзинг ва уларнинг грамматик асосини топиб, тагига чизинг.

4.4 АТОВ ГАП

Бош келишикдаги от ёки отлашган сўз билан ифодаланиб, предмет ёки воқеа-ҳодисаларнинг мавжудлигини тасдиқловчи бир бош бўлакли гаплар атов гап дейилади: Масалан: *Мартнинг охири. Кундузи соат учлар чамаси. Ўш кўчалари.*

Атов гап бир ёки бир неча сўз билан ифодаланиши мумкин. Тинч оҳанг билан талаффуз қилиниб, дарак мазмунида бўлса, атов гапдан кейин нуқта қўйилади: *Кичкина майдонча. Тўрт тарафи баланд иморатлар билан ўралган. (Ойд.)* Чуқур ҳис-ҳаяжон билан талаффуз қилиниб, кучли оҳанг билан айтилса, атов гапдан кейин

ундов белгиси қўйилади: *Баҳор! Ҳамма ёқдан гуллар хиди анқийди. Муҳаббат! Қувончга эришмоқ учун не куйларга солмайсан бизни.*

Атов гапларда фикрнинг тугаллиги оҳанг орқали ифода қилинади. Оҳанг бундай гапларда биринчи даражали аҳамиятга эга. Оддий сўз оҳанг туфайли гапга айланади: *Баҳор... Уч туп ўрик бирдан гуллаб Фаридаларнинг ҳовлисини оппоқ гўзалликка тўлдирди.*

Атов гап якка ҳолда қўлланмайди, ундан кейин бошқа бир турдаги гап келади: *Нақадар фаросатли! Маҳкамнинг юрагида ҳали ёнмаган чироқлар ёниб, ҳали чалинмаган куйлар чалинади. (П.Қ.)*

230-машқ. Кўчиринг. Ҳар бир атов гапнинг грамматик ва мазмуний хусусиятларини изоҳланг.

1. Оппоқ... Покиза... Шаффоф... На қўлингиз билан тутасиз, на ортидан югуриб етасиз. (Ў.Ҳ.) 2. Ойдин кеча! Денгиз осуда уйқуга кетган. 3. Тун. Дара зулматдай қопқоронғи. (Ч.А.) 4. Ишчилар ётоқхонаси. Каравот ва тумбочкалар. Ўртада стол ва стуллар... Бутун хаёлим боя Зулайҳо айтган гап билан банд. (П.Қ.) 5. Кавказ. Ганжа шаҳри. Жалололдин Мангуберди мўғулларни сиқиб чиқариб, бу ерда ўз давлатини ташкил этди. (Қ.М.) 6. Марғилон. Қорлар кетиб, ердан буғ кўтарилиб, ҳаво исиб қолган эди. (Т.Қ.) 7. Кўклам... Қишлоқ аҳли далага чиқиб кетган. (У.Ҳамдам)

231-машқ. Нуқталар ўрнига қуйида берилган кесимлардан мосини қўйиб, гапларни кўчиринг. Бир бош бўлакли гапларнинг турини айтинг.

1. Эртага спорт клубига 2. Яна бир оз кутишга 3. Аввал ўзингга ..., кейин ногора 4. Наврўз! Водийга ўзгача 5. Катта арава қайси йўлдан юрса, кичик арава ҳам шу йўлдан юради,

Сўзлар: *боқ, қоқ, борилади, тўғри келади, тус кирмоқда, дейдилар.*

232-машқ. Ўқинг. Бир бош бўлакли гапларни аниқлаб, турини айтинг. Намунадан фойдаланиб, қариндошингизга телеграмма ёзинг. (Телеграммада тиниш белгилари ишлатилмайди.)

ТЕЛЕГРАММА

Жалолобод шаҳри Тўқтағул кўчаси
25 уй Шарипова Муҳаббатга

Таваллуд кунингиз билан табриклайман ўқиш ва ишларингизга омад ижодингизга баркамоллик тилайман ҳамиша соғ-саломат бўлинг

Жўраева Зуҳра
Ўш 700014 Навоий кўчаси 85 уй

233-машқ. Ўқинг. Бир бош бўлакли гапларни аниқлаб, турини айтинг, уларнинг фарқларини изоҳланг.

1. Саломатликни дорихонадан сотиб ололмайсан. (Х.)
2. Тонг палласи. Дарвозабон ва соқчилар ғимирлаб қолишган. (Қ.М.) 3. Ҳаво очиқ бўлгани учун тушдан кейин айлангани чиқишимиз керак. 4. Шаҳарма-шаҳар юра-юра ахийри Қарбалога келдик. ("Ч.") 5. Кеч куз. Қизилжарнинг бепоён даласи ястаниб ётарди. (Т.Қ.) 6. Шамширни беринг! – деб қичқирди. – Менга шамширни беринг! (П.Қ.) 8. Дадамнинг кетмони! Банди шамдай силлиқ, юзиям баркашдай келади. (Ў.Ҳ.)

234-машқ. Ўқинг. Бир бош бўлакли гапларнинг турини аниқлаб, қавс ичига ёзиб қўйинг.

Намуна: *Ҳавас қилсанг етасан.* (шахси умумлашган гап)

1. Чумчуқ билан бургутнинг қаноти ҳам, чангали ҳам ҳар хил бўлишини билмади. (Т.М.) 2. Қўй ва йилқиларни ёз бўйи боққани нарига – тоққа ҳайдаб кетишган. (Ч.А.) 3. Қор ёғаяпти... Биринчи қор... Эрталабдан бери эзиб ёққан ёмғир охири қорга айланди. (Ў.Ҳ.) 4. Соғинч... Олти йил давомида Маҳкам соғинч доvonларидан қанчасини ошиб ўтиши керак.

(П.Қ.) 5. Яйдоқ тош устида шунақа ажойиб боғ бўлишига ишонгинг келмайди. 6. Қоронғи бўлса ҳам Оқсоқолнинг қўшқанот дарвозаси олдида турган отни узоқдан танидим: Умар закунчининг оти! Парво қилмадим. (Ў.Х.) 7. Олти йилдан бери бирга ишлаймиз. Армиядан келибманки, шу бригададаман. Қанчасини турмушга бердик, тўйларида ўйнадик. (Х.Ғ.)

235-машқ. Жадвалдан фойдаланиб, бир бош бўлакли гапларнинг ҳар бир турига иккитадан мисол ёзинг.



236-машқ. Ўқинг. Бир бош бўлакли гапларни топинг. Намунадан фойдаланиб, синфда ўтказилган ота-оналар мажлиси баённомасини ёзинг.

Ўш шаҳридаги 21-ўрта мактаб
VIII “А” синф ўқувчилари мажлисининг 5-рақамли

БАЁННОМАСИ

Ўш шаҳри

2010 йил 29 декабрь
Қатнашди: 31 ўқувчи
Қатнашмади: 2 ўқувчи

Мажлис раиси: М.Азимова

Котиби: Ш.Иброҳимова

КУН ТАРТИБИ:

1. II чоракнинг якуни ва III чоракдаги вазифалар хусусида.

Эшитилди:

1-масала бўйича синф раҳбари М.Азимова ахборот берди:
Қадрли ўқувчилар! Сизларга маълумки, синфимизда 33

ўқувчи бўлиб, уларнинг 95 фоизи дарсларга тўлиқ қатнашади. Шунинг учун II чоракнинг якунига кўра синфимиз ўқувчилари томонидан фанларни ўзлаштириш даражаси юқори бўлди. Лекин икки ўқувчи – Азиз Собиров ва Карима Йўлдошева алгебрадан ўзлаштира олмади, натижада улар II чоракка “қониқарсиз” баҳо олишди. Келгусида бу ҳол яна қайталанмаслиги учун синфимиз ўқувчилари Азиз ва Каримага ёрдамлашишлари зарур.

Сўзга чиқдилар:

Ш.Назаров (синф президенти). – Мен Азизнинг уйига яқин жойда тураман. У билан бирга дарс тайёрлаб, алгебрадан ўзлаштиришига ёрдам бераман.

О.Носирова (ўқув ишлари бўйича масъул). – Мен эса дугонамга алгебра ва бошқа фанларни ҳам яхши ўзлаштиришига ёрдам бераман.

М.Азимова. – Синфимиз ўқувчиларининг иноқлиги жуда қувончлидир. Шавкат ва Ойдиннинг сўзини эшитиб, жуда хурсанд бўлдим. III чоракда хоҳловчи ўқувчилар учун алгебрадан қўшимча машғулотлар уюштирилади, Азиз ва Каримага эса алоҳида топшириқлар берилади. Синфимизда фанларни ўзлаштира олмайдиган ўқувчи бўлмаслиги учун ҳаммамиз ҳаракат қилишимиз керак.

Қарор қилинди:

1. III чоракда ўқувчилар билан алгебрадан қўшимча машғулот ўтказиш ишлари йўлга қўйилсин.

2. Қўшимча машғулот ўтказиш алгебра ўқитувчиси О.Олимовдан илтимос қилинсин.

3. Ш.Назаров ва О.Носированинг ўз синфдошлари А.Собиров билан К.Йўлдошевага ёрдам бериш ҳақидаги истақлари ҳисобга олинсин.

Мажлис раиси: (имзо)

М.Азимова

Котиби: (имзо)

Ш.Иброҳимова

237-машқ. Қуйидаги тест саволларининг тўғри жавобини белгиланг.

1. Қайси жавобда бир бош бўлакли гап берилган?

- А. Поёни йўқ пахтазор яйраб-яйраб ўсади.
- Б. Кеч куз. Хазонрезги.
- В. Солижон касал бўлиб қолди.
- Г. Бола болдан ширин.
- Д. Куз кунлари офтобда юриш фойдали.

2. Жавобларнинг қайси бирида атов гап берилган?

- А. Қиш бошланди.
- Б. Атроф қор билан қопланган.
- В. Дам олиш куни клубга бордик.
- Г. Оппоқ қор. Изғирин.
- Д. Аввал ўйла, кейин сўйла.

3. Қайси жавобда шахси маълум гап берилган?

- А. Яхшини, камтар кишини мақтайдилар.
- Б. Етти ўлчаб, бир кес.
- В. Бахилнинг кўнгли доғ.
- Г. Ҳамма вақт ёрдам қиламан.
- Д. Айтилган сўзни қайтариб бўлмас.

4. Шахси номаълум гапларнинг кесими қандай ифодаланади?

- А. I шахс бирликдаги феъл билан.
- Б. II шахс бирлик ва кўпликдаги феъл билан.
- В. III шахс бирлик ва кўпликдаги феъл билан.
- Г. II шахс буйруқ майлидаги феъл билан.
- Д. II шахс шарт майлидаги феъл билан.

5. Қайси мисолда шахссиз гап бор?

- А. Бир каттанинг гапига кир, бир кичикнинг.
- Б. Ойни этак билан ёниб бўлмас.
- В. Биргалашиб дарс тайёрлаймиз.
- Г. Ҳамма йиғилди.
- Д. Жавобларнинг ҳаммаси тўғри.

6. Шахси умумлашган гап қаторини топинг.

- А. Туш пайти, ҳамма ўзини салқинга олган.
- Б. Пуч ёнғоққа қўйин тўлғазма.
- В. Кечаси. Деҳқонбой чуқур ўйга толган.
- Г. Бу ҳаракатга чидаб бўлмайди.
- Д. Жавоблар нотўғри.

7. Қуйидаги гапни бир бош бўлакли гапнинг қайси турига мансуб деб ўйлайсиз: «Йигит кишининг боши эгилгунча хўкизининг бўйни синсин, дейдилар» (С.А.)

- А. Шахси маълум;
- Б. Шахси номаълум;
- В. Шахси умумлашган;
- Г. Шахссиз;
- Д. Атов.

8. Жавобларнинг қайси бирида шахси умумлашган гапнинг қондаси тўғри берилган?

- А. Гапнинг кесимига бош келишик сўроқларини бериб, эгасини аниқлаш мумкин бўлган гап шахси умумлашган гап дейилади.
- Б. Мазмунан ҳар учала шахсга тааллуқли гап шахси умумлашган гап дейилади.
- В. Эгасини топиб бўлмайдиган гап шахси умумлашган гап дейилади.
- Г. Грамматик асос орқали ифодаланган нарсанинг борлигини, мавжудлигини аниқладиган гап шахси умумлашган гап дейилади.
- Д. Жавоблар нотўғри.

9. Шахссиз гапни аниқланг.

- А. Тозаликка риоя қилинсин!
- Б. Биз тинчлик хоҳлаймиз.
- В. Эрта эксанг, эрта ўрасан.
- Г. Бизникига келинг.
- Д. Тун. Зимистон...

10. Ушбу «Қизлар билан жуда қадрдон экансиз» гапи бир бош бўлакли гапнинг қайси турига киради?

- А. Шахси маълум;
- В. Шахси умумлашган;
- Б. Шахси номаълум;
- Г. Шахссиз;
- Д. Атов.

41-§. СЎЗ-ГАПЛАР

Нутқда ҳа, йўқ, ҳўп, майли сўзлари ҳамда эҳ, уҳ каби ундовлар билан ифодаланган сўз-гаплар ҳам қўлланилади. Сўз-гаплар содда гапларнинг алоҳида бир кўриниши ҳисобланади.

Ҳа сўз-гапи тасдиқни, йўқ сўз-гапи эса инкорни билдиради. Ёзувда бундай сўз-гапларнинг охирига

оҳангига қараб нуқта ёки ундов белгиси, баъзан кўп нуқта қўйилади, масалан:

- Қайининг одам кўтарадими?
- Бўлмасам-чи!
- Қани бўлмаса мени тушир-чи.
- Хўп. (Ч.А.)

Эслатма. Нутқда ҳа, йўқ, хўп сўзларидан сўнг шу сўзларнинг маъносини такрорлаб, кучайтирадиган айрим гап қўлланилиши мумкин, масалан:

- Демак, сен унга ҳали ҳам ҳеч нима айтмабсанда, Тўлғаной?

- Йўқ, айтолмадим. (Ч.А.)

Бундай ҳолларда ҳа, йўқ, хўп сўз-гап эмас, балки мазмунни кучайтирувчи кириш сўз ҳисобланади. Ёзувда ундан сўнг вергул қўйилади.

Офарин, раҳмат, ташаккур, баракалла, балли, бош устига, салом, ассалому алайкум, ва алайкум ассалом, марҳамат, марҳабо, бемалол, узр, хайр каби сўзлар билан ифодаланиб, миннатдорлик, саломлашиш, кечирим, илтимос каби мазмунни билдирган гаплар ҳам сўз-гап ҳисобланади:

- Ассалому алайкум, она.
- Ва алайкум ассалом, кел, болам.

Ёзувда сўз-гаплардан кейин нуқта, ундов белгиси, баъзан кўп нуқта қўйилади.

- Хўп! Айтганингиздек қиламан.
- Келишингиздан, хатдан унинг хабари борми?
- Ҳа...
- Мана, болангиз тирик. Уни кўрдим, деб айттинг.
- Хўп, жаноб! (Ш.)

238-машқ. Ўқинг. Сўз-гапларни топиб, тиниш белгиларига диққат қилинг.

1. - Ҳамма гапни айтасанми? - Ҳа. 2. - Яхши ўтказиб келинглр... - Раҳмат, Шухрат ака. (Ш.Х.) 3. - Ишончсиз курашиб бўладими, ўртоқ капитан?! - Албатта, йўқ! (Ш.) 4. - Ҳой, бунни Дуйшэн қария олиб келдими? - Ҳа, - деди йингит. (Ч.А.) 5. - Соф, асл руҳли жасур қизга лутф, марҳамат

кўрсатмоқ лозим! – Баракалло! – хитоб қилди Шаҳобиддин. (О.) 6. – Энди бўлар-а? – Йўғ-е... (С.А.) 7. – Хўп, хўп, ўзим айтаман!.. (А.Қ.) 8. Мен сенинг дилингга ишонамен. – Қуллуқ, улуғ султоним, қуллуқ! (Мирм.)

239-машқ. Кўчиринг. Сўз-гапларнинг тагига чизинг, тиниш белгиларига диққат қилинг.

- Хўш, хўш! – жон қулоғини тутди Содиқ ҳам шивирлаб.
- Жаннатни энди хафа қилма. Унга тез-тез хат ёзиб тур.
- Хўп, ойижон, хўп!
- Умридан барака топсин... Ўғлингни ҳам унинг ихтиёрига бериб қўйганман.
- Майли! Майли!
- Онасидан аъло. Ширин сўзингни ундан аяма.
- Хўп, ойижон, хўп. (Ш.)

240-машқ. Ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сўз-гаплар қандай маънони англатаётганини изоҳланг.

1. – Маъқул, устод! – деди Зулфиқор дарҳол қўлидаги лойиҳаларни токчага қўйиб. – Биз, учовимиз, ишга тушамиз, сиз овора бўлманг, иш биздан қочиб қутулмайди.

– Майли, чарчагунимча ишлайман.

2. – Ташаккур, устод! Офарин! – деди терисига сиғмай Ҳорунбек.

3. – Ассалому алайкум...

– Хуш келибсиз, – деди Меъмор. (Мирм.)

241-машқ. Бадний асардан сўз-гапларга тўртта мисол топиб ёзинг. Улар қандай мазмунни ифодалаётганини изоҳланг.

17- ТҮЛИҚ ВА ТҮЛИҚСИЗ ГАПЛАР

Фикр ифодалаш учун зарур бўлакларнинг тўла ифодаланиши ёки ифодаланмаслигига кўра гаплар иккига бўлинади: 1. Тўлиқ гап. 2. Тўлиқсиз гап.

Тўлиқ гапларда айтилаётган фикрни ифода қилиш учун зарур бўлган бўлакларнинг барчаси мавжуд бўлади:

Кўҳна ва навқирон Ўш шаҳри кундан-кунга обод бўлмоқда.

Тўлиқсиз гапларда эса айтилаётган фикрни ифодалаш учун зарур бўлган гап бўлақларининг бир қисми қатнаша олмайди. Лекин бу бўлақ олдинги гапдан ёки нутқ мазмунидан билиниб туради:

– *Эрта тонгда қушларнинг сайрашини эшитган-мисан?*

– *Ҳа, эшитганман. Айниқса, эрталаб сайраган булбул овозини ёқтираман.*

– *Бедананинг сайрашини-чи?*

– *Ҳа, бедана ҳам яхши сайрайди.*

242-машқ. Кўчиринг. Тўлиқсиз гапларнинг тагига чизиб, қайси бўлақлар ифодаланмаганлигини ва нима сабабдан ифодаланмаганини айтинг.

– Қаяққа?

– Мўғуллар йўқ томонга.

– Маъқул.

– Бу, вақтинчаликка...

– Ҳа, албатта.

– Сизнинг кўмагингиз керак.

– Розимен.

– Қачон йўлга чиқамиз?

– Эрта тонгда. (Мирм.)

243-машқ. Диалоглар асосида “Мактаб кутубхонасида”, “Қайси касбни ёқтирасан”, “Мен севган қаҳрамон” мавзуларининг бирида ҳикоя ёзинг. Тўлиқсиз гапларни аниқлаб, қандай бўлақлар ифодаланмаганлигини ва унинг сабабини айтинг.

43-§ ТЎЛИҚСИЗ ГАП ТУРЛАРИ

Диалогик нутқда қўлланиладиган тўлиқсиз гапларда ифодаланмаган бўлақлар олдинги гапдан билиниб туради.

Тўлиқсиз гаплар кўпроқ диалогик нутқда, баъзан монологик нутқда қўлланилади. Шунга кўра уларни

диалогик нутқда қўлланиладиган тўлиқсиз гаплар ва мустақил қўлланилувчи тўлиқсиз гапларга бўлиш мумкин. Тўлиқсиз гапда турли гап бўлаклари ифодаланмаслиги мумкин:

1. Эга ифодаланмайди:

- *Зулфия нима қилди?*
- *Ўқиди.*

2. Кесим ифодаланмайди:

- *Ким сўзлади?*
- *Нодира.*

3. Эга ва кесим туширилади:

- *Синф раҳбари нималар тўғрисида сўзлади?*
- *Давомат ва улгурмовчи ўқувчилар ҳақида.*

Тўлиқсиз гапларда тиниш белгилари қуйидагича ишлатилади:

1. Тўлиқсиз гап охирига нуқта қўйилади:

- *Қаёққа кетяпсан?*
- *Мактабга.*

2. Сўроқ билдирувчи тўлиқсиз гаплардан кейин сўроқ белгиси қўйилади:

- *Аълочилар слёти бўлди.*
- *Қачон?*

Мустақил қўлланадиган тўлиқсиз гаплар ўзбек муомала маданиятини акс эттиради: *Байрамингиз муборак! Табриклаймиз! Бу ёққа, болалар!*

244-машқ. Кўчиринг. Тўлиқсиз гапларни топиб, қайси бўлақлар ифодаланмаганлигини аниқланг. Тўлиқсиз гапларни тўлиқ гапларга айлантинг.

- Бу ерда ҳайдаш хавфли, оға.
- Нима деяпсан? Ақлинг жойидами?
- Э-э... Ўртоқ механик, тушунасизми...
- Ҳа, аниқроқ қилиб гапир! Трактор қачондан бери юрмай турибди? Сенга айтяпман!
- Бир соатдан бери... (Ч.А.)

245-машқ. Адабиёт дарслигингиздан диалогик парча топиб ўқинг. Тўлиқсиз гапларга бешта мисол ёзинг ва уларни тўлиқ гапларга айлантинг.

44-§. ГАПНИНГ УЮШИҚ БЎЛАКЛАРИ

Гапда икки ва ундан ортиқ бир хил гап бўлаклари иштирок этиши мумкин. Масалан:

Қай бирин ортиқ кўяй,

Йўқ, тенг экан шеър бобида

Нодира, Маҳзунаю

Зебунисо, Гулчехралар. (Э.В.)

Бир хил синтактик вазифа бажарувчи, ўзаро тенг боғловчилар ёки санаш оҳанги ёрдамида боғланган икки ва ундан ортиқ гап бўлаклари уюшиқ бўлақлар дейилади. Уюшиқ бўлақлар иштирок этган гаплар уюшиқ бўлакли гап саналади. Уюшиқ бўлақлар, одатда, бир хил сўроққа жавоб бўлади:

Шеърга солдим тупроғу юлдуз,

Меҳру вафо, дўст-ёр суратин. (Т. Содиқова)

Юқоридаги тупроқ, юлдуз, меҳр, вафо, дўст-ёр сўзлари қаратқич-аниқловчи вазифасида келиб, ниманинг? сўроғига жавоб бўлади.

Баъзан жонли ва жонсиз предметларни билдирувчи сўзлар уюшиб келиб, икки хил сўроққа (ким? ва нима?) жавоб бўлиши ҳам мумкин: *Катта кўчадан одамлар (кимлар?) ва машиналар (нималар?) тўхтовсиз ўтиб турарди. (О.)*

Уюшиқ бўлақлар қуйидаги асосий белгиларга эга:

- 1) бир хил гап бўлаги вазифасида келади;
- 2) кўпинча бир хил сўроққа жавоб бўлади;
- 3) ўзаро тенг боғловчилар ёки санаш оҳанги ёрдамида тенг боғланади;
- 4) уюшиқ бўлақларнинг ҳаммаси битта бўлаққа тобеланиш йўли билан боғланади:

Ҳалимахон, Назирахонлар,

Нодирахон, Каримахонлар

Қушдай енгил учар эдилар. (Х. О.)

Юқоридаги гапда *Ҳалимахон, Назирахон, Нодирахон, Каримахонлар* бўлақларининг ҳаммаси эга вазифасида келяпти. *Кимлар?* сўроғига жавоб бўлади, ўзаро санаш оҳанги ёрдамида тенг боғланыпти, *учар эдилар* бўлаги билан уюшаётган ҳар қайси бўлақ алоҳида-алоҳида тобеланиш йўли билан боғланади.

Айрим ҳолларда нутқнинг таъсирчанлигини таъминлаш учун гапдаги баъзи бўлақлар такрорланиб келади, лекин уюшиқ бўлақ саналмайди:

Гўзал юлдуз, нурли юлдуз, тез сўзла,

Оталарнинг тарихдаги хатосин. (Чўлпон)

Гапнинг барча бўлақлари уюшиб келиши мумкин:

1) эгалар уюшиб келади: *Қиш, баҳор, ёз ўтди.*

2) кесимлар уюшиб келади: *М. Горькийни кўрдим, докладини эшитдим, ўзи билан суҳбатлашдим. (Ф. Ф.)*

3) тўлдирувчилар уюшиб келади: *Навойий гулни, рангини жуда севар эди. (О.)*

4) аниқловчилар уюшиб келади: *Тиниқ ҳавода оқ, сариқ, пушти капалаклар учади. (О. Ё.)*

5) ҳоллар уюшиб келади: *Алишер Ҳиротда, Машҳадда кўп йил таҳсил кўрди. (О.)*

246-машқ. Кўчиринг. Уюшиқ бўлақларни топиб тагига чизинг, қандай сўроққа жавоб бўлишини айтинг.

1. Ҳа, ҳақиқат бор. У фақат қўрққоқ, заиф одам учун йўқдек туюлади, жасур кучли, исёнкор одамлар учун ҳамиша мавжуд. Ҳаёт, турмуш курашсиз бўлмайди, зиддиятларсиз эса тараққиёт. (*Журн.*) 2. Муҳаммад Юсуфнинг шеърлари мухлисларини йиғлатади, кулдиради, ўз оғушига тортиб олади. (*О. Шарафиддинов*) 3. Кўл ҳам, парк ҳам бениҳоя маъсум туюларди. (*П.Қ.*) 4. Ўқишда, меҳнатда, фанда, халққа астойдил хизмат қилишда ўз бахтингни топасан.

5. Бўрининг қорни тўйди,

Гўшт ҳам тегди жонига.

Эчки, қуён, от, қўйни

Чақирди у ёнига.

(Э.В.)

247-машқ. Уюшиқ бўлақларни топинг. Гапнинг қайси бўлақлари уюшганлигини айтинг. Беҳининг шифобахш хосиятларидан фойдаланишни билиб олинг.

БЕҲИ

Беҳи – атиргулдошлар оиласига мансуб, бўйи 12 м гача борадиган сершоҳ дарахт.

Халқ табобатчилигида беҳи мевасининг шарбати билан астма, юрак, сариқ, ҳиқичоқ, қорин оғриғи, дизентерия касалликларини даволашган. Бундан ташқари, беҳидан дармонсизлик, камқонлик, йўтал, меъда, жигар ва буйрак касалликларини даволашда ҳам фойдаланилган.

Абу Али ибн Сино беҳи мевасидан тайёрланган дамламани дизентерия, йўғон ичакнинг яллиғланишини даволашда, беҳи шираси билан астма, қон тупуриш ва қайт қилишни тўхтатишда, чанқоқ ҳамда мия оғриғини қолдиришда ишлатган. Беҳи уруғи асосида дори-дармонлар тайёрлаб, ўпка ва нафас йўли касалликларини даволаган.

(Эшик.)

248-машқ. Уюшиқ бўлақларни топинг. Уларнинг санаш оҳанги билан айтилишига эътибор бериб, ўқинг. Қандай бўлақлар уюшиб келаётганини айтинг. Матн мазмунидан хулоса чиқаринг.

ОДАМИЙЛИК

Энг муҳими одобли бўл, қолган ишлар ўз-ўзидан юришиб кетади, дейди устозлар. Дарҳақиқат, ҳамма нарса одобдан бошланади. Одобли, хушхулқ, хуштабиат одам ҳамини ҳурматга сазовор. Одоб, ҳурмат, тавозе самимий бўлмоғи керак. Одамийлик кишида ёшлигидан шаклланиши лозим.

Ҳалолу поклик, камтаринлик, виждон софлиги, самимийлик, ҳақгўйлик, сахийлик, фидойилик каби хислатларнинг ривожланиб боришини ҳақиқий одамийлик десак бўлади. Ўзимиздан пешқадамларга, устозларга, донишмандларга эътиқоднинг бўлиши, ота-онага, она табиатга, инсонга меҳр-муҳаббат билан қараш ҳам одамийликнинг энг муҳим белгилари ҳисобланади. *(Журн.)*

249-машқ. Матни ўқинг. Уюшиқ бўлакли гапларни кўчириб ёзинг. Қайси бўлаklar уюшганлигини аниқлаб, тагига чизинг ва ифодаланишига диққат қилинг.

КАМТАРИНЛИК

Камтарин киши ҳеч мақтанмайди, ютуғидан ғурурланмайди. Ҳамиша содда, камгап, хоксор юради. Камтарин инсон мансабини, ютуғини кўз-кўз қилмайди. Энг катта ютуқларга эришганда ҳам, шунчаки эл қатори вазифамни адо этдим, деб ўйлайди.

Сохта камтаринлик ҳам одобсизликка киради. Лекин табиат бу ноёб неъматини ҳаммага ҳам инъом этавермайди.

Инсоний фазилатлар ичида камтаринлик, самимият энг бебаҳо хислатлардир. Ҳаётда сохта самимийликка интилганларни кўп кўрдик, лекин унга эришганлари кам бўлди. Самимиятни сунистеъмом қилмоқчи бўлганлар тезда фош бўлиб, шармадаси чиқди. Демак, самимиятга чин ихлос билан ёндошгандагина тўлақонли инсон даражасига етиш насиб этар экан. *(“Одобнома”)*

250-машқ. Матни ўқинг. Уюшиқ бўлакли гапларни кўчириб, уюшиқ бўлаklarнинг тагига чизинг. Қандай бўлаklar уюшаётганини айтинг. Тиниш белгиларининг қўйилиш сабабларини изоҳланг.

ГУЛ САЙИЛЛАРИ

Гул – табиатнинг энг гўзал мўъжизаси. У ҳаётнинг кўрки, шодлик манбаи. Гул билан учрашиш бу гўзаллик билан учрашиш демакдир. Гўзаллик билан учрашиш эса – хурсандчилик, бахтиёрликдир.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, дунёдаги барча халқларда ҳам табиатнинг энг гўзал инъоми гул – гўзаллик, дўстлик, муҳаббат рамзини билдиради. Гулни кўпгина халқлар “Гўзаллик маликаси” дейишади. Инсоният байрамларининг ҳеч бири гулсиз ўтмайди. Бироқ табиат мўъжизаси бўлмиш гулга бағишланган махсус байрамлар сони ҳам оз эмас. Бу урф-одат деярли барча халқларда бор.

Жумладан, гўзалликни нозик ҳис қиладиган Марказий Осиё халқларида ҳам гулга бағишланган анъаналар, сайиллар мавжуд.

Халқимиз гул сайилларини – “Лола сайли”, “Сунбула сайли”, “Қизил гул сайли” каби номлар билан нишонлаб келадилар. (Журн.)

251-машқ. Нуқталар ўрнига уюшиқ бўлақлар ва зарур тиниш белгилари қўйиб кўчиринг. Гапнинг қайси бўлақлари уюшганини аниқлаб, тагига чизинг.

1. мустақил сўз туркумлариدير.
2. ёрдамчи сўз туркумлари ҳисобланади.
3. гапнинг бош бўлақлариدير.
4. гапнинг иккинчи даражали бўлақлариدير.
5. Бир бош бўлақли гапнинг каби турлари бор.
6. Ҳолнинг турлари бор.

252-машқ. Газета ва журналлардан уюшиқ бўлақли гапга олтига мисол топиб ёзинг. Уюшиқ бўлақлар қайси бўлақка тобеланиб боғланаётганини изоҳланг.

45-§. БОҒЛОВЧИСИЗ ВА ТЕНГ БОҒЛОВЧИЛАР БИЛАН БОҒДАНГАН УЮШИҚ БЎЛАҚЛАР

Уюшиқ бўлақлар ўзаро икки хил йўл билан боғланади:

- 1) боғловчисиз, санаш оҳанги ёрдамида;
- 2) боғловчи воситалар ёрдамида.

Уюшиқ бўлақлар ўзаро боғловчисиз, санаш оҳанги ёрдамида боғланганда, ҳар қайси бўлақ бир, икки, уч каби оҳанг билан талаффуз қилинади ва оҳангда биридан сўнг иккинчисининг айтилишига ишора сезилиб туради, оҳанг тугаллиги саналаётган уюшиқ бўлақлар охирида бўлади. Ёзувда саналаётган бўлақлар бир-биридан вергул билан ажратилади. Масалан: *Барпи Алиқулов, Чингиз Айтматов, Эркин Воҳидов, Алиқул Осмонов,*

Абдулла Орипов, Шавкат Раҳмон асарларини севиб ўқиймиз.

Боғловчилар ёрдами билан боғланган уюшиқ бўлақларда қуйидаги боғловчилар ишлатилади:

1. Тенг боғловчилар:

а) бириктирувчи боғловчилар (*ва, билан, ҳамда*);

б) зидлов боғловчилар (*аммо, лекин, бироқ*);

в) айирув боғловчилари (*ё, ёки, гоҳ... баъзан...*).

Масалан: Атиргул бидан оловгул кузининг биринчи изғиринларини писанд қилмайди. Қизнинг баланд, аммо ширали овози бор эди. Холпош хола гоҳ у келинига, гоҳ бу келинига талмовсираб қаради. (*Ў.Ҳ.*)

2. Боғловчи вазифасидаги юкламалар:

а) бириктирув ва зидлов боғловчилари ўрнида қўлланувчи *-у, (-ю), -да* юкламалари;

б) инкор юкламаси *на... на...*

Масалан: *Козимбек ўридан турди, зинанинг бошига борди-ю, тушмади. (А.Қ.) Кимсанди на хат бор, на хабар. (Ў.Ҳ.)*

253-машқ. Ўқинг. Уюшиқ бўлақларни топиб, уларни боғлаётган воситаларни изоҳланг.

1. Иқбол Мирзо шеъринида нафислик ва нафосат, эзгулик ва қабоҳат, яхшилик ва жаҳолат ёнма-ён келади. (*Қ. Йўлдошев*)

2. Шаҳзода унинг истиқболига чиқиб, эҳтиром билан салом берди

ва олтин курсига таклиф қилди. (*О. Ё.*)

3. Буни Амир Темур ҳам, мунажжим ҳам яхши биларди.

4. Тун билан кун, ўт билан сув бир-бирига золимдир. (*Э. В.*)

5. У энди севикли қизининг кўз ёшларини тиндириш учун фақат насиҳат қилади, юпатади. (*А.Қ.*)

б. Одам умри ўхшаб кетар йилнинг фаслига,

У ҳам гуллар, мева боғлар ва бўлар хазон. (*Б. Б.*)

254-машқ. Нукталар ўрнига гапнинг мазмунига мос равишда зарур боғловчи воситаларни ва тиниш белгиларини қўйиб гапларни кўчиринг.

1. Янги қурилган майдон ўзининг кўркамлиги ... улуғворлиги билан бутун шаҳарга ҳусн киритган эди. (*П.Қ.*)

2. Отабек ота-онасига бир қараб олди ... жавоб бермади. (*А.Қод.*)

3. Айвонда

бувим ... онам чой ичиб ўтиришибди. 4. Йингит биларди ... айтмади. 5. Саида ... афсусланиб ... куйиб ... кулиб гапириб берди. (А.Қ.) 6. Ойим бир сесканди ... кўзини очмади. (Ў.Ҳ.) 7. Йилқилар ..., қўй сурувлари ..., узоқдаги қорли тоғлардан Ўшга қараб келмоқда эди. (П.Қ.)

255-машқ. Ўқинг. Уюшиқ бўлақларнинг боғланиши ва тиниш белгиларининг нима учун қўйилганини айтиб беринг.

1. Бобур гўзал ўймакорликларга, девор ва шифт безакларига бир-бир кўз ташлаб чиқди-да, хужранинг эшигини очди. 2. Онаси билан опасига йўл бериб, кейин ўзи ичкарига кирди. (П.Қ.) 3. Унинг келганини на Қурбон ота, на Сиддиқжон пайқади. (А.Қ.) 4. Ойгул билан қул Тарлон бўлдилар йўлга равон. (Ҳ.О.) 5. Эрталабги ҳаво салқин, лекин ёқимли. 6. Равшан атрофга олазарак аланглади-ю, қизлар бир-бирига маъноли қараб қўйишаётганини кўриб қулоғига қизариб кетди. (Ў.Ҳ.) 7. Бола ночор аҳволда ўзини гоҳ иссиққа, гоҳ совуққа отарди. (Ҷ.А.) 8. Бугун Нигора ёки Нодира навбатчилик қилади. 9. Арава касалхонанинг олдида турар, лекин унда на Саломатхонни кўриш мумкин, на қизларни. (О.Ё.) 10. Сабзавот, полиз экинлари, резавор мевалар, гиёҳлар ва зираворлар таркибида одам организми учун зарур бўлган оксил, углевод, ёғ, витамин, минерал тузлар ва яна бир қанча саломатлик учун фойдали моддалар бор. (Журн.)

256-машқ. Ўқинг. Уюшиқ бўлақли гапларни намунадагидек гуруҳларга ажратиб кўчиринг. Боғловчи воситаларнинг таъниги чизинг.

Намуна:

1. Боғловчисиз, санаш оҳанги ёрдамида: *Бу йингит ўзи оққўнгил, хушчақчақ.* (Ў.Ҳ.)

2. Теинг боғловчилар ёрдамида: *Омборхонада Эрон ҳамда Бухоро гиламларининг тахи бузилмай турибди.* (Т.Қ.)

3. Боғловчи вазифасидаги юкламалар ёрдамида: *Бобур бу хабарни эшитди-ю, ёзишдан тўхтади.* (П.Қ.)

1. Буларда на касбига меҳр бор, на эътиқод! (Ў.Х.)
2. Султон Аҳмад Танбал ҳам, унинг отлиқ аскарлари ҳам Бобурдан мақтов ва мукофот кутмоқда эдилар. (П.Қ.)
3. Чор атроф – тоғ, қоя, ўрмон. (Ч.А.)
4. Яхшилик билан ҳам сўрашди, ёмонлик билан ҳам сўроқ қилишди. (Т.М.)
5. Сенга тенгдош Помиру оқсоч Тиёншон, ўзбегим. (Э.В.)
6. Теракларга тикилиб у яна бир нарса айтгиси келди-ю, лекин ниятидан қайтди. (Ч.А.)
7. Беш-ўн қадамлик масофада оддий меъмор билан малика орасидаги фарқ гўё йўқолиб кетди. Улар бир-бирларига фақат забардаст йигиту гўзал қиз бўлиб туюлдилар. (П.Қ.)
8. Бу ишлар унинг хўрлигини келтирди-да, бошига тушган қора кун дастидан йиғлади. (Мирм.)

257-машқ. Ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сўздан кейин гап мазмунига мос равишда сўзлар келтириб, уюшиқ бўлакли гаплар ҳосил қилинг. Уюшиқ бўлақлар қайси гап бўлаги вазифасида эканини аниқланг.

1. Ҳар бир ишда **чидамли** бўлиш зарур.
2. **Одобли** фарзанд ота-онага раҳмат олиб келади.
3. Танаффус вақтида ўқувчилар **дам оладилар**.
4. Анжуманга **ўқитувчилар** қатнашдилар.
5. **Сулаймон тоғи** Ўш шаҳрининг кўркидир.
6. Назира **шошилиб** гапирди.
7. Она тили дарсида машқни **кўчириб ёзди**.
8. Кутубхонадаги **китобларни** тартибга келтирдик.
9. **Эрталаб** оиламиз бир дастурхон атрофида жамулжам бўлади.

258-машқ. Адабиёт дарслигинингиздан уюшиқ бўлакли гапларга 4 та мисол ёзинг. Боғловчи воситаларнинг таънига чизинг.

46-§ УЮШИҚ ВА УЮШМАГАН АНИҚЛОВЧИЛАР

Аниқловчилар уюшиқ ва уюшмаган бўлиши мумкин:

1. *Синф фаоллари деворий газета чиқариш учун қизил, қора, кўк ва яшил бўёқлар олиб келишди.*

2. *Болалар синф раҳбарининг ва биология ўқитувчисининг берган топшириқларини астойдил бажардилар.*

Бу гапларнинг 1-сидаги сифатловчи-аниқловчилар (*қизил, қора, кўк, яшил*), 2-сидаги қаратқич-аниқлов-

чилар (*синф раҳбарининг, биология ўқитувчисининг*) уюшиқ бўлак бўлиб, санаш оҳанги билан айтилади, бундай аниқловчиларни ўзаро ва боғловчиси билан боғлаш мумкин: *кўк ва яшил бўёқ*. Бундай бўлакларнинг орасида боғловчи бўлмаса, ёзувда вергул қўйилади.

Машина катта текис йўлга чиқиб олди. Бу гапдаги сифатловчи-аниқловчилар (*катта текис*) уюшиқ бўлак эмас, улар санаш оҳанги билан айтилмайди, ёзувда бундай аниқловчиларнинг орасига вергул қўйилмайди. Уюшмаган сифатловчи-аниқловчилар сифатланмишнинг турли томонига онд белгиларни англади: *Отам бозордан катта қора қўй сотиб олди*. (*катта* – ҳажм-шакл, *қора* – ранг-тус белгиси) Айрим уюшмаган сифатловчи-аниқловчилар санаш оҳанги билан айтилса, улар уюшиқ сифатловчи-аниқловчига айланиб, гапнинг мазмуни ва тузилиши ўзгариб кетади. Масалан: *Мактабда кекса тажрибали ўқитувчи кўп*. Бу гапдаги *кекса тажрибали* сифатловчи-аниқловчилари уюшиқ эмас ўқитувчининг икки хил белгиси, яъни *кекса* ва *тажрибали* эканлигини ифодалаяпти. *Мактабда кекса, тажрибали ўқитувчилар кўп* гапи эса оҳанг жиҳатдан аввалги гапдан фарқ қилади, *кекса* ва *тажрибали* сифатловчи-аниқловчилари уюшиқ бўлиб, ёзувда уларнинг орасига вергул қўйилади (*ёки* ва боғловчисини ишлатиш ҳам мумкин), 2-жумладан мактабда *кекса* ҳамда ёшидан қатъи назар, бошқа *тажрибали* ўқитувчилар кўплиги англашилади.

259-машқ. Аниқловчиларни топиб, уюшган ва уюшмаган аниқловчилигини айтинг. Уюшиқ аниқловчиларнинг ифодаланишига диққат қилинг.

1. Эшик очилиб, баланд бўйли, қирра бурун, кўзлари думалоқ, қошлари қалин, катта соқолли одам кўриниб салом берди. (*Т.М.*) 2. Кеннойим ўзи бадфеъл, қўпол аёл эди. (*Ч.А.*) 3. Юзлари офтобда қорайган, норғил гавдали, қошлари қалин Рустам ака дарров болаларни ишга солди. (*Ў.Ҳ.*) 4. У ҳаминша ўрдага борадиган бўлса, гулдор, ҳошияли қизил кимхоб чопонини, понсотдик белгиси тақилган оқ шойи бўркини

кийиб оларди. (Т.Қ.) 5. Тўрт деразали катта, ёруғ хонада йигирма чоғли студент янги тарих ўқитувчисининг кеч келишини билиб, столлар атрофида тўп-тўп бўлиб гаплашмоқда. (П.Қ.) 6. Нигора китоб жавонидаги ҳамма китобларнинг ва журналларнинг муқоваларини бир-бир артиб, яна жойига тахлаб қўйди.

260-машқ. Ўқинг. Аввал уюшиқ аниқловчили гапларни, кейин уюшмаган аниқловчили гапларни кўчиринг.

1. У сочи оқара бошлаган, лекин қадди-қомати йигитларникидек хипча, бўйи ўртадан тикроқ киши эди. Лекцияга доим тоза, қимматбаҳо кийимлар кийиб келарди. (П.Қ.) 2. Камтар, кўзлари шўх, қирқ ёшлар чамасидаги шоир Туробий дўстларини суюниб қарши олди. 3. Кумушбиби савсар гулли қора атлас кўйлагини кийиб, бошига зангори шоҳи рўмолини солди ва марварид кўзли кичкина олтин ҳалқани қутидан олиб қулоғига тақди. (А.Қод.) 4. Соч-соқоли қордай оппоқ чол одамларга нурсиз кўзларини тикиб, қартайган арслондай ўтирибди. (Т.Қ.) 5. Нилий гумбазли жажжи бино кўклам қуёшида шундай нафис жилоланиб кўринди. (П.Қ.) 6. Атрофда туман билан қопланган нам, сокин ва ҳорғин чўл ястаниб ётарди. (Ч.А.) 7. Шаҳримизда кўп қаватли иморатлар қурилмоқда. 8. Кеча биз янги ҳинд фильмининг томоша қилдик.

261-машқ. Ўзингиз ёқтирган адиб исмини бўйича ёки ўқиган бадиий асарингиз юзасидан матн ёзинг. Унда уюшиқ ва уюшмаган аниқловчилар иштирок этган бўлсин.

Уюшиқ бўлакли гапларда уюшувчи бўлақларнинг мазмунини умумлаштирувчи сўз ҳам ишлатилади. Умумлаштирувчи сўз уюшиқ бўлақлардан олдин ёки кейин келиши мумкин. Умумлаштирувчи сўз ҳам уюшиқ бўлақлар учун берилган сўроққа жавоб бўлади. Умумлаштирувчи сўз кўпинча жамловчи от, белгилаш, кўрсатиш олмошлари билан ифодаланади. Масалан: *Қуёш, ҳаво, сув – ҳаммаси бизнинг энг қадрли дўстимиз. Боғнинг турли жойларида ҳар хил мевали дарахтлар: нок, ўрик, жийда ва ҳоказо анчагина. (О.)*

Умумлаштирувчи сўз бирикма ҳолида ҳам келади: *Кексалар, эркалар, хотин-қизлар ва ўспиринлар – бутун халқ ҳаракатга келган. (Ҳ.Ғ.) Кишилар, хотинлар, болалар – китоб олувчилар вагон бўйлаб чопдилар. (Ғ.Ғ.)*

262-машқ. Ўқинг. Умумлаштирувчи бўлақларни топинг, ифодаланишини изоҳланг.

I

1. Саройнинг раққосалари гуруҳ-гуруҳ бўлиб турлича – туркона, ҳинд, араб, эрон рақсларини ижро этишди. (О.)
2. Уйдаги мебеллар: диван, шкаф, стол ва стуллар жуда зич қўйилган эди. 3. Ўтовда биз уч киши – Абубакир, Садабек ва мен қолдик. (Ҷ.А.) 4. Ул зот ҳам ўзбек адабиётимиз алломалари: Абдулла Қодирий, Фафур Фулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзодалар каби халқона ижод соҳиби эди. (Журн.)

II

1. Талабалар ҳамма нарсани: овқатларини ҳам, китобларини ҳам шу ерда сақлашар экан. 2. Ҳеч қаерда йўқ: на ер, на кўкда. (Ш.) 3. Мактаб ҳовлисида турли гуллар – чиннигул, атиргул ва гулсафсарлар барқ уриб ўсарди. 4. Фарзандлар оталаридан уч нарсани: садоқат, хушмуомалалик, одобни мерос қилиб олишлари шарт. (Ҳ.)

263-машқ. Кўчиринг. Умумлаштирувчи бўлакни топиб, қайси гап бўлаги вазифасида эканини, нима билан ифодаланганини айтинг. Уюшиқ ва умумлаштирувчи бўлакнинг тагига чизинг.

1. Хаёл ва ташвиш билан ўтган шу кунлар унинг қадам олишидан тортиб, нигоҳ ташлашигача – ҳаммасига ўз тамғасини босган. *(Ш.)* 2. Борсам, Яшин домла, Ҳамид Фулом, Асқад Мухтор, Одил Ёқубов, Матёқуб Қўшжонов – жами ўндан ортиқ таниқли ёзувчи ва адабиётшунослар йиғилишибди. *(П.Қ.)* 3. На муаттар чаманзорлар, на муҳташам кўшлар, на кумушланган ҳовузлар, на чиройли қафасдаги қушлар – ҳеч нима уни қизиқтирмади. *(О.)* 4. Ёшларни ижтимоий фанларга: тилшунослик, тарих, сиёсий иқтисод, фалсафа, мантиқ каби фанларга қизиқишларини кучайтириш зарур.

264-машқ. Уюшиқ ва умумлаштирувчи бўлакларни топинг, туширилган тиниш белгиларини қўйиб кўчиринг.

1. Маҳалла оқсоқоллари Умрзоқ хожи ота Жўрабой тоға Карим ака ёшларга оқ фотиҳа бердилар. 2. Навоийга олимлар шоирлар мансабдорлар деҳқонлар фақир талабалар мусофирлар навкарлар ҳаммаси ёрдам нажот учун мурожаат қилган. *(О.)* 3. Ҳар дарахт ҳар чечак ҳар гиёҳ жонли кўзи тўрт бўлиб уни кузатиб тургандек. *(Ш.)* 4. Чироқлар беҳисоб шамлар ёруғида унинг заррин ҳарир либоси товланарди.

265-машқ. Зарур тиниш белгиларини қўйиб кўчиринг. Уюшиқ ва умумлаштирувчи бўлакларнинг тагига чизинг.

1. Ўзи яшаб турган тоғлар ҳақида ўша харсанг тошлар ҳақида дарё ва ноёб ўрмон ҳақида сўзлайди. 2. Барча паст-баландликлар қиру сойлар чор атрофдаги ҳамма нарса бир-бирига ўхшарди. *(Ч.А.)* 3. Бу шаҳар ҳаммага самарқандлик бағдодлик мисрлик ҳиндистонлик ва хитойлик сайёҳларга манзур бўлди. 4. Илм-таҳсил ювош тинч сабр-қаноатли одамларнинг иши. *(О.)* 5. Эртасига индинига бир ҳафтагача уни шу боғдан излади топмади кўча-кўйини кузатиб борди учратмади. *(Ш.)*

266-машқ. Кўчиринг. Гапларни гап бўлаклари юзасидан синтактик таҳлил қилинг.

1. Саллага қимматбаҳо тошлар, йирик дурлар ва гавҳарлар жуда моҳирона қадалган. (О.) 2. Унинг ғазабини ҳам, хурсандлигини ҳам пайқаб бўлмасди. (Мирм.) 3. Бу ўсимликлар уларни ўраб олган сувда ўсади, нафас олади ва озуқа топади. (Журн.) 4. Бу илиқ қўллар Қоратой учун ғоят яқин, ғоят ёқимли туюларди. (Ч.А.)

267-машқ. Умумлаштирувчи бўлак қатнашган тўртта уюшиқ бўлакли гап тузиб, дафтарингизга ёзинг. Тиниш белгиларининг қўйилиш сабабини тушунтиринг.

48-§. УЮШИҚ БЎЛАКЛИ ГАПЛАРДА ТИНИШ БЕЛГИЛАРИНИНГ ИШЛАТИЛИШИ

Уюшиқ бўлакли гапларда вергул, нуқтали вергул, икки нуқта ва тире ишлатилади.

Вергул ва нуқтали вергул уюшиқ бўлакларда қуйидаги ўринларда ишлатилади:

1. Саваш оҳанги билан бириккан уюшиқ бўлаклар ўзаро ажратилади: *Ярим тунда Бобур, Қосимбек, Қутлуғ Нигор хоним, Ойиша бегим Шайхзода дарвозасига йиғилдилар.* (П.Қ.)

2. Уюшиқ бўлакларни ўзаро боғлаб келган зидловчи боғловчилардан олдин: *Бу нўписадан табибнинг ғазоби қайнади, лекин сукут сақлади.* (Т.М.)

3. Такрорланувчи боғловчилар ёрдамида боғланган уюшиқ бўлаклар орасида: *Қоронғида соялар ажабтовур шакллари эслатиб, гоҳ узайиб, гоҳ қисқарарди.* (Т.Қ.)

4. Уюшган бўлаклар оҳанг орқали, ва, билан боғловчилари воситасида жуфт-жуфт бўлиб келса, жуфтликлар бир-биридан нуқтали вергул билан ажратилади: *Боёда шафтоли ва олма; қовун ва тарвузлар тишиб ётибди.*

Икки нуқта ва тире қуйидаги ўринларда ишлатилади:

1. Умумлаштирувчи сўз уюшиқ бўлаклардан олдин келганда, умумлаштирувчи сўздан кейин икки нуқта

қўйилади: *Уни ҳеч нарса: на дўқ, на қўрқитиш, на ёлвориш дарахт устидан тушира олмади. ("Ч.")*

2. Умумлаштирувчи сўз уюшиқ бўлақлардан кейин келганда, умумлаштирувчи сўздан олдин тире қўйилади: *Шу болани менга беришса эди, қоронғу туилардан ҳам, даҳшатли момогулдуракдан ҳам, очарчиликдан ҳам – ҳеч нарсадан қўрқмас эдим. ("Ч.")*

268-машқ. Ўқинг. Тиниш белгиларининг қўйилиш сабабини изоҳланг.

1. Осмонда, дарахтларда, томларда – ҳамма ерда чумчуқлар чирқиллашади. (*М. И.*) 2. Шавкат Раҳмон ўзбекнинг ажойиб фарзанди: энг танти, энг мард, энг жайдари шоири эди. (*Х. Даврон*) 3. Ҳаёт, ўлим, муҳаббат, шафқат ва илҳом – ҳаммасини мусиқа айтади. (*Ч.А.*) 4. Бизнинг айтган гапимиз, қилган ишимиз, юриш-туришимиз – барчаси хулқимизнинг белгиларидир.

269-машқ. Туширилган тиниш белгиларини қўйиб, гапларни кўчиринг. Уюшиқ бўлақларга бир чизиқ, умумлаштирувчи бўлақка икки чизиқ чизинг.

1. Атрофни қуршаган тоғлар қирлар дарахтлар ҳамма нарса баҳор ҳавосига чўмилгандек тиниқ ям-яшил кўринарди. 2. Дарсни икковлари Дилноза, Нодира бирга тайёрлашди. 3. Ҳамма нарса уйлар деворлар дарахтлар қоронғиликка жимгина чўкди. (*О.*) 4. Қатор-қатор тоғлар яшил қамиш-зорлар зилол кўллар ҳаммаси қуёшга интилаётгандай эди. ("*Ч.*") 5. Катта-кичик ҳамма шанбаликда қатнашди.

270-машқ. Ўқинг. Бош бўлақлари уюшиб келган гапларни кўчиринг. Тиниш белгиларининг қўйилиш сабабини тушунтиринг.

1. Ғала-ғовур, оёқ шарпаси эшитилди. (*Ч.А.*) 2. Ширин гапирди, далда берди... (*Ш.*) 3. Йиғилишларда қасидачилар, ғазалчилар, муаммо устодлари ўз асарларини ёки ўзгаларнинг янги асарларини ўқишар, баҳслашардилар. (*О.*) 4. Қийналарди, ёнарди, изтироб чекарди, балки ёлворарди – бошқа нима ҳам қила оларди. (*Ш.*) 5. Сувонқул иккаламиз анча йил

бирга умр кечириб, турмушнинг аччиқ-чучугини бирга тотиб қолдик, бола-чақали бўлдик, муродимизга етдик. (Ч.А.)
6. Жуда аҳил, бир-бирига меҳрибон, сахий. (Ш.) 7. Ўнлаб янги ғазаллар, қитъалар эшитди. (О.)

271-машқ. Ўқинг. Иккинчи даражали бўлаклари уюшиб келган гапларни кўчиринг. Тиниш белгиларининг қўйилиш сабабини тушунтиринг.

1. Орзу-истагим, қувончларимни ифода эта оладиган ноёб сўзлар қидириб бошим қотди. (Ч.А.) 2. Марат дадасиникига ўхшаган кўзларини жавдиратиб гоҳ бувисига, гоҳ аясига қаради. (Ш.) 3. Устозларимиз Чўлпон, Қодирий, Фитратлар истиқлол орзусида яшадилар. (Газ.) 4. Йўлнинг икки томонидаги ҳамма уйлар ва дўконлар, боғ деворлари нуқул шунақа матоларга бурканган эди. (О.) 5. Сўнг бургутлар ўз инлари тепасида узоқ айланишиб, гоҳ қувонч билан, гоҳ ғазаб билан, гоҳ эса ачиниш билан анча вақтгача қурқулашиб айланишиб учиб юришади. (Ч.А.)

272-машқ. Ўқинг. Гапнинг қайси бўлаклари уюшиб келганини аниқлаб тагига чизинг. Уларнинг ўзаро боғланишига диққат қилинг.

Баҳор кўеши кўкнинг тиниқ ферузасида Ҳиротнинг Гавҳаршод мадрасасининг ҳайбатли гумбази устида порлар, гумбазнинг азамат пештоқларининг нақшлари шуълаларда жонли, ҳавоний бир чаманзор каби турли-туман олов ранглар чақнатар, кабутарлар дам учиб, дам сирпаниб қўниб, гумбаз теварагида қувонч билан иноқ ўйнашар эди. Бир томони хонақоҳ, уч томони катакча-ҳужралар билан ўралган мадрасанинг кенг, текис, чорбурчак саҳнидан кеча шовдираб ўтган ёмғир кўзга илинар-илинмас буғ бўлиб ҳавога кўтарилмоқда эди. (О.)

273-машқ. Қуйидаги тест саволларининг тўғри жавобини белгиланг.

1. Мисолларнинг қайси бирида уюшиқ бўлакли гап берилган?

- А. Мен даредан кейин ота-оналар кенгашининг йиғилишида бўлдим.
Б. Эшикдан ўрта ёшли, тўладан келган, буғдой ранг аёл кириб келди.

- В. Қаландаров Саиданинг ўз ҳолига ташлаб қўйди.
- Г. Навоий баъзиларга тўн кийдирди, қолганларига пул ҳадя қилди.
- Д. Дарахт япроқлари ой билан саломлашгандек майини шитирлайди.

2. Жавобларнинг қайси бирида эгалар уюшиб келган?

- А. Йўлда баъзан оқ, пушти, сариқ ва қизил гуллар учрайди.
- Б. Сой бўйидаги тошлардан, ҳар хил гиёҳлардан намуналар олишди.
- В. Тепадан унга таниш кўчалар, уйлар, далалар кўриниб турарди.
- Г. Муяссар юраги гурс-гурс уриб, беихтиёр қадамини секинлатди.
- Д. Мамлакат қудратига нутур етказиш – оғир гуноҳ, хоинликдир!

3. Жавобларнинг қайси бирида уюшиқ бўлақлар бириктирув боғловчилар ёрдами билан боғланган?

- А. Атиргуллар, картошкагул кузнинг изғиринларини писанд қилмайди.
- Б. Саёҳатга ва экскурсияга чиқишнинг гашти бор.
- В. Тепаликлар бўйлаб дам баландга чиқамиз, дам пастга тушамиз.
- Г. Баъзан ойим, баъзан бувим билан аравага тушиб Ўшга борардик.
- Д. Уни мироблар, ишбошилар, мулозимлар қуршаб олдилар.

4. Қайси жавобда уюшиқ бўлақлар умумлаштирувчи сўз билан қўлланган?

- А. Меҳмонлар мактаб боғига мевали дарахт ўтқазилди.
- Б. Атрофни қуршаган тоғлар, қирлар, дарахтлар, тоғлар – ҳамма нарса баҳор ҳавосига чўмилгандек тиниқ, ям-яшил кўринарди.
- В. Кунлардан бирида она-бола яна ўша қишлоққа бориб қолдилар.
- Г. Аммо шоирнинг ҳаёли ҳамон паришон, кўнгли алағда эди.
- Д. Аҳиллик, меҳру муҳаббатга нима етсин!

5. Қайси жавобда тўлдирувчи уюшиб келган?

- А. Ҳар нарсанинг ўз ҳаёти, ўз ҳусни, ўз камолоти бор.
- Б. Қодир на ҳавонинг дамини, на вақтнинг ўтганини биларди.
- В. Содиқ гоҳ атрофга жавдирар, гоҳ бир нуқтага тикилиб қоларди.
- Г. У зийраклик ва қувлик билан атрофга кўз ташлади.
- Д. Майли, истаганларича текширишсин, кузатишсин!

6. Қайси жавобда аниқловчи уюшиб келган?

- А. Сардор бир даста ошпоқ атиргул келтирди.
- Б. Отам бозордан катта қора қўчқор қўйни етаклаб келди.
- В. Муаллимнинг ҳар бир сўзи мен учун муқаддас, табаррук эди.
- Г. Мен кунларнинг, соатларнинг, йилларнинг мазмуни шеърга кўчишни истайман.
- Д. Деҳқонлар ерга дил кўрини, биллак кучини бахш этдилар.

49-§. ГАПНИНГ АЖРАТИЛГАН БЎЛАКЛАРИ
ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Нутқда ўзидан олдинги бўлакни изоҳлаган бўлакли гаплар ҳам қўлланилади.

Ўзидан олдинги бўлакни изоҳлаган бўлак ажра-тилган бўлак дейилади. Масалан: *Биз, ҳозирги даврда яшаётган кишилар, табиат учун авлодлар олдида жавоб-гармиз.*

Гапнинг иккинчи даражали бўлаклари, баъзан бош бўлаклари ҳам ажратилган бўлак бўлиши мумкин: *Мен ишни мана шундан, яъни тушунтиришдан, бошлайман. (тўлдирувчи ажратилган) Мен – ёш талаба – одоб билан қўл қовуштириб кўришдим. (эга ажратилган) (П.Қ.)*

Оғзаки нутқда ажратилган бўлаklar товуш тўхтами билан, ёзма нутқда эса тиниш билан кўрсатилади:

1. Ажратилган бўлаklar кўпинча икки томонидан вергул билан ажратилади. Масалан: *Навбатчи ҳамшира, сочи оқ семиз хотин, Садбарнинг кечаси ҳам келганлигини эслатди. (Ас. М.)*

2. Ажратилган бўлаklarнинг ўз ичида вергул бўлса, бундай бўлаklar икки томонидан кўпинча тире билан ажратилади. Масалан: *Энди одамлар – отлиқ, пиёда, ёшқари – учрай бошлади. (О.)*

3. Бош келишикдаги кишилик олмошини изоҳлаган бўлаklarдан аввал тире, кейин вергул қўйилади: *Мен – Исроилова Фотима, Ўш шаҳридаги 21-мактабда ўқийман.*

274-машқ. Ўқинг. Ажратилган бўлаklarни аниқланг. Қандай бўлаklar ажратилганини изоҳланг. Ажратилган бўлаklarдаги оҳанг ва тартибга диққат қилинг.

1. Муҳаммад Али – соҳибқирон ва бошқа дўстларим ўз ерларига жўнадилар. (Мирм.) 2. Дўстим тўрт фандан имтиҳон топшириб бўлгач, бешинчи имтиҳон – кимёга келганда юраги бетламай турарди. 3. Қуёш ҳам беқарор бўлиб қолган эди –

гоҳ кўринади, гоҳ яширинади. (Ч.А.) 4. Чорраҳанинг – катта майдоннинг атрофида сон-саноксиз одамлар кўп. 5. Бу хабар кўпларни, шу жумладан, Маҳкамни ҳам, қувонтирди. 6. Канал бўйидаги соя-салқин чойхонада, автобус бекатида, Аъзамжон учраб қолди. (А.Қ.) 7. Саидахоннинг кўп шеърлари баҳорда, жийда гуллаган пайтда, ёзилган эди. (С.А.) 8. Бекей холам ўша ёққа, Сулаймон тоғига боришга жуда интизор. (Ч.А.)

275-машқ. Кўчиринг. Ажратилган бўлакли гапларда қўлланилган тиниш белгиларига диққат қилинг.

1. Бу ердан шаҳарнинг ажойиб азамат иншооти – Қалъаи Ихтиёриддин яққол кўринарди. (Мирм.) 2. Дала шийпонининг яқинидаги тепалик устида қадимий ёдгорлик – хотин кишининг ҳайкали турарди. (Ч.А.) 3. Йигит эрталаб, нонуштадан кейин узоқ вақт от билан овора бўлди – суғорди, хашак солди. (О.) 4. Карвон эгалари – Ироқу Шом савдогарлари башанг, яхши кийинган. (Мирм.) 5. Қуёш ботаётган маҳалда Манзура касалхонага – қизи ёнига шошилди. (Т.М.) 6. Лоақал, шу бола – Қайюмжон, бўлганда ҳам эди, биз бу йўсин оғир кунларга қолмасмидик. (А. Қ.)

276-машқ. Туширилган тиниш белгиларини қўйиб, гапларни кўчиринг. Қандай бўлаклар ажратилганини изоҳланг. 1-ва 3-гапларни гап бўлаклари юзасидан синтактик таҳлил қилинг.

1. Алишернинг Ҳиротга қайтганини илк эшитган чоғда кўнглида туғилган кучли орзу шоирни кўриш иштиёқи ҳозир унинг бутун борлигини қошлаб олди. (О.) 2. Мен раққосаи жаҳон Нигина бекамга бошингни олиб, мўғул йўқ томонга кет, дедим. (Мирм.) 3. У ерда оломон орасида бир неча суворий отлардан тушаётган эди. (Мирм.) 4. Шухратнинг ҳар шеърида қиссадан ҳисса яқун бўларди. 5. Асарнинг рўёбга чиқиши китобхонларга етиб бориши хийла мушкул кечди. (Журн.) 6. Музаффар Мирзо уларни меҳрибончилик билан тўрға кимхоб тўшакка ўтказди. (О.) 7. Ҳозир ўзи азоб чекиб турган пайтда ҳам «Мен қанча одамларни шундай азобларга гирифторм эрдим» деб ўйламади. (Т.М.)

Ўқинг. 1. Жаҳон китобхоналари қирғиз ёзувчиси – Чингиз Айтматовни яхши биладилар. 2. Улуғ бобокалонимиз Алишер Навоий мезони билан бошланадиган бу муҳташам даврада ўз муносиб ўрнини эгаллаган устоз Ойбек билан, давримизнинг атоқли адиби билан, замондош бўлганимиздан фахрланамиз.

Бу гаплардаги Чингиз Айтматовни, давримизнинг атоқли адиби билан ажратилган тўлдирувчилари гаптаги қайси тўлдирувчиларни изоҳлаяпти?

Ўзидан олдинги тўлдирувчини изоҳлаган бўлак ажратилган тўлдирувчи дейлади.

Ажратилган тўлдирувчилар ўзидан олдинги тўлдирувчи билан боғловчи вазифасида қўлланадиган *яни*, *шу жумладан*, *хусусан*, *айниқса* каби сўзлар билан ҳам қўлланади. Масалан: *Боланинг совуқ гапидан чўчиб тушган Кесакполвон ҳомийсига, хусусан, болалар уйининг зўрига югурди. (Т.М.)*

Эслатма: тўлдирувчи *ташқари*, *бошқа*, *ўрнига*, билан *бирга*, *бир қаторда* каби бирикмалар билан ифодаланганда ажратилади. Бундай ажратилган тўлдирувчилар ёзувда вергуллар билан кўрсатилади. Масалан: *Мактабимизда бичув-тикув тўғаридан ташқари, «Ёш ҳамшира» тўғараги ҳам мунтазам ишлаб туради.*

277-машқ. Ўқинг. Ажратилган тўлдирувчиларни аниқлаб, тиниш белгиларига диққат қилинг.

1. Она буғу бешикни – қайиндан ясалган кўнғироқчали бола бешигини бандидан кўтарганча шоҳида келтираётган эди. (Ч.А.) 2. Таниш овозларни – ёш, шўх шоирларнинг овозини эшитди. (О.) 3. Кимё дарсида ҳужайранинг ички тузилишини ўрганиш учун анча мураккаб асбобдан, микроскопдан, фойдаландик. 4. Бир жонкуяр, раҳмдил ясовул етти ёшли Ҳилолиддинни – Жалололиддин Мангубердиннинг ўғлини асраб қолмоқчи бўлди. (Қ. М.) 5. Унинг отасини, икки қаватли дўкон мудирини, ким билмас экан. (Т.М.)

278-машқ. Туширилган тиниш белгиларини қўйиб, гапларни кўчиринг. 4, 5 - гапларни гап бўлаклари юзасидан синтактик таҳлил қилинг.

1. Ойбек Йўлчини оддий халқ вакилини бош қаҳрамон сифатида тасвирлайди. (*Н.Каримов*) 2. Ҳар гал юзини ваҳший башарасини мўлжаллаб урмоқчи бўлардим. (*Ч.А.*) 3. Омил ҳаётида бир нарсага уйқуга ҳамиша содиқ қолган. (*Т.М.*) 4. Юсуфбек ҳожи ўтган воқеаларни яъни Отабек сирларини унга очмасликка қарор берган бўлди. (*А. Қод.*) 5. Эрталаб Султонмурод қалин оғир китобни «Жоме ул-фунун» ни шоҳи рўмолга ўраб, уйдан чиқди. (*О.*)

31.4. АЖРАТИЛГАН ҲОЛ ВА УНДА ТИНИШ БЕЛГИЛАРИНИНГ ИШЛАТИЛИШИ

Ўқинг.

<i>1. Қуёш шарқдан мўралаб чиқа бошлади.</i>	<i>1. Қуёш шарқдан, виқорли тоғлар орасидан, мўралаб чиқа бошлади.</i>
<i>2. Ёзда инглиз тилидан қўшимча дарс олмоқчиман.</i>	<i>2. Ёзда, таътил кунларида, инглиз тилидан қўшимча дарс олмоқчиман.</i>

Чап томондаги 1-гапдан ўрин ҳолини, 2-гапдан пайт ҳолини топинг. Ўнг томондаги гапларда шу ҳолларни изоҳлаш учун қайси сўзлар қўшилган? Уларнинг грамматик маъносини аниқланг.

Гапда ўзидан олдинги ҳолни изоҳлаган бўлак ажратилган ҳол дейилади. Нутқда баъзан пайт ва ўрин ҳоллари ажратилган ҳол билан бирга қўлланади. Масалан: *Узоқда, уфқ тепасида, қизил булутлар йиғила бошлади.* (*Ч. А.*)

279-машқ. Ўқинг. Қайси бўлаklar ажратилганини ва қайси сўзни изоҳлаб келганини айтинг, тиниш белгиларига эътибор беринг. Ажратилган ҳол қатнашган гапларни кўчиринг.

1. Биз, болалар, ариқ сувида нонни оқизоқ қилиб ейиш лаззатини яхши биламиз. (*О. Акрамов*) 2. Қобил бобонинг қўшниси – бурунсиз элликбоши кирди. (*А. Қ.*) 3. Ўрта Осиёда ёзда, айниқса, июль ойида ҳаво жуда иссиқ бўлади. 4. Пастда,

сой томонда вақти-вақти билан машина тириллаб қўяр эди. 5. Сўнгра атрофдагилар уни жойига – муздек бетон устига ётқизиб қўйдилар. (Т.М.) 6. Олдинда – қоронғиликда бешик қўнғироқчаси тинимсиз жирингларди. (Ч.А.) 7. У секин келиб, шам ёнига, Отабек қаршисига ўтирди. (А. Қод.) 8. Музаффар барлос билан Жаҳонгир барлос жанг ҳам ов – қуш ҳақида сўзлашарди. (О.)

280-машқ. Туширилган тиниш белгиларини қўйиб, гапларни кўчиринг. Ҳолнинг қайси тури ажратилганини қавс ичида кўрсатинг.

1. Канал бўйидаги соя-салқин чойхона яқинида автобус бекатида Аъзамжон учраб қолди. (А.Қ.) 2. Эртага мактабига Жилисойга боролмаса қандай бўлишини тасаввур қила олмасди. (Ч.А.) 3. Ҳозир Ҳосилбойваччага яқинлашар чоғида ҳам қайнотасининг режасидан беҳабар эди. (Т.М.) 4. Пастга оломон билан қайнаган катта гузарга кўз тикди.

281-машқ. Гапларни кўчиринг. Ҳолнинг қайси тури ажратилганини изоҳланг. 2-, 3-, 4- гапларни гап бўлаклари юзасидан синтактик таҳлил қилинг.

1. Томлари, деворлари хароб, ўнқир-чўнқир кўчага – ҳунармандлар маҳалласига қайрилиш билан Навоийнинг оти қулоқларини чимириб, четланиб тисланди. (О.) 2. Шариф буларни кейинроқ, қамоқнинг бир кишилик совуқ хонасида ётганида ўйлайди. 3. Унинг қўлидан ушлаб ичкарига, девонга, бошлади. (А. Қод.) 4. У барчани бир тарзда – қошларини чимирган ҳолда қабул қилар эди. (Т.М.) 5. Қишнинг ўрталарида, аёзли кунларнинг бирида раис аллақандай қоғозин олиб чопиб келди. (Ч.А.) 6. Осмоннинг бир бурчагида, уфққа яқин ерда, оқ булут парчаси турарди.

282-машқ. Остига чизилган бўлақдан кейин гап мазмунига мос сўзлар қўйиб ажратилган бўлақли гаплар ҳосил қилинг. Қандай бўлақ ажратилганини изоҳланг.

1. Қишлоқдан бир қир нарида ... Ҳулкар ўт ўрар эди.
2. Эрталаб ... илиқ, жонли, қизиқ суҳбат бошланиб кетди.

3. Унинг қаршисида ... Мирҳосилнинг сариқ дарвозаси ланг очиқ. 4. Замира айвонда ўтирганларни шу ердан ... кузатди.
5. Ҳар куни шаҳарнинг турли томонларига ... юк ташиди.

52-§. АЖРАТИЛГАН АНИҚЛОВЧИ ВА УНДА ТИНИШ БЕЛГИЛАРИНИНГ ИШЛАТИЛИШИ

Ўқинг.

1. Дунёда юртлар кўп – сўдим, улуғвор... (А. Аъзам)

2. Мусобақа ғолибларининг, Нафиса ва Маҳмуднинг номи фахр билан тилга олинди.

Ажратилиб кўрсатилган бўлақлар гапнинг қайси бўлақларини изоҳлаяпти?

Қуйидаги ҳолларда ажратилган аниқловчи қўлланилади:

1. Ўзидан олдинги қаратқич-аниқловчини изоҳлаган бўлақ ажратилган қаратқич-аниқловчи ҳисобланади. Масалан: *Сийрак дарахтли иккинчи бир тепаликда бир неча кишиларнинг, аёл ва эркаларнинг қораси кўринди.* (О.)

2. Сифатловчи-аниқловчи аниқланмишдан кейин келса, ажратилган сифатловчи-аниқловчи ҳисобланади. Масалан: *Кекса дарвозабон – оқ соқоли кўксини қоплаган – ёш шеригига эски жанглар ҳақида тамшаниб сўзлайди.* (О.)

283-машқ. Ўқинг. Ажратилган аниқловчиларни аниқлаб, уларнинг ифодаланиши ва тиниш белгиларига диққат қилинг.

1. Мен Ўшга келдим – гўзал, хушхаво. 2. Унинг – айғоқчининг Зўрга яқинлиги тасалли берарди. (Т.М.) 3. Ислом барлос – содда, дилобар – ов ва қуш илмининг пири эди. (О.) 4. Буни билиш қийин бўлса ҳам, бироқ унинг, Отабекнинг ҳозирги хатти -ҳаракатлари диққатни жалб этарли эди. (А.Қод.)

284-машқ. Гапларни кўчиринг. Ажратилган бўлак қайси сўзни изоҳлаб келганини айтинг. Тиниш белгиларининг ишлатилиш сабабини тушунтиринг.

1. Домланинг, Обид Юнусовичнинг, яхши насиҳатларини эшитиб ўтириб, бир воқеа эсимга тушиб кетди. (О.Ё.)
2. Тўғонбек подшоҳнинг севикли ўғли Музаффар Мирзонинг – ҳали ёш шаҳзоданинг – хос йиғитлари қаторига кириб олишга муваффақ бўлди. (О.) 3. Фаридунбойнинг холаси, ёши қайтган семиз хотин, бизни кутиб олди. (“Ч.”) 4. Манзура – истарали, хушсурат, вазмин – совчиларни ажаблантирди. (Т.М.) 5. Булутлар, қалин ва қоп-қора, осмонни тамоман эгаллаб олди. 6. Ҳар бир миллатнинг – каттами-кичикми, бари бир ўзига хос хусусиятлари бор. (Журн.) 7. Беванинг, айниқса, тирноққа зор беванинг ғамли оҳларига замину само қандай чидар экан? (Т.М.) 8. Бу пайтда жажжи шаҳар – Наманганнинг тили чучук қизлари жуда очилиб кетадилар. (Ш.)

285-машқ. Гапларни оҳангига риоя қилиб ўқинг. Гап жуфтликларини қийслаб, улар орасидаги фарқни айтинг.

1. Девқомат ва бақувват бир йиғит майдонга чиқди. // Бир йиғит, девқомат ва бақувват, майдонга чиқди. 2. Хонатлас кўйлак ва баланд пошна туфли кийган қиз ийманиб хонага кирди. // Қиз, хонатлас кўйлак ва баланд пошна туфли кийган, ийманиб хонага кирди. 3. Баланд бўйли, кенг яғринли йиғит Қиличбек кирди. (О.) // Қиличбек, баланд бўйли, кенг яғринли йиғит, кирди. 4. Ёш ва қувноқ қизлар дарров рақсга тушиб кетдилар. // Қизлар, ёш ва қувноқ, дарров рақсга тушиб кетдилар. 5. Эшик очилиб, бўсағада новча, бўйни ингичка, қулоқлари елпиғичдай бир йиғит пайдо бўлди. (А.Қ.) // Эшик очилиб, бўсағада бир йиғит – новча, бўйни ингичка, қулоқлари елпиғичдай – пайдо бўлди. 6. Яланг бош Фуломов толлар тагида айланиб юради. // Фуломов, яланг бош, толлар тагида айланиб юради.

286-машқ. Қуйидаги сўз бирикмалари иштирокида ажратилган бўлакли гаплар тузинг. Ҳосил бўлган гапларда қандай тиниш белгилари қўлланганлигини изоҳланг. Гапнинг қайси бўлаги ажратилганини қавс ичига ёзиб қўйинг.

Намуна: *Серҳашам хона*

Деворлари, устунлари наққошлар қўли билан ясалган кошонага – серҳашам хонага кирдилар.

(ўрин ҳоли ажратилган)

Машҳур тилшунос олим, кафтдай текис майдон, жиддий ҳарбий машқлар, ўймакор нақшлар билан безалган эшик, олам гулга бурканган баҳор куни, янги ёпилган ноннинг ҳиди, истеъдодли талаба йигит, арабча қалин китоб, катта-кичик илмий асарлар, музликлар билан қопланган тоғ.

287-машқ. Ўқинг. Гапнинг қайси бўлаги ажратилганлигини аниқланг ва бунинг асосида беш гуруҳга бўлиниб гапларни кўчиринг. Ажратилган бўлакларнинг турини қуйидаги шартли чизиқлар билан кўрсатинг.

Ажратилган эга: _____

Ажратилган кесим: _____

Ажратилган тўлдирувчи: _____

Ажратилган аниқловчи: _____

Ажратилган ҳол: _____

1. Теп-текис ерда, тоғ бўлиши мумкин бўлмаган текисликда азиз бир тоғ – Сулаймон тоғи бор эмиш. (Ч.А.)
2. Боғчада, ёш дарахтлар орасида, жимгина ишлаб юрган қул – Нурбобога йўлиқди. (О.)
3. Уларнинг ётоқлари ўша бинонинг ҳовлисида, қизил фишдан солинган икки қаватли кичик иморатда эди. (П.Қ.)
4. Ўзганликлар Солижон Шариповни, биринчи ўзбек космонавтини, зўр тантана билан кутиб олдилар.
5. Балиқлардай кўзи очиқ сузишни ўрганган ери – бобосининг кўлоби ҳақида сўзлайди. (Ч.А.)
6. Фақат биттаси, арман докторнинг қизи, унинг қайсарлигини энгишга муваффақ бўлди.
7. Узоқда, боғнинг ичкарасида, бир

қанча қизил доналар сочилиб ётибди. (“Ч.”) 8. Мен ўзимни энг бир фахрли, энг бир олижаноб ишга – муаллимликка бағишлаган эдим. (Ч.А.) 9. Чўлпонойнинг онаси Гулузор бегим – ўрта бўй оппоққина, қирқ ёшлардаги дўмбоқ аёл – Манзурани илиқ кутиб олди. (Т.М.) 10. Қишнинг ўрталарида, аёзли кунларнинг бирида, раис аллақандай қоғозни олиб чопиб келди. (Ч.А.)

288-машқ. Ўқинг. Гапнинг қандай бўлаги ажратилганини айтинг. Ажратилган бўлақлардаги оҳанг ва тартибга диққат қилинг.

1. Дала шийпонининг яқинидаги тепалик устида қадимий ёдгорлик – хотин кишининг ҳайкали турарди. (Ч.А.) 2. Беташвиш, шоҳона ҳаётда у ўз умрининг улуғ кунини – оқ наमत устида ўтириб тож кийиш маросимини хаёл этади. (О.) 3. Қулмуҳаммад чўпон подани ҳайдаб, юқориликка – Бешиктоғ тагидаги ўтлоққа кўтарилибди. (Мирм.) 4. Аҳмаджон унинг ўттиз икки отар тўппончасига “ўзбекнинг бир қоқар болғача-си” – мушт билан жавоб қилди. 5. Боя бизни кутиб олган йигит – Акрамжон курси қўйиб берди. (А.Қ.)

289-машқ. Қуйидаги тест саволларининг тўғри жавобини белгиланг.

1. Берилган гапда қайси бўлақ ажратилган: “*Дадам энг кичик укамга, Зокиржонга, машина олиб берди*”.

А. Аниқловчи.

В. Ҳол.

Б. Тўлдирувчи.

Г. Эга.

Д. Кесим.

2. Қайси қатордаги гапда ажратилган тўлдирувчи иштирок этган?

А. Бу ерда кам учрайдиган ҳолат – жимлик ҳукмрон эди.

Б. Ҳаммамиз бир онанинг, яъни ҳақиқатнинг болаларимиз.

В. Ўша отга мана бу боланинг, Худайбердиннинг ишқи тушиб қолган экан.

Г. Худди шундай, сен билан менга ўхшаган одамлар, яъни меҳнат кишилари.

Д. Мажлисида қизларга – Ҳилола, Зилола ва Дилнозага фахрий ёрлик топширилди.

3. Ушбу гап ажратилган бўлақларнинг қайси турига мисол бўла олади: *“Сакраб тушиб шунда туядан, карвонбоши – бераҳм, нодон”*.

- А. Ажратилган сифатловчи.
- Б. Ажратилган тўлдирувчи.
- В. Ажратилган қаратувчи.
- Г. Ажратилган кесим.
- Д. Ажратилган ҳол.

4. Қайси гапда тўлдирувчи ажратилган бўлақ бўлиб келяпти?

- А. Синф раҳбари синф бошига, Ҳамидуллага, топшириқ берди.
- Б. Энди одамлар – отлиқ, пиёда учрай бошлади.
- В. Эртага соат бешларда бизни кинга келинг.
- Г. Бўрон бирпасда тўхтади.
- Д. Уйини-қулги ярми кечагача давом этди.

5. Қуйидаги гапда нима учун вергул ишлатилган: *“Ёзда, тағтил кунларида, кўпгина бадий асарлар ўқидик”*.

- А. Ундалма қатнашган.
- Б. Ажратилган бўлақ бор.
- В. Умумлаштирувчи сўз бор.
- Г. Уюшиқ бўлақ мавжуд.
- Д. Жавоблар нотўғри.

6. Ажратилган пайт ҳолига берилган мисол қайси қаторда жойлашган?

- А. Гувоҳлардан бири – совхоз директори келди.
- Б. Тўхтагин, қиз, бу мен – Омонжон.
- В. Исми Барлос – содда, дилкаш.
- Г. Муштумзўр лапанглар – муғомбир, писмиқ.
- Д. Кечалари, нидан бўшаган пайтларда, ҳангомалашиб ўтирар эдилар.

7. Қайси бир жавобда сифатловчи-аниқловчи ажратилган?

- А. Дониёр ўрнига ўтириб, чала қолган ишларини ниҳоясига етказди.
- Б. Қўчқоров – дўнг пешана, қирра бурун, куракдор, полвон тахлит йиғитча – кичкина район газетасига кўз тикиб ўтирар эди.
- В. Ҳикоянавис бизни ҳар сафар соддадил одамлар, оддийгина воқеалар ичига бошлайди.
- Г. Акмал янгасининг келганидан қувонди.
- Д. Самандаров ер остидан Сафаровга қаради.

290- машқ. Ўқинг. Мазмунини ўз сўзларингиз билан тушунтиринг. Гапнинг қайси бўлаклари ажратилганини изоҳланг.

Умр – кумсоат ҳам яримлаб қолди,
Кўнглим тўлгани йўқ билганларимдан.
Ёдимни оғритар кечирганларим,
Кўпдир қилмаганим қилганларимдан. *(Ш. Раҳ.)*

291-машқ. 14 - жадвалдан фойланиб, бадний асарлардан ажратилган бўлақларга мисоллар топиб ёзинг. Ажратилган бўлақларнинг тағига чизинг ва қайси бўлақ ажратилганини изоҳлаб беринг.

УНДАЛМАЛИ, КИРИШ ВА КИРИТМАЛИ ГАПЛАР

Нутқда гап бўлаклари билан грамматик боғлан-майдиган сўзлар иштирок этган гаплар ҳам қўлланади. Бундай сўзлар маъно жиҳатдан бутун гапга ёки унинг бирор бўлагига алоқадор бўлади. Булар ундалма, кириш ва киритмалардир.

53-§. УНДАЛМА ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ. УНДАЛМАНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Сўзловчи тингловчининг диққатини ўз нутқига жалб этиш учун унга мурожаат қилиши мумкин: *Қаранг, Асилбой ота, кўзини очди! (Ч.А.)*

Сўзловчининг нутқи қаратилган шахс ёки предметни ифодалайдиган сўз ёки сўз бирикмаси ундалма дейилади.

Одатда, инсон инсонга гапиради. Шунинг учун ҳам ундалма бош келишиқдаги шахс отларидан ёки шахс билдирувчи отлашган сўзлардан ифодаланади? *Кечир, дўстим, бора олмайман. Ҳой яхшилар, бу ёққа қаранглар!*

Бадний услубда шахс отларидан ташқари баъзан жонли ва жонсиз предметни билдирувчи отлар ҳам ундалма вазифасида келиши мумкин: *Қуёш, нуринг сочавер мўл-мўл! (О.) Бинафша, йиғлама, бинафша, кел бери, қайғунгни қайғумга қўйгил. (Чўлпон)*

Ундалма бош келишиқдаги отдан ифодаланганлиги туфайли кўпроқ гапнинг эгасига ўхшаб кетади, лекин ундалма ўзига хос ундаш оҳанги ва тўхтам билан айтилишига кўра ҳамда кесим билан боғланмаслиги жиҳатидан эгадан фарқ қилади: *Ҳазратим, сиз Ҳумоюнни тожу тахта бунчалик интиқ деб ўйламанг! (П.Қ.)*

Айрим вақтларда ундалмалар уюшиб келиши мумкин: *Эй, арслон юраклар, мардлар, бугундан бошлаб чоғир ичишни бас қилинг! (П.Қ.)*

Баъзан ундалма шахс маъносида қўлланган сифатлар, сифатдошлар, ундов сўзлар ҳамда бирикмали сўзлардан ҳам ифодаланиши мумкин: *Ассалому алайкум, азизлар. Кечаги мусобақада ғолиб бўлганлар, икки қадам олдинга чиқинлар. Ҳей, бу ёққа қара! Азиз болаларим, сизларга ривоят айтиб бераман.*

Ундаш маъносини кучайтириш учун ундалмалар кўпинча ундов сўз ва ундов қўшимчаси билан бирга қўлланилади, баъзан ундалма такрорланади: *Болам, жон болам, ўзингни эҳтиёт қил... Хўпми, жон болам! Тушундинг-а! (Ў.Х.) Садоқат, Садоқат, нега тўхтаб қолдинг?! Чопа қол тезроқ. (Қ. М.)*

Ундалмалар гап бошида келганда ундан сўнг, ўртасида келганда, ҳар икки томонига, охирида келганда, ундалмадан олдин вергул қўйилади.

292-машқ. Ўқинг. Ундалмаларни аниқлаб, уларнинг ўқилиш оҳанги ва ифодаланишига диққат қилинг.

1. Дўстим, эсингни едингми? Эндиги ҳаракат бефойда! (О.)
2. Ташлаш керак бўлган феълим кўп, хўжайин! (А.Қ.)
3. Бўтам, менга қара, сенинг ёшинг нечада? 4. О, қудратингдан ўргулай, Шохдор она буғу! (Ч.А.) 5. Кечир, Зайнаб, ожиздир Омон... (Х.О.) 6. Аё Тарлон, сен менинг биродаримсан, қиёматлик биродарим... (Т.Мурод) 7. Кечирасан, оғайни, хато кетибди. (С.А.)

293-машқ. Кўчиринг. Ундалмаларни аниқланг. Ундалма билан гапнинг эгаси ўртасидаги ўхшаш ва фарқли хусусиятларни изоҳланг.

1. Бошингни юқори кўтар, Тўлғаной, бардам бўл. (Ч.А.)
2. Фафурвой, қадрдоним, буюк унвон муборак бўлсин! (Журн.)
3. Оллоҳга ёлвор, қизим, ёлғиз ундан нажот сўра! (О.)
4. Сув бошидан лой, эгачи, идорани кўрмайсизми, қиличдай-қиличдай йигитлар чўт қоқиб ўтиришибди! (А.Қ.)
5. Жоним қизим, сенинг тоғ бургутидек дилинг мардлигини билурмен. (Мирм.)
6. Сизга ҳам акангизнинг йўлини берсин, укам. (Газ.)
7. Кел, болам, ўғлим ўрнига ўғил бўл. (С.А.)

8. Қаҳрамон ўғиллар, ботир фарзандлар,

Азиз манглайингиз бўлсин ярқироқ. (F.F.)

9. Бунчалар сирлисан, эй гўзал олам,

Сен туфайли ўчар қалбдаги алам.

Юз бора, минг бора боқаман такрор,

Такрор-такрор боқиб, тўймайман зинҳор.

(Р.Холхўжаева)

294-машқ. Гап жуфтликларини қиёсланг. Улар орасидаги ўхшашлик ва фарқларни топинг. Гапларнинг грамматик тузилишида юз берган ўзгаришларни изоҳланг.

1. Китоб менинг доимий дўстим. // Китоб, менинг доимий дўстимсан. 2. Кўм-кўк баҳор осмони болалар учирган варракларга тўла. (С.А.) // Эй, кўм-кўк баҳор осмони, болалар учирган варракларга тўласан. 3. Мавлоно хатни Мирзонинг олдига ташлади. (О.) // Мавлоно, хатни Мирзонинг олдига ташланг. 4. Дўстим бокс мусобақасида иштирок этди. // Дўстим, бокс мусобақасида иштирок эт. 5. Устозларимизнинг панд-насиҳатлари биз учун бир дарс. // Устозлар, панд-насиҳатларингиз биз учун бир дарс.

295-машқ. Ўқинг. Ундалмаларни аниқлаб, уларнинг ўқилиш оҳанги, ифодаланиши ва тиниш белгиларига диққат қилинг.

Оҳ, баҳорни қўмсаб, доннинг сепилишини орзиқиб кутаётган деҳқон далам! Намиққан юзларинг кўкимтир ранг олиб, оламнинг чор атрофига ястаниб, аллақаерларингда

кумуш ранг таратиб, балқиб турган бепоён далам! Табиат томонидан яратилган энг олий мавжудотларнинг энг буюги – одамзод, дунёни ўзига бўйсундирган ким – одамзодми, шундай экан, бир-бирига бунчалик зиён келтирмай, тинч-тотув яшолмайдими? Сирдош далам, жавоб бер, айт жавобингни. (Ч.А.)

296-машқ. Берилган гапларнинг эгасини ундалмага айлантириб кўчиринг, кесим шаклини гап мазмунига мослаштиринг, зарур тиниш белгиларини қўйинг.

1. Арслонқул юзидан қўйилган терни артди. (О.)
2. Ёмғирдан кейин осмонда пайдо бўладиган камалак жаҳондаги жамики ранглари еттита ипга тортиб турганга ўхшайди. (С.А.) 3. Ўқувчилар кутубхонадан фойдаланиш қоидаларига риоя қиладилар. 4. Бир оздан кейин Тожиҳон кетиш учун ижозат сўради. (А.Қ.) 5. Бу ишларнинг боришини сардор Муҳаммад Интизом ва унинг одамлари зимдан назорат қилиб турардилар. (Мирм.) 6. Бола кечга яқин дарё соҳилидаги кўрган буғуларни эслади. (Ч.А.)

54-§. ЯККА ВА ЁЙИҚ УНДАЛМАЛАР ҲАМДА УЛАРДА ТИНИШ БЕЛГИЛАРИНИНГ ҚўЛЛАНИЛИШИ

Ундалма бир сўз билан, шунингдек, сўз бирикмаси билан ҳам ифодаланган. Бир сўз билан ифодаланган ундалма **йиқиқ (якка) ундалма** деб юритилади: *Э, оқсоқол, иш бошидан бир фотиҳа бериб юборинг!*

Сўз бирикмаси билан ифодаланган ундалма **ёйиқ ундалма** деб юритилади: *Подшоҳ ҳазратлари, Мулки Хуросоннинг тақдирини сизнинг қўлингиздадир. (О.)*

Ундашни кучли ифодалаш учун ундалманинг олдидан ундовлар қўлланади, ундов билан ундалма орасига вергул қўйилади: *Эй, биродар, не гуноҳнинг бор эдики, сени шу алфозга солишди? (С.А.)*

297-машқ. Ўқинг. Ундалмаларни топинг, тиниш белгиларининг ишлатилиш сабабини тушунтиринг. Йиғиқ ва ёйиқ ундалмаларни аниқланг.

1. Раҳмат сенга, Тўлғаной! Шундай мушкул кунларда элга бош бўлиб юрибсан, дадил бўлиб ишлайвер. (Ч.А.) 2. Билар экансиз, жуда яхши билар экансиз, Козимбек! (А.Қ.) 3. Куюнманг, Полвон тоға, мен бир суриштириб кўраман. 4. Муҳтарам устоз, каминанинг нияти поклигига зарра шубҳа этмангиз. (О.) 5. Яхшилик қилмасам азиз одамга, юрагим оромни билмас, онажон. (Б.Б.) 6. Бир гапинг бору айтолмаяпсан, болам, биздан уялма айтавер. (Х.Ғ.) 7. Муҳтарам Меъмор жаноблари, иложсизликдан бу фикрга келдик. (Мирм.)

8. Сен мен учун емиш эмассан,

Сен мен учун эмассан ташвиш.

Ё шунчаки юмуш эмассан,

Ҳаётимга ҳайкалсан, шеърим. (Ё.Муродова)

298-машқ. Ундалмаларни аниқланг. Зарур тиниш белгиларини қўйиб гапларни кўчиринг. Йиғиқ ундалмаларга бир чизиқ, ёйиқ ундалмаларга икки чизиқ чизинг.

1. Тақсир баҳс асносида фикрларнинг зарбаларидан ҳақиқатнинг чақмоғи ёнғусидир. (О.) 2. Ҳақиқат мен сендан изладим паноҳ... (Журн.) 3. Эй уста Фарфи келинг келинг бормисиз? (А. Қ.) 4. Раҳмат Абдулла ака бу гапларингиз бизга сабоқ бўлди. (Ш.Қурбон) 5. Опажон Муҳайёхон бизнинг институтда ўқийди синглимиздай нарса... (А.Қ.)

6. Нафосат юртига посбон бўл ўғлон

Тили шамшир, кўкси қалқон бўл ўғлон

Аввало шоир бўл ундан ҳам аввал

Шу юртга ўғлон бўл, ўғлон бўл ўғлон. (Э.В.)

7. Азизлар қўл очинг дуога,

Ўшликнинг ниймони бут бўлсин.

Қалбини ҳалоллик ёритиб,

Илоҳо, юзига нур тўлсин.

(У.Одил)

8. Эй ёшлик! Кўп гап бор сенда менимча,
Болалигинг, шодлигинг тутасан пинҳон.
Соч-соқолинг оппоқ оқармагунча,
Сен менинг қадримга етмайсан нодон. (Р. Гамзатов)

299-машқ. Қадрли тенгдошлар, ватанимиз ўғлонлари, "Навниҳол" театри иштирокчилари, эрка қизалоғим сўз бирикмалари иштирокида тўртта гап тузинг. Улар гапда ундалма вазифасида келсин. Тиниш белгиларини қўйиб гапларни ёзинг ва синтактик таҳлил қилинг.

55-§. КИРИШЛАР. КИРИШЛАРНИНГ СЎЗ, СЎЗ БИРИКМАСИ ВА ГАП ШАКЛИДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Сўзловчи гап орқали маълум фикр ифодалаш билан бирга, гап мазмунига ўзининг маълум муносабатини ҳам билдиради. Сўзловчининг муносабати гапнинг кесим шакли орқали ҳамда махсус модал сўзлар орқали ифодаланади: 1) ишонч муносабатини билдирувчи модал сўзлар: *албатта, шаксиз, шубҳасиз*; 2) тасдиқ муносабатини билдирувчи модал сўзлар: *дарҳақиқат, тўғри*; 3) гумон муносабатини билдирувчи модал сўзлар: *эҳтимол, тахминан, чамаси, балки*.

Сўзловчининг ўзи баён этаётган фикрига бўлган ишонч, тасдиқ, гумон, ачиниш каби муносабатини ифодаловчи сўзларга киришлар дейилади.

Киришлар сўз шаклида (*хуллас, демак*), сўз бирикмаси шаклида (*менинг назаримда, дўстимнинг фикрича*) ва гап шаклида (*ўзингиздан қолар гап йўқ, мен сизга айтсам*) қўлланилиб, гапнинг бошқа бўлаклари билан грамматик алоқага киришмайди, бошқа бўлақлардан фарқ қилувчи алоҳида оҳанг билан талаффуз қилинади ва ёзувда доимо вергул билан ажратилади: *Ровийлар дерларки, бу алдоқчи ҳаёт киши билмасдан еб-ичиб қўядиган заҳарга ўхшар. (Т.М.) Унинг кўнгли таскин топди, шекилли, беихтиёр кулиб юборди. Янгилликка қаршилик қилиш ярашмайди, албатта.*

Киришлар сўзловчининг гап мазмунига қандай муносабатини ифодаланишига кўра турли маъно гуруҳларига бўлинади:

1) ишонч муносабатини: Фикрингизга, албатта, мен тушуниб турибман.

2) гумон муносабати: Балки, у мудҳиш бир хатарнинг шабадасини сезган.

3) тасдиқ муносабатини: Тўғри, зиммасига юклаган вазифани доимо сидқидилдан бажарарди.

4) ачиниш муносабати: Афсуски, ҳали мақтовга арзигулик бир иш қилганимиз йўқ. (И. Р.)

5) фикрга яқун яшаш: Демак, мактабни битириб ўқишга кирмоқчисан. Хуллас, боши оғир тортиб уйғонди. (Ш.)

6) фикрнинг кимга қарашли эканлиги: Дунёда ҳеч бир халқ, тўғри келолмас, менинг билишимча, сенинг элингга. (Х.О.) Геологларнинг айтишича, у ниҳоятда қари тоғ эмиш. (А. О.)

7) фикрнинг тартиби: Биринчидан, тўғри бўлинглар, иккинчидан ёлғон гапирманглар. (Х.)

300-машқ. Ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сўзлар гапда қандай вазифа бажараётгани ва қандай маъно ифодалашини айтинг.

1. Чамаси, мени эрдан оғиб қолган, деб ўйлади. (Ў.Х.)
2. Абдуваҳоб домла сўраганда, фалон қишлоқданман десам, эҳтимол, мени ҳам мактабга олиб бепул ўқитар эди. (А.Қ.)
3. Меҳмонлар, хуш келибсизлар, илтимос, кечқурун келинглар, албатта, келинглар. (С.А.)
4. Хуллас, ўша кеча қоронғу тушгунча дарахт шохда қушдай ўтирдим. ("Ч.")
5. Навоий, ўз одатига мувофиқ, меҳмонлардан куйироқда ўтиради. (О.)
6. Менимча, кўнгил гўзаллиги юз-кўз гўзаллигидан минг чандон яхшироқ.
7. Умрбоқийлик, тўла маънода бўлмаса ҳам, шубҳасиз, авлодларда намоён бўлади. (Л. Т.)

301-машқ. Кўчиринг. Киришларнинг тагига чизинг ва маъносини айтиб беринг. Тиниш белгиларининг қўлланилишига диққат қилинг.

1. У бировга тақлид қилишни хушламас эди, қолаверса, гавдасига, кучига ишонарди. (Т.М.)
2. Ҳолбуки, у кўпам фаришта эмас, ҳамма қатори хом сут эмган банда эди. (Э.А.)
3. Менимча, бахтли дамларда инсон фаолияти бир қадар суст

намоён бўлади. (С.А.) 4. У айтган сўздан қайтмоқчи эмас, аксинча, бутун тафсилоти билан фош қилиб ташламоқчи бўлиб директор олдиға яна кириб борди. (Ш.) 5. Рост, сизни қолдириб кетиш менға ҳам осон эмасди. 6. Чамаси, йиғлайвериб, кўз ёши ҳам, мадори ҳам қолмаганди. 7. Акаси Низомиддин, эҳтимол, бебошлик қилгандир, ёқалашгандир ...

302-машқ. Ўқинг. Кириш сўз, кириш бирикма ва кириш гап иштирок этган гапларни аниқлаб, қуйидаги жадвалға мос тарзда гуруҳлаб ёзинг. 5 ва 6-гапларни синтактик таҳлил қилинг.

Кириш сўз	Кириш бирикма	Кириш гап

1. Хайриятки, кечалар қисқа эди. ("Ч.") 2. Афсуски, сут билан кирган жон билан чиқади. 3. Ёлғиз боришға, тўғриси айтсам, қўрқардим. (Ў.Ҳ.) 4. Дарҳақиқат, домла кичкина мис қозон олиб кириб келдилар. (С.А.) 5. Минг афсус, бу кучлар ўз ҳолича ҳаракат қилган, ҳокимлар ўртасида адоват авж олиб кетган эди. (Мирм.) 6. Айниқса, бояги янгилик уни эсанкиратиб қўйган эди. (Э.А.) 7. Маълум бўлишича, қумнинг тагида баҳорда ёққан ёмғир ва эриган қор нами узоқ вақтгача сақланар экан. 8. Аясининг айтишича, бир замонлар отхоналару қўралар назир-ниёзға тўлиб кетаркан. (Ў.Ҳ.)

303-машқ. Адабиёт дарсларида ўрганилган бадий асарлардан кириш сўз ва кириш бирикма иштирок этган 8 та гап кўчириб ёзинг. Киришларнинг тагиға чизинг ва маъносини айтиб беринг.

304-машқ. Киришлар иштирокида 6 та гап ёзинг. Киришларнинг маъносини ва тиниш белгиларини изоҳланг.

305-машқ. Тест саволларининг тўғри жавобини аниқланг.

1. Баён қилинган фикрнинг кимға қаршли эканини кўрсатувчи кириш сўзни топинг.

А. Ҳақиқатан, албатта. В. Сизнингча, бизнингча.

Б. Асосан, хусусан. Г. Балки, эҳтимол.

Д. Ниҳоят, биринчидан.

2. "Дарҳақиқат" кириш сўзи қандай маънони билдиради?

- А. Фикр тартибини. В. Гумон фикрни.
 Б. Ишонч ва тасдиқни. Г. Шодлик ва ачинишни.
 Д. Фикр манбаини.

3. Гумон маъносини билдирувчи кириш сўзлар қайсилар?

- А. Эссизгина, аттанг. В. Шекилли, балки, эҳтимол.
 Б. Ниҳоят, охири. Г. Хуллас, шунингдек.
 Д. Акс ҳолда, умуман.

**36-§. КИРИТМАЛАР. КИРИТМАЛАРНИНГ СЎЗ, СЎЗ
 БИРИКМАСИ ВА ГАП ШАКЛИДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ**

Сўзловчи фикр ифодалаш жараёнида шу фикрга боғлиқ қўшимча маълумот баён қилиши мумкин. Бундай қўшимча маълумот ифодаловчи қисм тилшуносликда **киритма** деб юритилади. Киритмалар гапнинг бошқа бўлаклари билан грамматик алоқага киришмайди, гапнинг асосий қисмидан пастроқ оҳангда айтилади ва ёзувда қавс ичига олинади: *Биз (бу сафар менга Мактуба ҳам ҳамроҳ бўлди) қишлоққа кечкурун бордик. (О.Ё.)*

Киритмалар сўз шаклида, сўз бирикмаси шаклида ва кўпинча гап шаклида қўлланилиб, гапнинг ўртасида ва охирида келади:

1. Сўз шаклида: *Бир савдогарнинг қимматбаҳо тошлари (жавоҳирлари) кўп экан. (Эртақдан)*

2. Сўз бирикмаси шаклида: *Аёл (Музаффарнинг ойиси) қандайдир паришон ҳолда ердан кўз узмай тез-тез юриб келарди. (Ў.Ҳ.)*

3. Гап шаклида: *Бир кун (унда жуда кичкина эдим) ойим жуда кеч қолиб кетди. Хонтахтага қуроқ дастурхон ёзилган, ўртада писта, бодом, қанд-қурс тўла патнис турарди. (Оқсоқолникида патнис ҳаминша тайёр.) (Ў.Ҳ.)*

306-машқ. Ўқинг. Берилган гаплар таркибидаги қавс ичида берилган қисмларга эътибор беринг. Улар нима мақсадда қўлланганини ва қандай вазифа бажараётганини айтинг.

1. Дала шамолида қорайган юзлар, ғўзага тирналиб, иссиқ совуқни кўп кўриб чиниққан қўллар (сўнгги икки кун қор чангаллаб кўсак юлишга тўғри келганди), жисмоний

меҳнатда пишган навқирон гавдалар ҳозир ҳар қачонгидан ҳам ўтлироқ эди. (П.Қ.) 2. Дарё қуриб қолган (наҳот етиб келгунимча қуриб битди, деб ўйлайди у), унда-бунда кўлмаклар кўзга ташланади. (Т.М.) 3. Бигиз ... қўлларида (унинг тирноқлари ҳар доим олинган, отаси мажбур қилиб туради) енгил кўчади. (Ш.) 4. Абдурасул ўртоқ ўқитувчини (Холмуродни қишлоқдагилар шундай деб атаганлар) идорага бошлаб келди.

307-машқ. Ўқинг. Киритмаларни аниқлаб, ўқилишига диққат қилинг.

1. Ҳар қандай асарда ҳам, маълум маънода, қаламкаш биографиясининг бир бўлаги акс этади (ҳатто тарихий романларда ҳам) (Ў.Ҳ.) 2. Жавлибой бир ҳафта ичида таниб бўлмас даражада ўзгарди, дўппиюғим чолворни ечиб бурчакка отди (отаси уларни хуржунга солиб қишлоққа, укаларига олиб кетди) – почаси кенг, шалпиллаб юрадиган шим тиктирди. (Э.А.) 3. Арслонқул азим шаҳарда икки мартагина (бу ҳам жуда қисқа муддат) бўлса-да, баззозлар сотадиган кашмир матолар, хитой шойилари ва ҳоказолар тўғрисида жуда узоқ гапирди. (О.) 4. Йигит қўлларини кўзига тутиб кулди-да (у доим шундай куларди), қўшиб қўйди: - ишқилиб, зерикмасанг бўлгани. 5. Ҳайдар (унда “Кесакполвон” лақабига мушарраф бўлмаган эди) ўша кеч “ов” да эди. (Т.М.)

308-машқ. Кўчиринг. Киритмаларнинг ўқилиши ва ёзилишига диққат қилинг.

1. Шофёр олдида (ўшаларнинг хўжайини бўлса керак) битта семиз киши ўтирибди. (Ў.Ҳ.) 2. Аввал меҳмонхонага жойлашиб, соқол-мўйловларни олиб (Очил шўх ҳаракат билан юзини силади), кейин агитатор сифатида (у кўкрагини керди) салобат билан кириб бордим. (П.Қ.) 3. Бир маҳал кутилмаганда терговчи келиб қолди. (У билан айтишиб қолиб, терговга бормаи қўйган кунлари эди.) (Э.А.) 4. ... Учинчи куни тонготарда эмас (мўғуллар тонготарни пойлашарди), қош қорайишига яқин етмиш етти

кичик соябонли кемалар кетма-кет дарё юзида сузиб кетиша бошлади. (*Мирм.*) 5. Машраб тортиниbroқ кириб борса, Охунд юзи тўла табассум, бошида узунчоқ оппоқ така (шу узун така туфайли серсоқол юзи чўзилиб кетганга ўхшарди) одатдаги ерида чордона қуриб ўтирибди. (*Ш.*) 6. Маҳкамнинг Муҳаммаджонга аталган муҳим бир гапи (балки ёмон гапдир?) борлигини сезар ва бунинг нималигини билгиси келар. 7. Зокир «акамнинг машинаси турибди» деган эди (акаси прокуратурада ишлайди), демак, ҳозир йўлга чиқади. (*П.Қ.*)

309-машқ. Ўқинг. Гап шаклида қўлланилган киритмаларни кўчириб ёзинг. 2 ва 4-гапларни синтактик таҳлил қилинг.

1. Менинг ҳам қизиқ бир одатим бор: бировни ранжитиб қўйсам (адолатли хафа қилган бўлсам ҳам) ўша одамдан кўпроқ ўзимнинг дилим вайрон бўлиб юради. (*Ў.Ҳ.*) 2. 1220 йил (мелодий) кеч кузда бениҳоя катта кучга эга бўлган саҳройи мўғул отличлари 65 ёшли Чингизхон бошчилигида Туркистон устига ёпирилди. (*Мирм.*) 3. Мусофирхона (у меҳмонхонани шундай дерди) бир зарурат кунида тушиладиган жой. (*Ш.*) 4. Бир куни (кеч кузда) Шухрат ака хонамизга кириб келди. (*Журн.*) 5. Биринчи марта Тўғонбек хужрага бошлаб кирганда (буни Дилдор кейин эслаган эди), иккинчи марта зиндондан қутулган чоғда ҳам худди шундай ҳолни сезган эди. (*О.*) 6. Ўзи оддий кийингани учун (унинг биттаю битта шойи қўйлаги бор эди) Гавҳарнинг ҳам жўн кийинишни жуда ёқтирарди. (*П.Қ.*)

310-машқ. Бадний асарлардан киритма иштирок этган 6 та гап кўчириб ёзинг ва 2 тасини синтактик таҳлил қилинг.

57-§. КЎЧИРМА ГАП

Муаллиф ўз нутқида бошқалар томонидан ифода-ланган фикрлардан фойдаланиши мумкин. Ундай фикрлар **кўчирма гап**, **ўзлаштирма гап**, **диалог** ва **кўчирма** шаклида берилади.

Аввал чап томондаги, кейин ўнг томондаги гапни ўқинг.

"Бу йил фақат аъло баҳолар билан ўқришга ваъда берамин", – деди Дилноза диласига.

Дилноза бу йил фақат аъло баҳолар билан ўқришга ваъда берганини диласига айтди.

Бу икки гап мазмун жиҳатидан бир-биридан фарқ қиладими? Ифодаланиш усули жиҳатидан-чи?

Бу гапларнинг чап томондагиси кўчирма гап, ўнг томондагиси эса ўзлаштира гап.

Кўчирма гапда икки хил гап бўлади: кўчирилган гап, муаллифнинг ўз гапи. Муаллиф гапининг кесими *деди, деб сўради, деб жавоб берди, гапирди, сўзлади, айтди* каби феъллар билан ифодаланади.

Ўзгаларнинг ҳеч ўзгаришсиз берилган гапи кўчирма гап дейилади. Масалан: *"Шошмай тур, бир нарсага тушунмаяпман", – ажабланиб унинг сўзини бўлди Эдигей. "Қани, бўлинглар, бўлинглар, йўлдан қолдирманглар!" – дея шошилтиришди. (Ч.А.)*

Кўчирма гап сўзлашувда ҳамда бадий услубда кўпроқ қўлланади.

Кўчирма гапнинг ўрни қуйидагича бўлади:

1. Кўчирма гап муаллиф гапидан аввал келади: *"Қаёққа кетяпсан, жигарим?" – деди ва ҳамдардлик билан унинг елкасига қўлини қўйди. (Қ. М.)*

2. Кўчирма гап муаллиф гапидан кейин келади: *Бобур онасидан ҳимоя кутиб, Қутлуғ Нигор хонимга юзланди: "Онажон, Хонзода бегим ҳам сизнинг суюкли фарзандингиз-ку. Шундай жигарбандимизни қайси виждон билан ўтга солурмиз?!" (П.Қ.)*

3. Кўчирма гап муаллиф гапининг ичида келади: *Синф раҳбаримиз: "Бугун кеч соат 5 да ота-оналар мажлиси бўлади", – дедилар.*

4. Муаллиф гапи кўчирма гапнинг орасида бўлади: *"Ўқиш керак, тинмай ўқиш керак, – деди Муаззам опа кизига. – Ўргатиш бўлса, мана мен бор, Мунаввар опанг бор".*

311-машқ. Ўқинг. Кўчирма гапларнинг ўрнига ва тиниш белгиларига диққат қилинг.

1. – Буниси ким? – Элмурод Кўҳистоний чопон кийиб, бошига оқ салла ўраган одамга ишора қилди. (*Мирм.*)
2. Шухрат ака: “Туппа-тузук шоир экансан-ку. Нега олдинроқ келмадинг? Ёшлик қилгансан-да! Тортингансан. Майли, зарари йўқ. Шеърларинг менга ёқди”, деяётгандай туюларди. (*Журн.*)
3. – Ҳа, қизим, у яна ҳаётга қайтди! – деди-да, енгил тортиб нафас олди. – Сен савоб иш қилдинг, Ася! Мана буни худонинг қудрати-ю, дорининг кўмаги дейдилар! (*Ч. А.*)

312-машқ. Ўқинг. Кўчирма гапларнинг ўрнини аниқлаб, тиниш белгиларига диққат қилинг ва кўчириб ёзинг.

1. Темир Акбарович бош чайқаб: – Сиз ҳали ўзингизга яхши тушунмас экансиз, – деди-да, ўша куни Маҳкам билан узоқ гаплашди. (*П.Қ.*)
2. “Сабр керак балосига, ризо керак қазосига...” деб юрадиган шайхулислом сўзлари Кўҳистоний ёдига келди. (*Мирм.*)
3. Ҳовлида юрганимда унинг: “Вой, бу нимаси! Уволига қолишдан қўрқмайсанми?” – деб кўнгли бузилиб гапирганини эшитиб қолдим. (*Ч.А.*)
4. Бир куни Машраб домланинг кўнгли ёришиб турганда тегишди: – Бу – сиз, тақсир, сиздек ўқишга бизга ҳали ўн қовун пишиғи бор. (*Ш.*)
5. – Ҳар жойнинг таомили ўзига яраша-да, – деди Қилич кулиб. (*Т.М.*)
6. Шунда Шухрат ака менга: – Пўлатхўжа, сен энди қизиқроқ, кулгили ва танқидий шеърларингдан ўқигин, – дедилар. (*Журн.*)

313-машқ. Ўзингиз мустақил тарзда кўчирма гап муаллиф ганидан аввал ва кейин келган ҳолатларга 4 та мисол топинг. Зарур тиниш белгиларини қўйиб дафтарингизга ёзинг.

58-§. КҮЧИРМА ГАПДА ТИНИШ БЕЛГИЛАРИНИНГ ИШЛАТИЛИШИ

Күчирма гап қўштирноқ ичига олинади. Масалан: “Дарсдан кейин тезроқ уйга кел”, – дедилар бувим.

Бадий асарларда, одатда, қўштирноқ билан эмас, тире билан сатр бошидан ёзилади. Масалан:

– Кўп марталаб меҳмон бўлдим, – деди Қутидор, – ул вақтда бобонгиз ҳам ҳаёт эдилар. (А. Қод.)

Күчирма гапли қурилмаларда күчирилган гапнинг ўрнига қараб тиниш белгиларининг ишлатилиши куйидагича бўлади.

I. Күчирилган гап дарак гап бўлиб, муаллиф гапидан олдин келса, ундан кейин вергул ва тире қўйилади. (Бадий асарларда қўштирноқ ўрнига тире ишлатилади.) Масалан: – Шаҳримизда кўплаб кичик корхоналар ишлаб турибди, – деди маърузачи. – Юринг, мен ўша томонга бораман, – деди Комила. (О.)

Күчирма гап сўроқ гап, буйруқ гап ёки ҳис-ҳаяжон гап бўлса, сўроқ ёки ундов белгиси қўштирноқ ёпилмасдан олдин қўйилади. Масалан:

“Кимлар “Иқтидор” тўғарагига қатнашяпти?” – деб сўради синф раҳбари.

– Ҳозир бўл, йигитлар! Тартибнингни тузат, саломга тайёрдан! – деб қичқириб юрар эди. (А. Қод.)

«К (к)» – күчирма гап	М(м) – муаллиф гапи
1) «К», – м.	2) «К?» – м.
	1) «К!» – м.

II. Күчирма гап муаллиф гапидан кейин келса, муаллиф гапидан кейин икки нуқта қўйилади: Ўқитувчимиз бундай деди: “Эртага мактабимизда ота-оналар конференцияси ўтказилади”.

Күчирма гап сўроқ, буйруқ ёки ҳис-ҳаяжон гап бўлса, сўроқ ёки ундов белгиси қўштирноқ ёпилмасдан олдин; дарак гап бўлса, нуқта қўштирноқ ёпилгандан кейин қўйилади.

1) М: «К».	2) М: «К?»	3) М: «К!»
------------	------------	------------

III. Агар муаллиф гапи кўчирма гапнинг ўртасида келса, тиниш белгилари қуйидагича бўлади.

1. Кўчирма гапнинг узилиб қолган қисмида ҳеч қандай тиниш белгиси бўлмаса ёки вергул ёхуд икки нуқта бўлса, бу белгилар туширилиб, муаллиф гапи ҳар икки томондан вергул ва тире билан ажратилади. *“Бизнинг қишлоғимизда, – деди Фазлиддин, – киши зерикмайди”.*

2. Кўчирма гапнинг узилиб қолган қисмидан сўнг нуқта қўйиш лозим бўлса, муаллиф гапидан олдин вергул ва тире, муаллиф гапидан сўнг эса нуқта ва тире қўйилади, кўчирма гапнинг қолган қисми бош ҳарф билан бошланади: *“Ҳаво булут, йиғилган ҳосил очикда қолмасин, – деди бошлиқ. – Одам чақиринг, ҳосилни ёпиққа ташини керак”.*

3. Кўчирма гапнинг узилиб қолган қисмидан сўнг сўроқ ёки ундов белгиси қўйиш лозим бўлса, муаллиф гапидан аввал ўша белги ва тире қўйилади, муаллиф гапидан сўнг нуқта ва тире қўйилиб, кўчирма гапнинг қолган қисми бош ҳарф билан бошланади: *“Нега сер-райиб турибсан? – деб Ражаб ака уни уришиб берди. – Ол белкуракни!” (П.Қ.) “Худди поездга чиқаётган одамларга ўхшайсизлар-ку! – деди директор кўришаётиб. – Қўлларингиздаги нима?”*

1) «К», –м, –ю»	2) «К», –м, –К»	«К?» –м, –«К!»	г) «К!–м, –К?»
-----------------	-----------------	----------------	----------------

IV. Кўчирма гап муаллиф гапнинг ўртасида келса, унда тиниш белгиларининг қўйилиши қуйидагича бўлади:

1. Муаллиф гапнинг узилиб қолган қисми охирига икки нуқта қўйилиб, кўчирма гап қўштирноқ ичига олинади; кўчирма гапдан кейин вергул ва тире қўйилиб, кейин муаллиф гапнинг давоми ёзилади: Саодат: *“Биз ҳам астойдил меҳнат қилдик”, – деди.*

2. Кўчирма гап сўроқ ёки ҳис-ҳаяжон гап бўлса, уларнинг белгилари қўштирноқ ичида бўлади. Масалан: *Ўқитувчимиз: “Сен қайси бадний китобларни ўқиб чиққансан?” – деб сўрадилар. Улар: “Шаҳаншоҳим, бирчаси бекор, ана, қаранг, қуёш чарақлаб турибди!” – дея жон сақлашибди. (Э.А.)*

Э с л а т м а. Муаллиф нутқида ишлатиладиган ўзга бир шахснинг сўзи ёки сўз қўшилмаси ҳам қўштирноқ ичига олинади: *Гаражга борганда “бошингга нима қилди?” деб сўрашса, “темирга уриб олдим” дейди. (П.Қ.) Астагина “чуҳ” деб отини қамчилади. (Ч.А.)*

Кулги, киноя билан айтилган ўзгаларнинг сўз қўшилмалари ҳам қўштирноқ ичида кўрсатилади. Масалан: *Кўплар бу шошилинич савдонни билмадилар, билганлар Мирёқубни “жинни бўлибди” дедилар.*

V. Кўчирма гаплар ҳамсуҳбатларнинг луқмаси тарзида ифодаланганда ёзма нутқда ҳар бир луқмадан аввал тире қўйилади. (Ҳамсуҳбатларнинг луқмалари-да, диалогдаги репликаларда муаллиф гапи бўлмайди).

Масалан:

- *Қаерда эдингиз?*
- *Редакцияда.*
- *Кечаси-я?*
- *Ҳа. Навбатчилик қилдик. (П.Қ.)*

314-машқ. Ўқинг. Кўчирма гапларнинг ўрнини аниқланг, тишиш белгиларининг ишлатилишига диққат қилинг.

1. Зоҳид буни билгани учун ҳам жилмайиб: – Раҳмат, акахон, – деди сўнг Солиевга юзланди: – Мақсуд ака, бу топшириқни бажармасак бўлмайди. 2. – Қимирламанг, отахон! Сиз келганда, биз турсак, ярашади, биз келганда, сиз турсангиз, хунук туради. (А.Қ.) 3. “Бу кимнинг машинаси? – қорачагина бир қиз сўради. – Мен Аравонга бормоқчи эдим, олиб кетсангиз”. 4. – Ё, қудратингдан, деди уч бор кўксига туфлаб энага, қандай кунларга қолдик! (Мирм.) 5. – Кўрсангиз, танимайсиз, оғзи тўла тилла тиш! – дея у, ҳеч ким сўрамаган бўлса-да, Матлуба ҳақида ахборот беришга тушди. (Э.А.) 6. Мен унга “қачон бир бемалюл гаплашамиз”, демоқчи эдим яна Ражаб ака халақит берди. (П.Қ.) 7. «Етти бошли аждардан эмас, тилёғлама одамдан қўрқиш керак», – деган эди Кайковус. 8. «Айтилган сўз – отилган ўқ», – дейди доно халқимиз.

315-машқ. Кўчирма гапларнинг ўринини аниқлаб, тиниш белгиларига диққат қилинг ва гапларни кўчириб ёзинг.

1. – Туринг, Назирабуви! Туринг, Тўхтабувиникига чиқамиз! (А.Қ.) 2. Домла билан бўлган ҳангомаси эсига тушди-ю, аста “ҳмм” деб қўяқолди ва суҳбатни яқунлагандек бўлди: – Чираниб қилинган ифторнинг савоби кам, дейдилар, устозим. (Ш.) 3. – Э, сиз нимани тушунасиз, жўра! – деди ҳафсаласи пир бўлиб. (Ў.Ҳ.) 4. – Камолиддин?! Қани, қаерда? – деди ажабланиб Элчиев. – Нега кирмади бу ёққа? (Э.А.) 5. Ҳосилбойваччанинг юзини шодлик ели силаб ўтди, у мағлубни бир оз калака қилиш мақсадида: – Сизга ҳам қойилман. Бунақа тан бериш фақат ўғил боланинг қўлидан келади, – деди. (Т.М.) 6. Бобур хотираларни эслаб ўтиришни ўзига эп кўрмади-ю, ҳайрат билан тикилиб: – Наҳотки, ҳаммасини унутгансиз?! – деди. (П.Қ.) 7. “Эй, ердан чиққан алвасти, ҳап сеними!” – деб йилқичилар узун таёғини кўтариб мени қувлаб юборишарди. (Ч.А.)

316-машқ. Матнни ўқинг. Тиниш белгиларининг ишлатилишига диққат қилинг. Матидан ўзингиз хоҳлаган 4 та гапни тандаб олиб, кўчирма гапни муаллиф гапидан кейин келтириб ёзинг.

Ҳайит қилиб келган холаси яна бир гапни жиддий қилиб ташлаб кетди. Хайрлашаётиб Валибобога таъкидлади:

– Энди, Машрабжоннинг тўйи шу ёздан қолмасин, почча!

Валибобо “йўқ” демаган бўлса ҳам, ўз вазминлиги билан:

– Яхши, – деди-ю, кун бўйи хаёл суриб юриб, кечки пайт Охундга йўлиқди.

– Ўша кунни ўғилнинг бошини иккита қилиб қўйишдан гап очиб эдингиз, тақсир, маслаҳатга келдим, – деди, – тўйлар жуда “мен сендан ўтаман” бўлиб кетган.

Валибобо у ёғини қанақа қилиб тугатишни биллолмай турган эди, Охунд мийиғида кулиб ҳазиллашди:

– Битта ўғлингиз, чидайсиз-да, уста!

– Бор бўлса, юз-кўзидан салақа, тақсир... Қўл ўлгур қисқа-да!

– Улар “мен сендан ўтаман” тарзида тўй қилса, сизга нима, уста?! Сизнинг Чорсуда қатор-қатор дўконингиз бормики, қирда ботмон-ботмон ерингиз бормики?! Ё Хитойга қатнайдиغان карвонингиз борми? Ўз кўрпангизга қараб оёқ узатаверасиз-да.

– Энди эл-юртчилик... – дудуғланди Валибобо.

– Эл-юрт катта тўй қилинг, деб ёқангиздан тутяптими? Йўқ, ўзингиз ёқангизни мақтанчоқ, такаббурлар қўлига тутиб беряпсиз. Эл ҳеч нарса демайди, оғзига кучи етмаган калондимоғлар гапиради. Бир кун гапиради, икки кун гапиради, кейин эсдан чиқаради.

– Шундайку-я, тақсир...

Охунднинг серсоқол бежирим юзига яна табассум таралди:

– Шаҳар ҳокимининг қизига совчи қўймоқчимасдирсиз, ахир!

– Йўқ, албатта, тақсир. (Ш.)

317-машқ. Қуйидаги гапларга машқнинг охирида берилган муаллиф гапларидан мосини қўшиб, тиниш белгиларини қўйиб кўчиринг.

1. Ўйлаброқ гапиринг, ўртоқ Акбаров! ... 2. Амирзодам, хастасиз, ётмоғингиз керак (П.Қ.) 3. ... Қўрқувнинг энг заҳарли меваларидан бири ёлғон билан қаллоблик. 4. Қани, ўртоқлар, асосий масала бўйича ким гапиради? 5. Бундан буён топшириқни ўз вақтида бажараман 6. Бай, бай, бай, роса қийналибсизда... . (Ч.А.) 7. ... Амирзодам, бир қошиқ қонимдан кечинг! Яна бир шумхабар! (П.Қ.) 8. ... Жамшиднинг ўрнига кимни берасан? 9. Марҳамат, хонага кириг! ... Илҳом манбаи ва хушҳаво! (О.)

Қўйиш учун муаллиф гаплари: деб жавоб берди Азиз, ачинди Мўмин бобо, деб табиб уни маҳкам қучоқлаб олди, шарқ файласуфларидан бири шундай деган эди, Асадбек Кесақполвондан сўради, деб Бегимов ўтирган жойида безовта қимирлаб олди, дея қўлини кўтарди Навоий, дея Ашур ўридан турди, мусибатли товуш билан деди

318-**машқ.** Туширилган тиниш белгиларини қўйиб, гапларни кўчиринг. Муаллиф гапининг кесими тагига чизинг.

1. Мен у йигит билан гаплашишим мумкинми деди Зоҳид, унинг қилиғидан ранжиб. (Т.М.) 2. Таклифингиз учун ташаккур деди ва хайрлашиб чиқиб кетди. (П.Қ.) 3. Бувиси доим Барака топ, қизим, обрўйинг, иқболинг бундан ҳам баланд бўлсин дер эди. 4. Тўғри айтасиз, ҳунар – хазина деди Аброр ишдан бошини кўтармай. (О.) 5. Маҳкам Очилга ие дегандай олайиб қаради.

59-§. ЎЗЛАШТИРМА ГАП

Шакли ўзгартирилиб, мазмуни сақланган ўзгаларнинг гапи ўзлаштира гап дейилади.

Қиёсланг:

<i>“Китоб – ақлнинг калити”, – деди ўқитувчимиз.</i>	<i>Ўқитувчимиз китоб ақлнинг калити эканлигини айтди.</i>
<i>“Сен таътилда қайси китобларни ўқимоқчисан?” – деб сўради Дилором.</i>	<i>Дилором таътилда қайси китобларни</i>

Қайси гапларда ўзгаларнинг гапи ҳеч ўзгаришсиз, айнан берилган? Қайсиларида шакли ўзгартирилиб мазмуни берилган?

Эслатма:

1. Сўроқ ва буйруқ мазмунини ифодалаган кўчирма гаплар ўзлаштира гапга айлантирилганда дарак гап шаклида баён қилинади.

<i>– Бу қандай бино, нимага мўлжаллайсиз? – деди Ўктам. (О.)</i>	<i>Ўктам бу қандай бино эканлиги, унинг нимага мўлжалланишини сўради.</i>
<i>– Иمتиҳонларга пухта тайёрланинг! – деди мактаб директори.</i>	<i>Мактаб директори имтиҳонларга пухта тайёрланиш лозимлигини айтди.</i>

2. Ундов ва кириш сўзли кўчирма гаплар ўзлаштира гапга айлантирилганда, бу сўзлар тушиб қолади. Ундолмали гаплар ўзлаштира гапга айлантирилганда, гапнинг синтактик қурилишида маълум ўзгаришлар юз беради.

<i>– Хўш, қандай янгилликлар бор? – деди Ўктам. (О.)</i>	<i>Ўктам қандай янгилликлар борлигини сўради.</i>
<i>– Дарвоқе, хаёлимдан кўтарилибди, – деди ойиси секингина.</i>	<i>Ойиси хаёлидан кўтарилиганини секингина айтди.</i>
<i>Қоратой, ўрингдан тур, Собирбек келяпти! – деб пичирлади Хонимгул. (Ч.А.)</i>	<i>Хонимгул Қоратойга ўридан туриш кераклигини, Собирбек келаётганини пичирлаб айтди.</i>

319-машқ. Ўқинг. Кўчирма гапларни ўзлаштира гапга айлангиринг.

1. Ота ўғлига: “Кимнинг ҳиммати баланд бўлса, унинг қадр-қиммати ҳам баланд бўлади”, – деди. (Х.) 2. – Кўчада машина кутиб турибди, – деди йигит, икковини баравар ажаблантириб. (Т.М.) 3. Тўғонбек салмоқланиб: “Пишиқ газал, сўзининг таъми бор”, – деб қўйди. (О.) 4. – Болалар, мен сизларга ҳарф ёзишни, ўқиш ва ҳисобни ўргатаман, – деган эди ўшанда Дуйшэн. – Ўзим нимани билсам, сизларга ҳам шуларни ўргатаман... (Ч.А.) 5. – Яратганнинг қулимен, – деди Зоҳид тиз чўкиб, ялинчоқлик билан, – беш кунлик умримни тоат-ибодат билан ўтказаман. (Мирм.) 6. – Амирзодам, – деб Бобурнинг бувиси, сўнгги йилларда анча букчайиб қолган Эсон Давлат бегим гап бошлади: – Шайбонийхон сулҳ такдиф қилиб одам юбормиш! (П.Қ.)

320-машқ. Берилган ўзлаштира гапларни кўчирма гапга айлантириб, зарур тиниш белгиларини қўйиб гапларни кўчиринг.

1. Гулбаҳор Мадинадан дарс тайёрлаш учун уйига келишини илтимос қилди. 2. Сардор шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилмоқчилигини айтди. 3. Умрзоқ ота мақтанчоқ бўлмасликни, ёши улуғларни ҳурмат қилиш кераклигини уқтирди. 4. Малик ака эртага ҳаво очиқ бўлишини айтди. 5. Кутубхоначи китобларни ўз вақтида топшириш зарурлигини эслатди. 6. Донолар оқил фарзанднинг ота-онага раҳмат ёғдиришини таъкидлаганлар. 7. Синфдошим Равшандан ёзги таътилни қаерда ўтказишини сўрадим. 8. У оиласи билан Иссиқ кўлга боришларини айтди.

321-машқ. Ҳикматларни ўқинг. Кўчирма гапли қурилмаларда икки хил тиниш белгиси (" ва –) қўйилишини тушуниб олинг.

1. Бир оқилдан сўрадилар: “Ким бахтиёру, ким бахтсиз?” Оқил деди: “Бахтиёр еб-ичади, бахтсиз йиғиб-йиғиб ўлиб кетади”. 2. “Одамнинг бахтсизлиги бировларга ёмонлик қилишдан бошланади”, – деган эди буюк Навоий. 3. Шогирди устоздан сўради: – Дунёда нима абадий қолади? Устоз жавоб берди: – Дунёда абадий қоладиган нарса иккитадир: донишманднинг сўзи, ботирнинг иши.

4. Пастда кўп экинзор, устида осмон,

Ҳар кўкат баҳори ўзгадир, аён.

– Нега кўзинг юмуқ? – десам буғдойга,

– Жим, кўзим ўнгида, – деди, – тегирмон. *(Бедил)*

322-машқ. Матнни ўқинг. Кўчирма гап ва муаллиф гапларини белгиланг. Тиниш белгиларини қўйиб кўчинг.

МУШУК БИЛАН ҚОПҚОН

Ризқимни қиядиган бўпсан-да деди илк бор Қопқонни кўрган Мушук.

Қўрқма, мен сичқонни тутаман-у, лекин емайман дебди Қопқон.

Вой, мунча яхшисан деб мамнун бўлибди Мушук шунақа дўстни излаб юрувдим.

323-машқ. Ўзингиз ёқтирган адиб асаридан 6 та кўчирма гап танланг ва уларни ўзлаштира гапга айлантириб, дафтарингизга ёзинг.

Икки кишининг ўзаро суҳбати диалог дейлади.

Диалогда баъзан муаллиф сўзи қўлланмайди. Бундай ҳолатларда ҳар бир сўзловчининг гапи сатр бошидан тире (чизик) билан бошланади ва бош ҳарф билан ёзилади. Ёзувда қуйидагича тиниш белгилари қўйилади:

«Қаердан келдинг?» – «Қишлоқдан». – «Нима қилмоқчисан?» – «Ўқимоқчиман».

324-машқ. Диалогларнинг ёзилиши ва тиниш белгиларининг қўйилиш сабабларини изоҳланг.

I.

- Эй замин!
- Битмайин не ишинг қолган?
- Бетиним айланиб жонинг ҳалакдир.
- Сўрма,
- Мен шўрликни шу куйга солган –
- Тириклар ишидир, чархи фалакдир.

(Э. В.)

II.

- Ота-онанг тирикми, Хидирвой?
- Юришибди тупроқдан ташқари.
- Бола-чақанг?
- Соғ-саломат.
- Омонми юртинг?
- Минг қатла шукур.

(Журн.)

325-машқ. Диалогларни ўқинг. Уларнинг мазмунига ва тиниш белгиларига эътибор беринг.

I.

Буюк Хитой файласуфи Конфуцийдан шогирдлари сўрайдилар:

- Бир одамни барча юртдошлари севса яхшими?
- Йўқ. Бу ёмон.
- Агар ўша одамни барча юртдошлари ёмон кўрса-чи?
- Унда ҳам яхши эмас. Агар уни яхши одамлар севиб, ёмон одамлар севмаса, бу яхши, – деб жавоб берди Конфуций. (Х.)

II.

- Бу ўқ сеникими?
- Ҳазратим, афв этинг, бемаврид ўқ отмишмен.
- Аммо ўқни яхши отмишсен, – деб Бобур ўғлига кулим-сираб гапирди.

Ҳумоюн кўзлари гўё илҳом билан ёниб:

- Ҳазратим, ижозат беринг, – деди.
- Қани, қани, – деди мароқ билан Бобур. (П.Қ.)

326-матқ. «Охирги кўнғироқ тантанасига тайёргарлик» мавзусида ҳамфикр дўстингиз билан суҳбатлашинг. Суҳбатдаги энг сара гапларни тиниш белгиларига тўла риоя қилган ҳолда дафтарингизга ёзинг.

Савол ва топшириқлар

1. 8-синфда тилшуносликнинг қайси бўлимлари ўрганилди?

2. Синтаксис бўлими тилнинг қандай сатҳи ҳисобланади? Унда нималар ўрганилади?

3. Сўз бирикмаси нима? Унинг сўздан ва гапдан қандай фарқи бор?

4. Мослашув, бошқарув ва битишув алоқаси орқали ҳосил бўлган сўз бирикмаларига мисоллар келтиринг ва шу бирикмалар асосида гаплар тузинг.

5. Содда гапнинг грамматик асосини нима ташкил этади? Мисоллар келтиринг.

6. Гапнинг мақсадга кўра турларини айтинг ва буларнинг ҳар бирига адабиёт дарслигингиздан мисоллар ёзинг.

7. Ёзувда қайси ҳолларда эга билан кесим орасига тире қўйилади? Фикрингизни мисоллар орқали тушунтиринг.

8. 5 ва 6-жадвалдан фойдаланиб, гапнинг иккинчи даражали бўлаклари, унинг турлари ҳақида маълумот беринг.

9. Бир бош бўлакли гапнинг икки бош бўлакли гапдан қандай фарқи бор?

10. Бир бош бўлакли гапнинг турларини айтинг ва мисоллар келтиринг.

11. Умумлаштирувчи бўлак қатнашган уюшиқ бўлакли гапларга мисоллар ёзиб, қайси ўринларда қандай тиниш белгилари ишлатилганини изоҳланг.

12. Киришлар нима? Киришларнинг тузилишига ва маъносига кўра қандай турлари бор?

13. Киритмаларнинг киришлардан қандай фарқи бор? Киритмалардан қандай ўринларда фойдаланилади?

14. Ундалма нима? Йиғиқ ва ёйиқ ундалмалар қатнашган гапларга мисоллар келтиринг.

15. 15-жадвал фойдаланиб, гапнинг ажратилган бўлаклари, турлари ҳақида маълумот беринг.

16. Кўчирма гап билан ўзлаштира гап ўртасидаги фарқни айтиб беринг.

17. Кўчирма гапли қурилмаларда тиниш белгиларининг қўлланилишини мисоллар асосида тушунтириб беринг.

327-машқ. Матнни ўқинг. Ҳар бир гапни сўз бирикмаларига ажратиб ёзинг, бош сўз тагига тўғри чизиқ, эргаш сўз тагига тўлқинли чизиқ чизинг. Сўз бирикмасининг гапдан фарқини тушунтиринг.

Яхши хулқ ва ақлнинг кучи биргаликда инсоний фазилат ҳисобланади. Ҳар бир инсоннинг яхшилиги унинг ўзидаги ҳамда ҳаракатларидаги устунлик ва мукамалликдир... Агар уларнинг иккаласи мавжуд бўлса, биз ўзимиз ҳам, ҳаракатларимизда ҳам устунликка ва баркамолликка, олижанобликка, эзгуликка эришамиз. Бизнинг ҳаёт тарзимиз ана шу яхшилик ва мақтовга лойиқ бўлади.

Ақл фақат инсонгагина хос бўлган туғма қувват ва руҳий куч билан боғлиқдир. Инсон тушуниш, фаҳмлаш, муҳокама қилиш, ўйлаб топиш, фикрлаш қувватига туғилишдан эга бўлади ва уларнинг қандай вужудга келганини ўзи ҳам билмайди. (*Фаробий*)

328-машқ. Сўз бирикмаларини отли бирикма, феълли бирикма тарзида икки устунга ажратиб ёзинг, улардаги эргаш ва бош сўзнинг қайси сўз туркуми билан ифодаланганлигини қавс ичида ёзиб кўрсатинг. Эргаш ва бош сўзнинг боғланиш турини айтинг.

Намуна:

Отли бирикма	Феълли бирикма
<i>Она меҳри (от+от), мослашув</i>	<i>Хайрлашиб кетмоқ (равинилош+феъл), битишув</i>
<i>Яхши ҳаёт (сифат+от), битишув</i>	<i>Шаҳарда яшамоқ (от+феъл), бошқарув</i>

Саломатлик учун зарарли, боғни томоша қилмоқ, фазоларда учмоқ, кулимсираб гапирмоқ, ватан ишқи, ҳаммадан чаққон, яхши ҳаёт, олтин соат, бизнинг мактаб, атлас кўйлак кийган қиз, ёз қуёши, уй вазифаси, ўқдан тез, она меҳри, секин айтмоқ, эл бахти, ҳаяжон билан сўзламоқ,

университет боғи, қўнғироқ овоз, узоқ йўл, йигирма беш ўқувчи, салқин шабада, барча аҳоли, ўқиган қиз, қўнғир тусли қўзичоқ, севимли касб, билимга интилиш, ҳаётга йўлланма, ўзига маълум, онасига садоқатли, ишлашга қулай, барчага баробар, сон-саносиз бойлик, хат юбормоқ, шартнома тузмоқ, ҳар ишга мойил, асалдек ширин, овоздан тез, чарм қўлқоп, қиличдан ўткир, сизга муносиб, самимий қутлов, бир-мунча секин, ҳаммага манзур, фойдали маслаҳат.

329-машқ. Ўқинг. Бошқарув ва битишув алоқали сўз бирик-миларини кўчариб ёзинг, эргаш сўзни бош сўзга қандай воситалар ёрдамида боғланганлигин изоҳлаи.

Абдулла Қаҳҳорнинг ўзига хос хислатларидан яна бири шу эдики, у киши то айтадиган сўзларини қоғозга тушир-масалар, кўнгилга тугиб қўйган гаплари бўлмаса, минбарга чиқмас эдилар... Тайёргарлик кўрмасдан бирон маротаба минбарга чиққанларини билмайман. Бу, албатта, минбарга чиққанда қоғозга қараб гапирар экан, деган маънони англат-маслиги керак. Абдулла Қаҳҳор доимо қоғозсиз гапирар-дилар. Аммо минбарга чиқиб айтадиган сўзларини “етти ўлчаб, бир кесиб” кўнгиллари тўлганича айтар эдилар. Бу ўша аудиторияга нисбатан ҳурмат сақлашнинг аломати эди...
(К.Қаҳҳорова)

330-машқ. Ўқинг. Гапнинг мақсадга кўра турларини айтинг. Гапларни синтактик таҳлил қилинг.

1. Ариқ бўйлари, деворлар ости, шотут дарахтлари тагида қўл қовуштириб турган одамлар Темур Маликни интизорлик билан кутишарди. (Мирм.) 2. Қани, синчалакхон, қизим, мана буни кийиб олинг-чи! (А.Қ.) 3. Сен, манглайи қора мусулмон бўла туриб, нечун беймон бадавийлар ёнини оласен?! ... Ўша Чингиз ёнига омон борамен, деб хаёл қилурмисен?! (Мирм.)

331-машқ. Ўқинг. Сўроқ гапларни топинг. Сўроқ гаплар қайси воситалар орқали ҳосил бўлганини тушунтириб беринг.

АЖДОДИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

Бизнинг овулимизда етти отасини билиш одатига қатъий риоя қилинарди. Шу сабабдан ўзимиздан олдин ўтган етти аждодимизни билиш муқаддас бурч эканлиги болалиқданоқ онгимизга сингдириларди. Одатда овул қариялари бу борада ўғил болаларни: “Қани айтчи, ботир, кимларнинг авлодидансан? Отанг ким? Отангнинг ота-боболари кимлар? Нима иш билан шуғулланишган? Одамлар улар ҳақида нима дейди?” каби саволлар билан синашарди. Агар бола бу саволларга жавоб беролмаса, унинг ота-онаси қаттиқ изза қилинарди. (Ч. А.)

332-машқ. Матни ўқинг. Ҳар бир гапнинг грамматик асосини топиб, кўчириб ёзинг.

БАҲОРИЙ ТАОМЛАР

Наврўз тонги отди. Эрталабдан кўчалар байрам тусини олди. Чиройли кийинган бахтиёр ёшлар, кўркам соқоллари кўксини безаган нурунийлар, фарзандлари камолига интиқ ота-оналар чеҳрасида табассум, лабларида Наврўз кулгуси мужассам. Байрамда баҳорий таомлар пишириш бўйича мусобақалар ўтказилди. Шундай таомлардан бири кўк сомсадир.

Маълумки, баҳор келиши билан турли-туман ўт-ўланлар кўкара бошлайди. Улар орасида инсон организми учун зарур бўлган витаминларга бой кўкатлар ҳам кўп. Шундай кўкатларни ейиш инсон учун фойдали...

Баҳорнинг илк кунларидаёқ болалар шундай кўкатларни териш учун далага чиқадилар. Улар келтирган кўкатларни оналар тозалайдилар, ювадилар ва майдалайдилар. Шундан кейин кўк сомса тайёрланади. Бундай сомса кўпроқ тандирга ёпилади.

Баъзан кўкатлар қўшилган нон ҳам ёпилади. Бунда болалар учун махсус кулчалар ҳам қилинади. (Журн.)

333-машқ. Ўқинг. Тиниш белгиларининг қўлланилиш сабабини тушунтириг.

1. Муҳтарам шаҳзода! Сиз жасоратли саркардасиз! Мен сизни шогирд эмас, дўстим деб биламан. (*Мирм.*) 2. Ҳеч ким ўзини тута олмади: ҳўнграб-ҳўнграб йиғлашди. (*О.*) 3. Ўтган ёзда уларнинг уйига ҳатто ҳарбий юк машинаси ҳам келганди – филдираклари баланд, худди тумшуғи кесиб олингандек эди. (*Ч.А.*) 4. Йўқ, Муаттархон, мен йиғлоқ эмасман, сизга йиғлаб бердим-да! (*А.Қ.*) 5. Ит эгаси атрофга хавотир билан аланглаб қўйиб, “чемпион” ни – собиқ чемпионни етаклаб даврадан чиқди. (*Т.М.*) 6. Биламан, ёшлиқда кўрган ранглар, эшитган товушлар кейин топилмайди. (*С.А.*)

7. Илм – барча ҳунарнинг тожи, бебаҳо.

Илм – ҳамма қулфнинг калити, аъло. (*А.Ж.*)

334-машқ. Ўқинг. Гап бўлақларининг тартибига эътибор беринг. Қайси гап бўлақининг тартиби ўзгарганлигини аниқланг.

ҚЎНҒИРБОЙ ҲУЖУМИ

Ҳар бир ишнинг чегараси-чеки бор, Қўнғурбойнинг эса қирғизларда беадад кеки бор. Хон Жўлойнинг инқироzi, Тукубойнинг ўлими қалмоқларнинг ғазабини қайнатиб юборди.

Ўтган гапни ташлайлик,
Бўлар гапдан бошлайлик.
Отнинг югуриги белдор,
Олиб қочар бўз тулпор.
Қалмоқ, манжу, қирғизлар
Олишгандан олишди.
Денгиздайин чайқалиб,
Ҳолдан тойиб қолишди.

Оқсоқоллар сўз бошлар:
“Уқиб олинг тенгдошлар,
Минг кишидан биринг кел,
Удабурон ва чаптаст

Қирон мерган, эринг кел!”
Ҳолдан тойиб душманнинг,

Ори келди қалмоқлар.
Енгамиз деб қирғизни,
Бари келди қалмоқлар.

Қирғизлар дастлабки ғалабадан сўнг бир оз тин олиб, отларига дам бериб, яна жанговар урушга шай бўлиб туришди ва қалмоқларнинг жанггоҳи сари юришди. Қалмоқлар ҳам отларини тобига келтириб, қурол-аслаҳаларини сошлаб, лашкарбошиларини эъозлаб юзма-юз чиқишмоқда. Қалмоқларнинг ман-ман деган полвонлари Қўнғурбойга йўл бериб, элатимизнинг фаҳри дея қўл бериб турган чоғи. Бу кезде Қўнғурбой Жўлойнинг Очбудон деган тулпорини миниб Таласни кўзлаб от сурди. Бундан хабар топган эр Манас душманга қарши тайёр эканини билдириб, туғларини илдириб, қўшинни жилдириб Бақайни эмакдош, Чубақни эса кўплаб қўшинга бош қилди. (“Манас”)

335-машқ. Ўқинг. Гапларнинг ифода мақсадига кўра турларини аниқлаш ва тиниш белгиларининг қўлланилиш сабабини тушутиринг.

... Жуда бой, чиройли тилимиз бор. Бу тилда ифода этиб бўлмайдиган фикр, туйғу йўқ! Бу тил эллик йил ичида шундоқ бир қудрат касб этдики, халқимизни жаҳон маданиятига шерик қилиб қўйди. Афсуски, радиомиз кўпинча халқ билан мана шу бой, чиройли, пурқудрат тилда гаплашмайди. Одамлар борки, бисотидаги бир ҳовуч сўзни айлантириб, ўқиш-ўрганиш билан ўзбек тилининг имкониятидан тўлароқ фойдаланишни истамайди ёки бунга фаросати етмайди. Мана шу одамларнинг дангасалиги ёки фаросатсизлиги, чала мулла “олим” ларнинг илмий фаолияти оқибатида шундоқ бир тил вужудга келганки, на муомалада, на суҳбатда, на оилада ҳеч ким бу тилда гапирмайди. Бизнинг матбуот ва радио тили нима учун кундан-кунга халқ тилидан узоқлашиб борапти? Нима учун тилимизнинг қонун-қоидалари бузилапти? Нима учун кўча ҳаракати қондасини бузган

кишига милиция ҳуштак чалади-ю, бутун бир тилни бузаётганларга ҳеч ким ҳуштак чалмайди? ... (А.Қ.)

336-машқ. Ўқинг. Гапларнинг эга ва кесимини топиб, қайси сўз туркуми билан ифодаланганини айтинг. Бир бош бўлакли гапларни кўчириб ёзинг.

1. Қимиз ичиб қизишиб, чаккадан тери сизишиб, ҳангома бошлашибди, бошларин қашлашибди. 2. Соллона-соллона Хоникей эшикка чиқиб борибди, бора туриб ипакли чўнтакка қўл солибди, бир боғлам олтин очқичнинг бирини санамай олибди. 3. Қирқ жўрага қирқ қалпоқ найза солса тешилмас, қилич чопса кесилмас. 4. “Қарқирада қирғизни қалмоқ талаб кетди” деб, ёш Ҳайдарни тил олгач, “Шўри қуриб кетди” деб, қоплон Манас бош бўлиб, қирғиз йўлга шайланди. 5. Совриннинг охири тўққиз қора, тўқсон қўй, тилагига етганга ўзи ҳам бир тўй. (“Манас”)

337-машқ. Ўзингиз ёд билган бир банд шеърни ёзиб, ундаги мослашув, бошқарув ва битишув алоқали сўз бирикмаларини тартиб билан кўчиринг.

338-машқ. Матнни ўқиб, сарлавҳа кўйинг. Гапларни қуйидагича гуруҳлаб, дафтарингизга ёзинг.

1. От -кесимли гаплар: ..., ..., ...;
2. Феъл-кесимли гаплар: ..., ..., ...;
3. Атов гаплар: ..., ..., ...;
4. Йиғиқ гаплар: ..., ..., ...;

Эрта баҳорнинг серзавқ кунлари. Ям-яшил адирлардаги гиёҳлардан таралган хушбўй ҳидлар димоққа урилади. Офтоб чарақлайди. Кўм-кўк осмон шишадек тиниқ. Олақуроқ пахтали тўнлар елкадан тушган. Катта-кичик меҳнаткаш деҳқоннинг эғнида сурп ятак. Хушчақчақ қизларнинг қоп-қора сочларидаги толбаргидан ялпизларнинг хушбўй ҳиди анқийди. Баланд-баланд деворлар тагида қумурсқалар ўрмалайди.

Зарқишлоқнинг катта-кичик кўчаларида, сердарахт кўклам боғларида кўклам намоёиши кезади. Қишлоқ ўртасидаги энг баланд азамат чинорнинг оч яшил куртаклари орасида савтдек уя. Унда лайлак бир оёқлаб турганча тек қотган.

Кун пешиндан оққан. Ҳали барг ёзмай, безрайиб турган икки туп каттагина сада тагидаги нақшли чойхонада турлитуман одамлар кўп. Гуёки баҳор кишиларга шодлик улашаётгандай. (С.А.)

339-машқ. Матини ўқинг. Гапларда эга ва кесимнинг мавжудлигига қараб, турини айтинг. Уюшиқ бўдакли гапларни кўчиринг.

КҮК ЧУЧВАРА

Кўкатли чучвара айни навбаҳор дамлари тайёрланиши саломатлик омили ҳисобланади. Қиймаси отқулоқ, жағ-жағ, йўнғичқа, шўра, ялпиз, исмалоқ, момақаймоқ, кашнич, кўк пиёз, жизза ёки думба ёғи аралашмасидан тайёрланади. Ҳамма масаллиқни майдалаб чопасиз, туз ва қалампир қўшиб аралаштирасиз, қизиб турган қозонга солиб қовуриб оласиз. Хамирни мантига тайёрлагандек қилиб қорасиз ва ўқловда нафис қилиб ёясиз. Ёймани 5x5 см катталигида квадрат қилиб кесиб, ҳар бир жилдга тайёрланган кўк қиймани солиб чучвара тугасиз. Чучвара қайноқ сувга солиб пиширилади. Қайнаб пишиб чиққан чучварани товоққа солиб, бетига сариёғ суркаб, дастурхонга келтирасиз. (Газ.)

340-машқ. Шеърни кўчиринг. Тўлдирувчиларнинг тагига чизиб, турини айтинг.

Муҳаббат – чиройли капалак,

Қўрқаман шўрликни тутгани.

Капалак қувганим ёдимда.

Ёдимда йўқ, аммо етганим.

Юрагим ранжиган боладай,

На эрмак, таскинга кўнади.

Муҳаббат – чиройли капалак,

Ҳали ҳам гулларга кўнади.

Ортидан ҳаллослаб чопаман,
Хижолат бўламан ғўрликдан –
Қанчалик югурмай барибир
Орқада қолардим шўрликдан. (Ш. Раҳ.)

341-машқ. Қуйида берилган схемага мос гаплар тузинг. Кўчирма гапли қурилмаларда тиниш белгиларини тўғри қўллашга одатланинг.

1. «К», -м. 2. «К?»-м. 3. «К!»-м. 4. М: «К». 5. М: «К?»
6. М: «К!» 7. М: «К», - м. 8. «К, - м, - к». 9. «К, - м. - К».
10. «К? - м. -К?».

342-машқ. Кўчиринг. Шахси маълум гапларни топиб, тушунтириб беринг. Кўчирма гап ва муаллиф гапини аниқлаб, схемасини чизинг.

Шундоқ деди қуллуқ қилиб,
Гапни қуйиб жойинга
Янги замон шум боласи
Янги замон бойнга:

“Қошингизга яна келдим,
Қулоқ солинг, бой ота,
Сидқидилдан хизмат қилай,
Ишга олинг, бой ота.

Фазилатим кўпдир, яна
Айбимни ҳам айтаман,
Лекин энди янги замон,
Мен ёлғондан қайтаман”... (Э.В.)

343-машқ. *Ўн марта, оз-оз, анча, юз мартаба, узоқ сўзларини* қатнаштириб 5 та гап тузинг. Бу сўзлар гапда миқдор ҳоли вазифасида келсин.

344-машқ. Ажратиб кўрсатилган сўзларни қиёслапг: уларнинг қайсылари мустақил сўз, қайсылари кўмакчи? Кўмакчили гапларни кўчириб, кўмакчиларнинг тагига чизинг.

1. Мажлисида сўзни мактаб директори **бошлаб** берди. –
Насиба эртадан **бошлаб** ишга киришади. 2. Қозик **устид**
қор турмас. (*Топишмоқ*) – Гап ўғли **устид** борарди.

3. Сарвиноз онаси келгунча укасига **қараб** турди. – У уйга **қараб** кетди. 4. Уйимиз магазиннинг **тўғрисида**. – Нодир дўстлари **тўғрисида** кўп гапирди.

345-машқ. Матнини ўқинг. Кўчирма гапли қурилмаларда тиниш белгиларининг қўлланилишига диққат қилинг.

НИҲОЛ ЭКАЁТГАН ҚАРИЯ

Бир қария куйиб-пишиб ниҳол ўтқазаетган эди. Шу пайт ўша юрт Ҳокими унинг ёнидан ўтиб қолди. У қариянинг олдида тўхтаб деди:

– Эй отахон, ўзингиз-ку куч-қувватдан қолай дебсиз. Тағин ниҳол экапсиз, у мева туккунча, соғ-омон турасизми?

– Бошқалар экканидан биз баҳраманд бўлдик, энди биз экамиз, бошқалар ейди-да, – жавоб берди қария.

Унинг бу гапидан завқланган Ҳоким чолга олтин ҳадя қилди. Шунда қария:

– Мана эккан ниҳолим дарҳол ҳосил берди-я, – деди.

Ҳоким унинг бу сўзларидан яна ҳам завқланди ва яна олтин инъом қилди. Қария кулган ҳолда:

– Одамлар эккан ниҳоллар йилда фақат бир марта ҳосил берар эди-я, меники эса икки марта ҳосил берди!

Ҳоким қариянинг зукколигидан хурсанд бўлди-да, унга атаб тағин олтин ҳадя қилди. Бундан хурсанд бўлган оқсоқол яна ниҳол экишни давом эттирди.

(“Донолар бисоти”дан)

346-машқ. Ёйиқ содда гапларни йиғиқ содда гапларга, йиғиқ содда гапларни эса ёйиқ содда гапларга айлантиринг. Бунинг учун аввал гапларнинг кесим ва эгаларини аниқлашингиз керак.

Учаламиз тизилишиб йўлга тушдик. Кечки изғирин тушган, совуқ эди. Қор дарров музлабди. Оёқ ости ғичир-ғичир қилади. Осмон тип-тиник, йирик-йирик юлдузлар совуқдан титраб йилтиллайди. Қишлоқ жимжит. Олисдан поезднинг тарақа-туруқ овози келади. Нима қилти. Умар закунчи Оқсоқолникига келгандир-да! (Ў.Ҳ.)

347-машқ. Жадвалдан фойдаланиб, бадий асарлардан ҳолнинг ҳар бир турига биттадан мисол топинг ва дафтарингизга ёзинг. Пайт ҳоли ва ўрин ҳоли қатнашган гапларни синтактик таҳлил қилинг.



348-машқ. Ўқинг. Тиниш белгиларининг қўйилиш сабабларини тушунтиринг. Номлари тилга олинган кишиларни биласизми? Билмаганларингизни ўқитувчингиздан сўраб олинг. Шеърни ёдланг.

ҚАРОҒИМ ЎШ

Қайда юрмай, қаён турмай
 Нигоҳим узра пайдосан.
 Барокўҳсан, дилбар, шўҳсан,
 Ҳазин Оқбура дарёсан,
 Қароғим Ўш, чароғим Ўш!
 Чарос Қори, Қамбарнисо,
 Самарбону, Ҳувайдосан.
 Шоир Маҳжур каби содиқ
 Бир умр ошиқу-шайдосан.
 Бобур Мирзо тавоф қилган
 Фаройиб қутлуғ маъвосан,
 Қароғим Ўш, чароғим Ўш!
 Азиз шаҳрим, лазиз наҳрим,
 Сабаб тахти Сулаймонсан.
 Ўғлинг Ҳабиб Абдуллодай,
 Арзир меҳринг учун ёнсам,
 Қароғим Ўш, чароғим Ўш!
 Сен – Иброҳим Ҳамрабоев,
 Ўзинг Иззатли Султонсан.
 Таърифингни ёзар бўлсам,

Қайнаган чашма, вулқонсан.
Қароғим Ўш, чароғим Ўш!
Сен – Шавкатнинг ҳасрат, дарди,
Юракдан чиққан оҳисан.
Икки элнинг онахони –
Қурмонжонсан – додхоҳсан!
Қароғим Ўш, чароғим Ўш! (Т.Адашбоев)

349-машқ. Ўқинг. Қандай матн эканлигини белгиланг. Матнга сарлавҳа қўйинг. Қайта баён қилиш учун режа тузинг.

Қиш кунлари одам бўш вақтини уйда ўтказади. Шунинг учун ҳаракат, меҳнат қобилияти ҳийла сусайиб кетади. Кейин эса мушакларни бирданига, бир йўла ишга тушириш қийин бўлиб қолади.

Одам қишга ҳам, кўкламга ҳам аста-секин кўникиб боради. Совуқ об-ҳаво организмнинг танобини тортувчи, ҳаракатга чорловчи омил бўлса, иссиқ об-ҳаво юрак фаолиятини сусайтирувчи омиллардан ҳисобланади. Юрак қон томирлари бўшашдимн, одам ўзини лоҳас сезади.

Организмнинг бирор шароитга ўрганиб бориши адаптация деб юритилади. Шу сабабли бирор янги ерга кўчган ёки хизмат сафарига келган киши шароитга ўрганиб олгунча ўзини бошқачароқ ҳис қилади.

Баҳорда киши ўзини бардам сезиши учун қишдаёқ кўкатлар истеъмол қилишга аҳамият бериши зарур. Оғзи кўкка теккан сигир ва эчкининг сути, биянинг қимизи сервитамин бўлиб, кишини баҳор шароитига тез мослайди.

Халқимиз азалданоқ баҳорда бўшашмаслик тадбирини кўриб қўйган. Баҳорда илдиз қувват олган бўлса, шу илдизни баҳам кўрмоқ, қувватни иликка қайтармоқ керак. Сумалак айни шу мақсад учун мўлжалланган таомдир. (Журн.)

350-машқ. Ўқинг. Белгисиз ҳолатда қўлланган воситасиз тўлдирувчиларни тошинг. Ундалмали гапларни кўчириб ёзинг.

Алп ўғлонлар ўлкаси бу кўҳна Турон,
Қалқонлари, қанотлари, илм истанг.

Ярим жаҳон бунёд этган Соҳибқирон,
Алишернинг авлодлари, илм истанг!
Тахтдан тушганда ҳам отдан тушмай юрган,
Аждодингиз уй қурмаган – Давлат қурган.
Юрти учун елкасида тоғлар сурган,
Рустамлари, Фарҳодлари, илм истанг.
Кўз очганда кезиб етти баҳри уммон,
Етти тилда сўйлашган биз тили бийрон.
Ватанида Тожмаҳаллар тиклар султон –
Бобурлари, Беҳзодлари, илм истанг.
Ҳақ йўлида сиз илмнинг умматлари,
Ҳақ йўлида ҳидояти, ҳимматлари.
Мадад бўлсин Яссавийнинг ҳикматлари,
Бобо Машраб баётлари, илм истанг. (М.Ю.)

351-машқ. Матнда нечта ёйиқ содда гап борлигини белгиланг. Ҳар бир гапдан кейин тиниш белгиларини қўйинг.

Шамол учуриб кетган япроқлар кичкинагина станциянинг кечаси милтиллаб кўринган ёлғиз фонусига урилиб, парвонадек айланарди-да, қоронғидакўздан ғойиб бўлишарди. Шу кеча теракларнинг япроқлари тинмай тўкилиб турарди. Шамдек терилган қалин тераклар шамолнинг зўридан уч-учларидан то илдизларигача зарб еб, дам-бадам тебранишарди. Терак шохлари юқорида денгиз сингари чайқалиб шивирлашаркан, ўз бошларига тушган аллақандай оғир мусибат тўғрисида бир-бирлари билан ҳасратлашаётгандек туюларди. Дара бўйлаб эсган муздек шамол уларни бугун тунда бир йўла шипшийдан қилмоқчига ўхшарди. (Ч. А)

352-машқ. Матнни ўқинг. Икки бош бўлакли содда гапларни кўчириб ёзинг. Эга ва кесимларнинг остига чизинг ва қандай сўз туркумидан ифодаланганини айтинг.

СУМАЛАК ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛГАН?

Халқ орасида юрган ривоятлардан баъзилари ҳақиқатга яқинлиги билан киши диққатини тортади. Улардан лоақал биттасига диққат қилайлик: деҳқон баҳор келиши билан

уруғликка олиб қўйилган охирги донини сувга ивитиб қўяди. Лекин бирданига ҳаво бузилади. Буғдой ивитилган идишда ниш уриб ўса бошлайди. Деҳқон таваккал қилиб, ниш урган ва анча бўй кўтарган донни қиймалайди ва уй бекасига бундан таом пиширишни илтимос қилади. У қозонга солиб, узоқ вақт қайнатади. Таом шундай ширин тайёрланадики, унинг ҳиди ёқимли, ўзи тўйимли, мазаси эса тановул қилган кишининг узоқ вақт эсида қолади. Натижада келаси баҳорда яна шундай таом ейиш иштиёқи туғилади. Таом борган сари халқ ўртасида тарқалиб, баҳорнинг лаззатли неъматига айланади. Кейинчалик донни фақат уруғликкагина эмас, балки сумалак пишириш учун ҳам олиб қўядиган бўлишади. Уруғликка олиб қўйилган дондан мўл-кўл ҳосил кўтарилса, сумалакка асралган дондан эса кишилар ўзининг соғлиги, тетиклиги ва бардамлигини тиклаш учун ҳаётбахш озиқ тайёрлаганлар.

Дарҳақиқат, сумалак тановул қилган кишида ана шундай соғлом кайфият пайдо бўлиши барчага маълумдир.

(Журн.)

353-машқ. Уқинг. Гапларни гап бўлаклари юзасидан таҳлил қилинг.

1. Олтмиш тўрт сатрдан иборат бу шеър юрт соғинчи, унинг рангин бўёқлари, беқиёс манзаралари тасвирдан иборат эди. (С.А.) 2. Нурбек қизга жавоб бермоқчи эди, лекин улгура олмади. (Ч.А.) 3. Бундай даҳшатли манзаралар узоқ вақтгача хаёлимдан ўчмади. 4. Шералининг кенг кафтида яшил қутичада олтин занжирли, кабутарнинг кўзидек жажжи соат порлади. (Ҳ.Ғ.) 5. ... Устахонада бурнига думалоқ кўз-ойнак қўндирган қарияни кўрди. (Т.М.) 6. Аммам дадамнинг қўлига тугунча тутқазди. 7. Дадам кетмонни елкасига олиб, аммам берган тугунчани дастага илди. (Ў.Ҳ.)

354-машқ. Уқинг. Гап бўлақларининг тартибига диққат қилинг. Ўрни алмашган бўлақларни аниқланг ва фикрни одатдаги тартиб бўйича баён қилинг.

ОНАЖОНИМ

Навоийнинг қалбига бир вақт
Ватан ишқин кўчирган ҳам сен.
Гагаринга бахш айлаб қанот,
Фазо сари учирган ҳам сен,
Қуёш қаби нурингни сочиб,
Кўзларимга бахш этдинг зиё.

Сени кўрдим илк бор кўз очиб
Менинг учун сен ёруғ дунё.
Қадамингда яралар бўстон
Суюклигим, азиз волидам.
Ёзсам сенга бир умр дoston,
Меҳринг ҳаққи бари эрур кам.

355-машқ. Ўқинг. “Хх” ва “Ҳҳ” ҳарфлари қатнашган сўзларни аниқлаб, икки устунга ажратиб ёзинг. Уларнинг ёзилишини “Имло луғати” дан текширинг.

САХОВАТ

Бир одамнинг жуда кўп дони бор эди. У турган шаҳарда озиқ-овқат танглиги бошланди. Сахий одам ҳамма донларини аҳволи ночор кишиларга улашиб берди. Очарчилик кучайгач, ўзи ҳам донга муҳтож бўлиб қолди. Одамлар унга:

– Ўзинг муҳтожликка тушиб қолишингни била туриб, нега донларингни ҳаммага улашиб юбординг?

Саховатли киши деди:

– Халқ оч бўла туриб, мен роҳатда яшасам, бахиллик қилган бўламан. Очлик азобини халойиқ билан баробар тортишни, халқ қайғу-ҳасратига шерик бўлишни виждоним буюрди. Мен виждоним буйруғига итоат қилдим, холос.

(“Оз-оз ўрганиб доно бўлур” китобидан)

356-машқ. Ўқинг. Қуйидаги гапларни гап мазмунига мос ундов ва тақлидий сўзлар билан кенгайтириб ёзинг.

I

1. Ҳаво нақадар соф ва мусаффо! 2. Баҳорда Сулаймон тоғининг этаклари шундай гўзал бўлади. 3. Бу ернинг мевалари тилни ёради, бирам лаззатли!

II

1. Шамол эсади, майсалар оҳиста тебранади. 2. Дарахт япроқлари узилиб, меҳмонлар йўлига пояндоз бўлиб тўшалгандай эди. 3. Ҳар ёқдан овозлар эшитиларди.

357-машқ. Қуйидаги гапларни ҳис-ҳаяжон билан ўқиб, нуқта ўрнига ундов белгиси қўйинг. Гап мазмунида бўлган ўзгаришни оғзаки баён қилинг.

1. Арслонбоб ҳавоси ана шунақа сеҳрли ҳаво. 2. Қандай гўзал сатрлар. Ўзидан ўзи қўшиқ бўлиб кетаман дейди. (С.А.) 3. Жон болам, эсингни йиғ, жон болам. (Ў.Ҳ.) 4. Салом, янга, ҳорманглар, мана бир гала бўлиб ҳол-аҳвол сўрагани келдик. (Ч.А.) 5. Энди, катталиқ эмас, эркалик, ака, бир хизмат қиласиз-да. Хўп денг, ака. Оққўрғон деган жойдан дараклаб келдик, йўқ деманг, ака, биз ҳам тушунадиган одаммиз. (Ў.Ҳ.)

358-машқ. Қуйидаги гапларни сўроқ оҳанги билан ўқиб, нуқта ўрнига сўроқ белгиси қўйинг. Гап мазмунида бўлган ўзгаришни оғзаки баён қилинг.

1. Девонхонада шошилич кенгаш ўтказилди. (Т.Қ.) 2. Кўча эшик тақиллади. 3. Анзират хола жавоб бермади. (Ў.Ҳ.) 4. Тонг ёришай деб қолди. 5. Рустам балиқ овини яхши кўради. 6. Манзура стол тортмасидан газета олди.

359-машқ. Ўқинг. Гапларнинг кесимига кесимликни кўрсатувчи қўшимча, боғлама ёки тўлиқсиз феъл қўшиб кўчиринг. Эга ва кесимларнинг тағига чизинг.

1. Эли бақувватнинг – бели бақувват. 2. Ватан тақдири – ҳар бир кишининг тақдири. 3. Дунё – ҳам кўркам, ҳам бири кам. 4. Иймон ва эътиқод – қалбнинг маҳсули. 5. Бугунги меҳнат – эртанинг осойишталиги. 6. Инсон – иймон билан мукамал. 7. Ҳақгўйлик – жасорат.

360-машқ. Ўқинг. Қуйидаги гаплар кесимидаги кесимликни кўрсатувчи қўшимча, боғлама ёки тўлиқсиз феълни тушириб қолдириш, эга ва кесим орасига тегишли белги қўйинг.

1. Ўғилнинг жасорати отанинг қувончидир. 2. Ақл бахт дарвозасининг калитидир. 3. Ҳаёт мангу мактабдир. 4. Чидамли одамнинг роҳати кўп бўлади. 5. Тарих фақат ўтмишни ўрганиш эмас, ўша давр дурдоналарини ҳам билиш демак. 6. Садоқатли одам ҳимматли бўлади. 7. Камтарлик инсоннинг кўркидир. 8. Инсонни фош қилувчи ўзининг тилидир. 9. Узун тил бошга тўқмоқ, бўйинга сиртмоқ бўлади.

361-машқ. Ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сўзларга мос изоҳловчилар қўйиб гапларни кўчиринг.

1. **Бобур** сўнги йилларда кўп касал бўлиб, жуда озиб кетган, жуссаси хийла кичрайиб қолган эди. (П.Қ.)
2. “Маърифат” тўғараги аъзолари **Алишер Навоий** газалларидан ўқидилар. 3. Учрашув охирида **Турсунбой Адашбоев** ўз шеърларидан ўқиб берди. 4. **Чингиз Айтматовнинг** “Оқ кема”, “Бўтақўз”, “Сомон йўли” қиссаларини **Асил Рашидов** таржима қилган. 5. **Абдуҳамид Нурмонов** Ўрта Осиёда тилшунослик мактабини яратган олимлардан биридир.

362-машқ. Ўқинг. Берилган гаплардаги ажратиб кўрсатилган сўзларни уюшган аниқловчилар билан кенгайтириб ёзинг.

1. Мактаб ҳовлиси **ўқувчилар** билан тўла эди.
2. Боғимизда **шафтолилар** пишди. 3. Нодира – **ўқувчи**.
4. Адолат **қўрқиб** тез-тез юриб кетди. 5. Оқил киши **ростгўй** одамларга дўст бўлади. 6. Мен сумкамдан **қалам** олиб, унинг **манзилени** ёзиб олдим.

363-машқ. Ўқинг. Берилган гаплардаги ажратиб кўрсатилган сўзларни уюшмаган аниқловчилар билан кенгайтиринг.

1. “Келажак” бозори **одамлар** билан гавжум. 2. Чет элдан келган меҳмонлар шу **меҳмонхонада** қолдилар. 3. Кечаси ёға бошлаган **ёмғир** эрталабгача тинмади. 4. Математика дарсида болалар ўқув қуролларини тахт қилиб ўтиришарди. 5. Ҳовлимизда **дарахтлар** кўп. 6. Ўқитувчимиз олдида **китоб** турарди.

364-машқ. Кўчиринг. Уюшиқ бўлакларни топинг, гаптаги вазифасини аниқлаш ва таънига чизинг.

НОК

Нок – раъногулдошлар оиласига мансуб дарахт, бўйи 20 метргача боради. Дарахтнинг барглари юмалоқ, тухумсимон, четлари текис ёки арратишли. Гуллари оқ, баъзан пушти бўлиб, қалқонсимон тўпгулларга йиғилади. Меваси навларига қараб чўзиқроқ ёки юмалоқ бўлади. Нок меваси таркибида қанд, органик кислоталар, витаминлар, темир, марганец, калий каби моддалар мавжуд. Халқ табобатида нок қокисидан тайёрланган қайнатма чанқоқни, йўтални қолдириш учун ишлатилади. (Журн.)

365-машқ. Ўқинг. Гапларнинг эгасини ундалмага айлантириб, янги гаплар ҳосил қилинг ва зарурий тиниш белгиларини қўйиб кўчиринг.

1. Отахон ҳақ гапни айтди. 2. Парвардигор бизнинг хонадонимизга нур ёғдирди. 3. Эркин барча фанларни чуқур ўзлаштиряпти. 4. Тўраев унга илжайиб қараб турарди. 5. Дилноза гулларни яхши парвариш қилади.

366-машқ. Ўқинг. Берилган гаплардаги ундалмаларни гапнинг эгасига айлантириб, янги гаплар ҳосил қилинг.

1. Тақсир, мен ҳасад қилаётганим йўқ, завқланмоқдамен. (О.) 2. Бу гапларни қўйинг, устод, сизга неча йил хизмат қилсам ҳам қарздорман. (Мирм.) 3. Она, Феруза қачон кетди? (Х.Ф.) 4. Ёш дўстим, ҳар кунги хатти-ҳаракатинг устида ўз-ўзингга ҳисоб беришни ва тегишли хулоса чиқаришни унутма. (Р.У.) 5. Опажоним, мен бир нима қилиб қўйдим, билмайман, жаҳлингиз чиқармикан? ("Ч.") 6. Амирзодам, Самарқанд юришининг сарф-харажатиغا Андижонда саройлар, мадрасалар қурсангиз бўлур. (П.Қ.)

367-машқ. Ўқинг. Берилган гапларни ачиниш ёки шодликни билдирувчи киришлар билан кенгайтириб ёзинг.

1. Кўнгли бир қадар жойига тушди. 2. У йиғлай олмас, йиғлашга мадори етмасди. 3. Бугун Назирани учрата олмадим. 4. Кутубхона ўз ишини бошлади. 5. Арзимас ишларга ҳам жанжал кўтарадиган одат чиқарди. 6. Сизнинг

мақсадингиз бизга маълум. 7. Кўкдаги ой ҳамма ёқни ёритиб турарди.

368-машқ. Ўқинг. Берилган гапларни ишонч ёки тасдиқни билдирувчи киришлар билан кенгайтиринг.

1. Ҳар куни эрталаб бадантарбия қиламан. 2. Сизни қолдириб кетиш менга ҳам осон эмасди. 3. Достон иқтисодчи бўлади. 4. Йўл олис, хатарли эди. 5. Ўша кеча уйда бўлмагансиз. 6. Бугун ишдан эртaroқ қайтаман. 7. Тунги шабада жонга ором бағишларди.

369-машқ. Ўқинг. Берилган гапларни гумон ёки таажжубни билдирувчи киришлар билан кенгайтиринг.

1. Инсоннинг инсонга оқибати шу бўлса-я? 2. Шаҳноза боягидан ҳам қаттиқроқ кулди. 3. Кеча мактабда Ҳалима кўринмади. 4. У Анвардан илгарироқ ўзига келди. 5. Мени кўриб, дарахт панасига ўтганга ўхшайди. 6. Бу кўриниб турган тизма тоғлар орқасида яна баланд тоғлар бор.

370-машқ. Ўқинг. Берилган гапларни баён этилган фикрнинг кимга қарашли эканлигини билдирувчи киришлар билан кенгайтиринг.

1. Эртага ҳаво яхши бўлади. 2. Тонг юдузи кафтимга қўймоқчига ўхшайди. 3. Қилган ишидан ўзи пушаймон бўлди. 4. Юнусободдаги кампирникдан ижарага бир хона олганмиш. 5. Ичкарида кимдир бор. 6. Ҳозирда Ер юзида 265 минг турдаги ўсимлик борлиги аниқланган.

371-машқ. Ўқинг. Ўзлаштира гапларни кўчирма гапларга айлантириб ёзинг. Зарурий тиниш белгиларини қўйинг.

1. Навоий камтаринлик билан ўз ғазали эл орасида бир қадар шуҳрат топганлиги ҳақида ривоятлар борлигини айтди. 2. Шарқ файласуфлари бахтсизликнинг белгиси нодонлик эканлигини эслатганлар. 3. Бобур яхши киши ҳеч қачон ёмонлик кўрмаслигини бир рубойсида баён қилади.

372-машқ. Ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сўзларни боғловчиларсиз санаш оҳанги ёрдамида уюшган бўлаклар билан кенгайтиринг.

1. Мусобақада **Сардор** ғолиб чиқди. 2. Бу отахон бўш вақтида улфатлар билан **суҳбат** қуради. 3. Кўпгина

ижодкорлар қадимий Ўш ҳақида қўшиқ яратишни орзу қиладилар. 4. **Ватанга** бўлган муҳаббат ҳисси ҳар бир инсоннинг қалбида яшайди. 5. Ишни уддалашга тажриба керак.

373-машқ. Ўқинг. Уюшиқ бўлақлар қатнашган гапларни ёзинг, уюшиқ бўлақларнинг гаптаги вазифасини аниқлаиғ ва тагига чизинг.

ИҚБОЛ ЭШИГИ

Сабр барча меҳнат ва оғирликни енгиш ва чидашдир. Сабр ва сукутдан бебаҳра қолмайлик. Фикримиз ойнасига оқиллар ишорати ва насиҳатлари билан сайқал берайлик. Бир ишга киришар эканмиз, аввал ўйлаб, сўнгра у ишни бошлайлик. Шошқалоқлик ва енгилтакликдан узоқ бўлайлик. Шундагина иқбол ва давлат эшиги юзимизга очилади, бахт ва саодат гавҳарлари бошимизга сочилади.

(“Дурдоналар хазинаси” дан)

374-машқ. Ўқинг. Аввал от-кесимли гапларни, кейин феъл-кесимли гапларни кўчиринг. Гапнинг бош бўлақлари тагига чизинг.

БАЛИҚЛАР

Балиқлар доимо сувда яшовчи, жабра орқали нафас олувчи, сузгич қанотлари ёрдамида ҳаракатланувчи умуртқали ҳайвонлардир. Бундан юз йил муқаддам сувда яшовчи ҳамма жониворлар балиқ ҳисобланар эди. Ҳозир балиқлар икки гуруҳга: тоғайли ва суяклиларга бўлиб ўрганилади.

Балиқлар Ер шарининг ҳамма ерида тарқалган. Улардан баъзилари жуда катта бўлиб, ҳатто кемаларга ҳам ҳужум қилади, баъзилари эса бошқаларга емиш бўлишдан ўзини пана жойга олади. Айрим балиқлар ўз ўлжаларини тезда қувиб етсалар, айримлари бир ерда овқат пойлаб ётади. Балиқларнинг заҳарли, учар, капалак балиқлар, ниначи балиқлар, сакровчи балиқлар ва бошқа турлари бор. Сув ҳавзалари, дарёлар, кўллар, океанлар шаронтига мослашган балиқ турларининг тузилиши, яшаш тарзи ҳам жуда ажойиб. Айрим балиқлар сув бетиде чарх уриб юрса, бошқалари океан тубида ҳаёт кечиради. (Энцикл.)

375-машқ. Нуқталар ўрнига берилган сўзлардан мосини қўйиб кўчиринг. Бир бош бўлакли гапларни аниқлаб, устига турини ёзиб қўйинг.

Ҳаёт ... умр бўйи синайди, дейишганида, унчалик эътибор қилмасдим. Бу ҳам бир гап-да, деб қўя қолардим. Янглишган Эканман.

Яшаб ўтган йилларимизнинг энг бахтли ... эслаймиз ва уни ... деб атаймиз. Аммо шу умр бўлса, айрилиқлар, маҳрумликлар, йўқотишлар билан ўтган ... йилларимизни нима деб атаймиз?

Менимча, ... дамларда инсон фаолияти бир қадар суёт намоён бўлади. Айрилиқ, чекланиш, изтироб дамларида инсон битта ... яшайди. Тўсиқларни бузиб ўтиш, чекланишларга, тухматларга қарши кураш жараёнида ... боради. Ҳаётда ... топишга интилади. (Ш.)

Берилган сўзлар: умр, тобланиб, одамни, дақиқаларини, изтиробли, мақсад билан, ўз ўрнини, бахтли.

376-машқ. Матини ифодали ўқинг. Тиниш белгиларининг қўйилиш сабабини тушунтиринг.

Она – муқаддас! Она азиз ва мўътабар сиймо. Она – улуғлик, гўзаллик, донолик тимсоли. Она – ҳаёт чашмаси. Ана шу чашмадан фарзандлар бутун эзгуликни, олижанобликни, умуман инсонийликни шимириб чанқоқликларини қондирадилар. Оналар ҳақидаги ҳикматлар асрлар оша инсониятнинг мана шу улуғ сиймоларга ҳурмати рамзи сифатида сайқаллашиб келмоқда. (Журн.)

377-машқ. Кўчиринг. Кўчирма гап ва муаллиф гапини намунада кўрсатилгандек белгилапг.

Намуна: “Умри узоқ бўлсин, – деди Акрам ҳожи, – йилитларимиз ичида энг ақллиги экан”. (А.Қод.)

“К, – м, – к”.

1. Бир куни подшоҳ афандидан: “Катта ҳовуздаги сув неча челақ чиқади?” – деб сўрабди. Афанди: “Агар челақ шу ҳовуздай бўлса, бир челақ чиқади”, – деб жавоб берибди.
2. Бемуруват, хунук арига айтгил: “Асал бермасанг ҳам

нишингни санчма!” 3. И. В. Мичурин бундай деган: “Ўсимлик қанча ёш бўлса, янги шароитга шунча тез ва яхши мослашади”. 4. “Хадича опангиз боролмайди-да”, – деди доктор хотиржам оҳангда. (Ў.Ҳ.) 5. “Яхши, акаларини кутсак кутармиз”, – деди улардан бири, сир бой бермай. (Т.М.) 6. Хусайн Бойқаро бепарволик билан: “Юринг, арзингизни тинглаймиз!” – деб кичкина бир хона томон бошлади. (О.) 7. “Бобур Мирзо зафар билан қайтсалар, отамнинг ўша орзуларини рўёбга чиқарурлар, – деди Хонзода бегим. – Ўшанда яна ўзингиз бош бўлурсиз, мавлоно!” (П.Қ.) 8. “Ҳаммаси рост, – деди мўйсафид, – биз кўрдик ўша даҳшатли кунларни, сизлар асло кўрманглар”.

378-машқ. Матни ўқинг. Киришлар қатнашган гапларни кўчиринг ва синтактик таҳлил қилинг.

СЎЗЛАШИШ ҲАМ САНЪАТ

Одамлар бутун ички дунёсини, мақсадини, муомала ва муносабатларини бир-бирларига сўз ёрдамида етказди, амалга оширади. Шу туфайли сўзлашув муносабатлари ниҳоятда гўзал ва мулойим бўлишини ҳаёт тақозо этади.

Сўзга бой, ширинсухан кишиларнинг муомалалари ёқимли, иши ҳам юришган бўлади. Бундайларни одамлар ёқтиради, ҳурмат қилади. Аксинча, тили аччиқ, қўпол сўзлайдиган инсонларни одамлар ёқтирмайди.

Муомала-муносабатда, бирон ишни битказишда бундай одамлар қийналадилар, одамлар орасида ҳурмати бўлмайди. Тилни яхши билмоқ, сўзлашув санъатини эгалламоқ учун ҳаётини заруратдир. Бошқача қилиб айтганда, сўзлашув ҳам ўзига хос санъатдир. Бу санъатни мукамал ўрганмоқ ҳар бир инсонга зарур. Шу билан бирга, она тилини мукамал ўрганмоқ ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир. Тилни билгач, уни ишлата билиш санъатини эгалламоқ инсон учун зарурдир.

Кўп тилни билишнинг аҳамияти жуда катта. Одамзод ер юзидаги турли миллатлар билан муомала ва муносабатда

бўлганлиги учун бир ёки бир неча тилни билмоғи керак. Кўп тилни билмоқлик яхши фазилат ва бу инсоннинг катта бойлиги ҳисобланади. Ватандан ташқарига чиқиб, савдо-сотик, турли ишларни битириш, саёҳатга бориш, дунёдаги кучли билимгоҳларга бориб ўқиш имкониятини беради, турли миллат вакиллари билан дўстлашиш шарафига муяссар қилади. Албатта, бундай иқтидорли одамларнинг келажаги порлоқдир. Ўз оиласига, халқига, ватанига кенгроқ доирада хизмат қилишга имкон бўлади. Ўз халқига кўпроқ фойдаси тегади. Жаҳон илм-фани ва техникаси ютуқларидан фойдаланиш имконияти ортади.

(“Дурдоналар хазинаси”дан)

379-машқ. Ўқинг. Қандай матн эканлигини айтинг. Қайта баён қилиш учун режа тузинг. Тиниш белгиларининг қўлланилиш сабабини тушунтиринг.

СУТ ВА САЛОМАТЛИК

Сут инсон ҳаёти учун зарур бўлган озиқ маҳсулотидир. Шифокорларнинг фикрича, сут ва сут маҳсулотлари болаларнинг ақлий, жисмоний ривожланиши учун ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Сут – инсоннинг ёруғ дунёга келиши билан татиб кўрган биринчи озиғидир. Кўпгина одамларнинг сутга бўлган ихлоси вояга етганда ва ҳатто ёши анча улғайиб қолган пайтларида ҳам сақланиб қолади.

Қадимги Миср, Греция ва Рим ҳакимлари сутни “саломатлик манбаи”, “оби ҳаёт” деб бежиз атамаганлар. Машҳур юнон ҳакими Гиппократ ҳайвонларнинг сутини қайси касалликларда ишлатса бўлади-ю, қайсиларида ишлатиб бўлмаслигини ўз асарларида эрамиздан 400 йил илгари айтиб ўтган. Бундан минг йил илгари яшаб ўтган Ўрта Осиёлик буюк аллома Абу Али ибн Синонинг “Тиб қонунлари” асарида ҳам сутнинг шифобахш хусусиятлари тилга олинади. Машҳур табиб сут ва сут маҳсулотлари болалар ҳамда кексалар учун энг яхши овқат, деб айтган.

XVII асрга оид русларнинг Шифо китобларида сут юрак, маҳда-ичак касалликларига, қимиз ва қатик эса сил, ич

терлама, иситмага даво қилишда ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайдиган маҳсулотдир, деган сўзлар бор.

Сутнинг фойдаси биринчи марта улуғ рус физиологи И.П.Павлов лабораториясида илмий жиҳатдан асослаб берилди. Яна бир рус олими С.П.Боткин ўтказган тажрибалари натижасида “сут юрак ва буйрак касалликларини даволашда қимматли воситадир” деган хулосага келди.

Сутни ер юзидаги етти мўъжизанинг бири деса бўлади, чунки бошқа маҳсулотларга қараганда сутда углеводлар, ёғлар, оқсиллар, витаминлар, ферментлар, иммун таналар, минерал тузлар кўп бўлади.

Сутнинг химиявий таркиби энг юқори кўрсаткичлар билан таърифланадиган зоналарга Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Фарбий Сибир ҳудудлари киради.

Сутнинг озиқалик қиймати, парҳезлик ва шифобахшлик хусусиятлари тенгсиз даражада бўлгани учун уни қайта ишлаб, бир қанча сут маҳсулотлари тайёрланади. *(Журн.)*

380-машқ. Қуйидаги кириш сўзлар иштирокида гаплар тузинг. Киришлар гапнинг бошида, ўртасида ва охирида келсин.

Ҳақиқатан, шубҳасиз, рост, тўғри, тўғриси, сўзсиз, албатта;

Чамамда, афтидан, эҳтимол, шекилли, башарти;

Хайрият, яхшиямки, ишқилиб, кошкийди, қани энди;

Қизик, ажаб, ажабо, тавба, наҳот, наҳотки;

Менимча, назаримда, айтишларича, билишимча, айтмоқчи;

Хулласи калом, шундай қилиб, қўйингки, умуман;

Авалло, ниҳоят, дастлаб, охири.

381-машқ. Матнни ўқиб, мазмуини сўзланг. От-кесимли гапларни аниқлаб, дафтарингизга ёзинг ва синтактик таҳлил қилинг.

ЁШЛИК ҒУЗАЛЛИК

Ёшлик умр фаслининг баҳоридир. Баҳор эса ёшлик рамзидир. Бу фаслда бутун мавжудот ранго-ранг либос кияди.

безанади. Осуда уйқуда ётган табиат оҳиста уйғонади, ҳаёт ва гўзаллик бошланади. Ёшлик баҳорининг ўзи бир гўзалликдир.

Бу даврда ёшлар қанчадан-қанча ажойиб эзгу ниятларга муяссар бўладилар. Улар илмуфанга, табиат ва жамият тараққиётининг қонунларини аниқлашга, умуман, коинотнинг сирларини билишга интиладилар.

Айтишларича, 25 ёшгача бўлган умр табиатнинг одамга берган бебаҳо ва беғараз эҳсонидир. Ундан оқилона фойдаланиш инсоннинг бурчидир. Тарихга бир назар солсанг, барча буюк сиймолар ёшликда ўз истёбодларини намойиш қила олганликларига ишонч ҳосил қиласан.

Хотираси ниҳоятда кучли бўлган Алишер Навоий ёшлигиданоқ ўз ижодий камолоти устида зўр ғайрат ва матонат билан ишлаган, жуда кўп шеърларни ёд билган. У 12 ёшида Лутфийнинг олқишига сазовор бўлган буюк ғазал битган.

Мирзо Улуғбек 18 ёшида жаҳонга машҳур бўлган, Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Сино ёшлигидан табиат ва коинот сирларини очганлар. Инсоният тарихида қолган машҳур математиклар ҳам айни шу ёшда буюк кашфиёт эгаси бўлганлар. Дунёга танилган машҳур бастакорлар Моцарт ва Бетховенлар ҳам ўлмас асарларини ёшликдан ижод этга бошлаганлар.

Ёш қалб эгасини оқар дарё каби тўлиб-тошиб турган куч-қудрат ва беқиёс ғайрат безайди. Бундай ёшлик асло такрорланмайди.

Ёшлик табиатдаги, ҳаётдаги гўзалликларни, айниқса, инсондаги ижобий фазилатларни севиш, улардан завқланиш, эстетик дид, фаросат ва нафосатнинг шакллана бориш давридир. (P. V.)

382-машқ. Тўртликларни ўқинг. Гапларни чегаралаб, тартиби ўзгарган бўлақларни аниқланг.

1. Кимки гулга бўпти чин шайдо,
Уни узиб ҳидлаш шарт эмас.

- Оро беринг: гўзаллик пайдо!
 Ҳирс гадосин ҳеч ким мард демас. *(Ж.Қурашев)*
2. Дунё фоний, фонийдир дунё!
 Устун бўлиб яшаймизми ё?
 Яхшилиқни ўйлаймиз қачон?
 Аро йўлда йиғлайди ҳаё! *(М.Мусабоева)*
3. Ҳавас, нафрат, орзу, умид қоришиб,
 Югуртирар мени ёмғирда, дўлда.
 Аста-аста осмон келар ёришиб,
 Аста-аста қорлар эрийди йўлда.
 Ва тупроққа сингар сувлар бенишон—
 Бир сўз қолмас ёмғир ёзгани — хатдан.
 Бу йўллардан ўтажакман мен, ишон,
 Минг қоқилиб бўлса ҳамки, албатта. *(Х. Х.)*
5. Ёмонликка юрмайди яхши киши,
 Ўтар яхшилиқ бирла доим иши. *(Саъдий)*

383-машқ. Шеърни ифодали ўқинг. Бир бош бўлакли гапларни аниқлаб, турларга ажратиб кўчиринг.

ЕШ ЎЗБЕК ШОИРЛАРИГА

Сўзларни қайрайлик
 обдон тоблайлик,
 идрок-ла совутиб тағин қайрайлик,
 Ўзбекнинг қоракўз болаларига
 битта дунё қолсин ҳайратлик,
 Битта дунё қолсин мустаҳкам,
 эшилган пўлатдай дарёлар қолсин,
 чақилмас тошлардай бир тоғлар қолсин,
 мусаффо хаёллар, самолар қолсин.
 Сўзларни қайрайлик,
 дўстлар, жўралар,
 ғафлат тўшагида ётмай, шошайлик:
 яшамоқ, курашмоқ, ўлмоқ сирларин
 болакайлар учун очайлик.

Битта дунё қолсин мустаҳкам,
унга посбон бўлсин ўткир шеъримиз,
токим бу дарёлар бемалол оқсин,
болаларга қолсин жаннат еримиз.
Сўзларни қайрайлик,
тагин қайрайлик,
токим кескир бўлсин бамисли олмос.
Ўткир сўз қолмаса шоирларидан,
ўткир сўз қолмаса...
ҳеч нарса қолмас. (Ш.Раҳ.)

384-машқ. Ўқинг. Қуйидаги парчада нечта гап ва нечта сўз бирикмаси борлигини аниқланг.

Меҳмонларнинг бири кўркам, кўкиш кўзли йигит эди. Унинг офтобда қорайган ва шамолда дағаллашган ғамгин чеҳраси ташвиш, азоб-уқубат чекканидан далолат берарди.

385-машқ. Ўқинг. Гапнинг қайси бўлаклари ажратилганини аниқланг.

1. Бу нотанишлардан бири – яхши кийинган, улуғвор, ҳамманинг диққатини ўзига тортган одам – ингичка табассум билан деди. (О.) 2. Фақат Бобур подшоҳнинг бир амри – май ичишнинг ман этилиши бизга маъқул келмади. (П.Қ.) 3. Кўҳистоний нима дейишаётганини тушунмай саросима бўлаётган эди. этакда – ёнгинасида қўл қовуштириб турган чўққисоқол бир киши туркий тилда унга буйруқ берди. (Мирм.) 4. Қизнинг Тўғонбек томонидан олиб қочилгани маълум бўлса, гап чуваланиши мумкинлигини мулоҳаза қилди – кўнгли ғаш бўлди. (О.) 5. Фақат узоқларда, ўз ҳолига ташлаб қўйилган боғларнинг ичкарасида, бир қанча қизил доналар сочилиб ётибди. (“Ч.”)

386-машқ. Шеърни ифодали ўқинг. Унданмалли гапларни кўчириб ёзинг.

ОТА ЮРТИМ

Таърифун тавсифингни битмоққа қалам ожиз,
Сен каби сўлим гўша тополмам кезиб ҳаргиз.

Набийлар пой қадами етган жаннат маконим,
Сенсан давлат арконим, ота юртим, Ўшпирим.
Муқаддассан, азизсан, мафтунинг аҳли жаҳон,
Дуолардан кўкариб бўлаяпсан фаровон.
Одамлари меҳмондўст, бағри кенг, қалби дарё.
Сўзи равон билимдон, дерсиз булбули гўё.
Орзумдаги маконим, то абад битар шеърим,
Сенсан орзу-армоним, ота юртим, Ўшпирим.

(Моҳларбону)

387-машқ. Шеърни ифодали ўқинг. Гапинг грамматик асосини ва иккинчи даражали бўлакларни аниқланг.

СЎНГГИ КЎНЕНРОҚ

Остонангни ҳатлаб келган дамларим ёдимдадир,
Энди, мактаб, сени мактаб, дил паришон борадир.
Устозларим, синфдошлар, барчаси ёнимдадир,
Дилим ўксиб, кўзимда ёш, қалбим пора-порадир.

Ёшлигимни боғлаган занжирлари узилди,
Хайрлашув онларида кўнгил бунча бузилди.
Маърифатнинг боғларида гул тергандим бунда мен.
Сингиролмай қолдим ўзим бу тарихий кунда мен.

Маънавият олаmidан дарё берган устозларим,
Сизни қўмсаб хотирамда ўчмас қилиб сақлайини.
Ташаккурим айлай изҳор сизга кўнгил розларим,
Ишонч ила айтай жўшиб меҳнатингиз оқлайини.

(Моҳларбону)

388-машқ. Кузатишларингиз асосида ёз фаслининг эрта тонги мағзарасини тасвирлаб, қисқа ҳажмли эссе ёзишга тайёрланг. Ижодий ишингиз мазмунига мос сарлавҳа ва эпиграф танланг.

КЎРГАЗМА СИФАТИДА ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ЖАДВАЛЛАР




2-жадвал


ЭРГАШ СЎЗ БИЛАН БОШ СЎЗНИНГ БОҒЛАНИШ УСУЛЛАРИ

МОСЛАШУВ	БОШҚАРУВ	БИТИШУВ
Бош сўз билан эргаш сўзнинг шахс-сонда мослиги мослашув дейилади.	Бош сўзнинг талаби билан эргаш сўзнинг маълум грамматик воситани олиши бошқарув дейилади.	Эргаш сўзнинг бош сўз билан грамматик воситасиз, фақат маъно жиҳатдан бирикиши битишув дейилади.
<i>Менинг дўстим Сенинг аканг Аҳмаднинг онаси Бизнинг боғимиз Сизнинг мартабангиз Уларнинг ҳовлиси</i>	<i>Сувни ичмоқ Дафтарга ёзмоқ Мактабда ўқимоқ Ишдан келмоқ Қалам билан чизмоқ Одоб ҳақида сўзламоқ.</i>	<i>Тиниқ сув Катта бино Ақлли бола Ўқиш орзуси Атлас кўйлак кийган қиз Жилмайиб турмоқ</i>

Гапнинг мақсадга кўра турлари

Дарак гап	Сўроқ гап	Буйруқ гап
Иш-ҳаракат, воқеа-ҳодиса ҳақида дарак беради, хабар маъносини билдиради.	Сўзловчи ўзи баён қилган фикрга суҳбатдошнинг фикр билдиришга ундайди.	Илтимос, чақириқ, буйруқ, таклиф, маслаҳат маъноларини билдиради.
<p>1. <i>Куз.</i> 2. <i>Пишиқчилик.</i> 3. <i>Далаларда, боғларда иш қайнайди.</i> 4. <i>Дехқон ёз бўйи меҳнат қилиб, еттиштирган ҳосилни йиғиб-териб олиш учун бола-чақаси билан меҳнат қилмоқда.</i></p>	<p>–<i>Исмингиз нима?</i> –<i>Исмин Муродбек.</i> –<i>Довуд аканинг ўғлимисиз?</i> –<i>Ҳа, Довуд аканинг ўғлиман.</i> –<i>Қасрда ўқийсиз?</i> –<i>Бухорода ўқийман</i> –<i>Бухорода?</i></p>	<p><i>Йилламай тур, укажон!</i> (илтимос, ялғиниш) <i>Ҳасад қилма, ҳавас қил!</i> (маслаҳат) <i>Мактабимизни доимо озода сақлайлик!</i> (таклиф, чақириқ) <i>Яқинлашма, яқинб ташлайман!</i> (буйруқ).</p>





ЭГАНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

№	Ифодаланиши	Мисоллар
1.	От билан	<i>Амир Тему</i> р жаҳл билан унга қаради. <i>Ақл</i> – табиат берган энг буюк инъом.
2.	Олмош билан	<i>Мен</i> халқларнинг келажакда бирлашу-виға ишонаман. <i>Алишер</i> нинг овозини эшитиб, <u>ҳамма</u> тинчланди.
3.	Отлашган сўзлар билан	<i>Яхши</i> топиб гапиреди, ёмон қошиб гапиреди. <i>Кўрганни кўрмаган</i> енгибди. (Мақол) <i>Тўрталаси эрталаб</i> йўлга тушишди.
4.	Ҳаракат номи билан	<i>Ўқимоқ</i> – юксалмоқ. <i>Яшамоқ</i> курашмоқ. <i>Тортишув</i> қизиби кетди.
5.	Сон билан	<i>Икки ўн беш</i> – бир ўттиз. <i>Беш карра беш</i> – йигирма беш.
6.	Ундов сўз билан	<i>Хонадондан яна дод</i> чиқди.
7.	Тақлид сўз билан	<i>Пастки</i> бинодан усталарнинг <i>тақир-туқир</i> и эшитилди.
8.	Ажралмас бирикмалар билан	<i>Отларни отхонага олиб ўтилмагани</i> Зиёдуллани ажаблантирди.
9.	Ибора билан	<i>Бундай ишни юрагид</i> а ўти борлар қилади.

КҮЧИРМА ГАПЛАРДА ТИНИШ БЕЛГИЛАРИ

I	1. «К», – м.	2. «К?», – м.	3. «К!» – м.
II	1. М: «К».	2. М: «К?»	3. М: «К!»
III	1. М: «К», – м.	2. М: «К?» – м.	3. М: «К!» ₁ , – м.
IV	1. «К, – м – к».	2. «К? – м. – К?»	3. «К! – м. – К!»
		«К, – м. – К».	

КЕСИМНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

№	Ифодаланиши	Мисоллар
1.	Феъл билан	<i>Яхши гап билан илон инидан <u>чиқади</u>.</i>
2.	От билан	<i>Солижон Шарипов – <u>космонавт</u>.</i>
3.	Сифат билан	<i>Хоналар кенг ва <u>ёруғ</u>.</i>
4.	Сон билан	<i>Бирники – <u>мингга</u>, мииники – <u>туманга</u>.</i>
5.	Равиш билан	<i>Бир йингитга етмиш хунар <u>оз</u>.</i>
6.	Ундов сўз билан	<i>... Орқада қолганларнинг ҳолига <u>вой!</u></i>
7.	Тақлид сўз билан	<i>Чўпонларнинг қулоғи <u>динг</u>.</i>
8.	Модал сўз билан	<i>Ҳамма бор, фақат сиз <u>йўқ</u>. Жанжал кимга <u>керак?</u></i>
9.	Отли бирикмалар билан	<i>Мен – <u>бахт қушиман</u>. Ойим – <u>математика ўқитувчиси</u>.</i>
10.	Ибора билан	<i>Ҳамқишлоқлари ундан <u>юз ўгирди</u>.</i>
Эслатма: от кесимлар баъзан жўналиш, ўрин-пайт ва чиқиш келишикларида ҳам келиши мумкин.		<i>Куч <u>бирликда</u>. Умидимиз <u>сиздан</u>.</i>

БИР БОШ БЎЛАКЛИ ГАПЛАР

Шаҳси маълум гап	Кесим орқали эгани топиш мумкин.	<i>Ўлимдан кўрқмайман. Йўқ, асло! Изсиз йўқолишдан кўрқаман. (Лермонтов) Ақлли жавоб олишни истасанг, ақлли савол бер. (Гёте)</i>
Шаҳси номаълум гап	Иш-ҳаракат бажарувчиси номаълум бўлади.	<i>Жўжани кузда санайдилар. Умрни оқар сувга ўхшатишади. Марғилонда кичикларни ҳам сизлашади. Тозаликка риюя қилинсин!</i>
Шаҳсиз гап	Умуман, эгани топиб бўлмайди.	<i>Руҳни даволатмай туриб, танани даволаб бўлмайди. (Сукрот) Зўр қувончга фақат катта меҳнат билан эришиш мумкин. (Гёте)</i>
Шаҳси умумлашган гап	Мазмунан ҳар учала шахсга тааллуқли гап.	<i>Етти ўлчаб, бир кес. (М.) Фосиқдан ҳаё тилама, Золимдан вафо тилама. (А.Н.)</i>
Атов гап	Маълум бир нарса ёки, ҳодисанинг мавжудлигини тасдиқлаш йўли билан ифодаланади.	<i>Баҳор. Барқут кийиб, безанди боғлар. (Э.В.) Тоғлар! Баланд тоғлар! Альпинистлар Кун бўйи китоб ўқиш... Кишини толиқтиради.</i>

СОДДА ГАПНИНГ УМУМИЙ ТАДСИФИ

№	Гапнинг асосий турлари	Турнинг бўлиниши
1.	Гапнинг мақсадига кўра	1. Дарак гап; 2. Сўроқ гап; 3. Буйруқ гап;
2.	Гапнинг тузилишига кўра	1. Содда гап; 2. Қўшма гап.
3.	Гапнинг воқеликка муносабатига кўра	1. Тасдиқ (бўлишли) гап; 2. Инкор (бўлишсиз) гап.
4.	Бош бўлақлар мавжудлигига кўра	1. Икки бош бўлакли гап; 2. Бир бош бўлакли гап: 1) шахси маълум гап, 2) шахси номаълум гап, 3) шахси умумлашган гап, 4) шахсиз гап, 5) атов гап, 6) вокатив гап, 7) сўз-гап.
5.	Иккинчи даражали бўлақлар мавжудлигига кўра	1. Йиғиқ гап; 2. Ёйиқ гап: 1) аниқловчили, 2) тўлдирувчили, 3) ҳолли, 4) аралаш.
6.	Ҳис-ҳаяжон иштирокига кўра	1. Ҳис-ҳаяжонсиз гаплар; 2. Ҳис-ҳаяжон гаплар: дарак, сўроқ, буйруқ гаплардан ҳосил бўлган ундов гаплар.
7.	Гапда зарурий бўлақларнинг ифодаланишига кўра	1. Тўлиқ гап; 2. Тўлиқсиз гап.
8.	Гапнинг бўлақларга бўлиниш-бўлинмаслигига кўра	1. Бўлақларга бўлинадиган гаплар; 2. Бўлақларга бўлинмайдиган гаплар: атов гаплар; сўз-гаплар (тасдиқ, инкор, ҳис-туйғу, урфодат, сўроқ, табрик, хитоб, таҳсин, буйруқ сўз шаклидаги гаплар); вокатив гаплар (дўқ, ғазаб, таажжуб, шодлик, таъна, пичинг, афеусланиш таъқиқлаш маъноларини оҳанг орқали ифодалайдиган ундалма шаклидаги гаплар).
9.	Гапнинг мураккаблашиш ва мураккаблашмаслик хусусиятига кўра	1. Мураккаблашмаган гаплар; 2. Мураккаблашган гаплар: уюшиқ ва ажратилган бўлакли гаплар; ҳаракат номи, сифатдош ва равишдош ўрамлар билан кенгайган гаплар; ундалмали гаплар; кириш ва киритма конструкцияли гаплар.

УЮШИҚ БЎЛАКЛАРНИНГ ЎЗАРО БОҒЛАНИШИ ВА УЛАРДА ТИНИШ БЕЛГИЛАРИНИНГ ҚўЛЛАНИЛИШИ

№	Боғланиш йўллари	Мисоллар
1.	Уюшиқ бўлақлар боғловчиларсиз, оҳанг ёрдамида боғланса, уюшиқ бўлақлар орасига вергул қўйилмади.	<i>Ўқувчилар тажриба ўтказиш учун сой бўйидаги тошлардан, ҳар хил гиёҳлардан намуналар олди.</i>
2.	Уюшиқ бўлақлар бириктирув боғловчилари – <i>ва, ҳамда</i> ; боғловчи вазифасидаги билан ёрдамида боғланса, уюшиқ бўлақлар орасига вергул қўйилмади.	<i>Устоз ва шогирд узоқ суҳбатлашди.</i> <i>Ёшлиғиданоқ Алшар билан Ҳусайн қалин дўст эди.</i>
3.	Уюшиқ бўлақлар бириктирув боғловчиси вазифасидаги – <i>у, -ю</i> юктамалари ёрдамида боғланса, уюшиқ бўлақлар орасига вергул қўйилмади.	<i>Шанбаликда ўғиду киз, катта-ю кичик бирдек гайрат билан ишлар эди.</i> <i>Ўқувчи-ю талаба – бари байрам кайфиятида эди.</i>
4.	Уюшиқ бўлақлар зидлов боғловчилари – <i>аммо, лекин, бироқ</i> ; зидлов боғловчиси вазифасидаги – <i>у, -ю</i> юктамалари ёрдамида боғланса, уюшиқ бўлақлар орасига вергул қўйилмади.	<i>Оз гапир, лекин соз гапир.</i> <i>Фурурли бўл, аммо мақтанчоқ бўлма.</i> <i>Ақлли одам кўп нарсаи биллади-ю, оз гапирди.</i> <i>Шукурбек дарвозани очди-ю, ичкарига кирмади.</i>
5.	Уюшиқ бўлақлар боғловчиси вазифасидаги – <i>да</i> юктамаси ёрдамида боғланса, уюшиқ бўлақлар орасига вергул қўйилмади.	<i>Йигит ўрнидан турди-да, эшикка қараб югурди.</i>
6.	Уюшиқ бўлақлар такрорланиб келувчи – <i>на</i> юктамаси ёрдамида боғланса, уюшиқ бўлақлар орасига вергул қўйилмади.	<i>Болакай тинимсиз йиғлар, на бировнинг гапига кулоқ соларди, на йиғлашининг сабабини айтарди.</i>
7.	Уюшиқ бўлақлар такрорланиб келувчи айирув боғловчилари – <i>ё, ёки, ёхуд, баъзан, ҳам, гоҳ, ҳам</i> кабилар ёрдамида боғланса, уюшиқ бўлақлар орасига вергул қўйилмади.	<i>Шоир гоҳ амирзодага, гоҳ шовқин солаётган оломонга қарарди.</i> <i>Лоқайд одамда кизиқиш ҳам, эътирос ҳам, эътибор ҳам, эзгулик ҳам бўлмайди.</i>
8.	Уюшиқ бўлақлар такрорланмай қўлланилувчи айирув боғловчилари ёрдамида боғланса, уюшиқ бўлақлар орасига вергул қўйилмади.	<i>Зулфия онасини кўрганни ҳар ойда келар ёки мактуб юборар эди.</i>

УЮШИҚ БЎЛАКЛИ ГАПЛАРДА УМУМЛАШТИРУВЧИ
СЎЗ ВА ТИНИШ БЕЛГИЛАРИ

1.	Умумлаштирувчи сўз уюшиқ бўлақлардан олдин келса, ундан кейин икки нуқта (:) қўйилади.	<i>Атрофни қуршаган ҳамма нарса: тоғу тошлар, қир-адирлар, дов-дарактлар баҳор ҳавосига чўмилгандай тиниқ, ям-яшил кўринарди.</i>
2.	Умумлаштирувчи сўз уюшиқ бўлақлардан кейин келса, ундан аввал тире (-) қўйилади.	<i>Ўша ўкинчли армон, ушалмаган орзу, тарқалмаган хумор – ҳаммаси унинг қалбини тирнаб, изтироб соларди.</i>

ГАП БЎЛАКЛАРИ БИЛАН ГРАММАТИК АЛОҚАГА
КИРМАГАН СЎЗЛАР

Ундалма	Киришлар	Киритмалар
Сўзловчининг нутқи қаратилган шахс ёки предметни билдиради.	Сўзловчининг ўзи баён қилаётган фикрга муносабатини билдиради.	Сўзловчининг баён қилаётган фикрига қўшимча маълумотни ифодалайди.
<i>Оқ қогоз, юзингта сиримни айтаман. Мени бу сафар ҳам тинглагил, дўстим. (А.О) Бу баҳор айёмда, гул гунчалар, хандон бўлинг, Куйла, чал сөзингни, булбул, дўстларим, шодон бўлинг. (Ш. Шом)</i>	1. Фикрнинг кимга қарашлилиги: <i>менимча, айтишларича, назарида</i> 2. Ишонч: <i>албатта, шубҳасиз, дарҳақиқат</i> 3. Ачиниш: <i>эсиз, афсус</i> 4. Гумон: <i>балки, эҳтимол</i> 5. Тасдиқ: <i>тўғри, рост</i> 6. Якун: <i>демак, ҳуллас</i> 7. Тартиб: <i>биринчидан, иккинчидан, учинчидан</i>	<i>Ҳайдовчи олдида (ўшаларнинг хўжайини бўлса керак) битта семиз киши ўтирибди. (Ў.Х.)</i> <i>Ҳар қандай асарда ҳам, маълум маънода қалам-каш биографиясининг бир бўлаги акс этади (ҳатто тарихий романларда ҳам). (Ў.Х.)</i>

ГАПНИНГ АЖРАТИЛГАН БЎЛАКЛАРИ

Ажратилган эга	Ажратилган кесим	Ажратилган аниқловчи	Ажратилган тўлдирувчи	Ажратилган ҳол
<p><i>Биз, акам ва мен, уйдан чиқиб, тўғри бобомнинг ҳовлисига бордик.</i></p> <p><i>Икки синфдош дугона, Ирода ва Зилола, тошширқин биргаликда ба жардилар.</i></p>	<p><i>Болалик орзулари ўттиз кунлик ой нури каби унга хиёнат қилди – зулмат қаҳрига сингиб кетди.</i></p> <p><i>Будутлар билан олишиб чарчаган қуёш уфққа бош қўйди – қўздан гойиб бўлди. (Т.М.)</i></p>	<p>Ажратилган сифатловчи-аниқловчи</p> <p>Ажратилган қаратувчи-аниқловчи</p> <p>Ажратилган изоҳловчи-аниқловчи</p>	<p>Ажратилган воситасиз тўлдирувчи</p> <p>Ажратилган воситали тўлдирувчи</p>	<p>Ажратилган ўрин ҳоли</p> <p>Ажратилган пайт ҳоли</p>
		<p><i>Меҳмов, пастағали, кўшкўраг, ҳаммамнинг лиққатини торди.</i></p> <p><i>Нолира бегим Кўзон хонининг, Умархоннинг, севимли аёли эди.</i></p> <p><i>Олам, Хилола, Уш Давлат университетига ўқийди.</i></p>	<p><i>Жалон китобхоналари ёзувчи – Ҷ. Айтматовни яши билалдилар.</i></p> <p><i>Нолнинг акаси билди, моҳир курувчи Довуд билди, фойдаларди.</i></p>	<p><i>Кўрбон ота суяга, сада остига, жой қилди.</i></p> <p><i>Ингит ҳар куни бир вақтда – пошгоҳқа келадиган бўлди.</i></p>

ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

<i>А.О.</i>	– Абдулла Орипов	<i>Ойл.</i>	– Ойдин
<i>А.Қ.</i>	– Абдулла Қаҳҳор	<i>П.Т.</i>	– Парда Турсун
<i>А.Қол.</i>	– Абдулла Қодирий	<i>П.Қ.</i>	– Пиримкул Қодиров
<i>А.Ж.</i>	– Абдурахмон Жомий	<i>Р.</i>	– Рудакий
<i>А.Э.</i>	– Авлиёхон Эшон	<i>С.А.</i>	– Саид Аҳмад
<i>А.Н.</i>	– Алишер Навоий	<i>С.З.</i>	– Саида Зуннунова
<i>Ас.М.</i>	– Асқад Мухтор	<i>С.К.</i>	– Саъдулла Кароматов
<i>А.</i>	– Афлотун	<i>Т.М.</i>	– Тоҳир Малик
<i>А.Р.</i>	– Аъзам Раҳим	<i>Т.Қ.</i>	– Тологон Касимбеков
<i>Б.Б.</i>	– Барот Бойқобулов	<i>У.</i>	– Уйғун
<i>В.</i>	– Вольгер	<i>Э.А.</i>	– Эркин Аъзамов
<i>Газ.</i>	– Газетадан	<i>Э.В.</i>	– Эркин Воҳидов
<i>Г.</i>	– Гете	<i>Энцикл.</i>	– Энциклопедия
<i>Журн.</i>	– Журналдан	<i>Ҷ.А.</i>	– Чингиз Айтматов
<i>З.</i>	– Зулфия	<i>«Ч»</i>	– «Чолиқуши» асаридан
<i>И.Р.</i>	– Иброҳим Раҳим	<i>Ш.Р.</i>	– Шароф Рашидов
<i>И.М.</i>	– Иқбол Мирзо	<i>Ш. Раҳ.</i>	– Шавкат Раҳмон
<i>Л.Т.</i>	– Лев Толстой	<i>Ш.Х.</i>	– Шукур Холмирасов
<i>«Манас»</i>	– «Манас» эпоси	<i>Ш.</i>	– Шухрат
<i>М.</i>	– Мақол	<i>У.Ҳ.</i>	– Уткир Ҳошимов
<i>М.И.</i>	– Мирзакалон Исмоилий	<i>«Қ.»</i>	– «Қобуснома»
<i>М.М.</i>	– Мирзохид Мирзараҳимов	<i>«Қ.Б.»</i>	– «Қутадғу билиғ»
<i>М.О.</i>	– Миркарим Осим	<i>Қ.М.</i>	– Қўлдош Мирзо
<i>Мирм.</i>	– Мирмуҳсин	<i>Ғ.Ғ.</i>	– Ғафур Ғулом
<i>Мирт.</i>	– Миртемир	<i>Ҳ.Н.</i>	– Ҳаким Назир
<i>М.Ю.</i>	– Муҳаммад Юсуф	<i>Ҳ.</i>	– Ҳикмат
<i>Н.Ф.</i>	– Носир Ғозилов	<i>Ҳ.О.</i>	– Ҳамид Олимжон
<i>О.Ё.</i>	– Одил Ёқубов	<i>Ҳ.Ғ.</i>	– Ҳамид Ғулом
<i>О.</i>	– Ойбек	<i>Ҳ.Х.</i>	– Ҳалима Худойбердиева

МУНДАРИЖА

Ўзбек тили дарсининг мақсад ва вазифалари.....	3
Ўқув йили бошида такрорлаш	
1-§. Сўз туркумлари.....	4

СИНТАКСИС ВА ПУНКТУАЦИЯ

2-§. Сўз бирикмаси ва гап.....	22
3-§. Сўз бирикмасининг сўз ва гапдан фарқи.....	25

ЭРГАШ СЎЗ БИЛАН БОШ СЎЗНИНГ БОҒЛАНИШ УСУЛЛАРИ

4-§. Мослашув.....	27
5-§. Бошқарув.....	30
6-§. Битишув.....	32
7-§. Сўз бирикмасининг турлари.....	33
8-§. Гап. Гапнинг асосий белгилари.....	40

ГАПНИНГ ИФОДА МАҚСАДИГА КЎРА ТУРЛАРИ

9-§. Дарак гап.....	42
10-§. Сўроқ гап.....	45
11-§. Буйруқ гап.....	48
12-§. Ҳис-ҳаяжон гап.....	50

СОДДА ГАП ТУРЛАРИ

13-§. Икки бош бўлакли гап.....	54
14-§. Гап бўлаклари ва уларнинг таснифи.....	57
15-§. Кесим – гапнинг грамматик асоси.....	58
16-§. Кесимнинг ифодаланиши.....	60
17-§. Кесимнинг турлари.....	61
18-§. Эга ва унинг ифодаланиши.....	67
19-§. Кесим билан эганинг шахс ва сонда ўзаро мослиги.....	68
20-§. Кесим ва эга орасида тиренинг ишлатилиши.....	72
21-§. Гапнинг иккинчи даражали бўлаклари.....	76
22-§. Тўлдирувчи.....	77

23-§. Воситасиз тўлдирувчи	80
24-§. Воситали тўлдирувчи.....	82
25-§. Ҳол.....	86
26-§. Вазият ҳоли.....	88
27-§. Ўрин ҳоли, пайт ҳоли.....	90
28-§. Сабаб ҳоли, мақсад ҳоли.....	92
29-§. Миқдор ҳоли.....	94
30-§. Аниқловчи ва унинг турлари.....	98
31-§. Сифатловчи-аниқловчи.....	100
32-§. Қаратқич-аниқловчи.....	102
33-§. Изоҳловчи-аниқловчи.....	103
34-§. Гап бўлақларининг тартиби.....	109
35-§. Маъно урғуси.....	112
36-§. Бир бош бўлакли гаплар.....	119
37-§. Шахси маълум гап ва шахси номаълум гаплар....	120
38-§. Шахси умумлашган гап.....	123
39-§. Шахсиз гап.....	125
40-§. Атов гап.....	126
41-§. Сўз-гаплар.....	132
42-§. Тўлиқ ва тўлиқсиз гаплар.....	134
43-§. Тўлиқсиз гап турлари.....	135

УЮШИҚ БЎЛАКЛИ ГАПЛАР

44-§. Гапнинг уюшиқ бўлақлари.....	137
45-§. Боғловчисиз ва тенг боғловчилар билан боғланган уюшиқ бўлақлар.....	141
46-§. Уюшиқ ва уюшмаган аниқловчилар.....	144
47-§. Уюшиқ бўлақларда умумлаштирувчи сўз ва сўз бирикмасининг қўлланилиши.....	147
48-§. Уюшиқ бўлакли гапларда тиниш белгиларининг ишлатилиши.....	149

АЖРАТИЛГАН БЎЛАКЛИ ГАПЛАР

49-§. Гапнинг ажратилган бўлақлари ҳақида маълумот.....	153
---	-----

50-§. Ажратилган тўлдирувчи ва унда тиниш белгиларининг ишлатилиши.....	155
51-§. Ажратилган ҳол ва унда тиниш белгиларининг ишлатилиши.....	156
52-§. Ажратилган аниқловчи ва унда тиниш белгиларининг ишлатилиши.....	158

УНДАЛМАЛИ, КИРИШ ВА КИРИТМАЛИ ГАПЛАР

53-§. Ундалма ҳақида маълумот. Ундалманинг ифодаланиши.....	163
54-§. Якка ва ёйиқ ундалмалар ҳамда уларда тиниш белгиларининг қўлланилиши.....	166
55-§. Киришлар. Киришларнинг сўз, сўз бирикмаси ва гап шаклида қўлланилиши.....	168
56-§. Киритмалар. Киритмаларнинг сўз, сўз бирикмаси ва гап шаклида қўлланилиши.....	171
57-§. Кўчирма гап.....	173
58-§. Кўчирма гапда тиниш белгиларининг ишлатилиши.....	176
59-§. Ўзлаштирма гап.....	181
60-§. Диалог ва унда тиниш белгиларининг ишлатилиши.....	184
Ўқув йили охирида такрорлаш.....	186
Кўргазма сифатида фойдаланиш учун жадваллар.....	214
Шартли қисқартмалар.....	224

Ўқув нашри

**Абдулхамид Нурманов, Саидахмад Халтурасев,
Дилфуза Абдуллаева**

ЎЗБЕК ТИЛИ

8-синфи учун дарслик

Биринчи нашри

Бош муҳаррир: *А. Ҳрибоев*

Техник муҳаррир: *М. Аҳмедов*

Сахифаловчи: *М. Тишабаева*

Корректор: *Д. Аббасова*

Босишга руқсат берилди 16.12.2011 имзо чекилди.
Офсет қоғози № 1. Формати 60x90 ¹/₁₆. "Таймс" гарнитураси.
Ҳажми 14,25 физ.босма тобоқ. Адади 15 000 нусха.
Бузуртма 743.

«Учкун» ОАЖ босмахонасида чоп этилди.
720031, Бишкек ш., С.Ибраимов кўчаси, 24.







